

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Шухрат Жалилов**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ҲУҚУҚИ**

**Юридик олий ўқув юртлари учун  
ўқув қўлланма**

**«VORIS-NASHRIYOT»  
Тошкент – 2007**

**Масъул муҳаррир**

**юридик фан доктори, профессор А.Х.Саидов**

**Тақризчилар**

**юридик фан доктори, профессор А.Тўлаганов**

**юридик фан номзоди, доцент М. Фуломов**

**юридик фан номзоди М. Сувоңқулов**

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ҳуқуқий демократик миллий давлатчиликни шакллантириш борасида, миллий ҳуқуқ тизимида ривожланиб, шаклланиб бораётган ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига бағишланган. У Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси асосида яратилган. Китобда илк бор Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг ривожланиш шарт – шароитлари, гушунчаси, ҳуқуқий нормалари, институтлари ва миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ёритилиб берилган. Шу билан бирга, ўзини ўзи бошқаришнинг тарихий, назарий асослари, хорижий давлатларнинг тажрибаси кенг ёритилган.

Муаллиф ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг асосий принципларига, функцияларига, ваколатларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларга алоҳида эътибор қаратган.

Ўқув қўлланма юридик ва гуманитар олий ўқув юртлари, магистрантлари, аспирантлари, ўқитувчиларига ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ўрганувчи кенг китобхоналарга мўлжалланган.

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишининг амалдаги босқичида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айти шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жа — мият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши ва та — фактури, ҳуқуқий онги ва маданияти тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Зеро, биз демократия неъматларининг истеъмолчиси бўлиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ана шу неъматларни яратувчи фаол шахслар бўлишимиз зарурати — бутунги давр, ислоҳотларимиз янги босқичининг муҳим шартларидандир.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришларга бефарқлик муносаба — тидан воз кечилмоқда, манфаатдорлик ҳисси қарор тошмоқда. Демократик кўникмалар фуқароларимиз ҳаёт тарзига тобора чуқур синггиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятининг асослари, ижтимоий — сиёсий муҳити ва кайфияти шаклланимоқда.

Ватандошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иш — тирок этиши эса, ўз навбатида, жамиятимизни явада демократ — лаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жум — ладан, маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жа — миятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир. Мустақиллик йилларида маҳаллалар, фуқаролар йиғинларининг нафақат обрў — эътибори, айти чоғда ваколатлари ва масъулият — лари кўлами ҳам изчил ортиб бормоқда.

Бу бежиз эмас. Зеро, фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало ижтимоий — иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг родини ка — майтириш ва бу вазифаларни босқичма — босқич жамоат ташки — лотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўт — каза боришни кўзда тутди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "ўзини ўзи бошқариш органлари — бизнинг келажагимиз. Бу органлар — нинг асосини қуришга киришган эканмиз, улар барпо этила — ётган адолатли фуқаролик жамиятининг пойдеворини ҳар то — монлама мукамаллаштириб бориш ҳар биримизнинг масъу —

лиятга ва муқаддас бурчимиздир”<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, миллий қонунчиликда белгиланишича, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятидир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, юридик фанлар доктори Шухрат Жалилов қаламига мансуб мазкур дарслик ана шу фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатларига, бошқача айтганда, миллий ҳуқуқ тизимида тобора ривожланиб, шаклланиб бораётган янги соҳа – ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига бағишланган биринчи фундаментал иш. Муаллиф амалиётчи ва олим сифатида ўзининг ҳаётгий тажрибаси ва кўп йиллик илмий – амалий кузатишлари асосида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шарқона демократик усули бўлган – маҳалла ҳақида қизақарли ва унга хос бўлган умумий манзарасини яратиб берган.

Ўқув қўлланмада илк бор Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг ривожланиш шарт – шароитлари, тушунчаси, ҳуқуқий нормалари, институтлари ва ушбу ҳуқуқ соҳасининг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни батафсил ёритилган. Шунингдек, ўзини ўзи бошқаришнинг тарихий, назарий асослари, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаси атрофлича таҳлил этилган.

Салмоқли ҳажми (11 боб, 33 параграф) мулоҳазалик мазмуни билан қўлланма ўзининг актуаллиги, илмий – амалий тарафдан муфассаллигини кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса таъкидлаш лозимки, ушбу ўқув қўлланма кўпроқ монографик тадқиқот характерига эгадир. Унда муаллиф ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига оид асосий мавзулар, мутахассис олимларнинг барча концептуал илмий ёндашувлари қаторида ўзининг муаллифлик концепциясини, тушунчаларини, фикр – мулоҳазаларини билдирган.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳокимияти тизимида ўзини ўзи бошқариш конституциявий тузумнинг асоси экани илмий – назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан теран талқин этилган. Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари, функциялари ва ваколатлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кенг тушунча берилган.

Қўлланманинг алоҳида боби сайлов мавзусига бағишланиб, унда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи –

<sup>1</sup> Ислам Каримов, «Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т. «Ўзбекистон», 2005 28-бет

лари сайлови тўғрисида»ги Қонун афроғлича таҳлил қилиниб, бу сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий – сиёсий фаоллик ва чинакам демократик мактаб эканлигини ҳар томон – лама очиб берган.

Айтиш лозимки, ушбу ўқув қўлланманинг ўқув методик, ил – мий даражаси Олий ўқув юртлари талабалари учун яратилмаётган янги авлод дарсликлари сифатида давр талабларига мос келади ва шу билан бирга талаба, аспирант ва илмий ходимларнинг, ўқитувчиларнинг, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг сиёсий етуклигини ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши муқаррардир.

**А.Х.Саидов**  
юридик фанлари доктори,  
профессор

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамият барпо этишни ўз олдига стратегик вазифа қилиб қўйди ва қисқа давр ичида миллий давлатчиликни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Фуқаролик жамияти, албатта, демократик ислоҳотлар орқали босқичма – босқич барпо этилади. Буида давлат ташқи сиёсат, мудофаа, мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини такомиллаштириш, қонунлар қабул қилиш каби умумий вазифаларни амалга оширса, бошқа масалаларни бажариш ваколатлари, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Марказдан жойларга, жамоат ташкилотларига ҳамда аста – секин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилиши лозим»<sup>1</sup>, чунки фуқаролик жамиятини шакллантириш ўзини ўзи бошқариш органларини фаоллаштириш орқали амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бутунги кунда катта куч бўлиб, уни давлат олдига турган вазифаларни ҳал қилишга моҳирона йўналтириш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамияти ва демократик адолатли ҳуқуқий давлат барпо этишни, усиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айна пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ бўлган янги ижтимоий муносабатларнинг назарий ва амалий ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва ўзлаштириш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Шу заруратдан келиб чиққан ҳолда 2002 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг, ҳуқуқшунослик факультети талаба ва магистрларига "Ўзбекистон Республикаси ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи" фани ўқитиб келинмоқда.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий, ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т. 1995 йил. 16 – бет.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанини ўқитиш ўзаро муштарак бўлган қуйидаги мақсадларни кўзлайди: умумий маърифий билим, ҳуқуқий таълим ҳамда амалий ўқув ва малакани ҳосил қилиш.

Умуммаърифий билим даражасида талабаларда ўзини – ўзи бошқариш ҳуқуқи ҳақида дастлабки билимларини ҳосил қилиш ва ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, шу тариқа Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали фуқаролик фаоллигини юқори даражага кўтаришни назарда тутди.

Ҳуқуқий таълим даражасида жамиятимизда ўзини ўзи бошқариш тизимининг Конституциявий асослари ва принциплари ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари ҳамда фаолияти, маҳалланинг — давлатимизнинг ноёб ўзини ўзи бошқариш миллий шакли ҳақида чуқур назарий билимларни ҳосил қилишни кўзлайди.

Фаннинг амалий аҳамияти ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият юритишини ва унинг ҳуқуқий—ташкилий тартибга солиш усуллари ўзига хос, ноёб ва бетакрор бошқарув институти сифати — даги хусусиятларини ўрганиш, у ҳақидаги назарий, тарихий ва амалий билимларни уйғунлаштира олиш малакасини қарор топтиришдан иборат.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини чуқур ўрганиш талабаларнинг жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини кўтаришга, давлатни бошқаришда уларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашади, сиёсий ҳаёт, давлат ва жамоат ишларидан воқифлик, мамлакат тақдирига даҳлдорлик ҳисси, ёш авлоднинг ватанпарварлик ҳамда фидоийлик фазилатларини камол топтиради.

Дарслик, мазкур соҳада яратилаётган биринчи иш бўлганлиги сабабли муаллиф учун китобхоннинг дарслик бўлимлари, мазмуни бўйича билдирилган тақлиф ва танқидий фикрлари қимметлидир ва кейинчалик у устидан иш олиб борганда инобатга олиш ниятидадир.

## **I БОБ**

### **ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИНИНГ СОҲАСИ СИФАТИДА**

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи соҳасининг  
ривожланиш шарт-шароитлари**

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи  
тушунчаси ва предмети**

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий  
нормалари ва институтлари**

**Ўзбекистон Республикаси миллий  
ҳуқуқ тизмидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи**



# **I БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИНИНГ СОҲАСИ СИФАТИДА**

## **1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш соҳасида туб демократик ислоҳотлар йўлга кирди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини вужудга келтириш муаммоси давлат ҳокимиятини, давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур органларни ҳокимият манбаи бўлган халқнинг ўзи тузади.

Ўзбекистоннинг жамият ва давлатни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишдаги демократик тамойиллар (принциплар)га ўтишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий негизини шакллантириш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун қонунчилик соҳасида ва конституциявий даражада кўпгина ишлар қилинди, зеро ўзини ўзи бошқариш шароитидагина фуқароларда умумий манфаат ва масъулият туйғуси вужудга келади, фуқаролар ўз ишларини мустақил ҳал этиш усулларини ўрганибгина қолмай, айнаи вақтда энг муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун ўз масъулиятини ҳам ҳис қилади. Бундан ташқари ўзини ўзи бошқариш сабоғини олган фуқаролар давлат сиёсати тўғрисида холис ва малакали фикр юрита оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб берилган ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги моддалар (32, 105-моддалар) конституциявий тузумнинг асосларидан биридир. 1999 йилда қабул этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви, мустақиллиги, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланганлиги (1-модда), ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги (7-модда) таъкидланган эди.

Ўзини ўзи бошқариш жамият сиёсий тизимининг таркибий қисми (элементи) сифатида белгилаб қўйилганлиги Ўзбекистонда шахс ва давлат манфаатлари билан биргаликда маҳаллий манфаатларнинг ҳам таъминлигини кафолатлайди, бу эса маҳаллий аҳоли (шаҳар, шаҳарча, овул ва бошқа жойлардаги аҳоли)нинг ҳаёти ва фаолиятини бевосита таъминлаш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқдир. Айнаи вақтда бу манфаатларнинг

ҳаммаси (яъни жамият, давлат манфаатлари ва маҳаллий ман-фаатлар) тенг ҳуқуқли деб қаралади.

Ҳуқуқнинг янги тармоғи бўлиш ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи вужудга келиш ва ривожланиш жараёнини бошидан ке-чирмоқда. Унинг шаклланиши ўзини ўзи бошқариш органлари-нинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёни билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзбек халқи ҳаётида, давлат ва жамият ишларини бошқариш умумий тизимида алоҳида ўрин касб этаётганлиги сабабли ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳуқуқ соҳасини яратиб эҳтиёжи юзага келди.

Ўзбекистонда миллий ҳуқуқ тизимининг бир соҳаси сифа-тида ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг вужудга келишига кўйидаги омиллар асос деб ҳисоблаймиз:

**1. Мустақиллик йилларида республикамизда ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муноса-батларнинг барқарор ва кўп қиррали гуруҳи вужудга келди.**

Айни мана шундай муносабатлар республика ҳуқуқ тизими-даги янги тармоқ — ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи предметини ташкил этади.

Кейинги бир неча йил мобайнида ўзини ўзи бошқаришнинг аҳамияти муттасил охиб борди: у алоҳида ҳуқуқий институт мақомидан сиёсий—ҳуқуқий феномен даражасигача кўтарилди, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосла-ридан бири бўлиб қолди.

Шу жиҳатдан олганда ўзини ўзи бошқаришнинг аҳамияти турли шаклларда намоён бўлади. **Уни халқ ҳокимиятининг бир шакли; фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш усули; жамият ва давлатни идора қилиш тизимидаги ташкилий ва функционал жиҳатдан алоҳида институт, деб таърифлаш мумкин.**

Мазкур институтнинг аҳамиятини қисқача кўриб чиқамиз. Ўзини ўзи бошқариш **халқ ҳокимиятининг бир шаклидир.** Давлат ҳокимияти билан бир қаторда ўзини ўзи бошқариш Ўз-бекистонда ягона халқ ҳокимиятини ифодалайди. Бу қоида Ўз-бекистон Республикаси Конституцияси моддасидан келиб чиқади (105—модда).

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда халқ хоҳиш—иродасини бевосита изҳор этувчи ин-ститутларга (ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайлов ва бошқа тадбирларда қатнашиш), шунингдек ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларни бошқарувчи шахсларга таянади.

Фуқаролик ҳуқуқларини **амалга ошириш усули сифатида**

*махсус конституцион нормалар* тизими орқали амалга оширилади ва бу нормаларда ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш, жамият ва давлат ишларини идора қилишда қатнашиш (32 – модда), ўзини ўзи бошқариш органларига шахсан мурожаат этиш, яқка ҳолда ва жамоа бўлиб мурожатномалар юбориш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай тарзда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларидан ташқари асосан жамоа бўлиб амалга ошириладиган кўпгина юридик кафолатлар тизими белгилаб қўйилган. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таъшуббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томони – дан амалга оширилади («Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» тўғрисидаги Қонуннинг 5 – моддаси). Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орқали амалга ошириладиган ҳуқуқ ва эркинликлар ғояси хилма – хил эканлигини ҳисобга олганда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мазкур институт шахс билан ўзаро муносабатлар асосида талқин этилади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 32 – моддасидан келиб чиқади, унда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Ўзини ўзи бошқариш жамият ва давлатни идора қилиш тизимида ташкилий ва функционал жиҳатдан алоҳида тарзда ифодалаб берилганлиги Ўзбекистон тараққиётининг аввалги даврига нисбатан мутлақо янги қоидадир

2. *Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тармоғи вужудга келишининг иккинчи омили – мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларнинг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан янгилалишидир.* Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш конституциявий мақомга эга бўлди (32, 105 – моддалар). Айни вақтда Ўзбекистон Конституцияси асосида ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби ва уларнинг ваколатларини белгиловчи ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул этилди.

*1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, 1999 йил апрел ва 2004 йил октябрда бу Қонунга қўшимча ва тўзатишлар киритилди.*

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ри – вожлантирилди ва унга аниқлик киритилди. Шу тариқа мазкур Қонун ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг энг муҳим манбаи ва уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий негизи бўлиб қолди.

2004 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раисини ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг нормалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида ва ҳукумат қарорларида баён этилган. Масалан, «Республика «Маҳалла» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги 1992 йил 12 сентябр фармони; «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1998 йил 23 феврал фармони; «Аҳолига аниқ мўлжалли ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги 1999 йил 23 январ фармони; Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги 1999 йил 19 апрел, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштирув комиссиялари тўғрисида»ги 1999 йил 19 апрел қарорлари ва бошқа ҳужжатлар.

Юридик нормалар, йўл-йўриқларнинг ҳажми ҳоат ошган – лиги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тармоғини тартибга солувчи муносабатларнинг салмоғи ўсиб бораётганлигининг натижасидир. Ҳозир Республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 14 мингдан ошди, бу соҳадаги нормалар тинимсиз такомиллашиб бормоқда. Бу ҳолат ҳам ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги юридик қондаларни ҳар тарафлама ишлаб чиқиш заруратини тугдирмоқда.

Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқаришни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар миқдори анча кўпайди. Бунинг устига ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги ишларни ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усули жиҳатидан бир – биридан фарқ қиладиган турли ҳуқуқ тармоқларининг нормалари ўртасидаги алоқалар анча жадаллашди ва мураккаблашди. Эҳтимол, келгусида ўзини ўзи бошқариш соҳасида амал қилувчи юридик қонун – қондаларни кодификациялаш<sup>1</sup> ва инкорпорациялаш<sup>2</sup> зарур бўлиб қолиши мумкин. Мазкур жараён ҳам Ўзбекистон Республикаси ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқий тармоғини шакллантириш заруратини келтириб чиқаради.

**3. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муаммоларини ишлаб чиқиш: Ўзбекистонда ҳуқуқнинг, қонунчиликнинг ва юридик фаннинг маълум даражада ривожланиши билан боғлиқдир.**

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муаммоларини ишлаб чиқиш

<sup>1</sup> Кодификация – амалдаги қонулар ва норматив ҳуқуқ ҳужжатларини музунан ишлаб уларни бир бутунликка келтириш жараёни.

<sup>2</sup> Инкорпорация – амалдаги қонулар ва норматив ҳужжатларни тартибга солиб тўплам ҳолига келтириш.

икки йўналишда олиб борилмоқда.

**Биринчи йўналиш** янги тармоқни назарий жиҳатдан асослаш, унинг предмети, услубияти (методи), манбаини аниқлаш билан боғлиқдир. Ҳозиргача мазкур муаммога оид тадқиқот материаллари эълон қилинди, монография ва диссертация ишлари пайдо бўлди. Аммо илмий изланишлар ҳали илк босқичда турган бўлса ҳам, ҳар бир янги иш ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тармоғининг мақомини аниқлаш сари илгарилаб бормоқда.

**Иккинчи йўналиш** доирасида бирмунча ташкилий ва услубий ишлар қилинмоқда. Республиканинг баъзи давлат олий ўқув юрталарида ҳуқуқ мутахассисларини тайёрлаш режаларига «Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» ўқув дарси киритилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Ҳуқуқшунослик факультетида 2002 ўқув йилидан бошлаб «Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» талабалар ва магистрлар учун ўқув фан сифатида ўқитила бошланди.

## **2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ПРЕДМЕТИ**

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи каби ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ижтимоий муносабатларнинг алоҳида доирасини мустақамлайдиган ва тартибга соладиган ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормалар мажмуасидан иборат. У ҳуқуқ тармоғи сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг фақат ўзига хос бўлган предмети ва усулига эгадир, бу предмет ва усул бошқа ҳуқуқий тузилмалардан фарқ қиладиган тизим ҳосил қилувчи асосий омиллар, деб ҳисобланади.

Нормалар билан тартибга солинадиган ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муносабатларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар жамият ҳаётининг алоҳида соҳаси бўлмиш ўзини ўзи бошқариш соҳасида вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан ўзини ўзи бошқариш шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги Қонунида бу органлар ҳудудий ўзини ўзи бошқариш бирликлари, деб ҳам аталади (5-модда).

Бу ерда фуқаролар маҳаллий аҳамиятта эга бўлган масалаларни, ўзини ўзи бошқариш мулкига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш масалаларини мустақил равишда ҳал қиладилар.

*Шундай қилиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир».*

Ўзини ўзи бошқариш тушунчасини қонунчилик асосида таърифлашда, мустақиллигини тан олиниши ва Конституция томонидан кафолатланиши энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади.

*Мустақил фаолият* – одамлар ўз ихтиёри билан, ўз манфаатлари йўлида ва ҳеч кимнинг аралашувисиз амалга оширадиган фаолият демакдир.

*Тан олинадиган фаолият* – ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйилишидан қатъий назар, одамлар томонидан бир ёқлама тартибда ўзларининг табиий ижтимоий талаби сифатида амалга ошириладиган фаолият. Давлат маҳаллий аҳолининг ўзини ўзи бошқарувчилик фаолиятини, фаоллигини ҳуқуқий воситалар ёрдамида тартибга солади, расмийлаштиради.

*Кафолатланадиган фаолият* – аввало Конституцияда ва қонунчиликда кўзда тутилган бир қатор чора-тадбирлар ёрдамида давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, ҳимоя қилинадиган фаолият демакдир. Бунда аввало давлат томонидан маҳаллий аҳолига, ўзини ўзи бошқариш органларига моддий, ташкилий, услубий ва бошқа тарздаги кўмаклашув назарда тутилади.

*Ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш ва амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиқадиган ўзини ўзи бошқариш муносабатларининг, оммавий ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятининг ўзига хос жиҳатлари ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг предметини ташкил этади.*

Ўзини ўзи бошқариш асосида ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этувчи муносабатларнинг бошқа муносабатлардан ажралиб турадиган белгилари қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, маҳаллий, ҳудудий характерга эга бўлган муносабатлар, бунда маҳаллий аҳоли маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни бевосита ҳал эта олади.

*Иккинчидан*, комплекс характерга эга бўлган муносабатлар, бу муносабатлар маҳаллий турмушнинг барча соҳалари: иқтисодий, молиявий, ижтимоий-маданий, жамоат тартибини сақлаш ва шу каби соҳаларда ўзини ўзи бошқариш вазифалари ва функцияларини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг табиатидан келиб чиқадиган маз-

кур муносабатлар муштарак эканлиги сабабли уларни ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи доирасида бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, бунда фуқаролар маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни мустақил ҳал этадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзини ўзи бошқаришни кафолатлаганда қайси масалалар маҳаллий аҳамиятта молик эканини баён этмайди. Бу масала принципиал аҳамиятта эгадир, чунки «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг мустақил фаолиятини айна маҳаллий аҳамиятта молик бўлган масалаларни ҳал этиш билан боғлайди.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий аҳамиятта молик масалалар доираси қонунлар, фармонлар, ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шаҳарлардаги маҳаллалар аҳолиси ҳаёти ва фаолиятининг барча асосий соҳаларини ўз ичига олади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, мазмуни ва характериға кўра турли ижтимоий муносабатлар: ташкилий, бошқарув, мулкӣ, молиявий ва шу каби муносабатлар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи предметиғидир. Бироқ ана шу муносабатларнинг ҳаммасини мустақил бир турға бирлаштирилса, уларнинг муштарак бир белгиси намоён бўлади — бу муносабатлар маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ўзини ўзи бошқарувчи ҳудудий тузилма аҳолиси томонидан бевосита ёки ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ҳал этиш жараёнида вужудға келади.

Учинчидан, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни бевосита ёки референдум, сайлов ва хоҳиш изҳор этишнинг бошқа шакллари орқали ҳал этиладиган ўзини ўзи бошқариш тузилмасининг аҳолиси ёки ўзини ўзи бошқариш органи, ёҳуд мазкур масалаларни ҳал этиш ваколатини олган мансабдор шахс ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муносабатларининг зарурий субъекти бўлади.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи предметиғининг таркибида муносабатларнинг шундай бир гуруҳи борки, улар бевосита маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишға алоқадор бўлмайди, балки давлат сиёсатини маҳаллий даражада амалға оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки билан боғлиқ бўлади.

*Бу муносабатлар қонунчиликка биноан ўзини ўзи бошқариш органларига топширилган давлат ваколатларини амалға ошириш жараёнида, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонунчилик ва ҳуқуқ ҳужжатлари*

*ижросини уюштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир.*

Хуллас, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш жараёнида ва унинг фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди ва тартибга солади. Юқорида айтилганларни умумлаштириб, шундай хулоса чиқариш мумкин: «*Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи*»—ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш ҳамда аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ҳал этиш жараёнида, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши мумкин бўлган айрим давлат ваколатларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайдиган ва тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мажмуасидан иборатдир.

### **3-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ**

*Ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш жараёнида ва уларнинг фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайдиган ва тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари, деб аталади.*

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари мажмуаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг бир тармоғи сифатида ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ҳосил қилади. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тамойиллари, институтлари ва нормалари ушбу тизимнинг таркибий қисмларидир.

Одатда, ҳуқуқий нормалар давлат ва унинг органларининг ҳуқуқ ижод қилиш фаолияти натижасида юзага келади. Давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган ўзини ўзи бошқариш органларининг норматив ҳужжатларида баён этилган ва ҳаммага мажбурий бўлган ҳуқ—атвор қоидалари ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормаларининг каттагина қисмини ташкил этади. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз қарамоғидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди (16—модда).

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ҳосил қилувчи нормаларнинг хусусияти яна шундан иборатдирки, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи—айни вақтда ҳуқуқнинг асосий тармқлари, чунончи



Конституциявий (давлат) ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи кабиларнинг нормалари ҳам ҳисобланадиган ҳуқуқнинг комплекс тармоғидир.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари хусусиятларини тушуниб олиш учун уларни қуйидагича таснифлаш зарур:

– ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўйича, яъни тартибга солинадиган муносабатлар қоидаси бўйича ҳуқуқий нормалар:

– ҳалқ ҳокимияти тизимида ўзини ўзи бошқаришни (ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, тамойиллари, функциялари);

– ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг асосларини (ҳудудий, ташкилий, молиявий – иқтисодий асосларини);

– ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини юритиш ва уларнинг ваколатлари предметларини, ўзини ўзи бошқариш ка – фолатини;

– ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг масъулиятини мустаҳкамлайдиган қоидаларга бў – линади.

Йўл – йўриқларнинг характери бўйича улар:

– бошқарув ваколатлари (нормалар, ўзини ўзи бошқариш органлари нималар қилиши лозимлигини белгилайдиган, масалан, бу соҳадаги ишларни аниқлайдиган ижозатлар)га;

– мажбурият юклайдиган нормалар (нималар қилиш керак – лиги ҳақидаги йўл – йўриқлар)га;

– тақиқловчи нормалар (нималар қилиш керак эмаслигини белгилайдиган тақиқ нормалари)га бўлинади.

Сўнгги икки нормани қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари аҳоли олдига ҳисоб беришлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият соҳасига кирувчи масалалар юзасидан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш – лари лозим. Мажбурият юкловчи деб аталган мазкур нормаларда давлатнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусидаги мажбу – рияти, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи субъектларининг мажбури – ятлари ҳам белгилаб қўйилади. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини чеклаш, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига арала – шиш ҳолларини ман этувчи нормалар тақиқловчи нормалар ҳи – соблавади.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда ифодалаб берилган қоидаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги шаҳарча, қишлоқ, овуларда, шунингдек шаҳар ва туманларнинг маҳалла –

ларида ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилади (105 – модда). Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мақомини ва ўз органларининг мақомини мустақил равишда белгилайдилар (5, 7, 10 – моддалар);

– ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслари – нинг аҳоли ҳузурида ҳисобот бериши ва масъулияти (24, 25 – моддалар);

– ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари дои – расида қабул қилган қарорлари фуқаролар ва юридик шахслар (тегишли ҳудудда жойлашган муассасаларнинг мансабдор шахслари) томонидан бажарилиши мажбурийдир; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки уларнинг қарорлари давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, бу қарорлар фақат суд қарорига кўра ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин (16 – модда).

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тармоғига жамланган ҳуқуқий институтлар ўзини ўзи бошқаришнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ бўлган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар гуруҳларидан иборат. *Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи институтлари жумласига қуйидагилар киради: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий асослари; ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари; маҳаллий аҳамиятга молик масалалар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловлари ва маҳаллий референдум, ўзини ўзи бошқариш органларининг мол–мулки ва шу кабилар.*

Шундай қилиб, *ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқидаги ҳуқуқий институт ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг муайян доирасини тартибга солувчи ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи предмети доирасида алоҳида, мустақил гуруҳни ташкил этувчи ҳуқуқий нормаларнинг мажмуасидан иборатдир.*

#### **4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ**

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ҳуқуқий тузилма сифатида ҳуқуқнинг асосий тармоқлари жумласига кирмайди. Унинг мамлакат ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилашда шуни эътиборга олиш керакки, у ўзини ўзи бошқариш ривожланиши, унинг жамият ва давлат бошқаруви тизимида алоҳида ажралиб туриши,

шунингдек ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги махсус қонунчилик ривожланиши негизда вужудга келган ҳосила тузилмадир.

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи** — комплекс тармоқдир. Ҳуқуқ тизимидаги ана шу мазкур ҳуқуқий тузилмаларнинг ўзини хослиги шунда намоён бўладики, комплекс тармоқни ташкил этувчи кўпгина нормалар, биринчидан, ҳуқуқнинг асосий тар-моқлари, нормалари тарзда кўринади, иккинчидан, ҳуқуқнинг асосий тармоқлари нормаларига ўхшаб кетса ҳам, иккиламчи ҳуқуқий тузилама — комплекс тармоқ таркибига киради. Шу бо-исдан ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ўз предметини тартибга со-лиш билан бирга ўзини ўзи бошқариш фаолияти масалаларига ҳам дахлдор бўлган кўпгина ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро чам-барчас алоқада бўлади.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг етакчи тармоғи бўлган *Конституциявий (давлат) ҳуқуқи билан белгиланган*. Конституциявий ҳуқуқнинг норма-лари, унда мустақкамлаб берилган қоидалар барча юридик нор-маларга, ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғига, ҳар бир қонунга ва ҳар бир қонун ости ҳужжатига асос бўлади. Унинг етакчи роли шундан иборатки, унда мустақкамлаб қўйилган энг муҳим қоидалар ҳуқуқнинг бошқа барча тармоқларини ривожланти-ришнинг негизини ташкил этади.

Ҳуқуқдаги мазкур етакчи тармоқнинг нормалари давлат ту-зумининг асосларини белгилаб беришига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Конституциявий (давлат) ҳуқуқ нормалари ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг илк асослари ва қоидаларини, унинг халқ ҳокимияти тизимидаги ўрнини аниқлаб бериш билан бирга ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг асосларини ҳам белги-лайди.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи *фуқаролик ҳуқуқи* билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзини ўзи бошқариш тузилмасининг, ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб беради, ўзини ўзи бошқариш органлари эса, ўзини ўзи бошқариш тузилмаси номидан ўз қарамоғидаги мол — мулкка нисбатан эғалик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг *молия, ер, экология, хў-жалик ҳуқуқи* каби ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро алоқаси ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини тартибга солиш со-ҳасида намоён бўлади. Мазкур органлар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга биноан ўз бюд-жетини тузади ва ижро этади, ўз ҳудудидаги ердан фойдала-нишни назорат қилишда қатнашади, атроф муҳитни муҳофаза қилишда иштирок этади, ўз ҳудудидаги аҳолини ижтимоий —

маиший хизмат турлари билан таъминлаш учун шароит яратади.

Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи – турли тармоқлар (Конституциявий, молиявий, экологик, фуқаролик тармоқлари ва бошқа тармоқлар) йўл-йўриқларини бирлаштирадиган, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, умуман ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга соладиган иккиламчи комплекс тузилмасидир.

Тартибга солиш предмети ва усули бўйича ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг мақомини белгилашдан ташқари ҳуқуқ тармоқларини таснифлашнинг яна бир йўналиши, яъни субъект таркиби бўйича ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи мақомини ҳам белгилаш мумкин. Шу тариқа ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тармоғини субъект бўйича ажратиб олиб ҳуқуқий таснифлаш тўғрисидаги масалага нисбатан барча ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини умумлаштириш мумкин бўлади.

Шу маънода ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг, уларда яшовчи аҳолининг ва улардаги ички субъектлар ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб ва мустаҳкамлаб берувчи норматив йўл-йўриқлар йиғиндисидаир.

Ўзини ўзи бошқарувчи ҳудудий бирликларнинг ҳар бири жамиятнинг энг содда модели бўлиб, ўз ичида унинг асосий қонуниятлари, институтлари, зиддиятларини намоён этиб туради.

Миллий ҳуқуқнинг микро модели бўлмиш ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ўзини ўзи бошқариш тузилмаларида ишлайдиган, уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган барча тармоқлар, институтлар, нормаларни бирлаштиради.

Хуллас, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг, маҳаллий аҳолининг ва ўзини ўзи бошқариш муносабатларидаги бошқа субъектларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солишга оид норматив кўрсатмалар мажмуасидир.

**II БОБ.  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ҲУҚУҚИ ФАНИ**

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг  
тушунчаси, предмети ва тизими**

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи  
фанининг манбалари**

## II БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ФАНИ

### 1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ

«Ўзбекистон Республикаси ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» атамаси ҳуқуқдаги тегishли тармоқнинг номигина эмас, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ўрганувчи фаннинг ҳам номидир.

Агар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг вазифаси ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш жараёнида ва унинг фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлса, илмий фаннинг вазифаси ўзини ўзи бошқаришнинг моҳиятини очиб берилшдан, унинг ўзига хос сифатлари ва мазмунини тушунтириб берилшдан иборат.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фаолиятини ташкил этишнинг муҳим муаммоларидан бири ўзини ўзи бошқариш ҳоқимияти билан давлат ҳоқимиятининг нисбатига тавааллуқидир. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш билан давлат ҳоқимияти ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг бирдан – бир манбаи халқ ҳоқимиятидир.

Аmmo улар халқ ҳоқимиятини амалга оширишнинг турли шакллари ҳисобланади.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фани ўзини ўзи бошқаришни фуқаролар мустақиллиги ва фаоллигининг бир шаклигига деб биламайди, балки халқ ҳоқимияти фаолиятини амалга оширишнинг бир шакли деб ҳам ҳисоблайди. Бу фан шаҳарча, қипилоқ ва овул, маҳаллаларда ва бошқа маҳаллий бошқариш тузилмаларида ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш учун асос бўладиган қондаларнинг мазмунини очиб беради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий, ҳудудий, ташкилий ва молиявий – иқтисодий асослари, унинг функциялари ва идора этиш усуллари тўғрисидаги масалалар ҳам шу фаннинг предмети жумласига киради.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фани ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини ва иш тажрибасини таҳлил этади, ижтимоий муносабатларни ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи асосида тартибга солишнинг умумий қонуниятларини ўргатади, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормаларини қўллаш тажрибасини, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг амалиётини умумлаштиради ва шу асосда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади.

Бу фан ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари билан бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганади ва тушунтириб беради.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг предмети ўзбек дав – латчилигининг аввалги бошқичларида ўзини ўзи бошқариш ор – ганларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш, бу соҳадаги чет эл тажрибасини ўрганишдан ҳам иборатдир.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормаларини ва шу нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни ўрга – нишда у тарихий, қиёсий, ҳуқуқий, статистик, аниқ социологик илмий усуллардан фойдаланади.

Шундай қилиб, *ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фани ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги ва уни амалга ошириш, ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ҳамда амалиёти ҳақидаги билим – лар, ғоялар, назарияларнинг мажмуасидур.*

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фани ўз тизимига эгадир, *бу тизим назарий ҳоудалар, билимларни муайян тартибда мантқиқий асослаган ҳолда жойлаштиришни билдиради.*

Шу билан бирга унда қуйидаги бўлимлар алоҳида ажратилган бўлади.

*Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига кириш.* Бу бўлимда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ва фани тушунчалари, предметлари ва манбалари, шунингдек Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқаришнинг тарихий тажрибаси кўриб чиқилади.

*Халқ ҳокимияти тизимида ўзини ўзи бошқариш.* Бу бў – лимда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва давлат ҳокимияти ту – шунчалари, тизими, тамойиллари ва функциялари ўрганилади.

*Ўзини ўзи бошқариш асослари.* Аҳолининг маҳаллий аҳа – миятта молик масалаларни мустақил ҳал этиши учун муайян шарт – шароит мавжуд бўлиши керак. Ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг асослари бўлмиш *ҳуқуқий, ҳудудий, ташкилий ва молиявий – иқтисодий шарт – шароитлар* ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишнинг ана шундай зарур шартларидир.

*Ўзини ўзи бошқаришни йўлга қўйиш ва унинг ваколатла – ри предмети.* Маҳаллий аҳамиятта молик масалалар ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфида бўлади. Бундан ташқари ўзи – ни ўзи бошқариш органларига давлат томонидан айрим ваколат – лар берилиши мумкин.

*Ўзини ўзи бошқариш кафолатлари.* Бу бўлимда ўзини ўзи бошқариш кафолатлари тушунчаси ва тизими; ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий, молиявий – иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган кафолатлар; ўзини ўзи бошқаришни суд йўли

билан ва бошқа тарзда ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакллари ўр — ганилади.

## 2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ МАНБАЛАРИ

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фан сифатида манбалар асосида илмий тадқиқ этилади. Аввало ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мустаҳкамлайдиган ва тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатлар асосий манбалар ҳисоб — ланади.

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг назарий негизини шакл — лантиришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ало — ҳида роль ўйнайди. Ўзини ўзи бошқариш тўғрисида Конститу — цияда баён этилган қондалар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фани мазмунининг энг муҳим қисмини ташкил этади, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормаларини белгилаб берадиган республика қонунлари, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари бу қондаларни ривожлантиради. Бу ҳужжатлар ҳам ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг манбаларидир

Юридик манбалар билан бир қаторда олимларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муаммоларини, унинг ривожланиш тарихини ишлаб чиққан ва тадқиқ этган илмий асарлари ҳам ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг назарий негизини ишлаб чиқишга ҳисса қўшади.<sup>1</sup>

Кейинги йилларда ўзини ўзи бошқариш масалалари ҳақида бажарилган ишларда республикамиздаги ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият тажрибасини умумлаштириб беришга ҳаракат қилинган, ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига оид долзарб муаммолар, бу орган — ларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари иш —

<sup>1</sup> Н.Г. Малицкий. Тошкент Маҳалла мавзелари. Гофур Рулом номдаги нашриёт, 1996 й; Очилов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар. Т. Ўз — бекистон, 1990 й.; Сидяхов Р.Р. Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления. Т. 1993 й. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш, Т. 2002 й. «Дарслик» З.Х.Арифханова, Современная жизнь традиционной махаллы Ташкента, Т.Ўзбекистон, 2000. Тошкент маҳаллалари: Анъаналар ва замонавийлик (тарихий — этнографик тадқиқот), Тошкент: «Янги аср авлоди» 2002 й. Ш.И.Жалилов. «Ма — ҳалла янгиланиш دەврида». Тошкент, 1995 й; Ш.И.Жавалов «Кучли давлатдан кучли жамият сария» тажриба, таҳлил, амалыёт. Т. Ўзбекистон. Уша муаллиф. «Фуқаролик жамиятининг пойдевори». Т. 2004 й. М.Ғуломов. «Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси», «Адолат», Тошкент. 2003 й.



лаб чиқилган.<sup>1</sup>

Бу ишлар ҳам ўзини ўзи бошқариш органларининг назарий ва ҳуқуқий негизини шакллантириш учун аҳамиятлидир, шу сабаблар улар ҳам «Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» фанининг назарий манбалари жумласига киради.

Мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг тажрибаси – ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг яна бир манбаидир. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муаммоларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига топширилган масалаларни ҳал этиш соҳасидаги амалий фаолиятини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> О.Хусанов. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий – ташкилий масалалар ва муаммолар». Юридик фан доктори диссертацияси нинг автореферати. .

Жалилов Ш.И. «Реформа местных органов государственной власти». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук Т. 1995 й. 49-бет.

Сувоиқулов М.И. «Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий – ҳуқуқий масалалари». Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. 2002 й.

Маликова Г.Р. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва вазокатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш ». Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т. 2004 й. 24 – бет.

Исмоилова Г.С. «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий муаммолари». Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т. 2005 й. 26 – бет.

**III БОБ.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ  
ТИЗИМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ**

**Ўзини ўзи бошқариш – Конституциявий  
тузумнинг асоси**

**Ўзини ўзи бошқариш – халқ  
ҳокимиятчилигининг шакли**

**Ўзини ўзи бошқариш ва  
давлат ҳокимияти**

### III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ

#### 1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ – КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатни демократик республика (1 – модда) деб белгилаш орқали унинг демократизми энг муҳим негизларини мустаҳкамлайди, бу негизлар аввало халқ ҳокимиятида; ҳокимиятни қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлишда; мафкуравий ва сиёсий хилма-хилликда, шунингдек ўзини ўзи бошқаришда ифодаланади.

Конституцияда белгилаб қўйилган ана шу энг муҳим тамойиллар бутун жамиятнинг, давлатнинг, барча тармоқлардаги миллий ҳуқуқнинг юридик моделини яратди.

Конституциявий тузум асослари деганда мазкур тамойилларни ҳақиқатда амалга ошириш таъсирида вужудга келган жамият, давлат, миллий ҳуқуқнинг ҳолатини тушунмоқ керак.

Ўзини ўзи бошқаришни конституциявий тузумнинг асосларидан бири деб таърифлаш Ўзбекистоннинг демократик ва ҳуқуқий давлат бўлиш мақсади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси) билан мантиқий боғлиқдир. Бу таъриф халқнинг ўз ҳокимиятини амалга ошириш, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини рўйбга чиқаришни таъминлайдиган ўзини ўзи бошқариш қадриятини тушунишдан далолат беради (32 – модда).

Бинобарин, конституциявий тузум асосларидан бири бўлган ўзини ўзи бошқариш жамият ва давлатда ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга оширишнинг энг муҳим тамойили ҳисобланади, бу тамойил бошқа конституциявий тамойиллар билан бирга мамлакатимиздаги демократик бошқарув тизимини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни Конституция қондаларига асослашиб, жамият ва давлатни бошқариш тизимида ўзини ўзи бошқариш ва унинг органларининг ташкилий жиҳатдан алоҳида ўрин олишини кафолатлайди. Мазкур Қонуннинг 7 – моддасида ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида кирмайди, деб қайд этилган. Шу сабабли энди давлат органлари аввалгидек уларнинг фаолиятига тўла – тўқис раҳбарлик қиладиган, ҳисоботлар сўрайдиган ва уларнинг қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган юқори ташкилот ҳисобланмайди. Давлат ҳокимияти органлари ўзини ўзи

бошқариш органларининг ишларига аралашмайди ва фақат уларга зарур шароит яратиб беради, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашади (6 – модда).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги, шунингдек шаҳарларнинг маҳалла – ларидаги аҳолини ўзини ўзи бошқаришнинг асосий субъектлари деб тан олади (105 – модда), ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини фуқаролар бевосита хоҳиш – ирода издор этип шаклида ҳам, ўзини ўзи бошқаришнинг сайлаб қўйиладиган ва бошқа орган – лари орқали ҳам амалга оширадилар, деб таъкидлайди.

Аҳолининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Респуб – ликаси ҳар бир фуқаросининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва ижтимоий ҳолатидан қатъий назар, бевосита ёки ўзининг сайлаб қўйилган вакиллари орқали амалга оширилади (3 – модда).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатла – нади.

Давлат аҳолининг ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш ҳуқуқини тан олиш билан бирга бошқа мулк шакллари билан бир қаторда ўзини ўзи бошқариш мулкни ҳам тан олади ва ҳимоя қилади, чунки ўзини ўзи бошқариш мулки аҳолининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи амалга оширилишининг иқтисодий асосидир.

Давлат аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилма – сини мустақил белгилаш ҳуқуқини тан олади. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегарала – рини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра амалга оширилади ("Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5 – моддаси).

Баъзи муаллифлар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 7 – моддасидаги «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди», деган иборага асос – ланиб, ўзини ўзи бошқариш органи ва ижтимоий бирлашмани бир – бирига ўхшаш бир нарса деб ҳисоблайдилар ҳамда ўзини ўзи бошқаришни фуқароларнинг ўзига хос нодавлат жамоат ташкилоти деб атайдилар. Бизнинг назаримизда, бундай деб даъво қилиш учун ҳеч қандай салмоқли асос йўқ.

*Биринчидан*, агар жамоат бирлашмалари фуқароларнинг хоҳиш – иродаси билан вужудга келадиган ёки йўқ бўлиб кета – диган бўлса, ёки тузиладиган ёки тузилмайдиган бўлса, ўзини ўзи бошқариш органлари умуман давлатнинг раҳбарий кўрсатмаси

билан мажбурий тарзда тузилади.

*Иккинчиган*, агар жамоат бирлашмалари субъектив манфа – атларнинг умумийлиги асосида тузилса, ўзини ўзи бошқариш тузилмасининг бирлашуви одамларнинг бир жойда биргаликда яшашдан иборат объектив шарт – шароитни тақазо этади. Бундан ташқари инсон ўз турмушининг объектив шароитни ўзгартир – май туриб, муомала уюшмаларини ўзгартира оласа, ўзини ўзи бошқариш ячейкасини ўзгартириш доимо ўз турмушининг объектив шароитини ўзгартириш, бошқача қилиб айтганда, ўзга жойга кўчиб кетиш билан боғлиқ бўлади.

*Учинчиган*, жамоат бирлашмаларининг фаолияти маҳаллий даража билан чекланмайди, ўзини ўзи бошқариш тузилмалари – нинг фаолияти эса, аксинча, доимо маъмурий жиҳатдан ҳудудий бирликлар доираси билан чекланган бўлади.

*Тўртинчиган*, агар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари фуқаролар томонидан, шунингдек тегишли ҳудудда жойлашган юридик (мансабдор) шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлса, жамоат бирлашмалари раҳбар органларининг қарорлари ўзига тобе бўлган шахслар томони – дангина ижро этиш учун мажбурийдир.

Шундай қилиб, *ўзини ўзи бошқариш органлари кўнгилли жамоат бирлашмалари жумласига киритилиши мумкин эмас.*

## **2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ – ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32 – моддасига биноан фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этадилар, бу ҳуқуқ ўзини ўзи бошқариш, референдум ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ўзини ўзи бошқариш – халқнинг ўз ҳокимиятини амалга ошириш шаклларида биридир.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Қонунда ўзини ўзи бошқариш халқ ҳокимиятининг бир шакли сифатида таърифлаб берилган: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонуллари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятдир»

(1 – модда).

Шу таърифга асосланиб, ўзини ўзи бошқаришни ифодаловчи асосий белгиларни, унинг халқ ҳокимияти тизимидаги ўрнини кўриб чиқамиз.

1. Аввало шуни таъкидлаш керакки, ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос алоҳида субъекти бор. Аҳоли, фуқаролар ана шундай субъектлардир. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 2, 3–моддаларига биноан фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини амалга оширишлари муносабати билан мазкур ҳудуд аҳолиси ўзини ўзи бошқаришнинг алоҳида субъекти ҳисоблана – ди. Мазкур тузилмаларда ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки, бюджети ва сайлаб қўйилган органлари бўлади.

2. Ўзини ўзи бошқариш жамият ва давлатни идора қилишнинг демократик механизмида алоҳида ўрин олади. Юқорида айтилганидек, ўзини ўзи бошқариш, унинг органлари давлат бошқаруви механизмининг таркибий қисми эмас. Шу билан бирга Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш билан давлат ҳокимияти ўзаро чамбарчас боғланган, уларнинг манбаи битта – у ҳам бўлса халқ ҳокимиятидир.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳал этиладиган масалаларнинг аячagina қисмига давлат турли воситалар (ҳуқуқий, молиявий ва бошқа воситалар) билан таъсир ўтказади. Бундан ташқари ўзини ўзи бошқариш органларига айрим давлат ваколатлари берилиши, улар давлат вазифаларини амалга оширишда қатнашишлари мумкин.

Бундай ҳолларда давлат органлари мазкур вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга ҳақли бўладилар. Бироқ "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун уларнинг ишларига аралаштишга йўл қўймайди ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўзини ўзи бошқариш ташкил этилишини, ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари тайинланишини тақиқлайди (6–модда). Шу сабабли ўзини ўзи бошқариш бутунлай фуқаролик жамияти институтлари қаторига қўшилиши мумкин эмас, бошқача қилиб айтганда, ўзини ўзи бошқариш – маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар ўзини ўзи ташкил этадиган шунчаки бир шакл эмас, балки оммавий ҳокимиятни, халқ ҳокимиятини амалга ошириш шаклидир.

3. Ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз бошқарув объекти бор, бу объект маҳаллий аҳамиятга молик масалалардир

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10, 11, 12, 13, 14 – моддаларида бу масалалар санаб ўтилган. Булар ўзини ўзи бошқариш тузилмаси аҳолисининг ҳаёт фаолиятини бевосита таъминлайдиган масалалардир. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятта молик бўлган бошқа масалаларни ҳам ўз хоҳиши билан шу рўйхатга қўшиши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари фуқаролар, ҳудудда жойлашган барча корхона ва ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

4. Ўзини ўзи бошқаришнинг мустақиллиги. Бу мус – тақиллик "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун билан кафолатланади ва давлат ўзини ўзи бошқаришни халқнинг ўз ҳокимиятини амалга оширишдаги мустақил шакл деб тан олади. Бу нарса, жумладан, жамият ва давлатни идора қилиш тизимида ўзини ўзи бошқаришнинг, унинг органларининг ташкилий алоҳидалигида ўз ифодасини топади.

Ўзини ўзи бошқариш вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий – иқтисодий ресурсларга эга бўлиш ҳуқуқи давлат томонидан тан олиниши – ўзини ўзи бошқариш мустақиллигининг муҳим белгиси ва кафолатидир.

Аҳолининг маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни мустақил ҳал этиши самарали фаолият юритувчи демократик институтлар системасини назарда тутаяди, бу институтлар маҳаллий аҳолининг манфаатлари ва хоҳиш – иродасини ифодалаш ва шунингдек ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус кўрсатишлари ва қарорлар қабул қилишларига кўмаклашадиган бўлиши керак.

5. Ўзини ўзи бошқариш аҳолининг манфаатларини ҳи – собга олган ҳолда амалга оширилади. Бунинг маъноси шуки, ўзини ўзи бошқариш тузилмасининг мулки ва молиявий ресурсларини бошқариш аҳолининг манфаатлари йўлида амалга оширилади. Аҳоли бу фаолиятни назорат қилишга, бу ҳақда ахборот олишга ҳақлидир ("Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 24 – моддаси).

Ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг ана шу хусусияти ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг аҳоли манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялашда давлат, жамоат органлари, муассасалар ва ташкилотлар билан бирга ҳаракат қилишлари зарурлигини ҳам тақозо этади.

6. Ўзини ўзи бошқаришда тарихий, миллий, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналар ўз ифодасини топади. Ўзига хос тарихий, маданий, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлар,

маҳаллий удумлар, тамойиллар билан ажралиб турадиган ҳудудларда бу нарса айниқса яққол намоён бўлади. Ўзини ўзи бошқариш жамиятининг бошланғич бўғини сифатида ҳуқуқий ва ижтимоий, маънавий ва ахлоқий нормаларни ўзаро боғлаш асосида самарали фаолият юритиши мумкин. Шу сабабли ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида узвий мужассамланган ушбу нормаларнинг ўзаро алоқаси тегишли тушунчанинг илмий таърифида белгилаб берилиши керак.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда республика оқсоқоллар кенгаши ва унинг комиссиялари тузилиши сайлаб қўйиладиган ўзини ўзи бошқариш органлари жумласига киритилган. Уларнинг фаолияти қонун доирасидагина эмас, шу билан бирга ўзини ўзи бошқарувчи ҳудудий тузилмаларда тарихан қарор топган урф-одатлар, анъаналар, маънавий—ахлоқий нормалар асосида ҳам амалга оширилади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мақсадларидан бири одамларни бирлаштиришдан, уларни ҳар бир кишининг дилидаги мақсадларига эришиши йўлида ҳаракат қилувчи жамоага айлантиришдан иборат. Шу сабабли ўзини ўзи бошқаришни халқ ҳоқимиятининг энг муҳим институтларидан бири, давлат ва жамоат турмушини демократик тарзда ташкил этишнинг зарур элементи деса бўлади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг умумбашарий қадриятларни, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришдаги роли халқ ҳоқимиятининг ижтимоий—сиёсий қиёфасини белгилаб берадиган навбатдаги жуда муҳим омилдир. Аҳолининг ҳаёт фаолиятини бевосита таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий ваколатларни амалга ошириш муаммоси ҳар бир инсон ва фуқаро ҳуқуқларини амалга ошириш билан қўшилиб кетади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди ва давлат ҳоқимиятининг бундай фаолият учун масъуллигини белгилайди. Ўзини ўзи бошқаришга нисбатан бу нормалар қўшимча талаб бўлмай, балки халқ ҳоқимияти моҳиятининг ифодасидир. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг ҳал этилиши, ҳар бир киши ва умуман бутун аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш учун шароит яратилиши жамиятдаги фуқаро ва инсон ҳуқуқларини, муносиб ҳаёт ҳуқуқини рўёбга чиқариш кўринишларидан биридир. Мазкур ҳуқуқнинг кафолатланганлик даражасини муайян давлатдаги демократия нақадар ривожланганлиги даражасининг кўрсаткичи, деб ҳисоблаш мумкин.



### 3-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасидининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Қонуни давлат бошқаруви тизимида ўзини ўзи бошқариш органларининг мақомини (7-модда) белгилаганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди, деб таъкидлайди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг давлат органлари ва улар мансабдор шахслари билан ўзаро муносабатларига асос қилиб олинган бу ҳолидада кўзда тутилишича, ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, номланиши, ваколат доираси давлатнинг аралашувисиз мустақил равишда, маҳаллий манфаатларга жавоб берадиган тарзда белгиланади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг табиати, унинг давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмақда.

Ўзини ўзи бошқариш мустақиллиги нақадар демократик бўлмасин, у мутлоқ мустақил бўлиши мумкин эмас, чунки ўзини ўзи бошқариш ягона давлат доирасида оммавий ҳокимият муносабатлари тизимида мавжуд бўлади ва амал қилади. Дарҳақиқат, маҳаллий масалаларни ҳал этишдаги муайян мустақилликни инкор қилиб бўлмайди, аммо у ягона давлат иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий сиёсатининг йўналишидан ташқарида ўтказилиши мумкин эмас. Одамларнинг ҳаётий манфаатларини ва шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллалар аҳолисининг кундалик ишларини давлат манфаатларидан ташқарида тасаввур этиб бўладими, ахир. Давлатнинг ўзи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият» деб эълон қилган.

Ўзини ўзи бошқариш давлат тизимидан — ҳокимият муносабатларидан ташқарида бўлиши ва давлатдан мутлақо мустақил бўлиши мумкин эмас. Давлат механизмида ўзини ўзи бошқаришнинг ҳозирги ҳолатига хос бўлган кўпгина объектив тамойиллар шундан далолат берадики, давлат манфаатларини маҳаллий манфаатларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди, чунки бу манфаатлар бир-бирига зид бўлиши мумкин эмас. Давлат манфаатлари ҳам, маҳаллий манфаатлар ҳам аслида мамлакатнинг умумий манфаатларидир. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Қонуннинг 7-моддасида бу органлар давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди деген

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг тушунчаси, предмети ва ҳуқуқ тизимидаги ўрни.

1. Ўзбекистон Республикасининг Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг тушунчаси, предмети.
2. Ўзини — ўзи бошқариш тушунчаси.
3. Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ва шаклланиши.
4. Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқининг манбалари.
5. Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқининг нормалари ва институтлари.
6. Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқининг миллий тизимидаги ўрни.
7. Ўзини — ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий муносабатлари.
8. Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари.

Ўзини — ўзи бошқаришнинг тарихий-назарий асослари.

1. Ўзини — ўзи бошқариш ҳақидаги асосий назариялар.
  - «Эркин жамоа» назарияси.
  - «Ижтимоий ўзини — ўзи бошқариш» назарияси.
  - Ўзини — ўзи бошқаришнинг «давлат назарияси».
  - Сиёсий йўналиши
  - Юридик йўналиши
  - Ўзини ўзи бошқаришнинг «Дуализм назарияси».
  - «Ижтимоий хизмат кўрсатиш назарияси».
2. Маҳаллий ўзини — ўзи бошқариш Европа Хартияси. — Европа давлатлари муниципал ҳуқуқининг асосий манбаси.
  - Хартиянинг — Умумевропа ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш стандартларини ўрнатувчи ҳуқуқий ҳужжат.
  - Хартиянинг I — қисми, «Маҳаллий ўзини — ўзи бошқаришнинг конституциявий ва қонуний асослари» мазмуни ҳақида.
  - Хартиянинг «Махсус қоидалари» деб номланган II — қисмининг талаблари ҳақида.
  - Хартиянинг Европада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш ва тараққиётидаги ўрни ҳақида.

Хорижий давлатларда ўзини ўзи бошқариш — муниципал ҳуқуқининг ривожланиши.

1. Англо — саксон муниципал тизими

кўрсатмалар ишлаб чиқилиши, сайлов ўтказиш савалари белги – лаб қўйилиши, Қорақалпоғистон Республикасида, Сурхондарё вилоятида вилоят ва туман ҳокимларининг қарори билан йигин раисларини лавозимидан четлаштириши, аҳолининг фикрини ҳисобга олмай туриб ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини тута – тишга, чегараларини ўзгартиришга йўл қўйилиши – шулар қаторидан.

Буларнинг ҳаммаси мазкур органларнинг ваколатларига аралашувдир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг давлат ҳокимиятига хос бўлган бир қанча белгилари ҳам бор: *жумлаган, ўз ҳудудига ҳокимиятни амалга оширадиган алоҳида аппарати бор, уларнинг фаолияти узлуксиз ва универсал тарзда давом этади, қонунларга ва норматив ҳужжатларга асосланган бўлади, бошқарувни муайян ҳудудга амалга оширади, аҳолидан ихтиёрий йиғим тўлаш ҳақида қарор қабул қилади, ўз бюджетини шакллантиради.*

Айни вақтда ўзини ўзи бошқариш ҳудуди давлат ҳудуди бўлиб, унда яшайдиган аҳоли шу давлатнинг фуқароларидир.

Яна бир қанча ҳолатлар ҳисобга олинishi зарур: ўзини ўзи бошқариш мақоми давлат томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва давлат ҳокимияти органлари қабул қиладиган қонунларда белгилаб берилади; уларнинг мақоми давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳимоя қилинади; маҳаллий ишлар мустақил равишда бўлса ҳам, аммо ягона давлат сиёсати йўналишида ҳал этилади; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари барча тегишли шахслар ва муассасалар томонидан ижро этилиши мажбурийдир; ўзини ўзи бошқариш органларига давлатнинг айрим ваколатлари ўтказилиши мумкин ва ҳоказо.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари ўз қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Ўз ҳудуди учун бу масалалар юзасидан умумий қонунлар ўрнини оладиган қонун чиқариш ҳуқуқининг йўқлиги ўзини ўзи бошқаришни давлат ҳокимиятидан ажратиб турадиган муҳим мезондир. Ўзини ўзи бошқариш органлари умумий характердаги ҳарakat қоидалари баён этилган норматив ҳужжатлар чиқариши мумкин, албатта. Аммо бу ҳужжатлар, ўз табиатига кўра, қонун эмас, балки қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг нодавлат характерини асослаганда уларнинг тизимида қатъий табақалашув ва ўзаро бўйсунуш йўқлиги; улар давлат номидан иш кўрмаслиги; маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз ҳудудининг ривожланиши

хусусиятларига асосланиб ҳал этиши; уларнинг моддий – молиявий негизини ўзини ўзи бошқариш мулки ва бюджети ташкил қилиши; улар аҳолига жуда яқинлиги каби белгилар далил қилиб кўрсатилади.

Шундай қилиб, *ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти* – ўзига хос ҳокимият муносабатлари тизимидан иборат эканлигини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вазифалари унинг ўз афзаллари орқали амалга оширилишини таъкидлаб ўтмоқ керак. У ижтимоий ва айни вақтда оммавий ҳокимиятнинг бир тури (жамият устидан ҳокимият) бўлиб, ўзини ўзи бошқариш тузилмалари доирасида фаолият юритади. Бу фаолият маҳаллий тузилма номидан ва ҳуқуқ нормалари асосида ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. *ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятини маҳаллий тузилма мақомини белгиловчи нормаларга мос келадиган ижтимоий муносабатлар шакли деб таърифлаш мумкин.*

**IV БОБ.**  
**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ТАРИХИЙ**  
**НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Маҳалланинг жамоавий турмуш**  
**тарзи сифатида шаклланиши**

**Маҳалла мустамлакачилик ва**  
**мустабид тузум даврида**

**Маҳалла мустақиллик даврида**

**И.А.Каримовнинг маҳалла ҳақидаги ғоя,**  
**фикр-мулоҳазалари**

**Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқарув**  
**тараққиётининг асосий йўналишлари**

## IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ТАРИХИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли, шарқона демократик бошқарув услуби — маҳалла азаддан мав — жуаддир за узоқ ўтмишга эга. У миллий қадриятларни, халқнинг оммавий яшаш турмуш тарзини ўзида тўла-тўқис мужжасам этган.

*«Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг минг йиллик тарихи бор — деб ёзади И.Каримов. — Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўзини ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсати бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айна пайтда миллий ва халқчил кўринишидир».*

Манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида туғилган мангикий хулосага кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий бўғини бўлиб маҳалла институтининг вужудга келиш тарихи ва уларнинг шаклланиш жараёни учта даврий босқични ўз ичига олади.

**Биринчи босқич** — маҳалланинг миллий қадриятларимизни, маънавий муҳитни мужжасам этган жамоавий турмуш тарзи сифатида шаклланиши, яъни ўзбек миллати, ўзбек давлатчилиги шаклланишидан то Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлангунгача бўлган давр.

**Иккинчи босқич** — Туркистон Россиянинг мустамлакасига айланган даврдан то Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгунгача бўлган давр.

**Учинчи давр** — Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари даври.

### 1-§. МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМОАВИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

Марказий Осиёда, хусусан: ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жамоавий турмуш чуқур тарихий иддизларга эга. Бу тартибнинг ибтидоси антик даврга бориб тақалади. Ёзма ва археологик манбаларда минтақанинг қадимий шаҳарлари орасида жамоалар фаолият кўрсатганлиги, фақат турмушдагина эмас, балки ишлаб чиқаришда ҳам жамоа асослари мавжудлиги қайд этилган. Ўрта асрларда фақат жамоавий асослардагина суғориш тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш, бинобарин, деҳқончилик билан шуғулланиш мумкин бўлган қишлоқ аҳолиси учун ҳам,

шунингдек, шаҳар аҳолиси учун ҳам жамоа ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган эди.

Абу Райҳон Беруний ва бошқа бир қатор тарихчи олимлар Ўрта Осиё халқларининг қадим замонларда жамоат бўлиб бир жойга тўпланадиган, доимо олов ёниб турувчи муқаддас хонала — ри, яъни жамоа йиғинлари ўтказиладиган, диний маросимлар чоғида кўпчилик келиб овқатланадиган оловхоналари бўлганлигини ёзадилар.

Ибодатхоналар ҳузурида бўлган бу оловхоналарда (бу ҳол мазкур оловхоналарнинг қадимий диний урф — одатлар билан боғлиқлигини кўрсатади) қишлоқ эркаклари дам олган, жамоа йиғинлари ўтказилган, сайёҳлар тунаган.

Оловхоналар она — уруғчилик (матриархат) тузуми қоидалари амал қилиб келаётган бир шароитда эркакларнинг жамиятда ҳукмрон мавқега эга бўлиш учун кураш қуролааридан бири си — фатида «эркак уйлари», деб аталган манзилларнинг қолдиги та — риқасида ибтидоий жамоа муассасаларидан бирига бориб тақалади.

Бундай ҳолат ҳозирги замонда Шарқ халқлари орасида, ҳу — сусан Ўрта Осиёда кенг тарқалган, эркакларнинг жамоа — жамоа бўлиб тўпланадиган, кўнгилхушлик қиладиган, фикр алмашадиган маскани — чойхоналар ана шу «эркак уйлари» билан боғлиқ эмасмикан, деган савол ўз — ўзидан туғилиши табиий.

Демак, қадимий зардуштийлардан мерос қолган «эркак уй — лари», одамлар келиб овқатланадиган «оловхоналар» замонавий чойхоналарнинг ибтидоси бўлса, ажаб эмас. Замонлар ўтиши билан қадимий оловхоналар, «эркак уйлари» чойхонага, олов эса сиғиниш тимсоли эмас, ўчоқларда овқат пишириш воситасига айланиб қолганлигини Турон замин халқларининг турмуш ва яшаш тарзи, урф — одатлари кўрсатиб турибди.

«Авесто»да илк жамоавийликнинг пайдо бўлиш ва ривожла — ниш босқичлари қайд этилган. Жумладан, *нмана кашта патри — архал оила*ни, бир неча нманаларнинг бирикуви, яъни *уруғ жа — моаси* — *висни* ташкил этган. Муайян ҳудуддаги қўшни *вислар* бирикувидан *варзана* — ҳудудий қўшничилик жамоаси, улар — нинг уюшуvidан *занги* — қабила юзага келган. Қабилаларнинг ўзаро бирлашуви эса *дахиюни*, яъни қабилалар иттифоқини ву — жудга келтирган. Бунинг исботини Сополлитеда қишлоғи тари — хида кўриш мумкин. Қишлоқ ўтроқ деҳқончилик хўжалиги асо — сида ташкил топган 8 та катта оила жамоаси бўлиб, уларни уруғчилик ришталари эмас, балки умумманфаатли ишлаб чиқариш омили бирлаштирган. 8 та оила таркибан *патриархал* тизим ва унга мос одат ҳамда жамоанинг узилмаган ҳуқуқ тар —

тиботларига асосланган юздан ортиқ оиладан ташкил топган. Бундай катта оила жамоасини бошқариш улар орасидан сайланган оқсоқол — *нманapati* қўлида бўлган. Демак, Сополитепада 8 та оқсоқол бўлиб, улар бирлигидан *оқсоқоллар Кенгаши* тузилган. Ушбу тузилма ва унинг таркиби, «Авесто»да зикр этилган давлатни бошқарув тизимига айнан мос келади. *Яъни Дмана* — уй — оила жамоаси, *Нмана* — катта оила бошлиғи. Демак, Сополитепа қишлоғи аҳолиси 8 та *нманaган* ташкил топган *вис-гир* (Варзанапати).<sup>1</sup>

*Вис* — уруғ жамоаси, *Виспати* эса ана шу нманаларни бирлаштирган Оқсоқоллар Кенгашининг бошлиғи — *уруғ оқсоқоли*, катта қишлоқнинг *раҳбар—сардори*, қабила бошлиғи *Зантупати*, вилоят ҳокими — *дахияпати*, бир неча вилоятларнинг ҳукмдори ва қабилаларнинг ҳарбий саркардаси *Дахахияосастард*, қабилалар иттифоқи — *Ҳанжамона*, *Халқ Мажлиси* — *Вьяха*, *Оқсоқоллар Кенгашининг мўътабар уламоси* — *қоҳин* — *Зратушпсромагир*.<sup>2</sup> Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш жамоаларини бошқариш сайланган оқсоқоллар қўлида бўлиб, улар жамоа ҳаёти билан боғлиқ барча ишларни Оқсоқоллар Кенгаши орқали ҳал этишган.

Оқсоқоллар Кенгаши жамоанинг кундалик ишидаги хўжалик муаммоларини ҳал этган, ўз қўлида диний ва дунёвий ҳокимият — ни мужассамлаштирган. Шакланган тизимнинг қатъий тартибига мувофиқ, катта оила жамоасининг сайланган оқсоқоли, аynи пайтда, ўз оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ ҳисобланган. Яъни у пиру устод ва мураббий — етакчи бўлган. Уруғ қишлоқ оқсоқоли эса Оқсоқоллар Кенгашининг бошлиғи мақомида бутун қишлоқ аҳлининг ҳам бошлиғи саналган. Уларнинг сўзи ва буйруқлари жамоанинг барча аъзолари учун қонун, яъни мажбурий бўлган.

Ҳар бир қавм — жамоанинг бошқарув тизими ва шу тизимнинг ўзини ўзи бошқаришга асосланган анъана — ю қадриятлари яққол намоён бўлади. Аҳура — Мазда бошлиқ жамоа эзгу калом, эзгу амаллар йўлида, ижтимоий адолат, қонунлар устуворлигига асосланган инсонпарвар демократик мақсад — манфаатлар йўлида жонбозлик қилади. Чорвадор ва деҳқонлар қавмлари Аҳура — Мазда жамоасида эзгулик қонун — қоидаларига асосланиб, тинч, фаровон ҳаёт кечиришади, орзу — ниятларига эришишади.

Аҳура — Мазда турли қавмлар сардори, йўлбошчиси, бош мафкурачиси. Айни пайтда қавмлар, уруғ — аймоқчилик ўз сиё —

<sup>1</sup> Махмудов Т. «Авесто» ҳақида. Т. «Шарқ», 2000 й. 13 — 14 — бетлар.

<sup>2</sup> Қ Усмонов, М. Содиқов, Н. Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. 1 — қисм. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси пашриёти, 2002 й. 44 — 46 — бетлар.



сети ва раҳбарлик фаолиятида бевосита ўзлари мансуб жамоага таянади. Бу жамоа ҳар бир аъзосининг ўз ўрни, иши ва мавқеи — мақоми бор. Бир киши бошқа кишига зарар келтирмайди, ак — синча, жамоавийлик асосида умумий мақсад йўлида ўзаро алоқада, муносабатда бўлади.

Ана шу зайдда эзгулик, яхшилик билан боғлиқ урф — одатлар, удумлар ва бошқарув анъаналари шакланган жамоатчилик тизими яхлитлашади. Буни кейинчалик Қадим Юнон ва Қадим Рим сиёсий — ҳуқуқий таълимотларида «шаҳар — давлат», деб русумга киритилди.

Бизда Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий бундан 1100 йилча аввал «*Фозил шаҳар*» (*давлат*) ҳақида фикр юритган.<sup>1</sup>

Буюк мутафаккир «Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи» аса — рида «ҳар бир инсон шундай яратилганки, унда яшаш ва олий даражадаги камолотга эришмоқ учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва камолотга эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайди ва Ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнаша борди. Натижада инсон жамоаси вужудга келди», деб ёзади Форобий.

Кўриништики, Форобий фозил шаҳар (давлат)ни ижтимоий уюшшининг етук шакли, инсоният камолотга эришувининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди.

Фозил шаҳар кишилари онгли, яъни қонунга бўйсунувчи фозил фуқаролар сифатида ўз имкониятлари ва интилишларини, мақсад ҳамда орзу — ниятларини муштарақ яқдиллик орқалигина баҳамжиҳат бўлиб амалга оширишлари мумкинлигини таъкидлаган мутафаккир ўз сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида «фозил шаҳар», яъни маҳалла (ўзини ўзи бошқариш), давлат қурилиши муаммоларига эътибор қаратади. Буни жамоа бошқаруви деб бемалол атаса бўлади. Зотан, фозил шаҳар — давлат (демак, маҳалла ҳам) фозил жамоа, унда яшовчиларнинг табиатига мос бирлашма — уюшма бўлгандагина бошқарув ва бирлашувлар жамоат тизимига эга бўлади. Жамоа бўлиб яшпаган шаҳар (давлат)гина равнақ топади, тараққий қилади, қудрат касб этади, саодатга эришади.

Дарҳақиқат, айнан маҳаллий жамоада эркин элу улуснинг кучи ўз ифодасини топади. Маҳаллий жамоалар демократия ўрнатилишида бекиёс роль ўйнайди. Улар эл — улус учун эркинлик,

<sup>1</sup> М. Турғунов. Форобийнинг адолатли давлат тўғрисидаги қарашлари Тошкент, 2002 й.

озодлик сари йўл очади ва эркинлигу озодликдан қай даражада фойдаланишни ўргатади.

Биз Ўзбекистоннинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тари — хида савдо — ҳунармандачилик мавзеларини ифодаловчи арабий калима — «маҳалла» атамасини биринчи марта Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону Луғотит турк» асарида учратамиз.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги ва уларнинг ташкилий — мақомий вазифалари хусусида мулоҳазалар мавжуд.

IX аср тарихчиси Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида Бухорои Шарифда бундан 1.100 йил олдин ҳам маҳалла, кутарлар маажудлиги қайд этилади. Леонид Левитин таъкидлаганидек, «Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлган шаҳарлардаги маҳалла — ларнинг айрим мавзелари ўша пайтлардаёқ шу қадар катта эдики, уларни шаҳарнинг мустақил қисми деса бўлади. Маҳаллага об — рўи шахслар — умумий йиғилишда сайланадиган шайх ёхуд юз — боши раҳбарлик қилар эди. Ҳар бир маҳалла ўзининг кўкаламзор ҳудудида масжид ва чойхона жойлашган жамоатчилик марказига эга бўлган. Маҳалладагилар ҳар хил турдаги жамоат ишлари ўт — казиш учун зарур бўлган умумий асбоб — анжомларга эга бў — лишган».<sup>1</sup>

Кейинги даврлардаги олим ва мутафаккирлар маҳаллани қўни — қўшничиликка асосланган жамоа деб қайд этадилар ва улар тарихини бевосита Мовароуннаҳр шаҳарлари билан боғлайдилар.<sup>2</sup>

Кейинчалик эса уй — жой мавзелари «маҳалла», деб атала бошлаган замонларда арабча «жой» маъносини билдирган «ма — ҳаллун» шаҳарнинг табиий шакланган муайян бир қисмини бирдирувчи асл маъносидан ташқари, шаҳарнинг гавжум қисмида истиқомат қилувчилар ҳудудий жамоаси маъносида кў — проқ фойдаланилган.

Маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркиби бир хил бўлмаган: бир мавзеда бойлар билан камбағаллар, аслзодалар билан оддий халқ ёнма — ён яшайверган ва бир жамоага уюшган.

**Маҳалла ҳаётининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқарган.** Маҳаллага сайлаб қўйиладиган оқсоқол бошчилик қилган. Турли манбаларнинг гу —

<sup>1</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислоҳ Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. — Т.: Ўзбекистон, 2001. 183 — бет.

<sup>2</sup> Абдураимова М. Пережитки сельской общины в узбекском кишлаке (XIX — нач. XX вв) М.: 1962г. Мирхасилов С.М. Из истории общественного быта узбеков. Советская этнография №5. 1963г. Сухарев О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. М.: Наука, 1976. 46 — 47 — бетлар. Тошкент маҳаллалари. Айтишлар ва замонвийлик. Т.2002. 10 — 13 — бетлар ва бошқалар.

воҳлик беришича, нолойиқ одамларни сайлаб қўйиш жамоага кўп ноқулайликлар ва кўнгилсизликлар келтиришини яхши тушунган аҳоли оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлашга ҳамма вақтда ҳам жуда жиддий муносабатда бўлган. Оқсоқол шаҳар маъмурлари олдида маҳалланинг расмий вакили ҳисобланган, шу сабаб — ли оқсоқол улар томонидан тасдиқланган.

Маҳалланинг муайян маъмурий чегараси бўлган. Аҳоли ўзига хос жамоага бирлашиб, ижтимоий ҳаётда, оилавий маросимларда, ҳашарларда қатнашган. Ҳар бир маҳаллада жамоа маркази бўлиб, унга масжид, чойхона, бозорча ва карвонсаройлар кирар эди.

Айрим социологлар маҳаллани қўшничиликка асосланган жамоа, деб қайд қиладилар ва уларнинг тарихан Мовароуннаҳр шаҳарларида вужудга келганлигини таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Амир Темур ўз «Тузуқлари»да жамоа бўлиб яшаш, тизимни бошқариш усуллари ва тўра — тузуқлари ҳақида махсус тўхталлади. Райят тивчлиги ва фаровонлиги, элу юрт барқарорлиги, аввало, ана шу тизимлардаги яқдиллигу ҳамжиҳатликка бевосита боғлиқлигини таъкидлайди.

Амир Темур ўзининг улкая империясини улусларга бўлиб идора қилган.

Улус ҳукмдори — мамлакат миқёсидаги катта вилоят ҳукмдори Соҳибқирон томонидан тайинланиб, ўз девонлари, хазинаси ва қўшинига раҳбарлик қилган. Ўз улусларини тасарруф этиш, улус райятига адолат билан ғамхўрлик қилиш, тинчлик, осойишта — ликни сақлаш, ободончилик ишлари билан шуғулланиш, уруш вақтида айтилган миқдордаги қўшинлари билан Соҳибқирон ўр — дасига етиб келиб, юришларда қатнашиш унинг асосий вазифа — лари ҳисобланган.

Улус ҳукмдори давлатта яхши хизмат қилганларни мукофот — лаш, қонунга хилоф жиноий ишларни тафтиш қилиб, исёнкор — ларни жазолаш, улусга кирувчи вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ мансабдорларини тайинлаш ва ишдан олиш ваколатларига эга эди.

Волий — вилоят ҳукмдори. Бу мансаб салтанат учун буюк хизматлар қилган нуфузли амирларга ёки Соҳибқироннинг во — рисларига берилган. Волий ўз вилоятидаги шаҳар улус ҳукмдори билан келишган ҳолда, мансабга тайинлаш ва ишдан озод қилиш, яхши хизмат қилганларни рағбатлантириш, қонунга хилоф ишлар қилган айбдорларни жазолаш ваколатларига эга бўлган.

Улус пойтахти ёки вилоят маркази бўлган шаҳарларга ҳо — кимлар шахсан Соҳибқирон томонидан ёки улус ҳукмдорлари —

<sup>1</sup> М.Фуломов. «Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси», «Адолат», Тошкент, 2003 й.

нинг тавсияси билан қўйилган. Муҳим стратегик аҳамиятта эга бўлган шаҳарларга Соҳибқирон ворислари — шаҳзодалар, нуфузли амирлар ёки уларнинг фарзандлари қўйилган.

**Туман амири** ёки **туман беги** — вилоят (шаҳарлардан ташқари) туманларга бўлинган. Туман амири ўша жой аҳолисининг тинчлик вақтида далаларда, корхоналарда, устахоналарда меҳнат қилишга шароит яратиб, уруш вақтида бир туман (10—12 минг) қўшин етказиб бериши шарт эди.

**Мингбошлар**, қашлоқ оқсоқоллари туман амири, вилоят ҳокими, улус ҳукмдорига бўйсуниб, уларнинг фармонлари бажарилишини таъминлаганлар.

Соҳибқирон вилоят ҳокимларига, жумладан, бир неча вилоят ва мамлакатларга раҳбарлик қилиб турган фарзандлари ҳамда набираларига ўз вилоятини бошқариш учун кўпгина соҳаларда мустақиллик берган. Вилоят ҳокимлари ва мамлакат подшоҳлари ўзларига тобе макон, кентлардаги раҳбарларни, вилоят, шаҳарларнинг волийларини, қалъалар пикналарини, доруғаларини тайинлаш, мансабидан олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Аммо стратегик аҳамиятта молик жуда муҳим чегара вилоятлари ёки йирик шаҳарларнинг ҳокимларини тайинлаш, мансабидан олиш бевоқифа Соҳибқироннинг ихтиёрида бўлган.

Амир Темур ўз салтанатида ўнбоши, юзбоши, мингбоши, деган лавозимларни жорий этган. «Амр қилдикки, уруш кунларида ва салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига ўнбошиники эса қўл остидагиларга жорий этилади. Агар бу тузукка қаршилиқ қилсалар жазога тортилсинлар».<sup>1</sup>

Соҳибқирон жуда кучли, марказлашган буюк салтанатни бунёд қилди ва унинг ҳудудларида аввали вақтларда доимий бўлиб турган ўзаро қонли, қирғин урушларга чек қўйди.<sup>2</sup>

Алишер Навоийнинг бадиий ижодида ҳам, сиёсий — фалсафий қарашларида ҳам маҳалла мақоми, унинг ўша давр жамияти ижтимоий — маънавий тизимидаги роли ҳақида кўп фикр — фикрлар илгари сурилган.

Буюк шоир, мутафаккир ўзининг «Мажолисун — нафоис» тазкирасида маҳаллалар хусусида, жумладан, куйидаги маълумотларни беради: «Дўстмуҳаммад — Марғани маҳалласидандур. Ҳам шеърға, ҳам муаммоға таъби яхшидур».

Ушбу таъкид шунини кўрсатадики, Алишер Навоий яшаган даврда ҳам маҳалланинг ҳаётда тутган ўрни, нуфузи диққатга

<sup>1</sup> Темур Тузуқлари. — Т.: Чўпон. — 1991, 70—бет.

<sup>2</sup> Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Авто — реферат. — Т.: 2002.

сазovor бўлган ҳамда маҳалладошлар ўртасида ўзарo ҳурмат, тинчлик, шоҳу гадоиянг бир – бирига бўлган муносабатида гамхўрлик қадрланган. Тарихдан маълумки, Алишер Навоий ҳам шу маҳаллада яшаган. Бу ҳақда, яъни Навоий ўзи турган ҳовли – сининг шу маҳалладаги ўрни ҳақида шундай дейди: «Бу Марғани кўшки мана шу ўралган ҳовлининг жанубий чегараси билан гарбий чегарасининг ўртасида эди».

Улуғ зотлар ўзлари яшаган маҳаллага, одамларига меҳр билан қараганлар. Навоий Ҳиротнинг Марғани маҳалласида яшар экан, у ерга сув чиқарган, шаҳарнинг энг гўзал мавзеига айлантирган. Кўпгина улуғ асарлари ҳам шу маҳаллада дунёга келган.

Алишер Навоийнинг «Вақфийя» асарини ўқир эканмиз, унинг бунёдкорлик фаолияти, яшаган маҳалласида амалга оширган ажойиб ишлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўламиз. Унда Навоийнинг амалга оширган хайрли ишлари – мадраса, мактаб қурдиргани, боғлар барпо этгани, яшаган маҳалласининг ободовлаштириш, сарамжон – саришта, озода бўлиши учун қилган ишлари ҳақида, вақф мулклари, улардан фойдаланиш йўллари, тартиб – қоидалари тўғрисида, ўқув жойлари ва тоат – ибодат ерларидаги машгулотларнинг моддий томовлари хусусида сўз боради.

Тарихдан биламизки, Навоий йўқсил бечораларнинг аянчли аҳволини чуқур хайрихоҳлик билан ҳал этган. Унинг одамларга хизмат қилишда ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламаганлиги, хизматлари эвазига улардан ҳеч нарса олмаган, берганларида ҳам рад этиб, қайтарганлиги ибратлидир.

Ўз улуғвор фазилатлари, ўзи яшаган Марғани маҳалласида қўни – қўшниларига, маҳаллага қилган хизматлари, шунингдек, умуман, Хуросон давлати вазири мақомида бажарган сонсиз – саноксиз хайрли ишлари, жумладан, азиз – авлиёларнинг мақбараларини таъмирлагани (масалан, Нишопурда шайх Фари – дуддин Аттор, машҳур шоир ва дин арбоби Қосим Анвар Ҳазрат, Машҳададаги Имом Ризо сингари улуғларнинг қадамжоларини, Сангбаст, Дизобод, Ишқ работларини, Турк қишлоғида тўғонни, ўзи яшаган Марғани маҳалласини ўз маблағи эвазига обод қилгани, қатор мадрасалар барпо этгани) ҳаммага маълум.

## 2-§. МАҲАЛЛА МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА МУСТАБИД ТУЗУМ ДАВРИДА

ХІХ асрда жамоанинг анъанавий шакллари сақланиб қолган бўлиб, у фақат ҳудудий бирликкина (даҳа) эмас, балки ижтимоий тузилма, аҳоли ижтимоий турмушининг ташкилий шакли ҳам бўлган. Кишининг эътиқоди, миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, унинг бирон — бир жамоа ҳудудида яшаши ўша жа — моага мансублигининг ягона белгиси ҳисобланган.

Ички ижтимоий тузилиш ва бошқарувнинг тарихий таркиб топган тизими ҳудудий жамоа ҳаёт фаолиятининг ўзати бўлиб ҳизмат қилди, шаҳар жамоасининг асосий вазифаси эса фақат биргаликда фаолият олиб боришгина бўлмай, балки ўзбеклар ижтимоий ҳаётини ташкил этиш, оила ва турмуш анъаналарини, расм — русумларини, халқимиз турмуш тарзининг барча тизими — ни сақлаш ва бойитишдан ҳам иборат бўлган. Ўтган барча асрлар мобайнида биргаликдаги жамоа ҳаётининг ўзаро манфаатдорлик, катталарга ҳурмат, бир — бирига ёрдам, меҳмондўстлик ва кўплаб бошқа жиҳатларни ўз ичига олган ахлоқ — одоб меъёрларидан иборат анъаналари мустаҳкам бўлган. Гарчи, ижтимоий тафо — вутлар мавжуд бўлсада, жамоа негизлари демократик асосларга таянар эди.

Яқин — яқинларгача ҳудудий кўшничилик жамоаси халқимизда турли минтақаларда турлича номларда аталган: ма — ҳалла, маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод. ХХ асрнинг 90 — йилларидан шаҳар ва қишлоқлардаги ҳудудий — кўшничилик жа — моаси ягона «маҳалла» атамаси билан юритиладиган бўлди.

Қадимда вужудга келган кўшничилик жамоаси бутун тарих мобайнида ўз ҳаётий кучини сақлаб қолди.

Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланган — рилган даврда ўлка бошқаруви зўравонликка асосланганлигини ва у доимий усул сифатида сақланиб келганлигини кўрамиз. Россия ҳукумати Туркистон халқларининг «хоҳиш — иродаси ва розилигига қараб қолмаслиги»ни ҳамда «бу ўлкада тўла эркин бўлиши зарурлиги»ни ҳамisha алоҳида уқтириб келган. Шу асосда Туркистон генерал — губернаторлик бошқарув тизими ту — зилган. Шаҳар, қишлоқ бошқаруви тизимида туман бошлиғи та — сарруфида участка (бўлим) пристави бўлиб, унга маҳалла оқсоқоллари элликбоши, ўнбошилар бўйсундирилган. Шундай қилиб, Туркистон генерал — губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бирлаштириб, жиловини маҳкам ушлаб турган. Маҳаллий бошқарув тизими рус маъмурияти қўлида бўлган. «Рус маъмуриятининг аҳолига «ўзини ўзи бошқариш» ва

«сайлов ҳуқуқини бериши» ғирт лўттибозликдан иборат бўлиб, аслида ишнинг тизгини унинг қўлида қолган»<sup>1</sup>

Мустамаққачилар маҳаллий бошқарув идораларига масъула шахслар танлаанишида ниҳоят хушёр иш тутиб, башарти илгор, тараққийпарвар ва миллатпарвар кишилар волост, ҳатто маҳалла бошқарувчиси, оқсоқол, юзбоши, эллиқбоши ёки қози сифатида сайланиб қолса, уларни лавозимга тасдиқламаслик учун турли ҳийла – найранглар ишлатганлар. «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом» деб аталган ҳужжат эса уларга бу борада кенг фаолият майдонини яратиб берган. Чоризмнинг ушбу маъмурий сиёсатдан кўзлаган асосий мақсади ўлканинг иқтисодий жиҳатдан қонини сўриш, маънавий – руҳий мақсади эса, пировард натижада, Ўрта Осиё халқларини руслаштиришдан иборат бўлган.

Тарихий манбалар Россия империяси ўлкамизда ўзбек дав – латчилигининг барча кўринишларини таг – тути билан йўқотиш ва русча идора услубини қатъий жорий этиш учун изчил иш олиб борганини тўла тасдиқлайди. Лекия, шундай шароитда ҳам, ҳақимиз ўз иродаси билан танлаган маҳалла бошқаруви синовдан мардонавор ўтган.

Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа йирик ша – ҳарлар даҳаларга, улар эса, ўз навбатида маҳаллаларга бўлиниб, маҳаллаларга оқсоқоллар бошчилик қилган. Ҳар бир маҳаллада масжид бўлиб, одамлар ҳаётидаги барча муҳим воқеалар шу ерда ҳал қилинган. Дафн маросимини масжид имоми билан сўфи ташкил этган. Фарзанд туғилганда, никоҳ тўйларида оиланинг моддий аҳволига қараб, дастурхон қандай бўлиши, қанча одам чақирилиши белгиланган.

Бир неча хонадонли кичик маҳаллалар кўрғонча деб аталар, уларда одатда эндигина ўтроқ ҳаётга ўтган оилалар жойлашган бўларди. Маҳаллаларнинг қадимий маҳаллий бошқарув тизими эканлигини Тошкент шаҳри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Туркистон Россия империяси таркибига қўшиб олингандан кейин Тошкентда руслар сони тез суръатлар билан кўпайди. Бу бошқа миллатларга мансуб аҳолининг ҳам ўсишига олиб келди. 1868 – 1910 йиллар мобайнида шаҳар аҳолисининг умумий сони 3,2 баробар, жумладан, ўзбеклар – 2,4, руслар – 22,6, татарлар – 3 марта ошди.<sup>2</sup>

Маъмурий жиҳатдан Тошкент қадимдан мавжуд бўлиб кела – ётган тўрт даҳа – Шайхонтоҳур, Себзор, Кўкча ва Бешёғочга бўлинган эди. Ҳар бир даҳа бевосита шаҳар ҳоқими – бекка

<sup>1</sup> «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 1 – китоб, 204 – бет.

<sup>2</sup> Развитие хозяйства и культуры г. Ташкента стат сб Ч.1. 1972. 9-бет

бўйсунувчи оқсоқол (мингбоши)га эга эди. Даҳа юзбошилар то – монидан бошқариладиган кўплаб маҳаллалардан ташкил топган. Н.А.Маевнинг маълумотларига кўра, XIX аср охирида Тошкен – тдаги маҳаллалар сови 149 та бўлиб, уларнинг 48 таси – Шай – хонтоҳур, 38 таси – Себзор, 31 таси – Кўкча ва 32 таси – Бе – шөгочда жойлашган.<sup>1</sup>

Алоҳида шаҳар, қишлоқ ёки даҳа ижтимоий ҳаётини ташкил этиш шакли бўлган кўшничилик жамоаси (маҳалла) қадимдан мавжуд бўлиб келган. У маҳалла, (маҳаллат, ер, даҳа, жамоа, гу – зар, эл, юрт каби) бир қанча номлар билан юритилган ҳамда шаҳар жамиятининг нафақат ҳудудий, шу билан бирга, энг қуйи маъмурий бирлиги ҳисобланган.

Жамоанинг ички тузилиши одамларнинг авлоддан – авлодга ўтиб келган қон – қариндошлик ва руҳий яқинлик ҳақидаги та – саввурларига таянган.

XX асрнинг бошидаёқ маҳаллалар даҳа бошлиқлари бўлган мингбошилар томонидан белгиланадиган юзбоши (оқсоқол)лар томонидан бошқарилган. Юзбошилар мингбошиларга бўйсунган, уларнинг кўрсатмаларини бажарган. Ўтмишда юзбоши ва унинг ёрдамчилари маҳалла бошқарувини ташкил этишган, бошқарувчи вакиллар умумий йиғинларда сайланган. Лекин шаҳар маъмури – ятлари, имомлар, даҳанинг бой – бадавлат қатламлари бу сайлов – ларга катта таъсир кўрсатганлар, кўпинча унинг йўналишини белгилаб берганлар.

Жамоа бошлиғи қилиб кўпинча бой бўлмаган, ўртаҳол, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳурматли кишини сайлаганлар. У фуқаролар ўртасида ҳурмат – эътиборга эга бўлиши ва шаҳар йиғинида, даҳа судида маҳалла манфаатларини муносиб равишда ҳимоя қила олиши лозим эди.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётига улар томонидан сайлаб қўйилган кайвони раҳбарлик қиларди. Кайвони лавозимига ма – ҳаллада катта ҳурматга қозонган ва ўзбек турмуш тарзини, урф – одат ва анъаналарини бутун нозиклиги билан биладиган, серғайрат, фаол, ташкилотчилик қобилиятига эга, одоб – ахлоқи билан обрў – эътибор қозонган аёл лойиқ кўрилган. Унга ходима ёки дастурхончи кўмаклашган. Бу вазифага кўпинча бева хо – тинларни сайлаганлар, чунки уларнинг бўш вақти кўп бўлган ҳамда бу иш уларга кўшимча даромад келтирган.<sup>2</sup>

Маҳалла раҳбариятининг асосий вазифаси жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилишига кўз – қулоқ бўлиб туриш, урф – одатларга риоя

<sup>1</sup> Тошкент маҳаллалари: Анъаналар ва замонавийлик. Тошкент 2002 й. 11 – бет.

<sup>2</sup> Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент 2002 й. 12 – бет.



қилиш ва уларни бузган, жамоат мажбуриятларидан бўйин товланганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарияти ариқ — ҳовузларни тозалаш, уларни озода сақлаш, янги, обод кўчалар, йўللар қуриш ва бошқа маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бўлган бошқа жамоат ишларини уюштирганлар.

Ягона ҳудудда яшовчилар кўча, ариқ, ҳовузларга қараш, гузарда мавжуд бўлган ҳамма нарсани покиза тутишга интилар эди. Ҳашарда ҳар бир оиладан бир — икки киши иштирок этган. Вақти бўлмаганлар пул беришган.

Юзбоши маҳалла фуқаролари ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал этган, жанжаллашаётган томонларни ўзаро муросага келтирган, қозилар судида ўз маҳалладошларининг манфаатини ҳимоя қилган, майда — чуйда айблар учун ўзи жазо белгиланган.

Маҳалла аъзолари ўзлари яшаётган даҳа ҳудудини, шунингдек, шаҳардан ташқаридаги маузаларни<sup>1</sup> биргаликда тасарруф этганлар. Тошкентдаги шаҳар ҳаётининг ўзига хослиги шунда эдики, XIX асрда ва XX асрнинг бошларида аҳоли турли машғулотлар (ҳунармандчилик, савдо, турли хизматлар) билан бир қаторда, ёз ойларида шаҳардан ташқаридаги боғларига чиқиб деҳқончилик билан шуғулланган.

Маҳалланинг умумий мулки бўлган, у турли маросимларни ўтказиш учун зарур турли анжомлардан иборат эди. Ҳар бир маҳаллада битта катта ёки бир неча кичик қозон, самовар, етарли миқдорда коса, лиёла, дастурхон, қошиқ, хонтахта, курси, кўр — пача, гилам ва бошқа буюмлар мавжуд эди. Маҳаллада дафн маросимида ишлатиладиган тобут ва бошқа махсус жиҳозлар ҳам бўлган.

Ҳар бир маҳалла бирон — бир ўзига хос хусусияти билан ажралиб турган: бири пичоқ, газлама, қурол, эгар, жабдуқ, бешик, сандиқ ва бошқа нарсалар ясайдиган қўли гул усталари билан машҳур бўлса, бошқаси юксак маънавий негизлари, ўқимишли кишиларнинг кўпчилиги, ноз — неъматга бой боғлари билан шуҳрат қозовган ва ҳаказо.

Тошкент маҳаллалари ишлаб чиқариш принципитга қараб номланган. Бу ерда Темирчи, Мисгарлик, Қошиқчилик, Тақачи, Эгарчи, Парчабоф, Заргарлик, Ўқчи, Чақичмов, Дегрез ва бошқа маҳаллалар мавжуд бўлган. Бу маҳаллаларнинг номидан Тошкентдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг географиясини аниқлаш мумкин. Шаҳарнинг катта бозори ва унинг атрофида жойлашган маҳаллалар нима билан савдо қилишига қараб номланган: Тўнбозор, Эгарбозор, Тузбозор, Ипакбозор, Сандиқбозор

<sup>1</sup> Мауза — аҳоли деҳқончилик билан шуғулланадиган шаҳардан ташқаридаги ер майдонлари. Бу ерлар дастлаб жамоа мулки ҳисобланган.

ва ҳоказо.

Маҳаллаларнинг номланишида шаҳар аҳолисининг узоқ йиллар мобайнида шаклланган этник таркиби ҳам ўз аксини тошган. Бу номларни таҳлил қилиш аҳолининг туркий—форсий келиб чиқиши ва туркий аҳоли нисбатининг яққол устуналигидан гувоҳлик беради: 105 та маҳалланинг номи туркий, 44 таси фор—сий, 35 таси эса ҳар иккала тилда баб—баравар қўлланадиган сўзлардан келиб чиққан.<sup>1</sup>

XIX асрда Тожик, Қашқар, Мўғулкўча, Қанғли, Турк, Калта—той, Чигатой сингари маҳаллалар бор эди. Ҳожи, Уламо каби маҳалла номлари жамиятнинг табақавий хусусиятини ўзида акс эттирган. Тошкентда асосан бадаваат кишилар истиқомат қилган бир неча маҳаллалар бўлган: Бойкўча, Қозикўча, Ҳожикўча, Эшонгузар ва бошқалар. Шу ўринда касбий, ижтимоий ва та—бақавий мансублигига кўра бирлашган кишилар билан бир қаторда, ҳар бир маҳаллада бошқа табақа, ижтимоий гуруҳ ва касб—ҳунардаги аҳоли ҳам истиқомат қилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Бир қатор маҳаллалар машҳур кишилар, авлиёлар ёки ма—читлар номи билан аталган: Хастимом (Ҳазрати Имом), Тилла—шайх, Юнусхон, Шайх Зайниддин бува, Оқмачит, Салиммачит. Сарбон кўчасида жойлашган маҳаллалардан бири машҳур олим ва ҳофиз Кўҳакий номи билан аталган.<sup>2</sup>

Тошкентда маҳаллалар айнан қайси даврдан бошлаб пайдо бўлганини аниқлаш қийин, лекин ўрганилган барча маҳаллалар (шаҳар девори доирасида) тарихи бир неча юз йилликларга бо—риб тақалади. Баъзи маълумотларга кўра, Обиназир маҳалласи 600 йилдан буён мавжуд. Чигатой маҳалласининг пайдо бўлиши ва номланиши бу ерда ятаган ўзбек уруғларидан бири — чигатой атамасидан (XIII аср) келиб чиққанлиги ҳақида фаразлар мавжуд.

1917 йил Октябр тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга олган большевиклар, эски давлат машинасини биринчи галда синдириш тўғрисидаги марксча—ленинча тезисга суянган ҳолда ўз давлатларини тиклай бошлайдилар. Гарчи бирданига бўлма—са—да, буржуа давлатчилиги таълимоти сифатида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларини ҳам синдириш лозим эди.

Ички ишлар халқ комиссарлигининг биринчи ҳужжати— 1917 йил 24 декабрда чоп этилган йўриқномасида айтилишича, жойлардаги ҳокимиятни ташкил этишга бутунлай «янгича» ён—дапиш зарур эди, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари

<sup>1</sup> Керанг: Мавлиқий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. Тошкент, 1996 й. 7—бет.

<sup>2</sup> Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент, 2002 й. 16—бет.

маҳаллий аҳамиятта молик масалаларда мутлақо мустақил деб эълон қилинган бўлса ҳам, бироқ марказий Совет ҳокимиятининг декрет ва қарорларига мувофиқ иш тутишлари лозим эди.

Ҳокимият идораси сифатида Советларга маҳаллий аҳамиятта молик маъмурий, хўжалик, молиявий ва маданий-маърифий ишларни бошқариш вазифалари юклатилганди. Бошқарув тартибида Советлар ҳокимиятнинг барча декрет ва қарорларини ҳаётга татбиқ этишлари, бу қарорлар ҳақида аҳолини кенг хабардор этиш чораларини кўришлари, акси инқилобий идораларни ёпиб қўйишлари, реквизициялар ва муқодарларни амалга оширишлари, жарималар солишлари, хибсага олишлари, Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга ёки унга қарши фаол ҳаракат қилишга чақирувчи жамоат ташкилотларини тарқатиб юборишлари керак эди.

Шундай қилиб, маҳаллий Советлар ошкора равишда давлат ҳокимияти идоралари бўлиб қолди. Бу маҳаллий характерда бўлса ҳам, аммо марказий идоралар доирасида мустақил иш олиб борадиган, синфий курашда ошкора иштирок этувчи ҳокимият эди. Моҳиятан бу давлат ҳокимиятини «демократик централизм» тамойили асосида ташкил этишга биринчи ёндошув эди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни кўзда тутмаган, аммо давлат ашпаратини яратишда хийла моҳирона фойдаланилган мафкураининг даъво қилишича, гўё «бутун давлат ҳокимияти ўзини ўзи бошқариш асосида ташкил этилди, ўзини ўзи бошқариш эса давлат ҳокимиятига айланди». Дарҳақиқат, ташқаридан қараганда манзара гоят зўр эди – бутун мамлакат ҳатто энг кичик ҳудудий бирликлар: қишлоқлар, овуллар, ўртача шаҳарларда тузиладиган турли – гуман Советлар билан қопланган эди.

Бироқ совет ҳукумати Советлар ва маҳаллаларнинг вазифаларини чеклаш, ўзига бўйсундиришга интилдикки, бу ҳол маҳалла фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Аммо маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай ҳужумларга ва уларни йўқотиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгариги ҳаёт тарзи, урф – одат ва расм – русумларни пинҳона сақлаб қола олди. Коммунистик тизим маҳаллани ўз назоратидан чиқариб юбормасликка интилиб, таркиб топган жамоат тузумидан ўз мақсадларида фойдаланишга интилди ва шунинг учун бундай ҳолат билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Расмий доиралар маҳалла комитетларига аҳолини ҳисобга олиш ва маълумотномалар бериш ҳамда юқори ташкилотларга ҳисобот тақдим этиш вазифаларини юклади. Ҳокимият ана шундай майда – чуйда вазифалар ҳисобида маҳаллаларнинг

вазифалари доирасини кенгайтириш билан эски урф — одатларни сиқиб чиқариб, уларни янгилари билан алмаштириш пайида бўлди. Масалан, эски анъанавий никоҳ тўйи янги — қизил тўй билан алмаштирилди, халқнинг азалий удумлари «феодализм сарқитлари» деб баҳоланиб, уларга қарши ҳужум бошланди. Кишиларнинг ахлоқ меъёрлари ва қадриятларини ўзгартиришга ҳаракат қилинди. Совет ҳукумати қатагон йилларида маҳаллада яшаб келаётган илгариги бадавлат кишилар ҳақида маълумот тўплашга ҳаракат қилди. Уларнинг кўпчилиги ҳибсга олиниб, сургун қилинди.

1932 йил 17 апрелда Ўзбекистонда биринчи марта шаҳарлардаги маҳалла кўмиталари тўғрисида Низом чиқди.<sup>1</sup> 1935 — 1936 — йилларда маҳалла кўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни кўмита раиси бошқарадиган бўлди.

Орадан 30 йил ўтгач, 1961 йил 30 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши республика шаҳар, қишлоқ, посёлка ва овуллардаги маҳалла кўмиталари тўғрисидаги Низомни қабул қилди. Аммо унда маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. «Маҳалла кўмиталари бирон — бир молявий ҳўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олди — сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Бундан кўриниб турибдики маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди.<sup>2</sup>

Иккинчи жаҳон уруши маҳалланинг байналминалчилик табиатини намоён этди. Уруш даврида маҳалла кўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, меҳнат фронтга аҳолини сафарбар қилиш, кўчириб келтирилган аҳолини турар — жой билан таъминлашда фаол иштирок этдилар.<sup>3</sup>

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонга ўз юртидан бадарга қилинган қрим татарлар кўчиб келишди. Маҳаллий аҳоли уларнинг оғир қисматига ҳамдард бўлиб, уларга бошпана ва нон — туз берди.<sup>4</sup>

«Ўтмиш сарқитлари»га ҳамда мусулмон аҳолининг анъанавий турмуш тарзига қарши кураш, уларни коммунистик ёки Европа андозалари билан алмаштиришга уринишлар маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзини ташқи жиҳатдангина ўзгартирди, холос. Халқимизнинг қонига сингиб кетган оила ва маҳалла анъаналари эса бекаму кўст сақлаб келинди ва ёшлар онгига синдирилди.

<sup>1</sup> Тошкент оқшоми, 2001 й, 19 июнь.

<sup>2</sup> Тошкент оқшоми, 2001 й, 18 июнь.

<sup>3</sup> Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва зомонавийлик. Тошкент 2002 й. 32 — бет.

<sup>4</sup> Уша ерда. 30 — бет.

Шунинг учун 80 – йилларнинг иккинчи ярмидаёқ, жамиятда оз бўлса – да демократия куртаклари пайдо бўла бошлаши билавоқ барча анъанавий тартиботларни илдам қайта тиклаш имконияти тугилди.

### 3–5. МАҲАЛЛА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлаб – ки кунларданоқ давлат бошқарувини ва жамиятни эркинлаштириш йўли тугилиши билан бирга ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятига эътибор берила бошланди. Миллат ва жамоат тизими ҳамда шарқона демократик ўзини ўзи бошқаришнинг тимсоли ҳисобланган маҳалланинг мавқеи тикланди ва унинг фаолияти учун ҳуқуқий база яратилди.

«Маҳалланинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, на – фақат ижтимоий, балки – сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир» деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Маҳалла борасида олиб бораётган сиёсат иккита муҳим ва – зифани ҳал этишни кўзда тутди.

*Биринчиси* маънавий вазифа бўлиб, у ўзбек халқининг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат.

*Иккинчиси* сиёсий вазифа бўлиб, маҳалла институтини бу – гунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш ва унинг вако – лаларини кенгайтиришдан иборат.

Таъбир жоиз бўлса, маҳалла тимсолида шарқона демократия шакли кўрилмоқда. Бу нарса биринчи марта олий Кенгаш томо – нидан 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ўз ифодасини топган эди.

Даврнинг янгича талабларига мувофиқ юзага келган бу Қонун ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Унда маълум маънода жамиятимизнинг ҳаёт тарзи белгиланган берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун қабул қилинганидан ва амал қила бошлаганидан бери мамлакат ижти – мий – сиёсий ҳаётида туб сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу, аввало, раҳбарлик ва бошқарув тизимида демократик тамойил – ларнинг кучайганлиги, ижтимоий ҳаётда ўзини ўзи бошқариш органиларининг роли ва мавқеи ошганлиги билан изоҳланади. Ўтган даврда ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятида тў – планган тажриба мазкур Қонунни такомиллаштириб, уни тез

ўзгараётган ҳаёт талабларини ўзида тўла мужассамлаштира ола — диган, сифат жиҳатдан янги ва мукамал юридик ҳужжатга ай — лантиришни зарурат қилиб қўйди. Чунки Қонуннинг кўпгина моддалари амалга ошириш механизмига эга эмас эди. Унда йиғин раислари (оқсоқоллари) зиммасига кўпгина вазифалар юкланиб, катта ваколатлар берилган бўлса ҳам, улардан фойдаланиш таъминланмаган эди. Бу ҳолатлар ўз навбатида раис ва оқсоқолларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашларини чеклаб қўяр эди. Шундай қилиб, ҳаёт тақозосига кўра Қонун 1999 йил 14 ап — релда ва 2003 йил 30 августда ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги ушбу Қонунда фуқаролар йиғинлари ва улар раисларининг ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Бу органлар иложи борича аҳолига яқинлаштирилди. Бу, ўз навба — тида, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнида фуқароларнинг жойларда давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишларини таъминлайди, бизни фуқаролик жамияти сари яқинлаштиради, жойларда адолат қарор топишига имконият яратади.

Қайд этиш лозимки, мустақилликкача бўлган ва мус — тақиликнинг дастлабки йилларидаги маҳаллалар ҳаёти билан бугунги маҳаллалар мавқеини қиёслаб кўрсак, улар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу одатдаги муболага ёки сўз ўйини эмас. Буни маҳаллага берилган ваколатларнинг қанчалиги — ю, улар қай даражада ўзлаштирилганлиги, маҳалла фаолияти билан боғлиқ шахслар мавқеининг ўсганлиги — ю, буни маҳалла аҳли қай даражада тан олиб, бирлашиш, фаолиятга киришганлиги каби ўнлаб қиёсий хулосалардан сезиш мумкин. Аслида, фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори шу эмасми? Одамлар ўз ҳаётий масалалари ечимини шу идорадан кутса, фуқаролик жамияти — нинг кўриниши шу эмасми?

Мамлакатимиз ҳудудининг ҳеч бир қаричи ёки ҳеч бир фуқароси йўқки, маҳалла бошқаруви билан ҳамраб олинмаган бўлса. Бутун республикамиз ҳудудида 10 мингдан ортиқ маҳалла мавжуд. Уларнинг асосий қисмида йиғин раислари, котиблари ва маҳалла посбонлари сардори маошлар билан таъминланган. Ма — ҳалла йиғинларининг ҳар бири қошида ўнга яқин комиссиялар фаолият кўрсатади. Бу комиссиялар маҳалланинг тарихан шакл — ланган тажрибалари асосида фуқароларни бошқариш ишлари билан бир қаторда, ўз фаолият доираларини кенгайтириб бор — моқда. Хусусан, ҳокимият томонидан берилаётган ваколатларни қисқа вақтда тез ва мукамал амалга ошириш бунга яққол ми — солдир. Бутунги кунга келиб, маҳаллалар ўз ҳудудини белгилаш,

ўзгартириш, ўз раҳбар органларини сайлаш, комиссиялар таркибни белгилаш, ҳокимликлар раҳбарларининг маҳалла аҳли ҳузурдаги ҳисобларини тинглаш, маҳалла ҳудудидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, маҳаллада тадбиркорликни йўлга қўйиш, коммунал тўловларни ундириш ва коммунал хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, муҳтожларга моддий – маънавий ёрдам кўрсатиш, фуқароларни қабул қилиш, ишсизлар билан ишлаш ва уларни ишга жойлаштириш каби ўнлаб ваколатларни бажармоқда. Тўғри, бу ваколатлар ҳар бир маҳаллада ҳам тўлалигича ўзлаштирилиб, амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Аммо бу билан фуқаролик жамиятига дастлабки қадам қўйилди. Бугун нафақат маҳалла оқсоқоли – ю унинг фаоллари, балки маҳалла аҳолиси ҳам маҳалланинг фуқаролик жамиятини ташкил қилишдаги асос ва таянч ролини ҳис қиломқда. Буни яна шундан сезиш мумкинки, айнан фуқаролар йиғинлари фаолияти туфайли аҳолининг ҳокимликларга қиладиган мурожаатлари камайиб бормоқда. Демак, аҳоли билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларда маълум даражада маҳалла томон бурилиш ясалди.

Агар республикамининг турли жойларидаги маҳаллалар фаолияти таҳлил қилинса, уларда ижобий ўзгаришларни сезиш мумкин, яъни маҳаллий ҳокимият ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг саъй – ҳаракати туфайли давлат томонидан маҳаллалар фаолиятига берилган эътибор тўғри тушунилиб, кўпмак маҳаллаларимиз фаолиятида ўзига хос янгиликлар қилинаётганлигини кўраемиз. Масалан, кўшгина маҳаллалар аҳолига турли хилдаги хизматлар кўрсатувчи ширкатлар тузганлар. Шу йўл билан топилган даромад ҳисобидан ҳатто кам таъминланган, кўп болали оилаларга, қаровчиси бўлмаган ёлғиз шахсларга моддий ёрдам бериш йўлга қўйилмоқда, янги иш жойлари ташкил қилинмоқда. Шаҳарлардаги, ҳатто баъзи қишлоқ туманларидаги маҳаллаларда гузарлар, спорт мажмуалари барпо этилмоқда. Бу ўринда маҳалла мулки шакллари ҳам кенгайиб бормоқда.

Маълумки, маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий масалаларда жамоатчилик фикри шаклланади ва турмуш тарзи ривожланади. Шу боис давлатимиз томонидан маҳаллаларга, фуқаролар йиғинларига алоҳида эътибор берилганлиги ҳалқимиз ижтимоий – маънавий ҳаётида муҳим воқеадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қарийб 130 йиллик мустамлакачилик тузуми даврида миллий кадриятлар, маҳаллардаги ўзига хос тўю томошалар, байрамлар, сайллар, маросимлар ва анъанавий урф – одатларимиз атайин камситилди ва ҳатто тақиқлаб қўйилди. Ҳа ҳа давридаги шўро мафқураси асосида

иш олиб борди. Натижада аҳоли ўртасида бир—бирларига меҳр—оқибатсизлик, қонунсизлик, ўзбошимчалик, оила бузи—лишлари, маънавий тарбиясизлик кучайиб, шунинг оқибатида ёшлар ўртасида турли нотўғри йўللарга кириб кетиш ҳоллари кўпайиб кетди.

Бундай ҳолларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида тартиб ўрнатиш, унинг онгини, соғлом тафаккурини шакллантириш мақсадида маҳаллаларга, фуқаролар йиғинларига алоҳида эъти—бор қаратилиши шунчаки демократик жамият эмас, балки ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамияти кураётганимиздан далолатдир.

Давлатимиз ва жамиятимиз ривожланишининг илк босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб—қувватлаш чора—тадбирлари кўрилганлиги юқорида айтиб ўтилди. Аҳолининг ижтимоий ночор табақалари—пенсияонерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, вақтинча ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдордан кам даромад олувчи кишиларни ялписига ҳимоя қилишни давлат ўз зиммасига олган эди. Ижтимоий ҳимоялаш—нинг мавжуд тизими чуқур таҳлил этилганда, унинг камчилик—лари, исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги ва ижтимоий сама—раси етарли эмаслиги аён бўлиб қолди.

Дастлабки йилларда дотациялар, нафақалар ва ямтиёзлар—нинг мавжуд тизимидан кам даромадли оилалар ҳам, ўзига тўқ фуқаролар ҳам баб—баравар фойдалана олар эди. Ҳатто ижти—мой ёрдамга камроқ муҳтож бўлган фуқаролар ундан анча кўп фойдаланаётганлиги маълум бўлиб қолди. Бу эса аҳолининг кўп—чилик қисми онгига сингиб кетган боқимандалик кайфияти янада зўрайишига олиб кела бошлаши мумкин эди.

Давлат томонидан берилаётган ижтимоий ёрдамни чиндан ҳам муҳтож инсонга етказиш имконини берадиган манбалар, воситаларни аниқ—равшан белгилаб олиш мураккаб ва масъу—лиятли вазифа эди. Ўтказилган таҳлил ва изланишлар натижасида ижтимоий ҳимоялашни асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий—ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва ду—нёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимиз таялаб олинди. Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очик воситадир, деган фикрга келинди.

Ижтимоий ҳимоянинг янги тизими доирасида кам даро—мадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди. Бу



ёндашувда бир томондан, халқнинг қўшнига ёрдам бериш, унинг аҳволига астойдил ҳамдард бўлишдек асрий ағъаналари, иккинчи томондан, дангасалар ва текинхўрларга нисбатан нафрат ва муросасизлик одати ҳам ўз аксини тошган.

Энг муҳими, моддий ёрдам кўрсатишнинг бу усули шундай оила аъзоларининг қадр — қимматини камситишга йўл қўймаслик имконини беради. Аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини рўёбга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат мадади, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг ва фаол иштирокни кучайтириш мақсадида 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармонни бажариш ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашга доир тапқилий чора — тадбирларни амалга ошириш мақсадида 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни тапқил этиш масалалари тўғрисида»ги 434 — сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низомга мувофиқ, кам даромадли оилаларга ҳар ойда моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — кўрсон, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролик йиғинлари, йиғинни ўтказиш имкони бўлмаганда кўчалар, турар жойлар, қишлоқ, овул маҳаллалари фуқаролари вакиллари йиғилиши томонидан қабул қилинадиган бўлди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини янада ошириш, ҳимоянинг аниқ йўналишини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш борасидаги тадбирларни амалга оширишда ушбу органларнинг ваколатлари ва масъулиятини кенгайтириш мақсадида, шунингдек, муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида тўланган ижобий тажрибани эътиборга олиб, *Президент 1999 йил 13 январда «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролин ошириш тўғрисида» Фармон чиқарди.*

Ушбу Фармонга бивоан 1999 йил 1 мартдан бошлаб аҳолини ижтимоий қўллаб — қувватлаш бўйича амалдаги чора — тадбирлар билан бир қаторда маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари

орқали ишламайдиган оналарга боласи 2 ёшга етгунга қадар парварииш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш, ўзга — ларнинг парвариишига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ — овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ваколатлари берилди.

Шу билан бирга маҳаллалар зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда сув, электр энергияси, газдан фойдаланиш сарф — харажатлари ҳамда коммунал хизмат ҳақи тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш вазифалари юклади ва шу асосда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъмин — ланган тақдирда ушбу сумманинг 20 фоизи, 75 фоиздан кўпроғи таъминланганда эса, унинг 10 фоизи маҳаллаларнинг махсус ҳи — соб варақаларига ўтказиладиган бўлди.

Белгиланган тартиб бўйича маҳалла ҳисоб варағига ўтқа — зилган пул маблағининг 60 фоизи уй — жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун кам таъминланган оилаларга, 25 — 35 фоизи маҳалла ҳудудини ободонлаштиришга, 5 фоиздан 15 фоизгача — маҳалла фасаларини рағбатлантиришга йўналтириладиган бўлди. Шу билан бир қаторда маҳаллаларга ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек, юридик ва жис — моний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳисобидан моддий ма — дадга муҳтож бўлган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ваколати ҳам берилди.

Маҳалла ҳақимизнинг азалий удумлари, урф — одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажариб келмоқда. Кексаларнинг панд — насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар, айниқса ёшлар онгига эзгулик роялари сингдириб борилади.

Маҳалла — аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ҳуққ — атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий ме — зонлар асосида тартибга солиб туради. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр — оқибат, эл — юрт шаъни каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқийс. Шу маънода ма — ҳаллани демократия дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий иш — ларни самарали йўлга қўйиш учун дастурлар, концепция ва тад — бирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Тарбия жараёни иштирокчилари саъй — ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1994 йилда ишлаб чиқилган «Оила, ма — ҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси ёшларни истиқлол

ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялаш учун кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маҳаллалар учун муҳим дастури амал бўлди.

Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш учун барча маҳаллалар қошида «Оила, мактаб ва жамоатчилик кенгашлари» ташкил қилинди. Бундай кенгашларнинг асосий фаолият йўналишлари болалар ва ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини туғри белгилаб олишлари учун уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, уларда камтарлик, олийжаноблик, кишиларга ғамгўр, меҳр – мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантиришда халқ таълими ходимларига яқиндан ёрдам бериш; тарбиянинг янги шакллари, услубларини амалга оширишда педагог ходимлар, ўқитувчилар, ота – оналар, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш; тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота – оналари билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ҳунар ўрганишини ташкил этиш, ҳар бир тарбияси оғир болага жамоатчилик фаолларини бириктириш, вақти – вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш; маҳалла аҳли ҳамкорлигида тадбирлар, байрамлар, ҳашарлар, хотира куни, Наврўз, ҳосил байрами ва бошқалар ўтказиш; маҳаллалардаги ҳунармандлар оилаларида устоз – шогирдлик муносабатларини йўлга қўйиш; ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, маҳаллада яшовчи ҳуқуқ ораганлари ходимлари томонидан тарбияси қийин болаларни оталиққа олиш, уларга ёрдам бериш, уларнинг ота – оналарини кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиш; ҳар бир хонадондаги ўқипдан четда қолган, ўқимай, ишламай юрган, баалоғат ёшига етган болаларни ҳисобга олиш, уларга нисбатан зарур чоралар кўриш; ибратаи оилаларнинг бола тарбиясида қўлга киритган ютуқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантиришдан иборат.

Маҳалла йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли маърака, маросимларга бош – қош бўлишдир.

Тўй – ҳашамлар, оилавий тантаналарни, хотира маросимларини меъёрида, ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишга қаратилган Президент Фармони<sup>1</sup> бу борада алоҳида эътиборга лойиқдир. Фармонда ҳаётимизда учраб тураётган шухратпараслик, дабда – бабозлик, эл – юрт одалари ва тананаларини меъсимаслик, ўзини кўз – кўз қилиш, атрофида яшаётган одамларнинг ҳол –

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Тўй – ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказиш ҳақида». 1998 й. 28 – октябр.

аҳволини инобатга олмаслик каби эскилик сарқитларига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Бироқ уни амалга ошириш юза – сидан қониқарли иш олиб борилаётганлиги, истиқомат жойла – рида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўладиган, оддий одамлар – нинг нафсониятига тегадиган, уларнинг адолатга, соғлом турмуш тарзига, умуман давлат ҳокимиятига бўлган ишончига зиён ет – казадиган салбий ҳатти – ҳаракатларга чек қўйиш учун мутасадди идоралар, айниқса, маҳалла оқсоқоллари етарли чора – тадбирлар кўрмаётганлиги кўрсатилган.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш борасида Ма – ҳалланинг масъуллиги ва жавобгарлиги қанчалик катта эканлиги яна бир – бор таъкидланди, маҳалла, овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳузурида тўй, маросим ва бошқа тадбирларни ўтказиш билан бевосита пуғуланувчи маслаҳат кенгашлари (комиссия – лар) ташкил этилди. Уларга:

- маҳалла фаоллари, ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бўлган дабдабазлик, ким ўзарга тўйлар қилиш ва шу каби ҳолларга чек қўйиш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилди;

- муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф – одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан ми – соллар ёрдамида кенг халқ оммасига мунтазам етказишни қатъий йўлга қўйиш уқтирилади;

- жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талаб – ларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш вазифа – лари тоширилди.

Мустақиллик йилларида маҳалла нуфузи ва мавқеини оширишга, фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кў – маклашувчи бир қанча омиллар барпо этилди. Булардан асосий – лари:

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган – лари фаолиятининг аниқ ҳуқуқий асослари яратилди. Мус – тақиллик туфайли «маҳалла» атамаси юртимиз тарихида биринчи марта Конституцияга киритилди. 1993 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун илк бор қабул қилинди. 1999, 2004 йилларда эса Олий Мажлис томонидан ушбу Қонун янада такомиллаштирилиб, янги таҳрирда қабул қилинди. Умуман олганда, маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий негизи Асосий Қомусимиз ва тегишли қонулар доираси билан кифояланмайди. Бу соҳада ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти – нинг 7 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори қабул

қилинди. Шунингдек, ҳукумат даражасида 15 га яқин норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни турли йўриқномалар, қоидалар, услубий кўрсатмалар, низомилар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашувчи давлат ва нодавлат тузилмалари шаклланди. Хусусан, 2000 йилнинг 11 февралда иккинчи чақириқ Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси тузилди. Кўмита демократик тузилмалар, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига таалуқли янги қонунлар қабул қилиш, амалдаги қонунларни такомиллаштириб бориш билан шуғулланади ҳамда қонунлар ижроси бўйича назорат – таҳлил ипларини амалга оширади.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармониغا мувофиқ ташкил этилган. Жамғарманинг асосий вазифалари Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган oilалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қариларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳршафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кеңаши Таъсис қурултойининг 1999 йил 6 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, фаолиятининг асосий йўналиши барча поғоналардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштиришга қаратилган.

Учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларга давлат органлари ва коллатларини босқичма – босқич ўтказиб бориш орқали маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйишлари учун шарт – шароит яратилди. Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида халқимизнинг маънавий – ахлоқий қадриятлари, кўп асрлик анъаналари, урф – одатлари, маданиятини қайта тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, рўйхатта олинмаган диний ташкилотлар фаолиятига, ёт қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларига чек қўйишда ма –

ҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етарли тажриба, салоҳият ва тегишли имкониятларга эгадир.

Тўртинчидан, истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими шаклланди. Мазкур органларни сайлаш жараёни такомиллашди. 2004 йил 29 апрелда «Фуқаролар йиғини (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Амалдаги қонунчилик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105—моддасига ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20—моддасига биноан фуқаролар йиғинлари раислари (маҳаллалар оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари 2,5 йил муддат тугаши билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига янги сайлов бошланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов — жамиятимиз учун демократия, сиёсий фаоллик ва фуқаролик мактабидир.

*Шундай қилиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда, ўзбекона демократиянинг устувор бўлишида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида, ҳалқимизнинг ижтимоий—маънавий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органларига асосий ўрин ажратилган.*

#### **4—§. И.А. КАРИМОВНИНГ МАҲАЛЛА ҲАҚИДАГИ ҒОЯ, ФИКР—МУЛОҲАЗАЛАРИ**

Маълумки, жаҳон тажрибасида маҳалла деб аталувчи ягона, бетакрор бошқарув институти илк бор бизнинг юртимизда пайдо бўлган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «маҳалла шаҳарнинг бир неча кўчани ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг аҳолиси» сифатида таърифланган.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, Президент И.А.Каримов ўз нутқларида, жамоатчилик билан учрашувларида жамоа бўлиб яшаш ўзбек халқининг табиатига хос эканини, бу ажойиб қадрият аجدодлардан ўтиб келаётган ноёб мерос эканини таъкидлаб, унинг куч—қудратига юксак баҳо бериб келдилар, зеро, барчамиз маҳаллада яшаймиз. Унинг нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир», деб таъкидлайди

И.А.Каримов.

Маҳалланинг мавқеини кўтариш билан, биринчидан, халқимизнинг азалий анъаналарини, қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлантириш мумкин бўлади. Иккинчидан, давлат (вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари) вазифаларини аста-секин ўзини – ўзи бошқариш идораларига, маҳаллаларга ўтказиш билан жамиятни демократиялашда янги ва жуда катта имкониятлар яратилди. Бунинг Президент ўз асарларида, маърузаларида асослаб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонун ва қатор ҳуқуқий—меъёрий ҳужжатлар маҳаллани моддий жиҳатдан қўллаб—қувватлаш, унинг идора усулини шакллантириш, ҳуқуқларини кенгайтириш ва мамлакат бошқарув тизимидаги иштирокини кучайтиришга қаратилди.

Маҳаллага эътибор мустақиллик билан баробар ўсиб борди. 1992 йил 12 сентябрда «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Фармон қабул қилинди.

Фармондан кўзда тутилган мақсад тарихан таркиб топган миллий ва анъанавий қадриятларни эъзозлаш, изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини омма — лаштириш, маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йули билан қўллаб—қувватлаш эди.

И.А.Каримов «Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади, нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли иж — тимой шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой — жойига қўядиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди», деб қайд этганлар. Ма — ҳалланинг ҳаётимиздаги юксак нуфузи асослаб берилганлиги унинг мавқеини янада ошириб юборди.

Буларнинг ҳаммасини истиқлолимизнинг шарофати, унинг ижодқори — И.А.Каримовнинг маҳаллий ўзини — ўзи бошқаришни миллий омилар асосида ташкил этиш борасидаги кашфиёти, деса бўлади. Айни чоғда, замон билан ҳамнафас янгилини бо — раётган миллий тафаккурни шакллантириш, анъанларимизни замон руҳига мос равишда бойитиш, тиклаш ўзлимизни дунё ҳамжамияти кўз олдида намоён қилиш, халқимизнинг асосий мақсад — муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва кела — жагини бир — бири билан боғлайдиган, асрий орзу — истаklarини амалга оширишга хизмат қиладиган истиқлол ғоялари тизимини ўзида мужассамлаштирган мафкурани шакллантириш борасида

бажарилаётган ишлар ҳам салмоқлидир

Президент Исломо Каримов Олий Мажлиснинг 2001 йил май ойида бўлиб ўтган бешинчи сессиясида ўзини – ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтириш ва уни ҳар томонлама қўллаб – қувватлашга эътиборни қаратиб, «ўзини – ўзи бошқариш органлари — бизнинг келажагимиз. Бу органларнинг асосини кўришга киришган эканмиз, улар барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг пойдевори ҳар томонлама мукамал – лаштириб бориш ҳар биримизнинг масъулиятли ва муқаддас бурчимиздир», деб таъкидладилар.

Истиқлол йилларида Президент Исломо Каримовнинг сатъи – ҳаракатлари, оқилона сиёсатлари билан жамиятдаги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини ўзини – ўзи бошқариш органларига, жамоат ташкилотларига аста – секин, босқичма – босқич ўтказиш, кучли ҳуқуқий, демократик давлат – дан, адолатли, фуқаролик жамиятига ўтиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Энг қадимий миллий қадриятларимиздан ҳисобланган, ҳалқимизнинг қон – қонига сингиб кетган, ўзбек ҳалқининг яшаш тарзини ўзида тўла – тўқис мужассам этган маҳалла, жамиятдаги ўзининг муносиб ўрнига тиклаб қуйилди. Ўзбек маҳалласи ҳалқимизга хос донишмандлик тимсоли. У тарихда ҳам ўз жози – баси, бетакрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган. Мозийдан тортиб, ҳозиргача давлатлар ўзининг кўпгина эзгу амалларини, ижтимоий, оммавий тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларини маҳаллада оқсоқоллар, фаоллар ақл – заковати, адолатли назари билан амалга ошириб, ҳал қилиб келадилар. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Маҳалларда турли бунёдкорлик ишлари ўз ечимини топмоқда, ҳашарлар, ранг – баранг маданий – маънавий, тарбиявий, умумхалқ бай – рамлари ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда амалга оширилаётган сиёсат асосида жамоатчилик фикри шаклланди. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов жамиятдаги ислохотларни чуқурлаштиришда, демократик ўзгаришларни амалга оширишда маҳалла мустаҳкам таянч бўлишини назарий ҳамда амалий асос – лаб бердилар. «Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб, яшашнинг, — деб таъкидлайди Исломо Каримов, — неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъналарни янги мазмун билан бой – итмоқдамиз, ҳозирги даврда маҳалла жойлардаги ўзини – ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бутунги ҳаётининг энг самарали, аини пайтда миллий ва халқчил кўринишидир».

Маҳалла ўзини – ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин



кўриниши, айна пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга.

Президентнинг маҳалла борасида олиб бораётган оқилона сиёсати иккита муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутди.

Биринчиси, маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарни, қадриятларни, урф – одатларни тўла – тўкис тиклашдан ва ривожлантиришдан иборат.

Иккинчиси, сиёсий вазифа бўлиб, маҳалла институтини бу – гунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш баробарида, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасидаги қатор ваколат ва ҳуқуқларни, юқорида айтганимиздек, фуқаролар ўзини – ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, уларнинг мақомини жой – жойига қўйиб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим босқичга кўтарилишдан иборат.

Бинобарин, Президент И.А.Каримов маҳалла тимсолида шарқона демократия шаклини кўрмоқдалар, бу эса, ўз навбатида янгилашиш, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш амалга оширилаётган – нидан, демократик, дунёвий тузумга ўтиш шароитида ўзини ўзи бошқаришнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бу жараён тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда маҳаллалар жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мус – тақил органи сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларни мустақил равишда ҳал қилмоқда.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидаги маърузасида «Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйганмиз», деб яна бир бор уқтирди. Бу демак, аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий манфаат – ларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда илҳом берган жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини орттиришга эътиборни кучайтира бориш зарур. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ҳам шунда. У маҳаллаларга ўз ҳаётини ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш им – кониятини яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Президент И.А.Каримов ўз маърузаларида маҳаллий ҳоки – мият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор – ганлари томонидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар кўла – минни аниқ белгилаб берган. Шунингдек, ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ри – вожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини

тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолининг кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби масалалар уларнинг зиммасида эканлиги таъкидланган.

Давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат органларига, улардан эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш иши фуқаролик жамияти қарор топиши — нинг муҳим шартларидан бири. Бу жараёни бирдан амалга ошириб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам у давомийдир. Уни амалга ошириш, тўғри ташкил қилишда энг мақбул йўللарни жорий этиш зарур. Бунда шопма — шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Аммо бу масалада сусткашликни ҳам оқлаб бўлмайди. Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳар сайловчилари ва — киллари билан учрашувда сўзлаган нутқида (2000 йил, 6 январ) бу ҳақда шундай дейди: «Биз маҳалла фаолларининг ҳуқуқини янада кенгайтириш, уларга тегишли имтиёзлар бериш, шу билан бирга уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида махсус Фармон чиқардик. Афсуски, айрим маҳалла фаоллари бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганлар». Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Аввало, шундай катта имкониятлар берилганига мос кела оладиган даражада маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкил қилинмаганлиги, йиғинлар раисларининг бугунги талаб даражасида фаолият олиб бора олмашлигидир. Иккинчидан, И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳокимликларнинг «Маҳалла вакилларига бошқарув ваколатларини беришга тўқинлик қилиб» келаётганлигидир. Албатта, бундай ҳолатларга барҳам бериш чо — ра — тадбирлари кўриб борилмоқда.

Ислом Каримов демократик давлат бошқаруви масаласига жиддий эътибор қаратар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23, 24 феврал кунлари бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзлаган нутқларида аниқ кўрсатиб бердиларки, «Бошқарув вазифаларининг асосий қисми марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар, туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишни таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста — секин ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради». Бу ўзини ўзи бошқаришнинг бош тамойили — дир.

Бинобарин, эндиликда давлат ўз вазифаларини ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, аксинча демократик бошқарув органларини жалб этиш йўли билан амалга оширмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг тафаккури, сиёсий савияси демократик ўзгаришлар суръатлари билан мос бўлса, бошқарувни демократиялашга замин яратилади. Шунинг учун ҳам демократик

ўзгаришлар ҳамда янги демократик жараённи чуқурлаштириш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишни энг аввало, жамиятимизнинг ўзи англамоқ ва ҳал қилмоғи даркор. Бу борада жамиятнинг асосий бўғини бўлган маҳаллаларнинг ўрни ва ўзини ўзи бошқариш тартибини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шарқда демократик жараённинг қадимдан шаклланган тажрибаси, урф—одатлар, қадриятлар ва ҳаётгй янгилаишлар—нинг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос анъавалари мавжуд. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжамият гоёси, жамоатчилик фикрининг устиворлиги замирида шаклланади.

«Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнларни халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожлантириш зарур», — деб кўрсатади Ислон Каримов. Жамиятнинг бошқарув тизимини шакллантиришда бу тамойилга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни маҳаллалар иши мисолида яққол кўриш мумкин. Мустақиллик йилларида ижтимоий—сиёсий ҳаётда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда маҳаллалар родини ошириш учун катта ишлар қилиняпти.

Маълумки, Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий масалалар жа—моатчилик фикри асосида шаклланади ва ривожланади. Шу боис давлатимиз томонидан маҳалаларга, фуқаролар йиғинларига алоҳида эътибор берилганлиги халқимиз ижтимоий—маънавий ҳаётида муҳим воқеадир. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов «Ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб—қувватлашни тақазо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши ло—зим», — деб таъкидлайди.

Маҳалла халқчил шарқона демократия дарсхонасидир. Ма—ҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф—одатлари ва анъа—наларига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажариб ке—лади. Кексаларнинг панд—насиҳати, катталарнинг шахсий иб—рати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгу—лик гоёлари сингдириб борилади.

Маҳалла — аввало, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ҳулқ—атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий ме—сонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси, деб аталиши жуда ҳаётгидир.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр—оқибат, эл—юрт шаъни каби фази—

латларни камол тоштиришда маҳалланинг ўрни беҳид.

Маҳалла ҳалқимизнинг табиати, иродаси, орзу – интилишларини ифодалайдиган истиқлол мафкурасини замон талаблари асосида янада тўлдиришда қуйидаги миллий хусуси – ятларни кўзда тутати:

– ҳалқимиз ҳаётида қадим – қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуниги;

– жамоа тимсоли бўлган оила, эл – юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

– ота – она, маҳалла – кўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат – эътибор;

– миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

– каттага ҳурмат, кичикка иззат, шавқат;

– меҳр – муқаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлиги – нинг рамзи – аёл зотиға эҳтиром;

– сабр – бардош, тоқатлилик ва меҳнатсеварлик;

– ҳалоллик, мардлик, адолатлилик ва чин инсоний, ода – мийлик фазилатлари ва бошқа умумбашарий қадриятлар.

Маҳаллаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларнинг тўла ва муваффақиятли бажарили – шини таъминловчи восита уларнинг кучли молиявий асосга эга бўлишидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мо – лиявий жиҳатдан етарли салоҳиятга эга бўлмаса, биринчидан, ўзларига ҳонуний белгилаб берилган ваколатларини амалга ошира олмайди, иккинчидан, улар давлат органларига қарамлиқдан қутила олмайди. Президент И.А.Каримов таъкид – лаганларидек, «Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун, улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун, уларнинг даро – мадларини шакллантирувчи манбаларини мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади».<sup>1</sup>

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида Рес – публикаимиз Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 9 сессиясида қилган маърузасида: «Айнан мус – тақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла институти, турли жамоат

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ҳаётимиз, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Рес – публикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Ҳалқ сўзи. 2002 йил, 6 декабр.

бирлашмалари ҳамда ташкилотларни ривожлантириш ва мус- таҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим» деб яна бир бор уқтирди ва бу масалада фуқаролик ин- ститутлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий—ҳуқуқий механизмларни, яъни те- гишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий— техникавий, моддий шарт—шароитларни, давлат ва жамоат бир- лашмалари ҳамкорлигининг самарали усул—услугларини ву- жудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади деб таъкидлади.

2003 йилни «Обод Маҳалла йили» деб эълон қилиниши И.А.Каримов томонидан маҳаллага берилмаётган катта эътиборни, маҳалла ҳуқуқларининг давлат даражасида кафолатланишини, унинг барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг таянчи ва сувичиги этиб олинганлигини ва қудратли омилга айланган- лигини яна бир бор кўрсатди.

Президент айтганларидек «Маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ. Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовиштиришда, турар жой— ларда тартиб—интизомни мустаҳкамлашда, ўзини—ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳа- мияти ва моҳияти кундан—кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз».

Президент И.А. Каримов юртимиз олдига қўйилган олий мақсадларга эришишнинг қуйидаги асосий шартларини белгилаб берди:

- давлат кўмагини янада кучайтириш;
- маҳалланинг қонуний, ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- маҳаллани жамиятимизнинг сиёсий—иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида янада кучайтириш;
- маҳалланинг барча моддий—молиявий шароитларини ташкил қилиб бериш;
- маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлари билан алоқаларини ҳуқуқий асосга қўйиш.

«Бу масалалар ечилмас экан, деб уқтирди И.А.Каримов, ма- ҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринсиз бўлади»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, И.А.Каримовнинг ўзини—ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти ҳақидаги ғоялари, фикрлари.

<sup>1</sup> И.Каримов. Ҳаётимиз тарраҳиятимизнинг ҳуқуқий асоси. Т.: «Ўзбекистон», 2002. 17—бет.

таъкидлари ва хулосалари илмий—амалий асослангани, ранг—баранглиги, эзгу амалларга бойлиги билан моҳиятан муҳим дас—тури амалдир.

У мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришда маҳалланинг ўрнини, асосий вазифаларини, илмий—назарий ва амалий асос—лаб берди. Айни вақтда, уларнинг фаолиятига тааллуқли қонунчиликни такомиллаштириш, эркинлигига тўсиқ бўлувчи ҳолатларга барҳам бериш, мустақил фаолиятини таъминлаш, молиявий жиҳатдан ҳукумат органларига қарам бўлишини кел—тириб чиқарувчи ҳолатларга чек қўйишни аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов—нинг фуқаролик жамияти, маҳалла ҳақидаги ғоялари, улар ҳақидаги назарияларни бойитиш, мукамал бўлишини таъмин—лаш билан бирга, ҳуқуқий меъёрларини жорий этиш амалиётини уйғунлаштиришга ва унинг ривожланишига қўшилган салмоқли илмий—назарий ва амалий хиссасидир.

## 5-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгилашни ва ислоҳотлардан асосий мақсад — юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётга эришиши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эри—шишдир.

Мазкур стратегик ва дастурий вазифаларни амалга оши—ришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири — давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнла—рини демократиялаш ва эркинлаштиришдан иборат. Бу борада ҳокимият тармоқларининг бир—бирдан мустақил иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллага босқичма—босқич топшириш, уларнинг бажарадиган ишлари доирасини кенгайтириш асосий вазифалар ҳисобланади. Бунда энг муҳими касб—кори ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, аҳоли манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда ўзини ўзи бошқариш органлари—нинг ҳуқуқ ва мавқеини ошириш, уни бошқариш тизимининг самарали шакли ва моделини яратиш, янги давр талаблари асо—

сида ислоҳ этиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Фуқаролик жамиятини қуриш даврида давлат ваколатлари –нинг бир қисмини босқичма – босқич ўзини ўзи бошқариш органларига топширишнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларни маҳаллалар фаолиятининг мазмуни, мақсад – муддаосига мослаш, бу ишни рўёбга чиқаришнинг механизми, ҳуқуқий ка – фолатлар тизимини яратиш талаб этилади. Бу йўлдаги дастлабки дастурлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги Фармонига асосан тайёрланган «XXI аср маҳалласи» концепциясидир. Ушбу концепция ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг ҳуқуқларини кенгайти – риш, жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кўтаришга, ривож – лантирилган ва амалий аҳамиятга эга бўлган моделини яратишга ҳамда шу орқали давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган.

XXI асрда фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда халқнинг ўз турмуши ва бутун жаҳият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда фаол қатнашиши учун шарт – шароит яратиш, миллий табиатимизга мос бўлган ўзини ўзи бошқарувчи маҳал – лани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш – давлат ва жамият қурилишидаги демократик ислоҳотларнинг муҳим жи – ҳатларидан биридир.

Маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ораганла – рининг самарали фаолият юритиши аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини оширишга, халқимизнинг улкан ақлий ва маънавий салоҳиятини мумкин қадар кўпроқ жалб этишга имкон беради.

«XXI аср маҳалласи» концепциясининг назарий асосини давлатимизнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараён – ларини эркинлаштириш сиёсати белгилаб беради.

Маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор – ганлари мавқеини белгилаб берувчи назарий қоидалар амалга оширилишини таъминлайдиган илмий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш, бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш нати – жасида маҳаллаларнинг имкониятини аниқлаш, уларнинг тари – хий тажрибасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, бу соҳадаги хорижий тажрибани синчиклаб ўрганишни йўлга қўйиш зарур бўлади.

Мазкур концепцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва тегишли қонунларида мазкур концепцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

**1. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланади:**

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, қонунларни тарғиб қилиш бўйича тупунтириш ишларини олиб бориш, қонунларга шарҳлар тайёрлаш ёки мавжуд шарҳларни такомиллаштириб нашр қилиш;

– фуқаролар йиғини, шунингдек, тафтиш комиссияси тўғрисидаги янги Низомни тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамаси тасдиғидан ўтказиш ва кучга киритиш;

– маҳалланинг ижтимоий ҳаётига тааллуқли масалалар юзасидан қонун ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминлаш;

– давлат органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма–босқич топшириш жараёнининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

– маҳаллий давлат органлари билан маҳалла ўртасида функциялар ҳамда ваколатларни аниқ тақсимот қилиш;

– давлат органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш соҳасидаги тажриба ишларини ташкил қилиш ва бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тегишли қонунлар, норматив ҳужжатлар, қўлланмалар, йўриқномалар ва бошқа зарурий ҳужжатлар билан таъминлаш.

**2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш, ушбу органлар мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий билимларини юксалтириш юзасидан:**

– демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун зарур бўлган малакали кадрлар тайёрлаш масаласини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мутахассислар тайёрлаш рўйхатиغا кириштириш;

– мазкур тизим раҳбар ходимлари учун малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларини, айниқса, уларнинг жойлардаги бўлимларини ташкил этиш;

– «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳузуридаги «Маҳалла–зиёли» ўқув–услубий марказининг имкониятларини кенгайтириш, марказнинг молиявий таъминоти масаласини ҳал қилиш, ҳуқуқий мақомини белгилаш ва истиқбол дастурини яратиш;



— академиялар, олий ўқув юрталарининг ўқув ва илмий – тадқиқот кафедралари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойиллари» ихтисослигини ўз ичига олган махсус марказ, шўъбалар, гуруҳлар очиш.

**3. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иқтисодий таъминотини яхшилаш юзасидан:**

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини молиялаш тизимини такомиллаштириш;

— фуқаролар йиғини раиси (маҳалла оқсоқоли), масъуа котиб, маданий – маърифий ишлар бўйича маслаҳатчи, ҳисобчи, маҳалла посбони, хотин – қизлар комиссияси раиси каби штат бирликлари учун маҳаллий давлат ҳокимияти орқали эмас, тўғридан – тўғри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан маош тўлаш тартибининг жорий этиши;

— маҳаллалар ҳудудларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, йўл – йўлчаларни асфальтлаш, кўприклар со – лиш, марказлашган чиқиндиҳоналар қуриш сарф – харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари та – сарруфидаги хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи кичик ва ўрта корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига барча давлат солиқларини тў – лашда имтиёзлар бериш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари идораларини зарур замонавий иш қуроллари – компьютерлар, нуска кўчириш дастгоҳлари, кабинет жиҳозлари, канцелярия ашёлари ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;

— маҳаллалар ҳудудидаги иморатлар, гузарлар, бозор – ларни фойдаланилмаётган ер майдонлари, бинолар ва бошқа иншоотларни қонунда белгиланган тартибда маҳаллалар тасар – руфига ўтказиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида шартнома муносабатларининг устуңлигини таъминлаш мўлжалланади.

**4. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан яхшилаш юзасидан:**

— маҳалла марказларини, гузарларни шарқона меъморий услубда қуришни давом эттириш; ХХI аср маҳалла гузари лойи – ҳасини тайёрлаш;

— фуқаролар йиғинлари билан уй – жойлардан фойдала – ниш идораларини ягона бир бўғинга айлантириб, барча ҳудуд – ларда уй – жой эгалари ширкәтларини тузиш назарда тутилади;

**5. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижти –**

**мой ҳамкорлик, маънавий—маърифий ва мафкуравий соҳалардаги фаолиятини кучайтириш учун:**

— маҳаллалар ҳудудларида масжидлар, милиция ҳудудий таянч пунктлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тартиб—интизомни, фуқароларнинг тинч—осойишта яшашини таъминлаш, хавфсизликка таҳдид солувчи ҳар қандай бўҳтон—игвога, бузғунчилик хатти—ҳаракатларига нисбатан қатъий чоралар кўриш, жойларда «Ўз уйингни ўзинг асра!» даъватини амалга ошириш;

— аҳоли яшаш жойлари санитария—эпидемиология ҳолатини яхшилаш, юқумли касалликлар билан касалланишнинг олдини олиш, санитария талабларига амал қилиш борасида маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, муассасалари, савдо—сотиқ шаҳобчалари, бозорлар раҳбарлари билан ҳамкорликда чоратадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ўзаро алоқаларнинг амалий—услубий қоидаларини такомиллаштириш;

— маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг хорижий мамлакатлардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан алоқаларини кенгайтириш, уларнинг марказдан мустақил иш юритиш тажрибасини ўрганиш ва мақбул жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш учун тавсия этиш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш зарур бўлади.

**6. Давлат органлари зиммасидаги қуйидаги ваколатларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма—босқич ўтказиб бориш мақсада мувофиқ:**

— фуқаролар ижтимоий таъминотини тўла ташкил қилиш;

— уй—жой савдосини расмийлаштириш ва бошқа нота—риал хизматларни бажариш;

— паспорт тизимига риоя қилишни таъминлаш, фуқароларнинг келиш—кетил ҳолатларини қайд қилиш;

— фуқароларни ҳарбий хизмат учун рўйхатга олиш,

— итсизларни рўйхатга олиш ва ишга жойлаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

— маданий—маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш, барча маҳаллалар ҳудудида кутубхоналар ва қироатхоналар ташкил этиш;

— ёдгорликлар, қабристонлар, муқаддас ҳадамжойларнинг сақланиши ва фойдаланилиши устидан назорат ўрнатишда қатнашиш;

– маҳаллий солиқлар ва маҳаллий бюджетнинг дастдан юқоригача шаклланишида ва юқоридан дастгача тақсимланишида фаол қатнашиш;

– маҳаллалар ҳудудида тегишли ижтимоий инфратузил – мани, гузарларни барпо қилиш, ижтимоий иншоотларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини маҳаллалар – даги ўзини ўзи бошқариш органлари доирасида ҳал қилиш;

– маҳаллалар ҳудудида кичик ва ўрта бизнес ташкилот – ларини яратиш, рўйхатдан ўтказиш, корхоналарнинг солиқ тў – лашини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш;

– болалар боғчалари, бошланғич ва ўрта таълим мактаб – ларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, уларни қўллаб – қувватлаш масалаларининг маҳалалардаги ўзини ўзи бошқариш органлари доирасида ечилишини қонулаштириш;

– маҳаллалар ҳудудидаги давлат тиббиёт масканларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, дори – дармонларнинг иш – латилишини жамоатчилик назоратига олиш;

– спорт мажмуаларини қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш орқали ёшларнинг оммавий спорт ўйинларида қатнашишлари учун маҳаллаларда шарт – шароит яратиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, турли даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларининг маҳал – лалар ҳудудида бажарилишини назорат қилиш;

– фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол жамоатчиларини рағбатлантириш мақсадида давлат мукофотла – рига тавсия этиш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу вазифа – ларни тўла бажара олиш қобилиятига эга бўлгач, уларга давлат органлари ихтиёридаги бошқа ваколатлар босқичма – босқич ўт – казиб борилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколат – лари доирасидан чиқмаган ҳолда бошқа органлар ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳар қандай масала бўйича ташаббусла – рини рўёбга чиқаришда амалдаги қонунчилик асосида тўла мус – тақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларнинг тўла ва муваффақиятли бажарили – шини таъминловчи восита уларнинг кучли молиявий асосга эга бўлишидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий

жиҳатдан етарли салоҳиятга эга бўлмаса, биринчидан, ўзларига қонуний белгилаб берилган ваколатларни амалга ошира олмайди, иккинчидан, уларнинг давлат органларига қарамлиги сақланиб қолаверади. *И.А.Каримов таъжидлаганларидек, «Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади».*

Шу сабабли, маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органла — рига давлат органларининг айрим ваколатларини олиб бериш баробарида, уларнинг молиявий асосларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги қонунчиликка биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси:

- ўз маблағларидан;
- халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томо — нидан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр — эҳсонларидан;
- шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юқорига кўрсатиб ўтилган молиявий манбаларга қўшимча равишда ўзларининг молиявий асосларини яқин истиқболда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш ҳисобига мустаҳкамлашлари зарур:*

1. Амалдаги Солиқ кодексида ер солиғи ва мол — мулк солиғи маҳаллий солиқлар ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар да — ромадига тупиши кўрсатилган. Эндиликда маҳаллаларнинг ҳу — дудий чегараси доирасида жойлашган фуқаролар ери ва мол — мулкидан олинадиган солиқлар тўлалигича ўша ердаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари даромадига ту — шиши тартибини жорий этиш ҳамда юридик шахслардан мулк солиғи, ер солиғи ва қишлоқ эўжалиги ерларидан фойдаланган — лик ва уларга эгалик қилганлик учун ягона ер солиғи ундириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантириш лозим.

2. Амалдаги қонунчиликка биноан, янги келин — куёвлар турмуш қуриш учун никоҳдан ўтаётган пайтда маълум миқдорда бож тўлашлари белгиланган ва бу амалиётда кенг қўлланмоқда. Мазкур давлат божининг 50 фоиздан юқори бўлмаган миқдорини куёв яшаб турган маҳалладаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобварағига ўтказиш мақсадга мувофиқдир (хори —

жий давлатлар фуқаролари бундан мустасно).

3. Маҳаллалар ҳудудида турар жойлар, гаражлар ва бошқа кўчмас мулклар бўйича фуқаролар ўртасида олди – сотди амалга ошганида маълум миқдордаги давлат божини тўлаш қонунчиликда белгилаб қўйилган. Аяа шундай бож тўловининг 50 фоиздан кам бўлган миқдорини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисобварақларига ўтказиш лозим.

4. Маҳаллалар ҳудудидаги турли ўйингоҳлардан (билли – ард, тир, компьютер – автомат ўйинлари ва шу кабилардан), пулли хизмат кўрсатишдан давлатта тўланадиган тўловлар ҳамда транспорт солиқларининг бир қисмини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисобварақаларига ўтказиш лозим.

5. Маҳаллалар ҳудудидаги табиий захираларни асраш, шунингдек, турли маъмурий гартиббузарликлар юзасидан соли – надиган жарималар, маҳаллаларнинг банкда сақланаётган маб – лағларидан қарз бериш ва олиш, акциялар, лотереялар чиқаришдан келадиган фойдаларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоб варақларига ўтказиш лозим.

6. Маҳаллалар ҳудудидаги юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томондан маҳаллий бюджетга ўтказиладиган барча тўловларнинг бир қисмини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоб варақаларига ўтказиш лозим.

7. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустаҳкамлашга қаратилган яна бир таклиф бевосита шаҳар ва туман марказларидаги маҳаллаларга тааллуқлидир. Шаҳар ва туман марказларидаги маҳаллалар ҳудудида фуқаролар боқадиган уй ҳайвонлари учун тўлов жорий этиш мумкин. Бу йўналиш, бир томондан, молиявий манба ҳисобланса, иккинчи томондан, шаҳар ва шаҳарчалардаги маҳаллалар ҳудудида санитария ҳолатини яхшилашга кўмаклашади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий асосини мустаҳкамлашга қаратилган юқоридаги таклифлардан ташқари, ҳозирги кунда кам ҳаражат қилиб, юқори даромад олиш ва энг асосийси, тегишли молия манбаларини амалдаги қонунчилик доирасида, осон ва ларзаларсиз шакллантириш имконини берадиган бошқа иқтисодий – молиявий тадбирлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

XXI аср бошида бозор иқтисодига ўтиш шарт – шароитлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг ҳокимият тизимидан холи, эркин фаолият кўрсатиш имконияти, энг муҳими – бора – бора адолатли, демократик жамиятнинг негизига айланиши лозимлиги ва давлат органлари дара –

жасидаги муқобил бошқарув идораси сифатида самарали шакл – ланиши талабларидан келиб чиқиб, маҳалла оқсоқоллари олдига янгидан – янги юксак талаблар қўйилмоқда. Концепцияда кўзда тутилган кенг қамровли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан маҳалла оқсоқолларига боғлиқ эканлигини ҳар томон – лама ҳисобга олиб, пухта ўйлаб иш тутиш керак бўлади.

Демократик фуқаролик жамиятини қуриш йўлида бир қанча муаммолар ва қийинчиликлар шубҳасиз бор ва юзага келади.

«XXI аср маҳалласи» концепцияси айнан ушбу муаммоларнинг ечимини топиш, ўтиш даврининг қийинчиликларини оғриқларсиз ҳал этиш, йиғилиб қолган саволларга батафсил жавоб бериш учун хизмат қилади. Концепциянинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенгайтириш ва фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида қўйилган муҳим ва салмоқли қадам бўлади.

**V БОБ.**  
**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ**  
**ШАКЛЛАНИШИНИНГ**  
**НАЗАРИЙ–ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Ўзини ўзи бошқариш тушунчаси,  
tizими ва назарий асослари**

**Ўзини ўзи бошқариш органларига  
сайлов тизимининг хусусиятлари**

● **Ўзини ўзи бошқарув қонунчилигида – маҳаллий  
ўзини ўзи бошқариш Европа Хартияси**

● **МДҲ давлатларида ўзини ўзи бошқариш органларининг  
шаклланиши ва ривожланиши**

## У БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҶЗИНИ ҶЗИ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ–ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 1–§. ҶЗИНИ ҶЗИ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАСИ, ТИЗИМИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ХІХ асрдаги манбаларда «ўзини ўзи бошқариш» тушунчаси давлат – республикалар, АҚШ штатлари, Швейцария кантонларига берилган нисбат сифатида ишлатилган. Буюк Британияда эса, ўзини ўзи бошқариш органлари деганда келишув судлари, маслаҳатчилар судлари ва парламент институтлари тушунилан. ХІХ асрдаёқ марказ билан маҳаллий органлар ўзаро муносабат – ларнинг *учта – инглиз, француз ва прусс моделлари шакланган эди. Ҳозирги пайтда инглиз–саксон, француз (ёки жанубий Европа) ва герман (ёки шимолий – Ўрта Европа) моделлари ҳаётда амал қилмоқда.*

*Инглиз–саксон модели* маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг энг намунали типни ҳисобланиб, «бутун маҳаллий ҳақиқий ҳоки – мият манфаатлари доирасида» амал қилади. *Французча ўзини ўзи бошқаришда* ҳокимият (расман) ўзини ўзи бошқаришни назорат қилувчи маҳаллий ҳокимият органларининг кўлида бўлади. *Германча моделда* эса давлат бошқаруви билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ягона институт бўлиб уйғунлашади.

Инглиз–саксон модели гуруҳига Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Ирландия мамлакатлари кирди. Француз модели Франциядан ташқари кўпроқ Италия, Бельгия, Нидерландия ва баъзи бир Лотин Америкаси мамла – катларида амал қилади. Германия ва Скандинавия мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўзига хос бетак – рор сифатларга эга бўлиб, уларни юқорида кўрсатилган икки моделга ўхшатиб бўлмайди.

Ҳар қандай назария каби ўзини ўзи бошқариш назарияси ҳам амалиёт билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу назария юридик амалиёт хулосалари ва тажрибаларининг мантиқан умумлашмаси, синтези бўлиб, юридик амалиёт тараққиётининг йўналишлари ва қонуниятларини аниқлаб беради.

Ўзини ўзи бошқариш назарияси юридик амалиёт қонуниятларини акс эттирувчи тажрибани мантиқий умумлаш – тиради, улар тараққиётининг асосий принципларини белгилаб беради.

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш назарияси* мазкур бошқарувнинг вужудга келиши, ривожланиши ва тараққиёти



қонуниятларини, мабжуд муаммоларни умумлаштирган ҳолда ишга асосланган билимлар тизимидир. Шу ўринда «назария» сўзининг маъносига ойдинлик киритиш лозим бўлади. Назария жамият тараққиёти қонуниятларини мужассамлаштирган амалиётнинг мантиқан илмий умумлаштирилишидир.<sup>1</sup>

Тарихий тараққиёт жараёнида ҳаёт илгари сурган вазифалар негизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш назарияси ўз хулоса ва таклифларига аниқликлар киритади, уларни бойитади, ривожлантиради ва амалиёт учун хизмат қилади.

Замонавий илмий ва юридик адабиётларда<sup>2</sup> маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир бир қанча асосий назариялар ажратиб кўрсатилади. Жумладан:

*Эркин жамоа назарияси* XIX асрнинг бошларида немис олимлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бош ғояси тарихан давлатдан илгари юзага келган жамоа ишларига давлатнинг аралашувини чеклаш зарурагини асослашдан иборат. Табиий ҳуқуқ ғоясига асосланган ушбу назария жамоани давлатдан мустақил равишда табиий шаклланган организм сифатида тан олишдан келиб чиққан. Эркин жамоа назариясининг ғоялари айрим мамлакатлар қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Белгиянинг 1831 йилги Конституциясида қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти билан бир қаторда, махсус «жамоа» ҳокимияти ҳам тан олинган.

Ана шундай назариялардан яна бири *ижтимоий ўзини ўзи бошқариш назарияси* бўлиб, у ҳам давлат ва жамиятнинг қарама-қарши туриши, маҳаллий жамоаларнинг ўз вазифаларини бажаришда эркин эканлигини тан олишдан келиб чиқади. Бу назария маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фаолиятининг давлатга ҳос хусусиятларини эмас, балки айнан хўжалик хусусиятини ўзини ўзи бошқаришнинг белгилари сифатида илгари суради. Ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, маҳаллий жамоа ўз ижтимоий манфаатларини давлатнинг ҳеч қандай аралашувисиз амалга оширишини назарда тутаяди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг *ижтимоий назарияси* XIX асрнинг 60-йилларида дунё юридик фанида кенг ёйилди. Бу назария маҳаллий ташкилотларнинг жойлардаги хўжалик ва

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А.Х., Таджихаёв У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1-қисм. —Т.: Адолат, 2001 й. 336-бет.

<sup>2</sup> Батафсила қаранг: Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш: асосий тушунчалар, қорғиш таърибалар ва амалиёт. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари — 2001й. №1. 30-37-бетлар.; В.И.Фадеев. Муниципальное право России. М.: Моск. Юрид. Ин-т. 1994 й. 451-бет.; Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации М. 1997 й. 41-49-бетлар.; Постовой Н.В. Местное самоуправление: история, теория, практика. М. Мысль, 1995 й. 289-бет.

ижгимой фаолият билан мустақил шуғулланиши, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг давлатга керак эмаслигидан келиб чиқувчи А.И.Васильчиков,<sup>1</sup> В.И.Лешковлар<sup>2</sup>нинг ишларида асос — лаб берилган.

Ўзини ўзи бошқаришнинг *давлат назарияси* XIX асрда немис олимлари Лоренц Штейн ва Рудольф Гейтс томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур назарияга кўра, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий давлат бошқарувини ташкил этишнинг шаклларида бири ҳисобланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг барча ваколатлари давлат томонидан берилган. Бироқ маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ҳукуматга тегишли шахслар эмас, балки унинг натижаларидан манфаатдор бўлган маҳаллий аҳоли амалга оши — ради. Унда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг айнан давлатга хос хусусияти таъкидлаб ўтилади.

Ушбу назария доирасида иккита асосий йўналиш, яъни Р.Гейтс номи билан боғлиқ *сиёсий йўналиш* ва Л. Штейн номи билан боғлиқ *юридик йўналиш* ажратилади. *Сиёсий йўналиш* тарафдорлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини улар ташкил этилишининг тартиби билан боғлаб кўрсатадилар. Р.Гейтс маҳаллий бошқарувни шу жой аҳолиси ўртасида обрў — эътибор қозонган шахслар бепул асосда амалга ошириши керак, деб ҳисоблайди. Бунга маҳаллий ўзини ўзи бошқарув функцияларини бепул амалга оширадиган мансабдор шахсларни сайлаб ёки тайинлаб қўйиш йўли билан эришилиши керак.

*Юридик йўналиш* тарафдорлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини бу органлар бевосита давлат органлари эмас, балки давлат маълум бошқарув ваколат — ларини зиммасига юклаган маҳаллий жамоатчилик органлари эканлигида деб биладилар.

Ғарбий Европа мамлакатларида яшаш жойларидаги бошқарув маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек марказий ҳокимият томонидан амалга оширилади.

*Маъмурий — ҳудудий бириклардиги аҳолининг манфаат — ларини ифодаладиган ва сайлаб қўйиладиган органлар ҳамда уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш маҳаллий (ёки муниципал) бошқарув деб аталади.*

Маҳаллий бошқарув — нисбатан номарказлашган давлат

<sup>1</sup> Қаранг: Васильчиков А.И. О самоуправлении: Сравнительный обзор русских и иностранных земских общественных учреждений. С.-Пб., 1869-1871 й. 1-3 том.

<sup>2</sup> Қаранг: Лешков В.И. Опыт теории земства и его земских учреждений по Положению 1864 года января первого. - М.: Б.И., 1865 й. 219-бет.

бошқарувининг шаклидир. Бундай бошқарув органларининг асосий белгилари, бу — уларнинг сайланишлиги ва маҳаллий аҳамиятта молик бўлган ишларга раҳбарлик қилишдаги нисбатан мустақиллигидир (ўз ижроия аппарати, маҳаллий солиқларни белгилаш, олиш ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқлари мавжуд бўлади).

Маҳаллий бошқарув органларида давлат ташкилотининг элементлари бўлади. Аммо жойлардаги давлат органлари ўрта — сида улар олий даражани эгалламайди, чунки ҳудудларни бошқариш ваколатларининг кўпчилиги улардан олиниб, ҳукумат, вазирликлар ва айрим агентликларга берилган. Маҳаллий бошқарув давлат механизмида алоҳида бўгин бўлиб, у давлат маъмурияти аппаратига функционал равишда бирикади.

Хорижий олимларнинг фикрича, «ўзини ўзи бошқариш» тушунчаси Буюк француз инқилоби давридаги маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга дахлдор бўлиб, давлатта нисбатан жамоалар мустақиллигининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, немис олимлари (барон фон Штейн ва бошқалар) бу тушунчани — маҳаллий ўзини ўзи бошқарув «фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги фаол шаклидир», деб ёзган эди.

1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси»нинг 3 — моддасида бу тушунча қуйидагича ифодала — нади: «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли мафаатлари асосида, қонулар доирасида давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариш ва уни реал удалай олиш қобилияти тушунилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг, тўғридан — тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар томонидан амалга оширилади. Кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисоботлар бериб борувчи ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларига мурожаат қилишни истисно этмайди».

Г.Холлис ва К.Плоккер (Европа Иттифоқи экспертлари) каби олимлар маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир тушунча — ларни қуйидагича талқин қиладилар: «маҳаллий бошқарув» — давлат бошқаруvidан қуйидаги барча даражалар, «маҳаллий ҳо — кимият» — «сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари во — ситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва шу йўлда ҳаракат қилувчи ташкилотлар», «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» эса — «миллий бошқарувдан қуйи даражадаги де —

мократик мухтор бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоа муаммоларининг аксарият қисмини муво – фиқлаштириши ва бошқариши»дир.

Ривожланган мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари ва уларнинг аппаратлари давлат ташкилотларининг йирик бўғинларидан бирига айланди. Жумладан, АҚШдаги муниципал хизматда барча давлат хизматчиларининг 55 фоизи фаолият кўрсатади.<sup>1</sup>

Маҳаллий бошқарув органлари маҳаллий аҳолининг вакил – лари сифатидаги расмий ўринларига биноан вакилик тизими – нинг таркибий қисмларидан биридир. Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолияти аҳоли учун катта аҳамиятга эгадир. Давлат аппаратининг бошқа бўғинларига нисбатан муниципал органларда бюрократизмга берилиш камроқ бўлади. Ана шу барча фазилатлар сайланувчи маҳаллий бошқарувни демократия қадриятларидан бирига айлантирди.

Маҳаллий бошқарувнинг назарий асослари дастлаб Фарбий Европадаги инқилоблар мафкурачилари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг табиати ва ўрни ўзини ўзи бошқариш органларининг сайланиши лозимлиги тўғрисидаги ғоялар билан боғлиқдир. Маҳаллий ҳокимиятнинг сайланиш принципи феодал абсолютизмга қарши ҳаракат шакли сифатида туғилди. Сай – ланган муниципал органларнинг мустақиллиги концепцияси, уларнинг қишлоқ жамоалари ва шаҳарлардаги ишларга раҳбар – лик қилишида марказдан мустақиллиги янги тарих бошланишида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш функцияларини ифодалаб, бу органларга давлат манфаатлари соҳасидан ташқаридаги бўғин сифатида қарала бошланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш назарияси жамоанинг ўзи – ни ўзи бошқаришга бўлган «табиий ҳуқуқи»ни асослаб берди, феодал Европа шаҳарларидаги тарқоқлик паровитида ижтимоий табақалар шаклланиб, улар қирол томонидан инъом этилган иқтисодий ва сиёсий имтиёزلарни феодал ҳукмдорлардан сотиб ёки тортиб ола бошладилар.

Турли мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қадриятлари бир – биридан фарқланади.

XIX аср – XX аср бошларидаги классик капитализм дав – рида маҳаллий бошқарувнинг ривожланиши илгариги озодлик ва тенглик каби демократик шиорлардан анча чекинди. Биринчидан, аҳолининг мулкдор қисми, кўчмас мулк эгаларининг иштироки

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш: асосий тушунчалар, хо – рижий тажрибалар ва амалиёт. Демократлаштириш ва янсов ҳуқуқлари. – 2001 й. №1. 30 – 37 – бетлар.

кучайиши билан муниципал органларни шакллантиришдаги сай – ловлар чеклана бошлади. Иккинчидан, маҳаллий ва гуруҳий манфаатларни умумдавлат манфаатларига бўйсундириш мақсадларида муниципал органлар ҳукумат назорати остига олинди. Ҳукумат ва партияларнинг муниципал сиёсатида мар – казлаштириш тамойиллари аста – секин устунлик қила бошлади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маориф, комму – нал хўжалик ва бошқа соҳалардаги функциялари кенгайиб бо – риши билан марказнинг маҳаллий ишларга аралашуви ҳам ку – чайиб борди. XX асрга келиб маҳаллий бошқарув давлатнинг тазйиқи билан ҳақиқий маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сифат – ларини, шунингдек, марказий ҳокимият бюрократик аппарати аралашувларидан мустақиллик хусусиятларини йўқота борди. Германия ва Италияда фашистик режимлар ўрнатилгач, бошқа демократик институтлар қаторида сайланадиган маҳаллий бошқарув ҳам йўқ қилинди.

Маҳаллий бошқарув ваколатларини қисқартириш, унинг бюрократик аппаратга қарамлигини ошириш марказий ҳокимият интилишларининг умумий тамойилига айланди.

Фашизм тор – мор қилиниб, демократик кучлар обрўси ва таъсирининг кескин ўсиши натижасида кўпчилик мамлакатлар – даги муниципал органлар аҳволида ижобий ўзгаришлар юз бер – ди. Жумладан, урушдан кейинги Франция, Италия, Япония кон – ституцияларида маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг демократик принциплари мустаҳкамланди.

Гарб давлатларида минтақа ҳокимият ва бошқарув орган – ларини тузиш соҳасида илмий изланишлар олиб борилди. Мин – тақа органлари ваколатига қуйи органлар, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш кабилар киритилди. АҚШдаги муниципал тизим майда тузилма – лардан иборат бўлишга қарамай, баъзи ўзгаришларга учради – оралиқ бошқарув даражаларини тузиш шаклида муниципали – тетларни қисман кооперативлаштириш амалга оширилди.

Францияда ва бошқа баъзи мамлакатларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги қатор функциялар жойлардаги юқори ор – ганлар ёки уларнинг агентликларига ҳеч бир оралиқ даражалар – сиз берилди. *Миллий ҳукуматлар нўқтаи назаридан бу жара – ёнлар номарказлаштириш деб қаралди.*

70 – 80 – йилларда Буюк Британия, Франция, ГФР ва бошқа мамлакатларда маҳаллий бошқарувни ислоҳ қилишга киришилди. Бу йўл давлат аппаратини илмий – техникавий инқилобларга мослаштириш мақсадида замонвийлаштиришнинг умумий йў – лини ифодалар эди. Бу ислохотлар бошқарувни ташкил этишдаги

архаизмга тула бўлмаса — да, барҳам берди. Шу билан бирга умумий муниципал органлар аппарати ўзининг бошқарувдаги ўрнини мустаҳкамлаб, сайлаб қўйиладиган маҳаллий бошқарув органлари функцияларини қисқартирди.

Марказий ҳокимиятнинг турли ижтимоий хизматлар учун ажратадиган маблағлари қисқариб, маҳаллий ҳокимиятнинг соғлиқни сақлаш, уй — жой хўжалиги каби соҳалардаги фаолияти пасайди. Маҳаллий бошқарув эволюцияси, давлатнинг муниципал сиёсатидаги янгиликлар ҳозирги давр давлатшунослигида кенг тарқалган маҳаллий бошқарув назарияларида ўз ифодасини топ — ди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ғояларидан қайтишни билдирувчи муниципалитетларни давлат маъмуриятига бўйсун — шини ифодаловчи турли назариялар мавжуд. *Маҳаллий бошқарувдаги дуализм концепцияси мазкур йўналиш учун ха — рактерлидир.* Бу назария тарафдорлари марказий маъмурият — нинг маҳаллий ҳаётга кенгроқ аралашувини маҳаллий аҳамиятта молик кўпгина ишлар (масалан, маориф, йўл қурилиши) умум — давлат аҳамияти касб этиб бораётганлиги билан боғлайдилар. *Бу назарияга мувофиқ, муниципалитет маълум бошқарув функ — цияларини бажариш жараёнида маҳаллий манфаатлар дои — расидан чиқиб, давлат маъмурият инструменти сифатида фаолият кўрсата бошлайди.* Шу билан бирга муниципалитет — лар соф маҳаллий ишларда ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Шундай қилиб, марказнинг муниципал ишларга аралаш — шаби сабаби умумдавлат аҳамияти касб этган соҳаларни бошқаришдаги бир хил юксак стандартларни таъминлаш, деб талқин этилади. Лекин, аслида, муниципалитетлар устидан мар — казий ҳокимиятнинг назорати авваламбор унинг маориф, ком — мунал хўжалик ва бошқа соҳаларда ўзининг манфаатларини таъминлашига хизмат қилади.

Муниципалитетларнинг мустақиллиги умумдавлат аҳамия — тига молик соҳалардагина чекланиб, соф маҳаллий ишларда бу мустақиллик сақланади, деган қарашлар ҳам асосли эмас. Ҳо — зирги шароитда марказий органларнинг назоратигина эмас, тўғридан тўғри берадиган фармойишлари ҳам маҳаллий бошқарувнинг барча соҳаларига мажбурий қилиб қўйилмоқда.

Баъзи муаллифларнинг кўрсатишича, тобора кўпроқ асосий қарорлар марказ томонидан қабул қилиниб, маҳаллий вакиллик органларининг вазифаси уларни бажаришдангина иборат бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат *маҳаллий вакиллик органларига марказий ҳукумат директиваларининг ижрочиси ролини бериб, улар умумдавлат маъмуриятининг ўсимтасига айланмоқда.*

**«Умумий фаровонлик давлати» назарияси** муниципал идораларнинг ўрни ва аҳамиятига ҳам таъсир қилди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва қўриқловчи ижтимоий хизмат муассасаси деб қаралди. **Ижтимоий хизмат кўрсатиш назарияси «умумий фаровонлик давлати» назариясининг кўринишларидан бири сифатида талқин этилди.** Лекин, давлат ҳокимияти фақат йирик тадбиркорлар манфаатларига мос келувчи муниципал хизматларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш йўлини ўткази бошлади. Фуқароларнинг уй-жойга, маориф, ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжлари билан ҳокимиятнинг ўртасида зиддиятлар келиб чиқа бошлади. Хусусий тадбиркорликни кенгайтириш билан боғлиқ уй-жой, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга доир муниципал ижтимоий дастурлар устуник қила бошлади, маҳаллий бошқарув органлари ижтимоий функцияларининг моддий базалари қисқариб борди.

Айрим мамлакатларда эса, маҳаллий бошқарувни сиёсатдан четлаштириш концепциялари пайдо бўлди, муниципалитетлар сиёсатдан ташқарида туриши, хизмат кўрсатувчи аппарат бўлиши, улар жамиятга муайян хизматлар кўрсатишга ихтисослашиши лозим, деган фикрлар баён этилди.

Кўпинча, **«муниципалитетлар — сиёсатдан ташқарида» концепцияси** муниципал хизматчиларнинг иш ташлашларини тақиқлаш учун асос бўлиб хизмат қила бошлади. Муниципалитетларда хусусий корпорацияларга хос бўлган фаолият шакллари ва услубларини қўллаш кераклигини ҳам исботлашга ҳаракат қилинмоқда. Муниципал маслаҳатчилар ўзларида сайловчиларнинг маълум таъсирларини сезмоқдалар. Натижада улар ёмон маъмуриятчилар, деб ҳам эълон қилинмоқда. Муниципалитетларнинг сиёсатдан ташқарида туришини тарғиб қилувчиларнинг асосий мақсади — бу органларни сиёсий ҳаётдан ажратиб қўйиш эмас (бу мумкин ҳам эмас), балки уларни ҳукумат сиёсатини ўтказишнинг итоаттўй воситасига айлантиришдир.

Шундай қилиб, ҳозир муниципал органлар ҳақиқий маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи сифатида талқин қилинмаяпти. Ижтимоий — сиёсий жиҳатдан олиб қараганда, улар ҳеч бир вақт барча аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органига айлана олмаган. Бошқа томондан қараганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга, бу муассасаларнинг ҳал қилувчи сиёсий — ҳуқуқий сифати деб қараш муниципализм учун ўтмишдаги ҳолат бўлиб қолимоқда. Агар маҳаллий мансабдорларнинг аҳоли томонидан сайланиши, юқоридан тайинлашнинг йўқлиги XIX асрдаги маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мезонлари бўлиб хизмат қилган бў —

либ, улар марказнинг минимал аралашуви шароитида иккинчи даражали ишларнинг тор доирасидаги ишларни бажарган бўлса, XX асрнинг ўрталарига келиб, аҳвол кескин ўзгарди. Сайланиш, жойларда марказий ҳокимият агентларининг йўқлиги муниципал демократиянинг элементлари сифатида ўз аҳамиятини сақлаётган бўлса — да, бу ҳолатлар марказнинг муниципал фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлаштиришига халал бермаётир.

## 2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги замоннинг кўпгина сайлов анъаналари халқларнинг тарихий таржрибаларига таянади. Давлат, жамиятнинг ваколатли шахсларини сайлаш милоддан аввалги икки минг йилликдан бошлаб Мисрда, Хитойда, Ҳиндистонда ва қадимги дунёнинг бошқа мамлакатларида маълум эди. Давлатнинг бошқарув идораларини сайлаш антик даврда ва ўрта асрларда мавжуд эди, ўрта асрларда табақалар вакилларидан таркиб топган идоралар сайланар эди. Буларга мисол тариқасида Францияда Генерал штатлар, 1302 йилда ташкил топган испан кортеслари, 1169 йилдан бери маълум инглиз парламенти, Россиядаги земство соборлари, Германиядаги рейхстагни кўрсатиш мумкин.

Ислон оламида суннийлар шиалардан фарқ қилиб, мусулмон жамоаси (умма) бошлагини, имомликни юксак ахлоқли, ҳурматли, обрўли мусулмонлардан сайлаш тарафдори эдилар.

Халқ демократияси анъаналари илк мусулмон жамоаларида истилочилик юришлари бошланмасидан илгарироқ ривожланган эди. Саҳобаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки халифалар сайлов асосида тайинланган ва улар жамоанинг иродасига бўй — сунганлар.

Шарқ мамлакатларида бу давлат ҳукмдорини сайлаб қўйиш одати юз йиллар давомида сақланиб келди. Бундай сайловларда фақатгина ҳарбийлар ва уруғ зодагонлари вакиллари эмас, балки ўлпон тўлайдиган табақалар — савдогарлар, ҳунармаңлар, деҳқонлар вакиллари ҳам иштирок этган. Буржуа инқилоблари даврида вакиллик органлари XVIII асрдан бошлаб конституцияларда изчил эълон қилиб келинган халқ суверенитети принципи билан чамбарчас боғлиқ эди.

Вакиллик органлари сайлаб қўйилган депутатлардан иборат бўлиб, давлатнинг коллегиял, доимий ёки даврий амал қилувчи сайланадиган органлари ҳисобланган. Улар ҳуқуқий нормаларни белгилаш, молия — бюджет ва назорат масалаларига оид ваколатларга эга бўлган.



80 – 90 – йилларнинг энг аҳамиятли моделлари маҳаллий демократия ва сайлов тизимининг ривожланиши билан боғлиқ. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизimini қайта ташкил қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизimini, да – ражасини ва хусусан, пойтахт шаҳарнинг хусусиятларини ҳи – собга олган ҳолда, сайловларни ташкил этишнинг турли – туман моделларидан фойдаланиш; *иккинчидан*, ҳокимият органлари – нинг депутатлар корпусини шакллантиришда маҳаллий ва умум – миллий даражадаги сайлов механизмларини бирлаштириш; *учинчидан*, нисбий даражада ўзига хослиги билан ажралиб ту – радиган ҳудудий бирликлар ва сайлов ҳуқуқларини, шу жумла – дан, этник озчиликларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тен – гма – тевг ҳисобга олишга интилиш; *тўртинчидан*, бевосита ва билвосита сайловлар нисбатининг биринчиси фойдасига ўзгар – гавлиги; *бешинчидан*, чет эллик фуқароларга тегишли ҳуқуқлар берилиши ҳисобига сайловчилар корпусининг кенгайиши.<sup>1</sup>

Айрим мамлакатларда шаҳарнинг ўзини ўзи бошқаруви, аслида, туман даражасида ўз вазифаларини бажарадиган ҳолда бўлиб, бошқарувни марказдан узоқлаштириш тенденцияси ри – вожланмоқда. Бундай ҳолда шаҳар маъмурий – ҳудудий бирлик сифатида бир нечта мустақил коммуналардан таркиб топади ва шаҳардаги туман бўғинини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш орга – ни сифатида ижроия ҳокимияти органларига берилган ҳуқуқ – ваколатлар билан сақлаш ва жиддий мустақамлаб бориш лозим бўлади. Шундай тизим Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири М.Тэтчернинг таклифи билан Лондонда ўрнатилган. Бу шаҳарда мэр ҳам, шаҳар кенгаши ҳам йўқ. Унда Ситидаги маҳаллий маъмурият раҳбари каби лорд – мер ҳамда Катта Лондонга ки – рувчи 32 та шаҳар туманларининг мэрлари бор. Мэр унвони, одатда, Лондоннинг туман кенгашларида, шаҳар агломератцияси округларида ҳамда тегишли мақомга эга давлат округларида иш – латилади. Мэрлар фақат кенгаш мажлисларида раислик қиладилар ва бошқа ҳокимият органлари билан муносабатларда вакиллик қиладилар, ижро вазифаларини бажармайдилар, сиёсий етакчи эмаслар. Бу лавозимга Кенгаш олдидagi хизматларининг эътирофи сифатида қаралади, ёш жиҳатидан катта депутатлар – нинг алмашилиб туришлари мўлжалланган, бу лавозим оппозии –

<sup>1</sup> Каранг: Лысенко В. И. Законодательство о выборах в местные органы самоуправления и практика его применения в зарубежных странах в 80-90ые годы: сравнительный анализ и тенденции развития. – Государство, М 1998. 130-бет

циядаги партиялар депутатларига ҳам берилиши мумкин.<sup>1</sup>

Францияда 1982 йил 31 декабрда қабул қилинган қонунга кўра, Парижнинг ҳудуди битта ёки бир нечта шаҳар туманларига тақсим қилинган. Туман ҳудудида сайланган шаҳар Кенгаши депутатлари бир вақтнинг ўзида шаҳардаги туман кенгашининг депутатлари ҳисобланадилар.<sup>2</sup>

Венгрияда пойтахт шаҳар кенгашига 88 депутатнинг 66 нафари бевосита аҳоли томонидан партиялар рўйхатлари бўйича сайланади, 22 депутат эса, шаҳар туманлари томонидан юборилади.

Мексикада пойтахт Мехико ўз шаҳар атрофи билан бирга — ликда ягона маъмурий бирликни ташкил этиб, федерациянинг бир бўлаги ҳисобланади. Республика президенти федерал округ бошлиғи (мэр)ни тайинлайди, у пойтахтни бошқаришга бевосита жавоб беради. Президент истаган вақтида мэрни алмаштириш ҳуқуқига эга, чунки мэр Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ҳисобланади. Президент олдидаги барча маъсулияти билан бирга мер миллий конгресснинг депутатлар палатаси ва сенати ҳамда Федерал округ вакиллари ассамблеяси олдида масъул бўлиб, конституция ва қонулар билан белгилаб қўйилган мажбуриятлар мажмуасига эга. Ўз навбатида, Мехико шаҳари муниципалитетлар томонидан бошқариладиган 16 туманга бўлинган. Муниципалитетлар мэрнинг пойтахтдаги ҳокимиятини ифодалайди, мэр уларга ўз ваколатларининг маълум қисмини беради. Шаҳар ва туманлар муниципалитетлари орасида ваколатларнинг тақсимиоти шаҳарни бошқаришда марказлаштирилган ва марказдан узоқлаштирилган асослар нисбатининг маъбул бўлишига асосланади. Ҳозир бошқаришни марказдан узоқлаштириш, шаҳар туманлари вазифалари ва ваколатларини кенгайтириш тамойили кучайиб боришга мойил. Бизнингча, маҳаллий ўзини ўз бошқаришнинг бундай тажрибасини Ўзбекистон шароитида кенгроқ қўллаш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов соҳасида ҳам чет элларнинг тажрибаси диққатга сазовор. Францияда, масалан, муниципалитетларга сайловларда 18 ёшга, департаментлар ва регионлар ассамблеяларига сайловларда эса 21 ёшга тўлган фуқаролар қатнашадилар. Швецияда ҳамма фуқаролар 18 ёшдан фаол сайлов ҳуқуқига эга бўладилар, чет элик фуқаролар сайловларда қатнашиш учун шу мамлакатда уч йил яшаётган бўлишлари зарур. Буюк Британияда 18 ёшдан ўтган ҳамма

<sup>1</sup> Капанг: Williani Z. Viller Irrelevant Election? The Quality local democracy in Britain Oxford, 1988.

<sup>2</sup> Капанг: Zuchaire F. Zuchaire J. De droit de le decentralization. Paris, 1989.

фуқаролар сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга, сайлаб қўйиладиган органларга номзодлар эса 21 ёшдан ўтган бўлишга — ри ҳамда камида 12 ой давомида ушбу маҳаллий ҳокимият органи ҳудудида яшашлари, ишлашлари ва шахсий мулкка эгаллик қилишлари лозим. Муниципалитетлар хизматчилари шу ҳоки — мият органининг ўзида бир вақтда ихтисосликлари бўйича ва депутатлик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу ҳоқда маҳаллий ҳокимият органи хизматчиларига, агар уларнинг йиллик иш ҳақлари 19 минг фунт стерлингдан ортиқ бўлса ҳамда шу органда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсларга та — аллуқли. Инглиз парламенти фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг аъзоларининг асосий кўпчилиги маҳаллий бошқарув ашпаратининг фаолияти соҳасида аниқ кўникмаларга эга бўлган депутатлар ва хизматчилар ҳисобига тўлдирилишига боғлиқ, деб тахмин қиладиган тадқиқотчиларнинг фикрларига қўшилмаслика мумкин эмас.<sup>1</sup>

Кўпгина чет давлатларнинг қонулари таҳлил қилинганда, бу қонуларда миллий озчиликларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор берилганлиги маълум бўлади. Ма — салан, Хитой Халқ республикасининг 1979 йилда қабул қилинган ва 1986 йилда ўзгаришлар киритилган «Халқ вакиллари Умумхи — той мажлисига ва халқ вакиллари турли даражадаги маҳаллий мажлисларига сайловлар ҳақида»ги қонунда гавжум яповчи ҳар бир оз сонли миллат алоҳида ҳуқуқий тартиб асосида ўз вакил — ларига эга бўлишлари ҳақидаги меъёр мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, тўпланиб яшаш жойларида оз сонли миллатнинг умумий аҳолиси ушбу туман аҳолиси умумий сонининг 30 фоизидан ортиқ бўлса, ушбу оз сонли миллат аҳолисининг сони шу жой — даги халқ вакиллари мажлиси битта депутатни вакил қиладиган аҳоли сонига мувофиқ бўлиши лозим. Агар гавжум яповчи битта миллат аҳолисининг умумий сони, ушбу маъмурий район аҳоли — сининг 15 фоизидан камроқ бўлса, битта миллатдан битта депутат вакил қилинадиган аҳоли сони ушбу жойдаги халқ вакиллари маҳаллий мажлиси битта депутатини вакил қиладиган аҳоли со — нига нисбатан кам бўлиши мумкин, лекин ярмидан кам бўлмас — лиги лозим. Мухториятта эга миллат аҳолиси жиддий даражада кам бўлганда вилоят ёки мухтор туман халқ вакиллари мажлиси доимий қўмитаси қарорига биноан бу сон мухтор уездда ярми — гача қамайтирилиши мумкин. Бирор миллатнинг кам сонли аҳо — лиси жуда бўлмаганда бир депутатни вакил қилиши лозим. Битта оз сонли миллат аҳолисининг умумий сони ушбу туман аҳолиси

<sup>1</sup> Қаранг: Государство и право. 1992, №2, 132 — бет.

умумий сонининг 15 фоизидан ортиқ бўлса, лекин 30 фоизга ет — маса, бунда шу оз сонли миллат аҳолисининг битта депутатни вакил қиладиган сони тегишли равишда ушбу жойдаги халқ вакиллари мажлиси битта депутатни вакил қиладиган аҳоли сони — дан кам бўлиши мумкин. Лекин ушбу оз сонли миллатдан бўлган депутатларнинг умумий сони ҳамма депутатлар умумий сонининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Оз сонли миллатлар гав — жум яшайдиган шаҳарча, шаҳар, туман, уездлар, волостлар, миллий волостлар ва посёлкалар халқ вакиллари мажлисларига депутатлар сайлови мазкур маъмурий тумандаги миллий муно — сабатларнинг характериши ва турли миллатларнинг яшаш жой — ларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёки биргаликда ўтказилиши мумкин.<sup>1</sup>

Умуман олганда, оз сонли миллатларнинг маҳаллий ҳокимият органларида вакиликларига муносабат билдиришда бу ҳокимият органларининг таркибини бирон — бир квота ёки норма — лар билан боғламаслик керак. Бундай ёндашув кўпроқ маъмурий — буйруқбозлик, марказлаштирилган — тўраларча тизим та — лабларига жавоб беради. Бизнингча, демократик жамиятда мил — лий камситишдан ҳимоялайдиган ва барча миллатлар вакилла — рининг тегишли ҳокимият тузилмаларига сайланишларига имкон берадиган муҳитни таъминлаш муҳимроқ. Тубжой миллати ва — киллари томонидан оз сонли миллатларга нисбатан тоқатли, эътиборли, хайрихоҳ муносабатда бўлиш маъқул, деб ҳисоблай — миз.

Ўзбекистон Республикаси Президентя И.А.Каримов айтта — нидек, «Истиқлолга зришган халқ ўзгаларга зуғум қилмайди».<sup>2</sup>

Қатор давлатларда сайлов тизими механизмининг амал қилишида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг кўп даражали тизими мавжудлиги, бевосита ва билвосита сайлов — ларнинг аралаш олиб борилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Масалан, Францияда муниципалитетларга сайловлар ҳар 6 йилда ўтказилади, департаментларда эса, 1990 йилгача депутат — ларининг ярми ҳар 3 йилда қайта сайланар эди. 1990 йилда пар — ламентнинг махсус ҳужжати асосида департамент ассамблеясини шакллантиришда ротация (алмаштириш) тартиби ўзгартирилган эди, буниинг натижасида 90 — йилларда депутатлар корпусининг таркиби регионал кенгашга сайловлар билан бир вақтда қайта сайланади. Маҳаллий органларнинг янги турига сайловлар би — ринчи марта 1986 йилда Миллий Мажлисга сайловлар билан бир

<sup>1</sup> Каранг. Китайская Народная Республика. Законодательные акты. М., 1999. 29-42-бетлар.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил, 104 — бет

вақтда ўтказилган эди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига сайловлар, ре —  
гионал бошқарув органларига сайловлар (регионал кенгашларга  
сайловлардан ташқари) бевосита сайловлар эди, овоз бериш на —  
тижаларини аниқлашда овозларнинг энг қуйи (мажбурий) чега —  
раси рўйхатта олинган сайловчиларнинг умумий сонидан 25  
фоизини ташкил этиши лозим эди. Агар номзод биринчи даврада  
сайловчилар овозларининг зарурий кўпчилигини ололмаса, ик —  
кинчи давра сайловлари ўтказилади.

Аҳолиси 2500 кишигача бўлган манзилгоҳларда депутатлик  
ўринлари сонига қараб номзодларнинг ягона батафсил рўйхати  
шакллантирилади. Аҳолиси 3500 кишигача бўлган коммуналларда  
сайловчилар, сайлов ҳуқуқида маълум бўлган преференциялар  
усулини қўллаб, ўзлари овоз берадиган номзодларнинг фами —  
лияларини рўйхатта қўйиш ҳуқуқига эгалар. Овоз бериш нати —  
жаларини аниқлашда овозларнинг бир — бирига нисбатан кўплиги  
қоидаси қўлланилади.

Аҳолиси 3,5 минг кишидан ортиқ бўлган коммуналларда 1982  
йил 19 ноябрдаги қонун асосида икки даврадаги овоз беришда  
мажоритар кўпчилик ва пропорционал (мутаносиб) вакиллик  
комбинациясидан иборат механизм киритилди. Биринчи қоида  
шундан иборатки, агар биринчи даврада партия рўйхати энг кўп  
овоз олса, бунда тегишли партия ҳам энг кўп депутатлик ўрин —  
ларини олади, қолган ўринлар сайловчиларнинг 5 фоиздан ор —  
тиқроғи овоз берган бошқа номзодлар рўйхатлари орасида про —  
порционал асосда тақсим қилинади. Иккинчи қоида бўйича, ик —  
кинчи даврада нисбатан кўп сайловчиларнинг овозини қозонган  
партия энг кўп депутатлик ўринларини олади, қолган ўринлар  
биринчи давра қоидалари асосида тақсим қилинади. Беш фоиз —  
лик довондан ўтиш депутатлик мандати олиш ҳуқуқини беради,  
10 фоиз овозларни олганда эса, иккинчи даврада қатнашиш  
ҳуқуқи берилади, фақат биринчи даврада 5 фоиздан кам бўлма —  
ган овоз олган партиялар рўйхатларини бирлаштириши (блок  
тузиши) мумкин бўлади.

Мажоритар сайлов тизими принципларидан чет мамлакат —  
ларнинг кўпида фойдаланилади. Масалан, Австрияда депутатлар  
мандатлари аввал сайлов округлари бўйича овоз бериш натижа —  
ларига мувофиқ тақсим қилинади. Сўнгра қолган мандатлар шу  
мандатларни олиш учун зарур ҳиссадаги овозларни олмаганлиги  
учун сайлов округларининг тўртта бирлашмалари ўртасида  
тақсимланади. Бунда юқорида айтилган бирлашмаларга кирази —  
ган тегишли сайлов округларида ҳар бир партия томонидан  
олинган ўша «фойдаланилмаган» овозлар йиғиндиси ҳисобга

олинади. Биринчи даврада битта ҳам мандат олмаган партия эса, олинмай қолган мандатлар тақсимога қўйилмайди, унинг ном — зодлари учун берилган овозлар эса, бундай ҳолда бекор қолади.

Италияда ҳам маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар мажоритар сайлов тизими асосида ўтказилади. Депутатлик мандатларини ажратиб олиш учун «фойдаланилмаган» овозлар мамлакат миқёсида бирлаштирилиб, мандатлар партия рўйхатлари бўйича навбатдаги сайланмай қолган номзодларга берилади. Лекин бундай қилиш учун, шу партия биринчи давра овоз беришда камида бир депутатни ўтказган бўлиши ёки шу давра давомида мамлакат бўйича мингдан кам бўлмаган овоз олган бўлиши шарт.

Швецияда маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ҳар уч йилда ўтказилади. Буюк Британияда депутатлар 4 йил муддатга сайланади. Графликлар ва Лондон туманлари кенгашлари айни бир вақтда сайланади, агломерациялар округларида эса, депутатларнинг учдан бир қисми ҳар йили, умуман сайлов ўтказилмаган бир йилни истисно қилганда, қайта сайланади.

Депутат кенгашдаги иши учун ҳақ олмайди, бу ишни ўзининг асосий иши билан бирга олиб боради. Депутатлик фаолияти, жамоатчилик орасида маънавий равишда фуқаролик бурчини амалга ошириш фахри вазифа ҳисобланади. Шунинг учун Буюк Британияда депутатлик фаолиятининг маънавий жиҳатлари кучли.

Энг аввало, Фарбдаги илғор демократик давлатларда маҳаллий ҳокимият органларини сайлашнинг ҳуқуқий асослари синчиклаб ишлаб чиқилганлиги, бу масалаларда ўзбошимчалик ва асоссизликка йўл қўймайдиган аниқлик ва изчил тартиб таъминланганлиги эътиборни тортади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида сайловчининг фақат яширин овоз бериш асосидаги сайловлардагина эмас, балки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ҳам қатнашиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Португалияда, Швецияда сайловчи сайлов куни, ўзининг доимий яшаш жойидан узоқда бўлса, бир қатор мажбурий тартибларга риоя қилган ҳолда почта орқали овоз беришга руҳсат этилади. 90-йилларда сайловчиларнинг учдан биригача қисми почта орқали овоз берган ва бундай овоз бериш механизмнинг қиёсий салмоғи ортиб бораётганлиги кузатилаётганда. 80-90-йилларда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг сони 40 фоиздан ошмаганлигини ҳисобга олиш лозим. Бизнингча, бу шуни кўрсатадигани, овоз беришнинг анъанавий таркиб топган шакллари тобора кўпроқ барҳам топиб бормоқда ва улар қатор хорижий давлатларда

тўпланган илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда олган янги — ланиб боришга муҳтож.

Кўриниб турибдики, чет элларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш, унинг органлари сайловини ўтказиш, бу органларга ваколатлар бериш соҳасида бой тажриба тўпланган. Бу тажрибани синчилаб ўрганиш ва энг ибратли жиҳатларини Ўзбекистон шароитига, ҳалқимизнинг менталитетига мувофиқ тарзда қўллаш устида ўйлаб кўриш фойдали бўлса ажаб эмас, деб ҳисоблаймиз.

### 3-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ҚОНУНЧИЛИГИДА — МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ЕВРОПА ХАРТИЯСИ

Кўпгина чет мамлакатларнинг қонунчилигида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга жиддий эътибор берилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ривожланишида 1985 йил 15 октябрда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Хартияси жиддий аҳамиятга эга бўлди. Бу Хартиянинг асосий ғояси маҳаллий даражадаги жамоат ишларини бошқаришда фуқароларнинг бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши ва маҳаллий ҳудудий тузилмалар давлатнинг ҳар қандай демократик шакли энг муҳим асосларидан бири эканлигидан иборат. Бу қондаларга мувофиқ Хартия коммуналарга ўз ваколатларига мос келадиган миқдорда молиявий маблағ ажратилишини талаб қилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, молиявий жиҳатдан ожиз ҳудудий бирикларга молиявий имко — ниятларни тенглаштириш принциплари асосида ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган бўлиб, шу йўл билан ўз ҳудудларининг ривож — ланиб боришига масъул бўлган маҳаллий ҳокимият органларига ўзини ўзи бошқаришни ташкил қилиш имковиятини яратади.

Хартия Европа Кенгашининг аъзолари бўлган давлатларнинг мақсадлари баён қилинган муқаддима ҳамда уч қисмдан иборат. Муқаддиманинг мазмуни қуйидагилардан иборат: маҳаллий ўзи — ни ўзи бошқариш органлари ҳар қандай демократик давлатнинг асоси бўлиб ҳисобланади, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ор — ганлари бошқарувнинг самарадорлигини таъминлайди. Европа мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳимоя қилиш — ҳокимиятни номарказлаштиришга қаратилган давлат қуришга ўз ҳиссасини қўшиш, демакдир.

Хартиянинг 1 — қисми "Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг конституциявий ва қонуний асослари" деб номланади. У 10 та моддадан иборат бўлиб, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақида

тушунча беради, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ваколатлари мустаҳкамланган принципларни белгилайди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳудуди ҳимояланиши кафолатини мустаҳкамлайди, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг маъмурий – ҳудудий тузи – лишини белгилаш ҳуқуқини беради. Унда маҳаллий аҳамиятта молик вазифаларни амалга ошириш қоидалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий манбалари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг маъмурий назорати ҳақида ҳам тушунча берилган. Хартияда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг бирлашуви ва ўз ваколатларини эркин амалга оширишини таъминлаш мақсадида судда ҳимояланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.<sup>1</sup>

Хартиянинг «Махсус қоидалар» деб номланган 2 – қисмида Хартияни имзолаган давлатларнинг мажбурияти белгиланган. Европа Кенгашига аъзо бўлган давлатлар Хартиянинг 1 – қисмидаги 20 та бандга ўзлари қабул қилган қонуларнинг тўғри келиш – келмаслигини қараб чиқишлари ва Европа Кенгаши Бош котибига юборишлари шарт.<sup>2</sup>

Хартиянинг 3 – қисмида ушбу ҳужжатни имзолаш, ратификация қилиш ва кучга киритиш тартиби белгиланган. Хартиянинг амалга оширилишини таъминлашда Европанинг маҳаллий ва ҳудудий органлари ҳокимияти Конгресси муҳим ўрин тутлади. Европа Кенгашининг таркибидagi Конгресс Вазирлар қўмитаси ва Парламент Ассамблеясидан кейинги ўринни эгаллайди.

Конгресс маслаҳат органи бўлиб, унда Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органларидан вакиллар қатнашади.<sup>3</sup>

Мазкур ҳужжат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш учун бир – ламчи ҳуқуқий асос бўлиб, барча давлатлардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиши ва тараққий этиши учун хизмат қилади. Хартия асосан Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир ҳужжатларида ўз аксини топиши зарур, чунки Европа Кенгашига аъзо давлатлар мазкур Хартияни ратификация қилиши ва ўз фаолиятини шу ҳужжатга асосланган ҳолда амалга ошириши лозим.<sup>4</sup>

Хуллас, Хартиядан ҳар қандай давлатда, шу қатори Ўзбе –

<sup>1</sup> Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. Учебник М: Юрист, 2000. 63 – бет.

<sup>2</sup> Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. Москва, Юрист, 2004г. 549-бет

<sup>3</sup> Уша ерда.

<sup>4</sup> О.Е. Кутафин, В.И. Фадеев Муниципальное право Российской Федерации Учебник Юрист, 2004. 64-65-бетлар



кстонда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини шакллантириш ва маҳаллий қонунчиликни тако – миллаштиришда фойдаланиш мумкин ва лозим.

*Германия тажрибаси.* Германияда Хартиянинг амал қилиши 1987 йил 22 январда қабул қилинган федерал қонун би – лан тасдиқланган эди.<sup>1</sup> Шундай қилиб, ушбу Хартияда эълон қилинган принципаларга давлат ҳуқуқи сифатидаги юридик куч берилган эди. Шу билан бирга Германиянинг Асосий қонунида ва алоҳида ерлар (вилоятлар) нинг конституцияларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш аниқроқ ифодалаб берилган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий автономлиги федератив давлатда маҳаллий ҳудудий тузилмаларнинг мустақил мақомини назарда тутди. Улар ҳудудий тузилмалар сифатида ўз ҳудудда яшовчи аҳолини ташкилий жиҳатдан бирлаштиради. Асосий Қонуннинг 28 – моддасига кўра, яшовчилар мустақил қарорлар қабул қила оладиган маҳаллий ҳукумат органларини шакллантирадилар. Германиянинг жанубий ерларида улар ма – ҳаллий маъмурият бошлиғи – бургомистрни бевосита сайлай – дилар. Шундай қилиб, маҳаллий ҳудудий тузилмалар ташкилий жиҳатдан шаклланган, ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлган бошқарув субъектлари, ерларга ва улар орқали федерацияга ки – риб борадиган оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг юридик шахслари ҳисобланадилар.<sup>2</sup>

Германияда маҳаллий ҳудудий birlikлар деганда бу мам – лакатнинг коммуналари (жамоалари) ёки бошқача қилиб айтганда шаҳарлари ва қишлоқлари тушунилади. Одатда, туман таркибига бир нечта жамоа киради. Германиянинг Асосий Қонуни жамоа – ларни фуқароларга яқинлаштирилган давлат бошқаруви марказ – лари деб таърифлайди. У жамоаларнинг бундай мавқеини қўйидагилар билан: *биринчидан*, фуқароларнинг маҳаллий жа – моатчилик ҳаётида келиб чиқадиган ёки унга бевосита алоқадор бўлган барча масалаларни ҳал этиш ишларини бошқариш соҳа – сида уларнинг ваколатларини мустаҳкамлаш билан ва, иккинчи – дан, ваколатларни ўз масъулиятлари асосида тақсим қилиш, ма – ҳаллий органларнинг бирон – бир аниқ вазифани бажаришлари керакми, йўқми эканлиги ва агар бажаришлари керак бўлса, унда қачон ва қандай қилиб, қанчалик кўламда, қайси жамоат кучлари иштирокида ва қайси моддий маблағлар ҳисобига бажаришлари ҳақидаги қарорларни уларнинг ўзлари қабул қилиш принципини ўрнатиш билан кафолатлайди.

<sup>1</sup> Каранг: Bundesgesetz – ВВВУ, 1887, П 565-бет.

<sup>2</sup> Каранг: Грабевт Р. Финансовая автономия органов местного самоуправления в ФРГ // Госу – дарство и право 1992, №10, 97-бет

Ўз фаолиятига ўзининг масъул бўлиши принципи ўз даро – мадлари ва харажатларини бошқариш ваколатини ўз ичига ола – диган молиявий автономияни назарда тутди. Бу принцип бутун мамлакат миқёсидаги жамоалар ҳудудида япловчи фуқароларнинг турмуш даражасини ўзини ўзи бошқариш ёрдамида тенглашти – ришга интилувчи ҳуқуқий меъёрларга асосланган. Шундай қилиб, Германияда ўзини ўзи бошқаришнинг мустақиллиги давлатнинг юридик назорати остига олинган. Бундан ташқари, федерация ва ерлар жамоаларга ўз ҳуқуқ доираларига кирувчи давлат бошқаруви вазифаларидан баъзиларини берадилар.<sup>1</sup>

Бундай ҳолларда федерациянинг ва ерларнинг ҳоқимиятла – ри фақатгина назорат қилиш вазифаларини бажариб қолмай, балки у ёки бу тадбирларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида кўрсатма ва тавсиялар бериш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

Молиявий автономия иқтисодий тизим ва рақобат билан ҳамда федерациянинг молиявий тузилиши принциплари билан боғлиқ.

Германиядаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – нинг молиявий автономлигидан фойдаланиш тажрибаси Ўзбеки – стон маҳаллий ҳоқимият органлари ишени ташкил этиш, улар – нинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш учун ўзига хос амалий аҳамиятта эга.

Маҳаллий ҳоқимият органлари томонидан ҳал этиладиган масалалар ҳажми кўп жиҳатдан уларнинг молиявий имконият – ларига боғлиқ. Жамоалар одамларнинг асосий юқини зиммала – рига олиб, ўз тадбирларининг асосий қисмини давлат муассаса – лари ёрдамида олиб бориб, шу билан бир вақтда, харажатларнинг жиддий ташвишидан қутула олмайдилар, ўзларининг бошқарувчилик вазифаларини ҳал этишлари ва юқори ҳоқими – ятларнинг кўрсатмаларини бажаришлари лозим. Марказдан узоқлаштирилган федератив давлат шароитида Асосий Қонун самарали ва ихтиёрий ўзини ўзи бошқарувга, маҳаллий орган – лардан чиқаётган ташаббускорлик ҳаракатларининг турли – туманлигига биринчи даражада аҳамият беради. Шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда федерация ва ерлар ўзларига юкланган топшириқларни бажаришларига имкон берадиган молиявий таъминот ҳақида гамхўрлик қиладилар.

Маҳаллий ҳоқимият органларининг молиявий таъминоти учун масъул бўлган давлат уларга ўз молиявий манбаларини очишларига ёрдам кўрсатади, жамоалар ўз қарорлари асосида бу манбалардан ўзларини молиявий таъминлайдилар.

<sup>1</sup> Каранг: Закон о работе органов, поддерживающих общественный порядок земли Северный Рейн= Вестфалия от 13 мая, 1980

Жамоалар маълум миқдорда ўз мулкларига эга бўлишлари, тижорат ишлари олиб боришлари, олинган даромадларга эгалик қилишлари, чекланган миқдорда қарзлар олишлари мумкин.

Бизнингча, бундай амалиёт Ўзбекистоннинг маҳаллий ҳо — кимият органлари учун ибратлидир. Германиянинг ер тўғрисидаги қонунларига кўра, жамоаларга солиқлар, бошлар, бадаллар ва бошқа тўловлар олиш ваколати берилиши тажриба — сидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу мамла — катдаги кўчгина жамоаларнинг молиявий аҳволини ўрганиш асосида баъзи тадқиқотчилар ривожланган инфратузилмага ва кучли иқтисодий қувватга эга бўлган «бой» жамоалар иқтисодий кучсиз бўлган камбағал жамоаларга нисбатан қўшимча маблағлар берилишига камроқ муҳтож бўладилар, деган хулоса чиқарадилар. Шу билан бирга, уларнинг фикрича, шаҳарлар, шаҳар атрофлари ва қишлоқ жойларининг ривожланиш дара — жалари орасидаги фарқ унчалик катта бўлмаслиги керак, шун — дагина аҳолининг қишлоқлардан кўчиши ва шаҳарлар аҳолиси ортиб кетишининг олдини олиш мумкин бўлади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз харажатларини мустақил белгилайдилар. Маҳаллий ваколатли органнинг тегишли Кенгаши ҳар йили маҳаллий бошқарув мақсадларига мўлжалланган бюджет маблағларини харажат қилиш ҳақида қарорлар қабул қилади, даромадлар ва харажатлар соҳасидаги маҳаллий сиёсат прин — ципларини белгилайди. Бюджетнинг маъмурий ижроси учун маъмуриятнинг энг юқори лавозимини эгаллаб турган шахс — бургомистр жавоб беради.

Маҳаллий ҳудуднинг жорий бюджет йили учун бюджетни режалаштириш, тасдиқлаш ва ижро қилишни ўз ичига олган бюджет хўжалиги беш йиллик молиявий режага асосланиб, унинг чегараларидан чиқмаган ҳолда олиб борилади. Кенгаш томонидан тузилган инвестиция тадбирларини ва биринчи даражадаги аҳо — миятта эга масалаларни назарда тутувчи дастур бу режанинг асосини ташкил қилади. Бундан ташқари, режада ҳар бир йилда мўлжалланган харажатлар ва уларнинг ўрнини тўлдириш имко — ниятлари ёзиб борилади. Бу режа ҳар йили ўзгариб турадиган ҳақиқий аҳволга мувофиқ тарзда аниқлаштириб борилиши лозим, шунга кўра у мўлжалларнинг очиқ тизимидан иборат. Бу режа — даги ёндашувлар ҳар йили маҳаллий бюджетга йўналиш бериб туради. Лекин бу чама ва ёндашувлар ижрочилар учун мажбурий кучга эга эмас, шу сабабли улар ҳуқуқий меъёрлар хусусиятига эга бўлмайди. Юқорида айтилганлар шунга кўрсатадики, чет ма — малакатларда режалаштириш рад қилинмайди, балки унга соғлом фикрлаш нуқтаи назаридан ёндашилади. Буни биз назарда тути —

шимиз лозим. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши шароитида ижтимоий – иқтисодий режалаштиришга кўр кўрона сигинишдан воз кечилди ва уни ўзини оқлай олмаган ва барбод бўлган тизим сифатида инкор этилди. Шу билан бирга назарда тутишимиз ло – зимки, қатор мамлакатларда, шу жумладан, Германияда ҳам, ма – ҳаллий харажатларни режалаштириш маҳаллий ҳокимият ор – ганларининг мустақил қарорларига аҳамиятсиз даражадагина таянади; молиявий маблағларни сарфлаш соҳасида маҳаллий ор – ганлар мажбуриятларининг 90 фоиздан ортиқроғи қонун билан белгиланади.

Маҳаллий ва коммунал хўжалик соҳаларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари маблағни сарфлашда мустақил бўлса, ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатлар кўп жиҳатдан федерация ва ерларнинг қонунлари билан юридик жиҳатдан белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини таҳлил қилиш натижасида айрим тадқиқотчилар қуйидаги хулосаларга келди – лар: маҳаллий ҳудудий бирликлар давлатчиликнинг назорат ҳуқуқини амалга оширишга қанчалик кўп жалб этилса, улар шунчалик кўпроқ маҳаллий хусусиятлардан узоқлашади ва бутун федерация учун ягона бўлган умумий тенглик мақсадларига то – мов бурилиб бораверади. Шунинг учун, уларнинг фикрича, ҳам – ма маъмурий – ҳудудий тузилмалар учун нисбатан тенг бўлган давлат молия таъминоти йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бў – лади.<sup>1</sup>

Америка Қўшма Штатларида маҳаллий ҳокимият органла – рининг ташкил этилиши айниқса қизиқарлидир. АҚШда бу ор – ганлар фақат ҳокимият органлари эмас, балки бошқариш орган – лари ҳам ҳисобланади. Улар ташкилий жиҳатдан мукамал бў – либ, муайян мулкка эгалик қиладилар, битимлар тузиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет давлатларнинг маҳаллий орган – ларидан фарқли ўлароқ АҚШнинг маҳаллий идоралари бюджетни ва унинг ижроси учун зарур бўлган солиқларни тайинлашда каттагина автономияга эгадирлар.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, коммунал хизмат тизи – мининг ва у билан боғлиқ мулкнинг ривожланиши ҳамда маҳал – лий бошқарув қўлида катта пул маблағларининг тўпланиши ма – ҳаллий бошқарув органларининг ўз мулкига эгалик қилувчи жа – моа сифатида майдонга чиқаришларига олиб келади.<sup>2</sup>

50 та штатнинг ҳар бири ўзига хос бирлашган унитар давлат ҳисобланади, чунки штатларнинг ижроия органлари маҳаллий

<sup>1</sup> Каранг: Государство и право. 1992, №10, 107-бет

<sup>2</sup> Каранг: Крылов Б.С. США: федерализм, штаты и местного управление. М., 174-бет.

бошқарув органларига нисбатан юқори турувчи бўлиб, уларни назорат қилиш ҳуқуқига эгалар. Маҳаллий ҳокимият органлари штат қонуллари асосида тузилади ва шу қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади.

АҚШда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ўрнатилшининг бир нечта шакли қабул қилинган. Бу шаклларнинг энг эътиборлиси шуки, ҳар бир муниципалитет *Хартия* деб аталадиган махсус қонун ҳужжати асосида тузилади ҳамда ҳуқуқларга эгалик қилади.

Лекин махсус хартияларни тузиш, муҳокама қилиш ва нашр этиш кўп вақт сарфлашни талаб қилиши маъмурият фео — лиятини қийинлаштириб юборади. Шу сабабли, муниципалитет — лар учун *намунавий низомлар (статутлар)*ни умумий хартия деган ном билан нашр этиш кенг қўлланила бошлади. Муници — палитетларни гуруҳларга ажратиш учун аҳоли сони меъёр қилиб олинади. Штатнинг бир гуруҳдаги ҳамма шаҳарлари бир хил ҳуқуқларга эга. Бу тизимнинг маълум қулайликлар билан бирга жиддий камчиликлари ҳам бор. Чунки уларнинг иқтисодий ва географик шароитлари ҳисобга олинмайди ва тоифаларга бир — мунча механик тарзда фақат битта белги — аҳоли сонига қараб муносабатда бўлинади.

АҚШда маҳаллий бошқарув органларини ташкил қилиш тизимининг жиддий хусусиятларидан бири — маҳаллий ҳоки — миятга ўз вазифаларини штат идоралари томонидан расмий на — зоратсиз ўзини ўзи бошқариш асосида амалга ошириш ҳуқуқи берилганлигидан иборат. АҚШда бундай ўзини ўзи бошқаришнинг *конституциявий ва статутли* бошқаришдан иборат *иккита асосий шакли* амал қилади. *Конституциявий шаклдаги ўзини ўзи бошқаришда* штат билан маҳаллий орган орасидаги муносабатлар конституция қоидаларига асосланади. Иккинчи шаклда бу муносабатлар махсус қонун ҳужжати билан аниқланади, бу ҳолда штатнинг қонун чиқарувчи органи маҳал — лий органини ўзини ўзи бошқаришдан маҳрум қилиши мумкин.

*Ўзини ўзи бошқариш Хартияси* асосида амал қиладиган маҳаллий орган, одатда, маҳаллий мансабдор шахсларни тайин — лаш тартибининг ва вакиллик муддатларининг белгилашда, маҳаллий меъёрий ҳужжатларни нашр қилиш тартибининг тайинлашда, дам олиш жойларини ташкил қилишда, кўчаларни тозалаш ва ёритиш стандартларининг жорий этишда, муниципал хизмат кўрсатишда ва маҳаллий эҳтиёжларга алоқадор бошқа масалаларда мустақилдир.

Маҳаллий бошқариш ва штатларнинг ижроия органлари полиция ҳокимиятини амалга ошириш, санитария, таълим маса — лаларида ва муниципалитет муассасалари фаолиятини режалаш —

тиришнинг айрим масалаларида фаол ҳамкорлик қиладилар.

Штатлар доирасида муниципал бошқаришнинг бир нечта шакли таркиб топган бўлиб, бу шакллارни бошқаришнинг учта асосий турига ажратиш мумкин: 1) мэр — кенгаш; 2) комиссия; 3) кенгаш бошқаруви.

Мэр — кенгаш бошқарув шакли XVIII асрда Англиядан олинган эди. Уша вақтларда округ («бороу») мэр рекордер, ол — дерменлар ва кенгаш аъзоларидан иборат кенгаш томонидан бошқарилар эди. Бу шахслар округдаги ҳамма ижро, қонун меъёрларини ишлаб чиқиш ва суд ҳокимиятини бирлаштириш билан шуғулланар эди. Кўп шаҳарларда мэрлар аҳоли томонидан сайланар, шаҳар хартиялари мэрликка номзодлар олдига сайлов ҳуқуқларига эга бўлиш ва шу шаҳарда яшаш талабларидан ташқари жиддий расмий талабларни камдан — кам ҳоллардагина кўяр эдилар.

Ваколатлари ҳажмига кўра мэрларни «кучсиз» ва «кучли» ларга» бўладилар. «Кучли» мэрлар ҳузурида меъерий ҳужжатлар нашр қилиш, маъмуриятнинг олий вакилларини тайинлаш ва лавозимларидан чақириб олиш ҳуқуқига эга кучли кенгаш амал қилади. «Кучсиз» мэрлар шаҳар бошқармасининг фақат майда амалдорларини тайинлаш ҳуқуқига эга, унда шаҳар кенгаши қарорларига нисбатан вето ҳуқуқи йўқ, бундай мэрийннг лаво — зимда бўлиш муддати, одатда, икки йилдан ошмайди. «Кучли» мэрийннг қўлига шаҳарнинг ҳамма даражадаги амалдорларини тайинлаш ва озод қилиш ҳуқуқи берилган, бу масалаларнинг айримларига кам ҳоллардагина кенгашнинг розилиги талаб қилинади. Кенгашнинг ваколат муддати, одатда, тўрт йил. «Куч — ли» мэрлар шаҳар бюджетини тузиш ва уни кенгашга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунинг натижасида мэр шаҳар бошқаруви сиёсатининг асосий йўналишларини ифодалаш ва шаҳар кенга — шини бу йўналишлардан боришга мажбур қилиш имкониятига эга. Мэрга шаҳар номидан контрактлар тузиш ҳуқуқи берилган, бу контрактлар шаҳар кенгаши томонидан кам даражада назорат қилинади. Бу эса мэрга турли компанияларга буортма ва суд — ратлар тақсим қилишда кенг йўл очади ва шу билан бирга айрим суистеъмолар эҳтимолини ҳам истисно қилмайди.

АҚШ қонунлари мэрларни чақириб олишнинг тўртта шак — лини кўзда тутлади: кенгаш қарори, сайловчиларнинг овоз бе — ришлари, суд ҳукми, губернаторнинг буйруғи. Муниципал бошқармада кенгашлар, одатда, бир палатали бўлади. Айрим шаҳарларгина, шу жумладан, Нью — Йорк икки палатали Кен — гашга эга.

Шаҳар кенгашлари аъзоларининг сови, одатда, 30 — 35 киши

бўлади. Кенгашлар ишининг катта қисмига қўмиталар раҳбарлик қилади. Бу қўмиталарнинг раҳбарлари амалда шаҳар бошқармаси департаментларининг бошлиқлари бўлиб қоладилар. Бу, энг ав — вало, ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлмаган шаҳарларда бўлади.

Шаҳар ёки бошқа аҳоли пунктини бошқаришнинг иккинчи шакли муниципал комиссиялардан иборат. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси шаҳар бошқармаси департаментларидан бирининг фаолияти учун жавобгар. Мэр кўпинча муниципал бошқармадаги иш юритишнинг ташкилотчиси вазифаларини бажаради, комиссия қабул қилган қарорларга нисбатан вето ҳуқуқига эга эмас. Метёрый қондалар ишлаб чиқиш ва ижро вазифаларининг битта лавозимга жамланиши комиссиялар фаолиятида назоратсизликни келтириб чиқаради, улар қўлда жуда катта ҳокимиятнинг тў — планиб қолишига олиб келади.

XX асрнинг 30 — йилларидан муниципал бошқарувнинг кенгаш — бошқарув деб аталадиган шакли ривожлана бошлади. Ягона сайлов округда беш — ўн кишидан иборат таркибда сайла — надиган кенгаш, муниципалитет доирасида юқори идора ҳисоб — ланади. Бошқарувчи муниципалитет кенгаши томонидан одатда, тўрт йилгача муддатли сайланади, лекин бу муддатдан илгарироқ чақриб олиниши ҳам мумкин. Бошқаришнинг шундай шаклидан фойдаланадиган муниципалитетлар сонининг ортиб бораётган — лиги техника тараққиёти ва коммунал хизмат даражасининг ўсиши шароитида шаҳар хўжалигининг тепасида ўз олдида тур — ган масалаларни ечишга қодир мутахассисга эга бўлиш эҳтиё — жидан келиб чиққан.

Бошқарувчи ўзига ёрдамчилар ва департамент раҳбарлари — ни танлайди, улар кенгаш томонидан тайинланади. Шаҳар бошқармасининг қолган лавозимдаги шахсларини бошқарувчининг ўзи тайинлайверади.

Бошқарувчи муниципал бошқарманинг барча соҳалари фаолиятини йўналтириб ва мувофиқлаштириб боради, ҳар йилги бюджет лойиҳасини кенгашга тақдим қилади, хўжаликни юри — тиш бўйича шаҳар кенгашига таклифлар киритади ва унга хў — жаликнинг аҳоли ҳақида маълумот беради. У кенгаш мажлис — ларининг кун тартибини тайёрлайди ва унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади.

Муниципал бошқарма шаҳар тишидаги турар жойлар ўр — нашган ҳудудда амал қилгани учун, қишлоқ аҳоли пунктларида маҳаллий бошқарув графликлар Кенгашлари ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий аҳоли томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Доимий ишловчи графлик кенгаши маъмурий ва судлов ваколатларини амалга оширади, улар қабул

қилган қарорлар меъерий ҳужжатлар кучига эга. Бу кенгаш барча бошқарув органларининг ишига, коммунал хўжаликка, полиция фаолиятига, ёнғиндан сақлаш хизматига раҳбарлик қилади.

Графлик кенгашига молиявий соҳада кенг ваколатлар берилган. У солиқларни йиғади, зарур харажатлар қилади, штатнинг махсус қонунларига мувофиқ заёмлар чиқариш миқдори ва шартларини белгилайди.

Графлик кенгашининг меъерий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати жамоат тартибини сақлаш, савдо корхоналари ташкил қилиш учун лицензиялар бериш, улар фаолиятини бошқариш, санитария масалалари юзасидан ҳужжатлар қабул қилиш ва шу кабиларга оид соҳаларда айниқса жиддий аҳамиятга эга.

Айни вақтда графлик кенгаши штатнинг ўзини ўзи бошқариш ва маъмурий вакили бўлгани ҳолда штат томонидан назорат қилинади ва ўзи ҳам штат номидан назоратни амалга оширади. Масалан, графлик кенгаши йўлларнинг аҳволи ва уларни қуриш дастурининг бажарилишини, шунингдек қамоқхоналар, госпиталлар, дам олиш жойларининг сақланишини назорат қилади. Графликлар зиммасига сайловларни ташкил этиш учун асосий жавобгарлик юклатилган. Графлик кенгаши айрим мансабдор шахсларни тайинлайди ва уларга штат қонунлари доирасида тайинланган маош миқдорини белгилайди.

АҚШда маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва вазифаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар аниқ мақсадларга қаратилган фаолиятни кенгайтиришга имкон берувчи кўпгина ваколатлар билан таъминланган. Шуни эслаш лозимки, совет даврий адабиётида АҚШдаги маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бир томонлама баён этилган, буржуа демократияси деб номланган тузумнинг айрим заиф жиҳатлари бўрттириб кўрсатилган, унинг «войзчиллигига, расмий декларатив» характерига асосий эътибор қаратилган эди.<sup>1</sup> Бундай ноҳолисона муносабатга барҳам бериб, АҚШдаги маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини, айниқса унинг ижобий жиҳатларини таҳлил қилиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатлар мустақилликка эришгач, уларда маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти масалалари алоҳида долзарбликка эга бўлиб қолди. Маҳаллий бошқарувни ислоҳ қилишга, қуйи маъмурий – ҳудудий бўғинларга кўпроқ мустақиллик беришга, давлат ҳокимият тизи –

<sup>1</sup> Карвинг Крылов В.С. США: федерализм, штаты и местное управление. М., 1968, 213-бет



мини марказдан узоқлаштиришга ўтқир эҳтиёж келиб чиқди.

Бундай шароитда ривожланаётган мамлакатларнинг раҳ — барлари ўз обрўларини мустаҳкамлашга, легал сиёсий жараён доирасида турли партияларнинг фаол иш олиб боришларига йўл очиш учун маҳаллий органларни ташкил этиш ёки яслоқ қилишни афзал кўрдилар.

Бир қанча тадқиқотчилар кўрсатиб ўтганларидек, Африка, Осиё мамлакатлари мустақилликка эришган дастлабки йилларда ўз давлат механизмларини шакллантиришда солиқ метрополия — нинг маҳаллий бошқарув тизимидан нусха кўчиришга ҳаракат қилдилар.<sup>1</sup> Масалан, Африканинг француз тилида сўзлашадиган давлатларида маҳаллий бошқарувни қайта ташкил этиш фақат европалик амалдорларни маҳаллий ходимлар билан алмаштириш ва маҳаллий идоралар таркибига кам аҳамиятли ўзгартишлар киритишдан иборат бўлди. Лекин, миллий давлатчиликнинг ривожлана бориши билан ҳокимиятни марказлаштириш, вакилик идора усулидан воз кечиш, омманинг сиёсий жараёнда иштирокини чеклаш етакчи йўналиш бўла бошлади. 60 — йилларнинг охирида, масалан, тропик Африка давлатларида қоида бўлгани — дек, маҳаллий тузилмалар автономликни йўқотдилар.

Бир партияли тизимлар ҳукм сурган шароитда маҳаллий кенгаш бошлиғи бир вақтнинг ўзида маҳаллий партия ячейкасининг раиси ёки котиби бўлар эди. Аслида, расмий жиҳатдан маҳаллий Кенгашлар мусобақали сайлов ёрдамида сайлансалар ҳам, амалда бу масала ҳукмрон партия танлаган номзодларнигина ўтказиб олиш асосида ҳал этиларди.

Британиялик айрим давлатшуносларнинг таъкидлашича, Кения, Нигерия, Сьерра — Леоне ва бошқа солиқ инглиз мустамлакаларида миллий бирлашув ва жишлашувнинг кучсизлиги, этник парчаланганлик, маҳаллийчилик ва бир томонламаликнинг кучайиб кетиши, уруғ — қабила бошлиқларининг жиддий таъсири ва давлат қурилиши соҳасида тайёргарлик кўрган ходимларнинг етишмаслиги натижасида давлат тузилишида вакиллар асосидаги давлат бошқарувини тугатиш, маҳаллий органларни давлатта, маъмурий тизимга бирлаштириш йўлидан борилди.<sup>2</sup>

Бу мамлакатларда ҳокимиятни марказлаштириш йўли умуммиллий манфаатларга яхшироқ жавоб бериши ҳақидаги тасаввурлар кенг тарқалди, акс ҳолда маҳаллий органлар ўзларининг маҳаллий ишларига ўралашиб қолар ва иш қобилиятлари

<sup>1</sup> Каранг Черкасов А.И. Местное управление и децентрализация власти: опыт развивающихся стран. Государство и право, 1992, №5, 105-бет.

<sup>2</sup> Каранг: Tordoff W. Zogal Administration In Botswana. — Public Administration and Development. Chichester, 1988, vol. 8, №2 p. 184.

янада пасайиб, кўпроқ порага сотилувчи бўлиб қолар эдилар. Бундай ҳарашлар, муаллифларнинг фикрича, маҳаллий ҳокими – ятта солиқларни мустақил йиғиб, уларни асосан ўз эҳтиёжларига ишлатиш ҳуқуқини берар ва ҳукуматнинг турли ҳудудлар ри – вожланиш даражасини тенглаштириш ва фаровонликнинг маълум умумий стандартларига эришишга қаратилган сиёсати барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди.<sup>1</sup>

Зўр бериб марказлаштириш, тез орада бу мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий таназулга олиб келди, чунки маҳаллий тўралар юқори даражада марказлаштирилган тузилмаларни жуда ҳийинчилик билан бошқарар эдилар. Шунинг учун XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб мазкур давлатларда қарорлар қабул қилиш жараёнини биров марказдан узоқлаштиришга, омманинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга, сайлаб қўйиладиган маҳаллий органлар ишини фаоллаштиришга ҳаракат қилина бошлади. Ҳокимият ваколатлари округ ва ундан қуйи даража – лардаги турли тартибларга аста – секин ўтказила бошлади.

Лекин маҳаллий бошқарувнинг озми – кўпми мунтазам ти – зимлари фақат нисбатан демократик сиёсий тизим ўрнатилган Африка ва Осиёдаги айрим мамлакатлардагина таркиб топди.

Лотин Америкасининг қатор давлатларида маҳаллий бошқарув тизими жиддий даражада мунтазам эканлиги билан характерланади. Улар асосан XIX асрнинг биринчи ярмида, бу мамлакатлар давлат мустақилигига эришганларидан кейин, ма – ҳаллий бошқарувнинг Европа қитъаси учун хос бўлган роман – герман тизими таъсирида таркиб топди.

*Маҳаллий бошқарув органларининг молияланиши.* Фарбдаги илғор демократик мамлакатларда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини молиялаш соҳаси кейинги йилларда чуқур ислоҳ этилди. Уларнинг асосий молиявий базалари, бу орган – ларнинг даромадлари давлат бюджетидан бериладиган маб – лағлардан шаклланиш жараёни давом этди. Муниципал органлар даромадларининг асосий манбаини аҳолидан олинadиган со – лиқлар ва тўловлар ташкил этади. Тўловларнинг асосий қисмини кўчмас мулкка (уй эгалари, хўжалик яншоотлари, ер участкала – рига) солинадиган солиқлар ташкил этади. Шунингдек, муници – палитетлар мактаб, кенг истеъмол молларига билвосита солиқлар, истисно тариқасида даромад солиқлари олишни ҳам белгилаш – лари мумкин.

Ҳукуматлар томонидан бериладиган ёрдам маблағлари ма – ҳаллий бюджетларнинг 15 фоиздан то 60 фоизгача бўлган

<sup>1</sup> Қарн: Zocal Government in Third World In: The Expenence of Tropical Africa, Chichester, 1983, p.252.

қисмини ташкил этади. ГФР асосий қонунининг 106 — моддасига биноан даромад солиғи, билвосита ва бевосита солиқларнинг бир қисми жамоаларга ажратилади. Японияда муниципал солиқлар муниципалитетлар бюджетининг 40 фоизини қоплаб, унинг қолган қисмини давлат ажратган ёрдам маблағлари ташкил этади. Францияда маҳаллий ҳокимиятнинг асосий даромадлари ман — баъни солиқлар, давлат кредитлари ва фойзли қарзлар олиш ташкил этади. Голландия муниципалитетлари даромадларининг 75 фоизи марказий ҳукумат ҳиссасига тўғри келади. Жойлардаги энг муҳим маҳаллий солиқлардан бири автоулов воситаларини бошқаришга бериладиган лицензия учун олинадиган солиқдир. Бу солиқ умумдавлат даражасида ўрнатилган солиққа кўшимча сифатида ундириб олинади. Шунингдек, сув манбаларини ифлос қилганлик учун олинадиган солиқлар йиғиладиган маҳаллий органлар даромадларининг сезиларли қисмини ташкил этади. Муниципалитетларда маҳаллий даромадларнинг асосий манбаи мулк солиғи бўлиб, у жойлардаги барча даромадларнинг 95 фоизини ташкил этади. Туризмдан тушадиган ва итлар эгаларидан олин адиган солиқлар ҳам мавжуд.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий ман — баларидан бири носолиқ даромадлардир. Улар асосан маҳаллий мулкчилик, коммунал хизмат, тижорат фаолияти, кўчмас мулкни сотиш, жарималар — пул тизимларидан иборатдир. Бу носолиқ даромадлар маҳаллий бюджетнинг ўртача 10 — 25 фоизини ташкил этади. Кўпчилик давлатларда давлат томонидан ажратилган ёрдам маблағларининг ҳажми кўпайиб бормоқда. Масалан, АҚШда маҳаллий бюджетлар тизимида давлат ёрдамининг ҳиссаси 25 фоизни, Францияда 30 — 35, ГФР, Япония, Данияда 40 — 45, Белгияда 50 фоизни ташкил этади.

Кўпчилик мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари солиқларнинг баъзи турларини тўлашдан озод қилинган. Масалан, Франциядаги ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий фойдали фаолият, давлат муассасалари, учтагача ходим ишлайдиган қишлоқ хўжалиғи ва кооператив ташкилотлари, ёлланма ишчидан фойдаланмайдиган ҳунармандчилик, хусусий ўқув юртлари, такси ҳайдовчилар, балиқчилар, акушерлар, артистликка доир касблар, кўча савдогарларининг баъзи тоифалари солиқдан озод этилган.

Шубҳасиз, чет мамлакатларнинг маҳаллий бошқариш вази — фаларини амалга ошириш тажрибасидан фойдаланиш ўринлидир. Лекин бу тажрибадан фойдаланиш ижодий ёндашувни, республикамизда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни талаб қилади.

#### 4-§. МДҲ ДАВЛАТЛАРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Мустақил давлатлар ҳамкорлиги (МДҲ) давлатларида ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши, ривожланиши турли ҳилда бўлиб, уларда тарихий, миллий, этник хусусиятлар ўз ифодасини топган.

*Қозоғистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ғояси асосан қурултой ва йиғин кенгашлари шаклида бўлган.* Улар ўша даврда ўзаро келишмовчиликлар оқибатида келиб чиқадиган низоларни бартараф қилиш, ҳар-бийларни сафарбар этиш ва жангга ҳозирлаш ҳуқуқига эга бўлган. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ўз обрў-эътиборларига таянган.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳаси муаммоли жараёни бошидан кечираяпти, чунки уларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосида ҳали ҳам бирор-бир тўхтамга келингани йўқ. Жумла-дан, 1993 йил 28 январда қабул қилинган янги Конституцияда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ҳуқуқий тартибга солувчи бирорта ҳам модда йўқ.

1995 йил 30 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тан олинди, яъни «аҳоли жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни қишлоқ ва шаҳар маҳаллий жамоалари бўлиб, бунда одамлар бир гуруҳ бўлиб яшашади»<sup>1</sup>, деб белгилаб қўйилган.

Лекин маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида ҳанузгача қонун қабул қилинмаган. Мазкур қонун лойиҳаси 1995 йил ҳукумат томонидан ишлаб чиқилиб парламентга берилган эди. Демак, ҳали ҳуқуқий асос яратилмас экан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақида сўз юритиш мушкул ҳисобланади. Қозоғистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш район, шаҳар поғонасида тuzилган.

*Тожикистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масаласи Конституциянинг «Маҳаллий ҳокимият» деб аталмиш ол-*

<sup>1</sup> Қаранг: Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.2) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханова, А. Саидов. -Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. 383-385-бетлар

*тинчи бобига ўз аксини топган.*<sup>1</sup>

Амалдаги қонунчиликка асосан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бевосита посёлка ва қишлоқ миқёсида йўлга қўйилган. Тожикистон Республикасининг «Посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни 1994 йил 1 декабрда қабул қилинган бўлиб, 7 боб ва 19 моддадан иборатдир. Мазкур қонун ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий – ҳуқуқий асоси ва тизими ҳамда иқтисодий базасини ва бошқа масала – ларни тартибга солувчи нормалардан ташкил топган.

Посёлка ва қишлоқларда ўзини ўзи бошқариш органлари «*Жамоат*» деб номланади. Улар посёлкада «*Жамоати шаҳрак*» қишлоқ жойларда эса «*Жамоат дехот*» деб номланади ва улар давлат органининг жойлардаги бошланғич бўғини ҳисобланади.

Жамоатлар ҳудудий принцип бўйича тузилади. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришини амалга оши – рувчи асосий шакл – вакиллар йиғини ҳисобланади.

Шу билан биргаликда *Тожикистон Республикасига ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқариш, яъни «маҳалла қўмиталари» мавжуд.*

Айни вақтда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш *Россия Феде – рациясига* конституциявий тузумнинг асоси ва халқ ҳокимия – тини амалга оширишнинг бир шакли ҳисобланади. Россия Фе – дерацияси Конституциясининг 3 – моддасига биноан халқ ўз ҳокимиятини бевосита ёки давлат ҳокимияти органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оши – ради. Россия Федерацияси Конституциясига асосан 1995 йил 28 августда 154 – ФЗ сонли «Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил қилишнинг умумий принциплари тўғрисида»ги Россия Федерацияси қонуни қабул қилинди<sup>2</sup>. Россия 1996 йили Европа Кенгашига аъзо бўлди, 1998 йили эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа Хартиясини ратификация қилди<sup>3</sup>. Европада маҳаллий ва регионал шокимият органлари Конгресси ишида Россия делегацияси ҳам иштирок этади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш давлат ҳокимиятидан алоҳида ва у маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишда аҳолига кўмаклашади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш айрим ҳолларда давлат органлари ваколат –

<sup>1</sup> Каранг. Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.5) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А. Саидов. -Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. 26-27-бетлар.

<sup>2</sup> СЗ РФ. 1995. №35. 3506 – бет; 1996. №17. 1917 – бет; №49. 5500 – бет; 1997. №12. 1378 – бет.

<sup>3</sup> Федеральной закон "О ратификации Европейской Хартии местного самоуправления" от 11 апреля 1998 г //СЗ РФ. 1998. №15. 1695-бет

ларини амалга оширади ва бу ҳолда керакли воситалар билан таъминланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш давлатдан мус— тақил ва ўз ваколатларини амалга оширишда турли хил арала— шувлардан ҳимояланади.

Россия федерацияси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш орган— лари уч гуруҳга бўлинади:

1. Аҳоли бевосита доимий истиқомат қиладиган жой— лар. Улар уз навбатида икки гуруҳга бўлинади: шаҳар (шаҳарлар, посёлкалар) ва қишлоқ (қишлоқлар, станицалар, овуллар ва бошқалар). Россия Федерациясида шаҳарлар — 1095 тани, ша— ҳар типидagi посёлкалар — 1963 тани, қишлоқ жойлар эса — 24456 тани ташкил қилади.

2. Бирлашган ҳудудлар уюшмаси — районлар (уездлар), қишлоқ оқуруғлари. Бу қабилар Россия Федерациясида 186 тани ташкил қилади;

3. Шаҳар ичи муниципал ташкилотлар, яъни шаҳар тарки— бидаги районлар 300 дан зиёдрокни ташкил қилади.<sup>1</sup>

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимига: а) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакилик органлари, яъни аҳоли томонидан сай— ланадиган вакилик органлари; б) муниципал ташкилот раҳбар— лари — маҳаллий аҳоли ёки вакилик кенгаш томонидан сайла— надиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бошлиқлари; в) бевосита демократия институтлари — маҳаллий референдум, муниципал сайловлар, фуқаролар йиғини, халқнинг ҳуқуқ ижод— корлиги ташаббуси, ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқариш ва бошқалар ҳисобланади.<sup>2</sup>

*Қирғизистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг шаклланиши учун қулай имкониятлар яратилган. Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 92— моддасига асосан маҳаллий вакилик органларининг барча поғонаси ма— ҳаллий ўзини ўзи бошқаришга киради.*<sup>3</sup>

Қирғизистон Республикасида маҳаллий ҳокимият иккига бўлиниш принципига асосланади, яъни маҳаллий вакилик ор— ганлари ва маҳаллий ижро этувчи органлар. 1992 йил март ойида "Қирғизистон Республикаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ор— ганлари ва маҳаллий давлат маъмурияти тўғрисида"ги янги таҳ— рирдаги қонун қабул қилинди.

<sup>1</sup> Малый атлас России. - М., 1999. 75-бет

<sup>2</sup> Местное самоуправление. Учебное и научно-практическое пособие /В.И.Васильев. - М.: 1999. Судя 178-223-бетлар.

<sup>3</sup> Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.3) Сост. И авторы вступительных статей У.Таджибаев, А.Ҳ.Саядов. Ташкент: Академия МВД Республи— ки Ўзбекистон, 1997. 275-276-бетлар.

Мазкур қонунга асосан:

— маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига «маҳаллий кенгашлар, ҳудудий жамоатнинг ўзини ўзи бошқариши, маҳаллий референдумлар, фуқаролар йиғини ва бевосита демократиянинг бошқа шакллари» киради;

— маҳаллий давлат маъмурияти органлари таркибига "Маҳаллий ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимият" киради.

Қирғизистон Республикасида маҳаллий кенгашлар ва маҳаллий давлат маъмуриятининг қуйидаги ҳудудий поғонаси ўрна-  
тилган:

— *бирлашчи поғонада*: овул, посёлка ва шаҳар кенгашлари;

— *базавий поғонада*: шаҳар, район кенгаши ва давлат маъмурияти;

— *вилоят миқёсига*: вилоят кенгашлари ва вилоят давлат маъмурияти.

Бундан кўриниб турибдики, биринчи поғонада ҳокимият маъмурияти мавжуд эмас.

Қирғизистон Республикасида номарказлашган бошқарувга ўтиш ислоҳотини амалга оширишга 1994 йил август ойидаги "Қирғизистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ислоҳоти" деб аталган фармон асос яратди ва икки босқичли ислоҳотни амалга ошириш кўзда тутилди. Булар:

*Биринчи босқич* — маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни қишлоқ, овул, посёлка ва шаҳарлар миқёсига амалга ошириш.

*Иккинчи босқич* — маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни туман ва вилоятлар миқёсига амалга ошириш.<sup>1</sup>

Бош Вазир бошчилигида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ислоҳ қилиш комиссия аъзолари "Қирғизистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил қилиш асослари тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқишди ва бу 1994 йил Президент фармони билан тасдиқланди.

Қирғизистон Республикасида аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшаши сабабли, биринчи навбатда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ислоҳ қилишни қишлоқ ва посёлка миқёсидан бошлаш зарурлиги белгилаб олинди.

Қирғизистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий давлат маъмурий идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бошлиқларининг роли ва жавобгарлигини ошириш чоралари тўғрисида"ги 1996 йил март ойидаги фармони<sup>2</sup> асосида

<sup>1</sup>Материалы международной конференции, посвященное проблеме "Правовое регулирование органов местного самоуправления: законодательство и практика" Г Ташкент. 15-16 февраля 2001 года.

<sup>2</sup> Ушв ерда.

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги бир қанча ваколатлар чегараланди ва уларга аниқ ваколат ва мажбуриятлар юкланади”.

1996 йил қишлоқ ва посёлка кенгашлари қошида янги институт айўл окмоту (қишлоқ бошқаруви) ташкил қилинди. Ушбу ижро этувчи – фармойиш берувчи орган овул кенгашига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериб туради.

Овул, посёлка ва шаҳар кенгаши раислари мазкур кенгашларда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Айўл окмоту бошлиғи эса шаҳар давлат маъмурияти бошлиғи томонидан туман кенгаши ва овул, посёлка кенгашлари депутатлари билан келишилган ҳолда тайинланади.<sup>1</sup>

Овул бошчиси эса маҳаллий аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда айўл окмоту бошляғи томонидан тайинланади.

Ҳозир республикада 431 та жамоатчилик кенгаши, 359 кваттал кенгаши, 1569 та уй – жой қўмитаси, 1055 та оқсоқоллар суди, 823 та ветеранлар кенгаши, 8878 та хотин – қизлар кенгаши, 649 та ёшлар уюшмаси, 965 та жамоат тартибيني сақловчи кўнгилчилар ташкил қилинган.<sup>2</sup>

Қирғизистон Республикасида яна бир институт – “Ашара” (ҳашар) ташкил қилинган бўлиб, у аҳоли пунктларини ривожлантиришда аҳолининг беғараз ёрдами ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Материали международной конференции, посвященное проблеме “Правовое регулирование органов местного самоуправления: законодательство и практика”. Г.Ташкент. 15–16 февраля 2001 г.

<sup>2</sup> Материали международной конференции, посвященное проблеме “Правовое регулирование органов местного самоуправления: законодательство и практика”. Г.Ташкент. 15–16 февраля 2001 г.



**VI БОБ.  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий асослари**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асослари**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий-  
иқтисодий асослари**

## VI БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

Ўзини ўзи бошқариш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Қонунларида маҳаллий аҳамиятта молик ва-зифаларни мустақил ҳал этиш юзасидан баён этилган ҳамда ўзини ўзи бошқариш тизуълмалари учун энг принципиал, муҳим бўлган аҳоли фаолиятининг *ҳуқуқий, ҳуғуғий, молиявий-иқтисодий, ташкилий нормалари мажмуаси*, деб таърифлаш мумкин.

### 1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ва 11-моддасида Ўзбекистон – суверен демократик республика эканлиги ва келгусида *ҳуқуқий давлатта айланиши* мустақамлаб берилган.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлиги, қонун талабларининг давлат ҳокимияти ва барча органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши;

*Иккинчидан*, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг реаллиги, уни эркин камол топтириш таъминланиши, давлат билан шахснинг ўзаро масъуллиги;

*Учинчидан*, давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида амалга ошириш.<sup>1</sup>

Ҳуқуқий давлат принципларига биноан аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларини самарали ҳал этиш соҳасидаги мустақил фаолиятини ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан фаол тартибга солиш шароитидагина амалга ошириш мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётини маълум бир меъёрга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, улар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб беради.

Умуман, у ёки бу орган ўз фаолиятини биров-бир ҳуқуқий ҳолатта асосланган тарзда амалга оширади. Юриспру-

<sup>1</sup> Ф.Х.Рахимов «Теоритические и практические проблемы создания демократического правового государства Республики Узбекистан» Автореферат на соискание ученой степени доктора юридических наук Ташкент, 2001, 16-21-бетлар.

денцияда "ҳуқуқий асос", "ҳуқуқий ҳолат", "ҳуқуқий мақом" каби категориялар кўп қўлланилади. Ҳуқуқий асос — ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқ нор-маларининг муштарак тизими, деб тушунилади.<sup>1</sup>

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асосларига доир тушунчалар илмий ва ўқув адабиётида турлича таърифла-нади. Жумладан, россиялик Е.М. Ковешниковнинг тарифлашча, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асоси маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда вужудга келадиган ижтимоий муноса-батларни тартибга солишга қаратилган, барча учун мажбурий қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи норма-тив — ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндасидир.<sup>2</sup>

М.И. Сувонкуловнинг фикрича, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асоси — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнида ву-жудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив — ҳуқуқий ҳужжатларнинг муштарак тизимидир.<sup>3</sup>

Демак, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асос-ларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фао-лиятини тартибга солувчи турли хил норматив — ҳуқуқий ҳуж-жатлар ташкил этади.

Юриспруденцияда барча соҳадаги норматив — ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлаш услублари ва йўллари турлича. Тас-нифлашнинг энг кенг тарқалган илмий усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: алифболи предметли кўрсат-кичлар; иерархияга асосланган таснифлаш; фасетли таснифлаш ва дескриптор таснифлаш.<sup>4</sup>

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асосларига хос хусусиятларни чуқурроқ тушуниш учун мазкур ҳуқуқий асосларни ташкил қилувчи норматив — ҳуқуқий ҳужжатларни турли хил мезонлар асосида таснифлаш лозим, деб ўйлаймиз. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар кўшма илмий ва ўқув адабиётларида турлича таснифланади.

Жумладан, А.М.Бойко фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг

<sup>1</sup> Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Учебник — М.: 1999. 324-бет.

<sup>2</sup> Ковешников Е.М. Муниципальное право, Учебник М., 2000, 9-11-бетлар.

<sup>3</sup> М.И.Сувонкулов. «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий — ҳуқуқий масалалари», юридик фан-лари номзоди илмий даражасини олиш учун автореферати. Тошкент 2002 й. 15-бет.

<sup>4</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х. Бобоев ва Х. Одилқориевлар умумий таҳрири остида. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2000. 248-бет.

турли хил шакллардаги ҳуқуқий асослари асл моҳияти ва маз-мунини тушувиш учун, авваламбор, уларни таснифлаш ва гуруҳлаш зарур, деган фикрни илгари суради. Муаллиф фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асосларини мақсад ва вазибалари, ташкил этилиш усули, расмий аъзолиги, ташкилий тузилиши, молиявий ва иқтисодий асоси, фаолият миқдори ва доираси, шахслар доираси, қимнинг манфаатига хизмат қилиши бўйича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Россиялик олимлардан О.Е. Кутафин ва В.И. Фадеевлар эса, ҳуқуқий тартибга солиш объекти, ҳуқуқий тартибга солиш предмети, ҳаракат ҳудуди, юридик кучи, ҳужжатни қабул қилган субъект бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлайдилар.<sup>2</sup>

Е.М. Ковешников<sup>3</sup> ва И.И. Овчинников<sup>4</sup> эса фуқаролар ўзи – ни ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асосларини тўлиқ ўрганиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучига кўра таснифлаш етарли деб ҳисоблайдилар.

Олимларнинг юқоридеги фикрларини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни уларни чиқарадиган давлат органларининг мақолига, ҳужжатларнинг юридик кучига кўра қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарор, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари.
3. Давлат ва ҳужалик бошқарув органларининг қарор, буй – руқ ва йўриқномалари.
4. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари.
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар –

<sup>1</sup> Бойко Л.М. Правовой статус органов самоуправления граждан по новому законодательству Республики Узбекистан –Т.: Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2000. №1, 19–25 –бетлар.

<sup>2</sup> Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. Учебник. М.1997. 18-23-бетлар

<sup>3</sup> Ковешников Е.М. Муниципальное право: Краткие учебные курсы юридических наук –М., 2000. 63-бет

<sup>4</sup> Овчинников И. Местное самоуправление в системе народовластия. –М.: Институт государства и права Российской Академии наук, 1999 148-бет.

нинг мансабдор шахслари қарорлари ҳамда фуқароларнинг ўзи — ни ўзи бошқариш органларининг низоми ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар ҳам маълум бир тарзда мавжуд эди. Гарчанд маҳаллалар одамларнинг бошини қовуштиришда, турмуш маданиятини шакллантиришда, жуда зарур ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тарихий вазифани ба — жариб келган бўлса — да, 1932 йил 17 апрелда Ўзбекистонда би — ринчи марта "Ўзбекистон шаҳарларидаги маҳалла кўмиталари тўғрисида"ги Низом чиқди. Орадан 29 йил ўтгач, яъни 1961 йил 30 августда Ўзбекистон Олий Совети "Республика, шаҳар, қишлоқ, посёлкалар ва овулардаги маҳалла кўмиталари тўғрисида"ги Низомни тасдиқлади. Лекин мазкур иккита ни — зомда ҳам маҳаллаларга юридик шахс мақоми берилмаган эди. Аксинча, 1961 йилдаги Низомнинг 12 — моддасида қуйидаги сўз — лар қайд этиб қўйилган: "Маҳалла (квартал) комитетлари бирон молиявий — ҳўжалик фаолияти билан шуғулланишлари (ошхона — лар, сартарашхоналар ва шу қабиларни ташкил қилишлари ва улардан фойдаланишлари) мумкин эмас. Улар олди — сотди, ижарага бериш ишларини амалга оширишда қатнашишлари мумкин эмас". Бундан кўривиб турибдики, маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доимо чеклаб келинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий бўғинини ифодалайдиган "ма — ҳалла" атамаси биринчи марта Конституцияга киритилди. Унга аҳоли ўзини ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатида консти — туциявий мақом берилди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 — моддасида шундай дейилади: "Шаҳарча, қишлоқ ва овуларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш ор — ганлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатта раисни (Оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаоли — тини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгила — нади».<sup>2</sup>

Ушбу модда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла — рининг асосий мазмун ва моҳиятини аниқлатувчи фундаментал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003 й. 105 — модда 29 — бет.

<sup>2</sup> Уша ерда.

ҳуқуқий асосдир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг конституциявий ҳуқуқий ҳолатини кўпгина илмий юридик адабиётларда ва ўқув қўлланмаларида олимларимиз турлича талқин қиладилар.

Жумладан, М. Бойдадаев ва Р.Р. Сиддиқов: Ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат тизимига тегишли эканлиги Конституцияда белгилаб қўйилган. Бу уларда давлат органи хусусияти мавжудлигига ишора қилувчи ушбу кўрсатмадан ташқари яна бошқа кўрсатмалар ҳам мавжуд, деган фикрларни илгари сурадилар.<sup>1</sup>

Мазкур олимлар "фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлатий хусусияти" мавжудлиги Конституцияда белгилаб қўйилган деган фикрни исботлашга ҳаракат қиладилар, ҳолбуки Конституцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органи таркибига киради, деб тўғридан – тўғри белгилабмаган.

О.Хусанов эса, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита демократия кўринишларидир, лекин у маҳаллий давлат вакилик органлари тизимига кирмайди. Бу конституция нормасида ҳам, махсус қонунларда ҳам ўз аксини топган" деб ҳисоблайди.<sup>2</sup>

М.И.Сувонқуловнинг фикрича, Асосий қонундаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги конституциявий қоида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат органи эмас, балки мустақил орган сифатида тан олган. Сабаби, мазкур орган айрим давлатларда бўлганидек "маҳаллий ўзини ўзи бошқариш" эмас, балки "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" деб аталган, яъни мазкур органнинг номлавишидаёқ унинг мустақиллиги тан олинган. Шундай экан, қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақил фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган жамоатчилик органи эканлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини тан олади ва қафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида берилган норма бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини шакллантиришдаги дастлабки, етакчи ҳуқуқий асос деб ҳисобланиши ва

<sup>1</sup> Сиддиқов, Р.Р. Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления. -Т.: Университет, 1993, Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. - Т.: Академия, 1999. 164 – бет.

<sup>2</sup> Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т «Шарқ» 1996 й. 62 – бет.

шу асосда бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилина бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва бу қонун шу соҳада тубдан қайта қуришни ўтказиш учун ҳуқуқий асос яратди.

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи Асосий Қомуси унинг Конституциясидир. Жамият ҳаётини умумбашарий қадриятлар асосида ташкил этишда Конституция – нинг аҳамияти беқиёсдир. Асосий қонун ўз моҳият – эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг асосий қоидалари ифода этилади.

Агар жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, ҳозирги дунё давлатларининг конституцияларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш масаласи ҳар хил ҳал этилганлигини кўрамыз.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32 – моддасида: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади",<sup>2</sup> – деб белгиланган. Бу модданинг мазмунидан кўриниб турибдики, ўзини ўзи бошқариш институти фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этишини таъминловчи муҳим воситадир.

Республиканинг қуйи маъмурий – ҳудудий бўлинмаларида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари тузилмаслиги шу жойларда авваллари давлат органлари бажариб келган вазифалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юкланишини, бу жойларда ҳокимиятга тааллуқли баъзи масалалар ҳам шу органлар ихтиёрига ўтганлигини кўрсатади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг давлат ва жамият иш – ларида иштирок этишини таъминлаш билангина чекланмай, фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашади. Буни турли органларга бўладиган сайловларда, аҳолининг референдумларда иштирок этишида, маҳаллий аҳамиятга молик турли тадбирларнинг ўтқа –

<sup>1</sup> Қаранг Хорижий давлатларда бу масала қандай ҳал этилганлиги китобнинг асос – ҳида бобида кўриб чиқилди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2003 й. 8 – бет.

зилишида маълум вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиш ҳуқуқига эгалигида кўришимиз мумкин.

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 18 ноябрь қонунининг 17-моддасида сайловчилар истиқомат жойларидан участка сайлов комиссияси таркибига аъзолар кўрсатиш ҳуқуқига, 24-моддасида эса президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган. Бу моддалар бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тааллуқлидир, чунки истиқомат жойларида ҳамма масалаларни шу органлар уюштиради. Фуқаролар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга экан, бу ҳуқуқни амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳуқуқ беради ва уларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ҳуқуқий манба сифатидаги кўриниши яна шунда акс этадики, у ёки бу давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари конституциявий нормаларга зид равишда бўлиши тақиқланади. Агар шундай ҳолат юз берадиган бўлса, уша ҳуқуқий норма бекор қилинади ва конституциявий норма амал қилади, яъни Конституциянинг устуворлиги таъминланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунлари билан бир қаторда, *Президент фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари, маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари чиқарган қарорлар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг низомлари* алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат ва ижроия ҳокимиятнинг бошлиғи сифатида республика ҳудудида мажбурий тарзда амал қилувчи фармонлар чиқаради.<sup>2</sup>

*Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари* ҳам норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг ижтимоий ва

<sup>1</sup> Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т.: Шарқ, 1996. 68 – бет.

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Ҳ Бобоев ва Х. Одилқориевлар умумий таҳрири остида. 2000. 252 – бет.



маънавий соҳалардаги фаолиятига самарали раҳбарликни таъминлаш мақсадида қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлайди.<sup>1</sup>

Президент фармонлари — ижроия ҳокимият тизимида энг юқори кучга эга бўлган норматив—ҳуқуқий ҳужжатдир. Аята—нага кура, фармон юридик кучи ва аҳамияти жиҳатидан қонундан кейинги ўринда туради. Фармонлар, умумий Қоидага кўра, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эса мазкур фармонларнинг ижро этилишини таъминлайди.

Президент фармонлари юксак нуфузга эгалити туфайли мамлакат иқтисодидетининг, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ҳамда давлат бошқарувининг қонунлар ва ҳукумат қарорлари билан қамраб олинмаган талайгина долзарб масалаларини тез ва самарали ҳал этиш имконини беради. 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 472—сонли **"Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги фармони** қабул қилинди ва бу фармон асосида 1992 йилда Республика **"Маҳалла" хайрия жамғармаси** таъсис этилди.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг мамлакатимиз ижтимоий—сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни ошиб бораётганлиги эътиборга олиниб ҳамда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора—тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди<sup>1</sup> ва бу қарорга асосан республика давлат бюджетидан 1 млрд сўм миқдоридан пул ажратилди.

Фуқаролар йиғинлари, маҳалла раислари ва котибларининг ижтимоий—сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб—қувватлаш мақсадида 1998 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб—қувватлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.**<sup>1</sup>

Бу фармонга асосан фуқаролар йиғинлари, маҳалла раислари ва котибларининг маоши иш ҳақи тўлашнинг ягона таърифиди бўйича 1998 йилнинг 1 майдан бошлаб икки разрядга оширилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й 5—сон, 202—модда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат қарорлари. 1993 йил 23 август.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. Т. Адолат, 2000. 221—бет.

Маошларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланадиган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида эса 1999 йил 30 мартга 683-рақам билан рўйхатдан ўтказилган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини уй-жой, коммунал хизматлар ҳақининг аҳоли томонидан тўлиқ тўланишини таъминланганлик учун рағбарлантириш тартиби" ишлаб чиқилди.<sup>1</sup>

Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари Конституция, қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, марказий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳужжатларига мувофиқ ҳолда уларни ижро этиш учун қарор ва фармойишлар чиқарадилар.

Масалан, маҳаллалардаги оилалар, кўчалар, кўп қаватли уйлар ўртасида озодалик, санитария, тозалаш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан "Маҳалла" жамғармасининг соврини учун кўрик – танлов ўтказилди. Кўрик – танлов Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳрида "Маҳалла куни" тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарорида эълон қилинган визом асосида "Наъмунали маҳалла" номинацияси остида ўтказилган.<sup>2</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини бевосита тартибга солувчи ҳуқуқий асослар таркибиغا фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслари қабул қиладиган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам киради.

Фуқаролар йиғини ва фуқаролар йиғининг райси у ёки бу масала юзасидан қарор қабул қилади. Мазкур қарорнинг юридик табиати ўзига хосдир, яъни фуқаролар йиғининг райси (оқсоқоли) қабул қилган қарорнинг бажарилиши мажбурийлиги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки фуқаролар йиғини райсининг қарорларини бажармаслик тегишли тарзда жавобгарликка асос бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар йиғинининг райси қабул қилган қарорлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан юқори турувчи органлар қабул қилган қонун ости ҳужжатларига зид келмаслиги лозим, бундай ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари –

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1999 йил 30 март, №683

<sup>2</sup> Қаранг: Ш.Жалалов Кучли давлатдав – кучли жамият сари. Т «Ўзбекистон». 2001 й. 111 – бет

нинг қарорлари ўз кучини йўқотади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишни белгилаб берувчи низомлар ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу ни – зомлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни асосида тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига эътибор келмаслиги лозим.

**Низом** – муайян давлат ёки жамоат тузилмаларини ташкил этиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи кодекслаштирилган норматив ҳужжат ҳисобланади.<sup>1</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фаолияти айрим йўналишларини белгиловчи ва ташкил қилувчи низомлар қаторига "Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий – маънавий жиҳатдан ва ишга жойлаштириш ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузурдаги махсус комиссиялар" тўғрисидаги низом; "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг низомлари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий "Яраштириш комиссиялари" тўғрисидаги низомлар киряди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг алоҳида жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солувчи **жорий қонунлар** – ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларининг таркиби ҳисобланади.<sup>2</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият тартибга солувчи жорий қонунлардан бири "**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**"ги<sup>3</sup> қонун бўлиб, мазкур қонун бошқа жорий қонунлар тизимида алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришда кўмаклашиш мажбурияти, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан, алоҳида фаолият юритиши лозимлиги ҳамда улар ваколатларининг чегаралари белгилаб берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Ҳ.Бобоев ва Ҳ.Одиджониевлар умумий таҳрири остида. 2000. 271 – бет.

<sup>2</sup> М.И.Сувонқулов ўзининг «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий – ҳуқуқий масалалари» юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш диссертациясида тўла ёритиб берган. Қарағ: Шу номдаги автореферати. Тошкент, 2002 й.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9 – сон, 320 – модала.

мулккий муносабатлари *Фуқаролик кодекси*га мувофиқ тартибга солинган бўлиб, унга кўра маҳалла мулки бошқа барча мулклар сингари давлатнинг ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикасининг *Уй–жой кодекси*га фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг уй–жой муво–сабатларини тартибга солиш соҳасидаги иштироки ҳуқуқий жи–ҳатдан мустаҳкамланган, унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларга уй–жой фондидан фойдала–нишда ҳамда унинг сақлавишини таъминлашда кўмаклашади, турар жой қуриш ва уй ён–атрофини сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, фуқароларнинг маиший, уй–жой шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг *Оила кодекси* фуқароларнинг оилавий–ҳуқуқий муносабатларга киришинининг айрим та–рафларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади, жумладан, бола–нинг ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолганда васийлик ва ҳо–милийлик органи болани ота–онадан (уларнинг биридан) ёки бо–лави ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Бу иш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

*Оила кодекси* фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари–нинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи орган сифатидаги айрим ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳ–камлаб қўйган, бунга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига кирадиган туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажрлиш, оталикни белгилаш масалаларини фуқаролар йиғинининг раислари (оқсоқоллари) ҳал этадилар.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш борасидаги ҳаракат–лари ўзлари жойлашган ҳудудлардаги тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг назоратида бўлади.<sup>2</sup>

*"Уй–жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"*ги қонунда ширкатлар билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатлари тартибга солинган бўлиб, уй–жой мулкдорларининг ширкатлари мажбурий тўловлар ун–дирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, ис–сиқ ва совуқ сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ободон–лаштириш, кўкаламзорлаштириш ва уйларни намунали сақлаш ишларини ихтиёрийлик асосида ташкил этиш тадбирларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси уй жой кодекси. – Т.: Адолат, 1999. 224–бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 1998. 304–бет.

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга ўт – казадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уй – жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш бора – сида ширкатларга ёрдамлашадилар.<sup>1</sup>

**"Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафо – лашлари тўғрисида"**ги қонунга биноан, асосий вазифаси тад – биркорлик фаолияти бўлмаган давлат муассасалари, ташкилот – лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар ва бошқа ташкилотларга нисбатан ушбу қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорлик ҳисобланадиган қисмига нисбатан қўлланилади.<sup>2</sup>

**"Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"**ги қонун эса ўз навбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш, бирламчи тиббий – санитария ва тиббий – ижтимоий ёрдамлардан барчанинг баҳраманд бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг са – нитария – эпидемиология жиҳатидан хотиржамлигини таъмин – лаш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

**"Ер тўғрисида"**ги қонунга биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан назоратни ваколатлари доирасида амалга ошира – дилар. Шу билан бир вақтда, табиатни муҳофаза қилиш жами – ятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари ер – лардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан на – зоратни амалга оширишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклаша – дилар.

**"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари борасидаги ва – колатлари белгилаб берилган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида мазкур қонуннинг бажа – рилиши учун жавобгардир.

**"Давлат уй – жой сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг уй – жой сиёсатини амалга оширишдаги иштироки белгиланган бўлиб, унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 5 – сон, 114 – модала.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 5 – сон, 106 – модала.

фуқароларга уй — жой фондидан фойдаланишда ҳамда унинг ас — ралишини таъминлашда кўмаклашда, уй — жой қуриш ва унинг атрофидаги шудудларга қараб туриш қондаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, фуқароларнинг уй — жой ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида давлат ва жамоат органларига тақлифлар кўрилади ва ушбу қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.<sup>1</sup>

**"Нотариат тўғрисида"**ги қонунда шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларининг рўйхатта олиниши ва нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши белгиланган бўлиб, унга кўра шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатта олишлари мумкин.

Аҳоли пунктда нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари қонунга мувофиқ айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширадilar.<sup>2</sup>

**"Ўзбекистон Республикасида маъмурий — ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида"**ги қонун вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овулларни тузиш, тутатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини шаҳар, шаҳарчалар туркумига ўтказиш, маъмурий — ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик — жўғрофий, экологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

Шу билан бирга қонунда маҳалла, кўча, майдон, ҳиёбон, боғларга, аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномасига мувофиқ халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.<sup>3</sup>

Айни пайтда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг бошқа айрим жиҳатларини **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Маъмурий Жавобгарлик Кодекси,**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 9 — сон, 232 — модала.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2 — сон, 42 — модала.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9 — сон, 139 — модала.

*"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги,<sup>1</sup> "Кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги,<sup>2</sup> "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги,<sup>3</sup> "Таълим тўғрисида"ги,<sup>4</sup> "Ногавлат номижорат ташкилотлар тўғрисида"ги қонуналар ҳам маълум бир тарзда ҳуқуқий тартибга солади, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳуқуқ беради ва айни бир вақтнинг ўзида мажбуриятлар юклайди.*

## 2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУДУДИЙ АСОСЛАРИ

*Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий асоси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш, бириктириш, тугатиш ҳамда уларнинг чегараларини ўрнатиш ва ўзгартириш тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизими*дир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ифодаловчи муҳим белги улар фаолиятининг ташкил этилишидир. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш миллий давлатчилик шароитлари ва ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бутун мамлакатда *ҳудудий принцип* асосида ташкил қилинади.<sup>5</sup>

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи муайян ҳудудда, яъни шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда амалга оширилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудига кичик шаҳарчалар (микрорайон), турар – жой мажмуаси, қишлоқ, посёлка, кўча, мавзе, кўп хонадонли уй (тегишли ери билан) ҳудудлари киради.<sup>6</sup>

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларини қуйидаги *ички гуруҳга* бўлиш мумкин:

- 1) шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудлари;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. 5,6 – сон, 97 – модал.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. 11,12 – сон, 295 – модал.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. 1 – сон, 10 – модал.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. 9 – сон, 225 – модал.

<sup>5</sup> Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият – Т.: Шарқ, 1996. 64 – 69 – бетлар.

<sup>6</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. – Т.: Академия, 1999. 159 – 165 бетлар.

2) шаҳар, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудлари.<sup>1</sup>

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жами 9627 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, шу жумладан 1556 таси шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, 4151 таси қишлоқларда ва 4151 таси шаҳарлардаги маҳаллаларда, шунингдек, 1782 таси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган маҳаллаларда ҳудуд – дий принцип асосида ташкил қилинган.<sup>2</sup>

Аввалги қонунда ҳудудий ёндашувнинг ушбу хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бораётган ҳудудларни фуқаролар таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилар эди.

Янги таҳрирдаги қонунга биноан эса шаҳарча, қишлоқ, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга ошириладиган бўлди.

Маҳаллаларни қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш масалала – рини, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббу – сига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилади. Яъни ҳоким бу ҳақда қарор қабул қилиб, бу қарор тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланади. Лекин ҳар қандай фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудуди билан боғлиқ масалалар, яъни уни тузиш, бирлаштириш ёки тугатиш бевосита маҳаллий аҳолининг урф – одатлари ва анъаналаридан келиб чиққан ҳамда мазкур ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим.

Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий асослари:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришни Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларда амалга ошириши;

– Ўзбекистон Республикасининг бирон бир ҳудудий бирликлари – шаҳарча, қишлоқ, овулларнинг аҳолиси уларнинг ҳажмига қараб, ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқидан чекла – маслик;

– ўзини ўзи бошқаришнинг иқтисодий ва ташкилий шарт – шароитларини таъминлаш;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун. 5 – модалла.

<sup>2</sup> Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 148 – бет.



- ўзини ўзи бошқариш ҳудудларининг бирлигини таъмин – лаш;
- ўзини ўзи бошқариш ҳудудий бирлигида истиқомат қилувчи фуқароларнинг манфаати ва фикрларини ҳисобга олиш;
- миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналарни ҳисобга олиш принципларига мувофиқ равишда ҳал қилиниши керак.

### **3-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг мақбул ташкилий тузилиши ва у ўзини ўзи бошқариш вазифалари ва функцияларига қанчалик мувофиқлиги, маҳаллий ва умумдавлат манфаатларига баб – баравар хизмат қилиши унинг самарадорлигини белгиловчи му – хим шартлардир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асослари доимий ўзга – риб туради. Бундай ўзгаришлар ўзини ўзи бошқаришнинг ри – вожланиши, ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги қонунчилик ўзгари – ши, унинг иш услуби ва шаклининг тақомиллашуви билан боғлиқдир.

*Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асоси – ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг институти сифатида ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, фаолият тартиби, шакли ва принципларини, фаолият доирасини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизими – дир.*

Ҳозирги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг таш – килий асосини шакллантириш учун "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда назарда тутилган қуйидаги концептуал ҳолатлар инобатта олиниши лозим:

*Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунга асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишда ўз ҳуқуқларидан мустақил равишда фойдаланади ва маҳаллий дав – лат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда ташкилий – тузилиш жиҳатдан давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини амалга ошириш тақиқланиши лозим;*

*иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла – рининг ички тузилишини маҳаллий аҳолининг ўзи маҳаллий шарт – шароит, анъана ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда*

мустақил равишда белгилаши лозим;

*учинчиган*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари икки шаклда, яъни сайлаш ва тайинлаш йўли билан ташкил қилиниши лозим (Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг барча органлари сайлаш орқали ташкил қилинади);

*тўртинчиган*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган — лари мансабдор шахслари қаторига фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), раис (оқсоқол) маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари киради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида касбий фао — лият олиб бораётган шахслар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хизматчилари ҳисобланади.<sup>1</sup>

*бешинчиган*, жаҳон амалиётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик ва ижроия органларига бўлинган ҳолда тузилади. Мазкур принципга биноан, Ўзбекистон Респуб — ликаси Конституциясига ва янги таҳрирдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Қонунга биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик (ша — ҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шувингдек шаҳар, шаҳар — ча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакил — лар йиғилиши) ва ижроия органлари (фуқаролар йиғинининг кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссия — си; туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарча, қишлоқ ва овуларда қонун ҳужжатларида назарда ту — тилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссиялар) каби гу — руҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳал — лий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳамда белгиланган намунадаги муҳрга ағалиги ва маҳаллий давлат ҳокимият органларида рўй — хатга олинishi лозимлиги белгилаб қўйилган, зеро, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатдан аж — ратилган, алоҳида мустақил ташкилот бўлиб, юридик шахс мақомини олган тақдирдагина, тўла ҳуқуқли субъект бўла олади, шундагина бу институт мустақил равишда ривожланиши ва шаклланиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг

<sup>1</sup> Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. Административное право Республики Узбекистан. Учебник. Т.:Адолат, 1998. 113 — бет.

Ўзини ўзи бошқариш органларида иккита орган, яъни *вакиллик* ва *ижроия* органи мавжуд.

*Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг вакиллик органи* – фуқаролар йиғини бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи ҳисобланади ва аҳоли манфаатларини ифодалаш ҳамда унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда мазкур шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининггина ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олади. Сабаби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип асосида ташкил қилинган, яъни бир ҳудудда ташкил қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қабул қилинган норматив ҳужжат, иккинчи бир ҳудудда яшовчи аҳолига тааллуқли эмас, яъни уларга таъсир қилмайди.

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади, шу билан бир қаторда шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари, туман, шаҳар ҳокимининг ёки 18 ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкинлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу ҳолатда фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади ҳамда у ёки бу тарзда қабул қилинган ҳужжат юридик аҳамиятга эга бўлади<sup>1</sup>

*Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ижроия органлари* фуқаролар йиғини томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш билан шуғулланадилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижроия органлари: *фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссиялар таркибига ташкил этилган*. Зеро, мазкур органлар аввалги қонунда умуман назарда тутилмаган эди. Жамият эҳтиёжи ва давр талаби билан янгидан ташкил этилган ушбу органлар ҳозирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида жуда муҳим ўрин эгалламоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент 2003 й. 4 – бет.

Янги ташкил қилинган фуқаролар йиғини кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижроия органларидан бири бўлиб, унинг асосий иш шаклини мажлис ташкил қилади ва уни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратга қараб, лекин ойига камида бир марта ўтказилади. Фуқаролар йиғинининг кенгаши ўз девонига эга бўлиб, унинг ходимлари сонини йиғин белгилайди. Йиғиннинг масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари йиғинни, кенгаш мажлиси — ни ўтказишга доир ҳужжатларни тайёрлайдилар, йиғин, кенгаш ва раис (оқсоқол)нинг қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайдилар, иш юритилишини амалга оширадилар ва ўз ваколатига кирувчи бошқа қонуний вазифаларни амалга оширадилар.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) билан келишилган ҳолда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этишни амалга оширади. Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ушбу мажлис ва қабул қилинган қарор ва — колатли ҳисобланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ижроия органи — тафтиш комиссияси ҳисобланиб, мазкур орган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг молия — ҳужалик фаолиятига текшириш учун тузилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ижроия органи бўлиши маъмурий комиссия мамлакатимизда олиб борилаётган жинсий жазоларни либераллаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида тузилган бўлиб, у кам аҳамиятли қилмишлар ёки ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ҳуқуқбузарликларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш учун олади.

Маъмурий ва тафтиш комиссиялари ўз фаолиятини фуқаролар йиғинида қабул қилинадиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомлар ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширадилар. Улар ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдор — дирлар.

Юқорида санаб ўтилган ижроия органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий функциялари, вазифалари ҳамда ваколатлари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг вакиллик ва ижроия органлари фаолиятини му —

вофиқлаштириш мақсадида Республика оқсоқоллар кенгаши, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларини бевосита мазкур қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширадilar.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари, яъни улар фуқаролар йиғини, йиғин кенгаши, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, йиғиннинг тафтиш комиссияси, маъмурий комиссияларнинг раислари ҳамда котиблар ва бошқа мансабдор шахслардан иборат таркибини ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ичида энг асосий ўрни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) эгаллайди. Оқсоқолик институти ўз ичига минг йиллик тарихий даврни қамраб олган. У давлат пайдо бўлгунга қадар даврда ҳамда давлатимиз мустақилликка эрушгунга қадар бўлган даврда ҳам мавжуд бўлган бўлиб, жуда катта тажриба тўплаган.<sup>1</sup> Оқсоқол лавозими мамлакатимизда собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳам сақланиб қолган эди ва маълум даражада «элик боши», «маҳалла қўмитасининг раиси (оқсоқоли)» каби иборалар ўрнида қўлланиб келган.<sup>2</sup>

Маҳалла раиси (оқсоқоли) тегишли ҳудудда ўз фаолиятини яқдиллик принципи асосида амалга оширади ҳамда умуммажбурий аҳамиятта эга бўлган қарорлар қабул қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларни тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) бажаришлари шарт. Агарда раиси (оқсоқоли)нинг қарорини тегишли ҳудуддаги шахслар бажармасалар, қонуний асосда жавобгарликка тортиладилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қабул қилган қарорларни уларнинг ўзлари бекор қилишлари ёки суд ўз қарори билан ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Шу билан бир қаторда, Фуқароларнинг ўзини

<sup>1</sup> Қаранг: Қодиров Қ. Маҳалланинг мақсади: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва вазифалари. Т.: Ҳаёт ва қонун, 2000 №9, 13–17—бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Бўриев О. Қишлоқ жамолларини бошқариш анъаналари. —Т.: Ҳаёт ва қонун, 2000. № 2, 77–81—бетлар.

ўзи бошқариш органилари тўғрисидаги қонунда раис (оқсоқол)нинг ваколатлари, у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиладганда, фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда унга нис – батан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган ҳолларда муддатидан илгари тутатилиши белгилаб қўйилган.

#### 4–§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ–ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммаси – даги вазифаларни тўла ва муваффақиятли бажаришлари учун улар кучли молиявий асосга эга бўлишлари лозим. улар етарли молиявий салоҳиятга эга бўлмаса, биринчидан, қонунда белгилаб қўйилган ваколатларни амалга ошира олмайд; иккинчидан, уларнинг давлат органларига қарамлиги сақланиб қолаверади. Шу сабабли уларнинг даромадларини шакллантирувчи манба – ларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади.

Ушбу мақсадда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган – лари тўғрисидаги қонунда мазкур органларнинг молиявий – иқтисодий асослари ҳуқуқий тартибда мустаҳкамлаб қўйилган.

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қурган, олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий – маиший ва бошқа мақсаддаги объект – лар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулклар уларнинг молиявий – иқтисодий асосини ташкил этади.<sup>1</sup>*

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ушбу мол – мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз мулкини ўзи мўлжаллаган соҳага мустақил равишда сарфлаш ҳуқуқи мавжудлигини тан олади. Бу, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маблағини кўр – кўрона, бўлар – бўлмаста сарф қилиши мумкинлигини билдирмайди, балки ўз маблағларидан унумли ва самарали фойдаланишини назарда ту – тади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни. 23 – модда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда таъкидланишича, фуқаролар йиғини — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллан — тиради, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади; обо — довлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилалар — нинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолия — тининг молиявий асоси — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларидан, ушбу органларга халқ депу — татлари туман ва шаҳар кенгашлари белгиланган тартибда аж — ратпан бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахслар — нинг ихтиёрий ҳайр — эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжат — ларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.<sup>1</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг молия — вий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисоб варақда сақланади, улар бу маблағлардан белгиланган тартибда мустақил фойдаланадилар. Бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланганлик тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот бера — ди.<sup>2</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг молия — вий — иқтисодий таъминотида ҳали муаммолар борлиги сир эмас. Жумладан, мазкур органлар маълум даражада иқтисодий қарамдирлар, чунки улар тегишли туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг бюджетидан маблағ ажратишга кўз тутадилар.

Агарда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоляти учун фуқароларнинг эҳсон, меҳнат жамғармаларининг маблағ ажратишлари онда — сонда бўлиб турадиган воқеа экан — ливини, фойдали ишлаб чиқариш ва пулли хизматни ҳамма жойда ҳам ташкил этиш имконияти йўқитгани ҳисобга олсак, ушбу органларнинг, ҳеч шубҳасиз, молиявий жиҳатдан давлатта қарам эканлигини қайд қилиш мумкин. Шу билан бирга, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва котиби учун иш ҳақи тегишляв туман, шаҳар халқ депутатлари кенгаши бюджет маб — лағлари ҳисобидан ажратилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни. 24 — модда.

<sup>2</sup> Уша ерда.

**VII БОБ.**  
**ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

**Ўзини ўзи бошқариш принципи тушунчаси**

**Ўзини ўзи бошқариш асосий принциплари**



## ҲҲ БОБ. ҲЗИНИ ҲЗИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

### 1-Ҳ. ҲЗИНИ ҲЗИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПИ ТУШУНЧАСИ

«Принцип» тушунчаси бирон – бир назария ёки таълимот –нинг асосий илк қойдасигагина бўлмай, шу билан бирга турли ме – ханизмлар, шу жумладан, ижтимоий механизмлар фаолиятининг раҳбарий ғояси ёки асосий қойдаси, тузилиши ёки амал қилиш асоси эквалитиши ҳамма тав олган.

«Принцип» тушунчасининг лугатларга киритилган мана шундай изоҳи конституциявий ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқидаги давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчасига ҳам мос ке – лади. Шу билан бирга ўзини ўзи бошқариш институти мазмуни, ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мақомига хос ху – сусиятлар бу тизимни ташкил этишнинг ўзига хос принципла – рини алоҳида талқин этишни талаб қилади.

Бу принципларни демократик ҳуқуқий давлат қойдаларининг батафсил баёни деса ҳам бўлади, аммо уни ўзини ўзи бошқариш шаклланадиган ва фаолият юритадиган шароит – даги муносабатлар тизимига татбиқ этиш талаб қилинади.

Ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари каби ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ҳам ҳуқуқнинг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаш – тирган, унинг юридик табиатини белгилайдиган, моҳияти ва ижтимоий вазифасини ифодалайдиган муайян принциплар асо – сига ҳурилади ва амал қилади. Ҳзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий принциплари – ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий норма – қойдаларида мустаҳкамлаб қўйилган, ўзини ўзи бошқаришнинг табиатидан, ҳозирги вазифалари ва функцияларидан келиб чиқадиған энг асосий негизлар ва ғоялардан иборатдир. Ҳзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий принциплари ўзини ўзи бошқариш амалга ошириладиган ва ривожлантириладиган ўзига хос тизим ва мезондир. Уларда ўзини ўзи бошқаришнинг назарий ва ама – лий асослари, энг муҳим хусусиятлари, белгилари, нишоналари ва мезонлари умумлаштирилади.

Ҳзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришнинг обь – ектив қонуниятлари ва тамойиллари ўзини ўзи бошқариш прин – ципларида акс этади:

– бу принциплар Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ўзини ўзи бошқариш органларини барпо этиш ва юритишнинг ягона асосла – рини белгилаб беради;

– ўзини ўзи бошқаришнинг назарий асоси бўлган бу прин –

диплар унинг моҳияти, фарқли белгилари ва тан олиншини тушу — нишга ёрдам беради;

— бу принциплар амалдаги ўзини ўзи бошқариш тизимини, у ўзини ўзи бошқариш қондаларида ифодаланган асослар ва гоаяларга нақадар муносиб эканлигини баҳолаш мезони бўлади;

— ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти ва белгиларини акс эт — тирувчи бу принциплар ўзини ўзи бошқариш институтини ривож — лантиришда давомийликни сақлаб қолишга ёрдам беради;

— ўзини ўзи бошқариш кафолатларининг ўзига хос бўлган бу принциплар фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқлари таъминлавишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, *ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларида мустаҳкамланган ўзини ўзи бошқариш органлари — нинг табиати билан боғлиқ бўлган мустақил фаолиятни амалга оширишни ташкил қилувчи раҳбарий гоаялар йиғиндисидир.*

## 2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (1999 йил 14 апрелда қабул қилинган ва 2003 йил 30 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари:

*демократизм,*

*ошкоралик,*

*адолат,*

*инсонларварлик,*

*маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик,*

*жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам* ва бошқа тамойил — лардан иборат бўлиб, ўзини ўзи бошқариш органларининг фао — лияти мазкур принциплар негизида амалга оширилади. Юқорида айтиб ўтилган принципларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қиламиз.

1. *Демократизм принципи.* «Демократия» сўзи қадимги юнон тилидан олинган бўлиб, «халқ ҳокимияти» маъносини англатади. ўзини ўзи бошқариш фаолиятида демократизм принципи асосий ўрин эгаллайди, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор — ганлари давлат ҳокимияти органи ҳисобланмайди, балки бевосита халқнинг ҳокимияти ҳисобланиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бутун фаолияти халқ манфаатига,

халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Демократизм принципининг муҳим хусусияти шундаки, унда халқ ҳокимияти, яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi қонидаси расмий равишда эълоя қилинади ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлиги эътироф этилади. Бу шартлар жамият ҳамда унинг аъзолари ҳаётининг асосий қонуни бўлган давлат Конституциясида ўз аксини топган. Ўзбекистон Респуб – ликасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий мақсади аҳолининг фаровон яшashi учун қулай шароит яратиш бўлиб, бунда маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни бажаришда аҳолининг бевосита – шахсан ўзи иштирок этиши, яъни фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши орқали қатнашиши на – зарда тугилади. Бундай иштирок маҳаллий референдум, ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов, фуқаролар йиғини мажлис – лари, фуқаролар мурожаати ва бошқаларни кўзда тутади.

**2. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ошкоралик принципи.** Жамият ва давлатни бошқариш тизимида ошкоралик принципига асосланиш демократиянинг муҳим жиҳатларидан биридир. Ошкоралик ёрдамида бошқарув фаолиятида демократия таъминланади, шунингдек, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эр – кинликларини бемалол талаб қила оладилар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига ошкоралик принципини татбиқ этиш аҳолининг улар фаолиятидан доимо хабардор бўлиб туришини билдиради.

Ошкораликни таъминлаш усуллари назарий жиҳатдан ўзини ўзи бошқаришга оид ҳуқуқий нормаларда, амалий жиҳатдан эса, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг тўғри ва тўлиқ маълумот олишини таъминлашга мажбурдирлар. Ошкоралик аҳолининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мажлислари чиқарган қарорлардан ҳамда маҳаллий сайловлардан доимий ра – вишда хабардор бўлиб туришини талаб қилади.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари ўзлари қабул қилётган қарорларнинг мазмунини фуқароларга маълум қилишлари керак, жумладан, фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан қандай фойдаланганлиги тўғрисида йил – нинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини олдига ҳисоб беради.

**3. Ижтимоий ағолаш принципи** – ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятида оғишмай рюя қилишлари лозим бўлган энг муҳим принциплардан бўлиб, аҳолининг кам таъминланган табақаларига, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож етим – есирлар, ёлғиз қолган ҳариялар, боқувчисини йўқотганлар, кўп болали

оилалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлигини назарда тутди. Ушбу принцинга риоя қилиш ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг қанчалик демократик эканлигини кўрсатувчи мезондир, чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолига энг яқин ташкилот бўлиб, аҳоли билан доимий равишда ёнма-ён ишлайди, аҳоли тўғрисида кўпроқ ахборотта эга бўлади. Фуқароларга бериладиган у ёки бу йўсиндаги муҳофотлар, тақдирлашлар ёки маълум даражадаги имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан ва ижтимоий адолат принципитга мос равишда амалга оширилиши лозим, акс ҳолда турли хил нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

**4. Инсонпарварлик принцили.** Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини амалга оширишда инсонпарварлик принципитга қатъий амал қилиши лозим, негаки одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги, қобилияти ҳар томонлама номоеён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётни таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча жиҳатлари юзага чиқишига шарт-шароит яратиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг негизини ташкил қилиши зарур.

Инсон тақдирини, халқ манфаатлари, мамлакат ҳақида ғамхўрлик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий масаласи қилиб белгиланиши лозим, зеро, дунёдаги энг қимматли нарса инсондир. Бутун мавжудот, борлик инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим.

Буюк мутафаккир Форобийнинг фикрича, бахт-саодат, осойишта ҳаёт, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида инсоннинг кўп ижобий фазилатлари ва хислатлари асосида инсонлар жамоаси юзага келади. Форобий инсонларнинг иноқ ва дўст яшаши халқлар учун катта фойда келтиришини исботлашга интилган ва тинчликни қатъий равишда қувватлаб, бутун фаолиятини инсон хизматига қаратган.<sup>1</sup> Шундай экан, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг тағзамида ҳам инсонпарварлик ғоясига садоқат, инсонга хизмат қилиш ётиши лозим.

**5. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик принцили.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақил эканлигини ифодалайди. Ўзини ўзи бошқариш институтининг

<sup>1</sup> Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси ваҳриёти, 1993. 224-бст.

моҳияти ҳам ана шундадир.

Фуқаролар шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширадилар.<sup>1</sup> Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши ва шакллари аҳолининг ўзи мустақил равишда белгилайди.

Юқорида кўриб ўтилган ва бошқа масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ёки аҳолининг бевосита иштироки орқали амалга оширилади. Ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунчилик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кафолатлар экан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги фаолиятига давлат органларининг аралашувини таъқиқлайди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди ва қонунда белгиланган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда ўзи амалга оширади.

6. *Жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам принципи.* Ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий бўғини бўлмиш маҳалла институти бошқа давлатларда деярли йўқ. Бундан бир неча йил аввал хорижлик фольклоршунос Якоб Зингтер пойтахтимиз ми – солида ўзбек миллий урф – одат ва анъаналари билан яқиндан танишиб, шундай деганди: "Мен энг гўзал инсоний муносабатлар, қутлуғ анъанаю урф – одатлар маҳаллада тугилиб, яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳридарё ва до – нишмандлиги замирида ҳам маҳалла деган тушунча ётар экан. Хорижда бундай гап йўқ, ҳамма ўзи учун яшайди. Сизларда эса маҳалла одамларни бир – бирига боғлаб туради".<sup>2</sup> Ҳақиқатдан ҳам, маҳалла институти диёримизда тарихан таркиб топган ўзига хос тузилмадир. Маҳаллада одамлар бир – бирига доимий ра – вишда жамоатчилик асосида ёрдам қиладилар. Мава шундай ёр – дам турларидан бири "ҳашар" деб аталади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари бу соҳада жуда кўп ишларни амалга оширишмоқдалар, жумладан, маҳаллада бирор – бир оиланинг уйини қуришда кўни – кўшни, маҳалла – кўй ҳашарга чиқиши одат бў – либ қолган. Маҳаллага зарур бўлган мактаб, боғча, гузар ва бошқа шу каби бинолар ҳам кўпинча шу усулда қурилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999. 5 – сон. 110 – модал.

<sup>2</sup> Жалалов Ш.И. Кучан давлатдан – кучан жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. – Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонунига ҳоҳорида таҳлил қилинган принциплар қаторида ўзини ўзи бошқариш органларининг «ҳуқуқий каркаси» (синчи) бўлган баъзи принциплар киритилмаган. Шулар қаторида:

– *ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз фаолияти учун жавобгарлиги.*

Ўзини ўзи бошқариш тизимида жавобгарлик масаласининг икки асосий жиҳати мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси давлат муносабатлари тизимида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таъминлайди:

*биринчиган*, барча органлар ва мансабдор шахсларнинг конституциявий ҳокимият манбаи бўлган маҳаллий аҳоли олдидаги жавобгарлигини таъминлайди, *иккинчиган*, маҳаллий бошқарув субъектларининг давлат олдидаги жавобгарлигини таъминлайди. Буни замонавий демократиянинг юраги деб ҳисобласак, ўзини ўзи бошқариш эса, оммавий ҳокимиятни ташкил этишнинг номарказлашган шакли, умумдавлат демократик тизимнинг бир қисми ҳамдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи бошқариш тизимида жавобгарлик масаласини ҳал қилиш нафақат ваколатларни маҳаллий ҳокимият ячейкаларининг ташкилий элементлари ўртасида аниқ тақсимлашни талаб қилади, балки давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари субъектлари ўртасида ўзаро алоқалар механизминини ишлаб чиқишни ҳам тақазо этади. Агар жавобгарлик бўлмаса, жойларда ҳокимиятни амалга ошириш бюрократик амалпарастлик даражасига айланиб қолади, масъулиятсизлик ва суниестеъмол кучаяди, оқибатда юридик жиҳатдан ва амалий жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш тизимининг обрўси тушиб, масалаларни ўз шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал этиш ҳоллари авж олиши мумкин бўлиб қолади.

– *ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий-иқтисодий принциплари.*

Республикамиздаги айрим ўзини ўзи бошқариш органларининг кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақкам моддий–молиявий базага эга бўлган ўзини ўзи бошқаришгина том маънода маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш ваколатига ва имкониятига эга бўлган тизимга айланади. Демак, Ўзбекистон Республикаси ўзини ўзи бошқариш тизими ўз ваколатларини ва фаолиятини етарли даражада амалга ошириш ҳуқуқига, шунингдек молиявий ва иқтисодий базага эга бўлиши лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълум бир давлат ваколатларига эга бўлган ҳолларда, мазкур органлар

иш фаолияти учун зарур бўлган моддий – молиявий воситалар билан таъминланиши керак.

«Бу масалалар ечимас экан, маҳалладан кўп нарса талаб қилиш ўринсиз бўлади», – деб ўқтиради И.А. Каримов.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасида ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини юқорида таъкидлаб ўтилган принциплар асосида амалга оширадидлар, лекин шундай принциплар мавжудки, уларсиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча улар қуйидагилар:

1. Ўзини ўзи бошқаришни тапқил қилиш ва амалга оширишда қонунийлик принципи.

2. Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиш принципи.

Ўзини ўзи бошқаришни тапқил этиш ва амалга оширишда қонунийлик принципи жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан давлат белгилаб қўйган ҳуқуқий асосларга риоя этилишини билдиради.<sup>2</sup> У Ўзбекистон Республикасининг асосий конституциявий принципларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслари, фуқаролар ва уларнинг уюшмалари Конституция ва қонунга риоя этишга мажбур – дирлар.

Қонунийлик фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг муҳим кафолатидир.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунари орқали амалга оширади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шарт. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> И.А.Каримов. «Ҳаётимиз тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси». (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи) 2002 й. 5 декабр. Т.2002 й. 17 – бет.

<sup>2</sup> Юридик энциклопедия. У.Тожиқовнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001 йил. 614 – бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонуни. Т.: 2004 й. 16 – мода.

Қонунийлик принципи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ташкил этиш ва унинг фаолиятини фақат қонуни асосида амалга оширишни талаб қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларини қонунидан четта чиқмаган ҳолда, унга ҳурмат руҳида амалга оширишлари назарда тутилади. Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди. Бу ўринда сўз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий норма — ларга риоя қилишини давлат назорати остига олиш ҳақида сўз бормоқда.

Ўзини ўзи бошқариш фаолиятидаги муҳим принциплардан яна бири — *инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши принципи* ҳисобланади.

Мазкур принципнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятидаги аҳамияти шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Конституция — си инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий даражадаги қадр — қиммат деб билади<sup>1</sup> ҳамда фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат ҳокимияти фаолиятининг маз — мунини, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мазмуни ва маъносини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлатнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг энг муҳим демократик жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, авваламбор, улар яшаётган, меҳнат қилаётган ва бошқа фаолият билан шуғулланаётган жойда амалга оширилади, шунинг учун ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур принципни ҳаётга татбиқ этиш аҳолининг турму — шини ташкил этиш фаолияти билан боғлиқ бўлади.

Ушбу масалалар маҳаллий ҳаётнинг асосий соҳаларини: таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал ва турар жой, ердан фойда — ланиш, савдо, маиший ҳаёт, аҳолига хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини қамраб олади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиятида фуқароларнинг асосий ижтимоий — иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилади. Ўзини ўзи бошқариш орган — лари ўз вазифаларини амалга ошираётган экан, фуқароларнинг асо — сий, муҳим ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркин — ликларини амалга оширишга кўмаклашади. Фуқаролар ўзини ўзи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2003 йил. 13 — модада.



бошқариш органларининг фаолияти инсоннинг ҳуқуқ ва эркин — лиқларини олий қадрият сифатида тан олиб, фақатгина инсонга хизмат қилишга қаратилиши лозим.

*Ўзини ўзи бошқаришнинг давлат томонидан кафолатланиши принциплари кўра, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив—ҳуқуқий ҳужжатлар билан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, юридик жиҳатдан кафолатланади.*

*Давлат ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий мустақиллигини кафолатлайди ва қўйидаги қондаларни мустақил қилади:*

а) ўзини ўзи бошқариш органлари давлат шокимияти органлари тизимига кирмайди;

б) ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилишини аҳоли мустақил белгилайди;

в) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этишига, уларнинг мансабдор шахсларини тайинлашига йўл қўйилмайди, уларни аҳолининг узи демократик асосда сайлаб қўяди;

г) давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишга йўл қўйилмайди, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фақатгина аҳоли томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади;

д) ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар, уларнинг ўзлари томонидан бекор қилиниши ёки суд қарори билан нотўғри деб тан олиниши мумкин.

Аммо давлатнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини қўллаб—қувватлашида меъёрга риоя этиш лозим, яъни маҳаллий аҳамиятта эга масалаларда давлатнинг қўллаб—қувватлаши давлатнинг аралашувига айланиб кетмаслиги керак.

Давлат томонидан ўзини ўзи бошқаришнинг кафолатланиши, унинг ҳуқуқий асосини ташкил қилиш билан тутанмайди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»даги қонуннинг 6—моддасида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари олдига ўзини ўзи бошқариш органларини кенг қўламда қўллаб қувватлаш вазифаси қўйилган.

Шу боисдан, Президент Фармойиши билан мамлакатимизда 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7 февралда мазкур

Фармойишни бажариш учун «Обод маҳалла йили» дастурини тасдиқлади.

Мазкур дастур етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига қамраган. Улар қаторига жумладан:

– маҳалла фаолиятининг ташкилий – молиявий асосларини такомиллаштириш;

– маҳалланинг моддий базасини ривожлантириш ва мустақамлаш;

– маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;

– маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларнинг яроқли ҳолатда сақлашини таъминлаш;

– маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ мақсадли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

– кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

– маҳалалар аҳолисига тиббий ва санаторий – курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш;

– маънавий – ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаолигини ошириш вазифалари киради;

**«Обод маҳалла йили» дастури доирасига:**

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш;

– кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзгор хўжалигини йўлга қўйиб олишга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;

– кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жумладан, 950 маиший хизмат шохобчалари ташкил этиш орқали 160 минг янги иш ўринлари яратиш;

– республикадаги 433 маҳаллада 2,6 млн. км. газ тармоқлари барпо этиш, 436 маҳаллада эса 172 км. сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан доимий таъминлаш;

– 12500 минг кв. м уй – жой фондини мукамал таъмирлаш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, 500 маҳалладаги 1000 км дан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфалтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;

– ҳар йили 20 минг нафаргача фахрийларимизнинг санато –

рий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклаш;

– мухтож кексалар ва ногиронларни протез – ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имти – ёзли таъминлаш;

– узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий – ижтимоий потронаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;

– маҳаллалардаги 16 ёшгача бўлган болаларнинг барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб чора – тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Ўзини ўзи бошқариш органларига муҳим маънавий – маърифий масалалар: ағъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имом – хатиблар, маданият ходимлари, хотин – қизлар қўмиталари билан биргаликда тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджетидан, қолган қисми корхоналар ҳисобидан, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат тишкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари ҳисобидан жалб этилиши мўлжалланди.

«Обод маҳалла йили» Президент Фармойиши ва уни бажариш бўйича Хукумат дастури давлат томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга жиддий эътибор берилганини, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ролини кўтариш бош мақсад қилиб қўйилганини кўрасатади.

**VIII БОБ.**  
**ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Ўзини ўзи бошқариш функциясининг  
тушунчаси**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий функциялари**

## VIII БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

### 1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИНГ ТУШУНЧАСИ

*Ўзини ўзи бошқариш функцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий фаолият йўналишидир.*

Ўзини ўзи бошқариш ҳар қандай демократик тузумнинг асоси бўлиб, у ўзида халқ иродасини ифода этади ва аҳолининг давлатни бошқаришга яқинлашувини таъминлайди.

Ўзини ўзи бошқаришнинг вазифаларидан яна бири демократия ва шокимиятнинг марказлашмаган бошқарув принципларига асосланиб, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни мустақил ҳал қилган ҳолда ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва иқтисодий саҳобиятни юқори даражага кўтаришдир.

Демократик давлатдаги марказлашган бошқарувдан марказлашмаган бошқарувга ўтиш аҳолининг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини кенгайтиради, марказлашган бошқарувга нисбатан марказлашмаган бошқарув кўпроқ ижобий натижа беради, чунки шу ҳудудда яшайдиган аҳоли ўз ҳудудини билади, яъни ҳудудга биринчи навбатда нима зарурлигини, қайси муаммони аввалроқ ҳал қилиш лозимлигини ва бунинг учун қандай имконият ва шарт – шароит мавжудлигини билади.

Ўзини ўзи бошқариш маҳаллий аҳамиятта молик ишларнинг фуқаролар томонидан ҳам бевосита, ҳам билвосита қовуни доирасида, бироқ марказий ҳокимиятнинг аралашувисиз бажарилишини назарда тутаяди.

Умуман, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг функцияларини таҳлил қилишда олимларимиз уларни турлича таснифлайдилар. Жумладан, А.М. Бойко фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг функцияларини учта катта гуруҳ – *халқ томонидан ҳокимиятни тўғридан-тўғри амалга ошириш функцияси, назорат қилиш функцияси, гоҳий тарбиявий функцияга* бўлиб ўрганишни тавсия қилади.

М.И. Сувоиқулловнинг нуқтаи назарича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг асосий функцияларини қуйидагиларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишда аҳолининг иштирокини таъминлаш;
- 2) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мулки ва молиявий асосларини бошқариш;
- 3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларининг комплекс равишда ривожланишини таъминлаш;

- 4) аҳолининг ижтимоий – маданий, коммунал – маиший ва кун – далик ҳаёт учун муҳим бўлган бошқа эҳтиёжларини қондириш;
- 5) жамоат тартибини сақлаш;
- 6) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва эр – кивликларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатлаш ва х.к.

## 2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

а) Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда аҳолининг иштирокини таъминлаш функцияси.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий ва – зифаси маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўл – ганлиги сабабли, аҳолининг ушбу фаолиятда қатнашишини таъминлаши зарур. Бу қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

а) сайлов орқали шакланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғини)нинг мавжудлиги;

б) маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда бе – восита демократик институтларга асосланиши;

в) маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш учун моддий – молиявий базанинг мавжудлиги.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда қатнашишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 3 – моддасига асосан, фуқаролар – жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда фуқаролар иштирокининг турли хил шакллари мавжуд. Демо – кратиянинг муҳим қуроли бўлмиш маҳаллий сайлов ҳам ушбу шаклларнинг бири бўлиб, бунда фақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун сайловлар ўтказилади.

Фуқаролар бунда актив ва пасив сайлов ҳуқуқига эга бў – ладилар. Актив сайлов ҳуқуқида – фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахсларини сайлашга, пасив сайлов ҳуқуқида эса – ҳудди мана шу мансабларга сай – ланишга ҳақли бўладилар.

Демократик принципларга асосланган, очиқ ва уз муддатда ўтказилаётган ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ма –

ҳаллий аҳоли хоҳиш – иродасининг нуфузли воситасидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини амалга ошириш – улар сайлаган органлар орқали ҳам таъминланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайланишда тенг ҳуқуқга эга.

Чунки, ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансаб – дор шахсларини сайлаш – овоз бериш ёрдамида шакллантириш усули, демократиянинг ишончли қуролидир. Фуқаролар йигини – аҳоли манфаатларини ифодаловчи ўзини ўзи бошқариш органи сифатида маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишга фуқароларни кенг кўламда жалб қилади.<sup>1</sup>

Ўзини ўзи бошқариш демократик институт сифатида ри – вожланиши маҳаллий аҳоли билан ўзини ўзи бошқариш орган – лари ва уларнинг мансабдор шахслари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун (27 – модда) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини фуқаролар йигинининг қарорига мувофиқ тугатишни кўзда ту – тади.

Ўзини ўзи бошқариш фаолиятида ошкоралик принципини таъминлаш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда аҳолининг кенг кўламда қатнашиши, ўзини ўзи бошқариш ор – ганлари ва улар мансабдор шахсларининг ишларини назорат қилиш муҳим шартдир.

*б) Ўзини ўзи бошқариш органининг мулки ва молиявий асосларини бошқариш функцияси.*

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 23 – моддасига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий – маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кучмас мулклар уларнинг мулки ҳисобланади.<sup>2</sup> Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулкини ўзи учун зарур бўлган тарзда ва исталган вақтда ишлатиш ҳуқуқига эгадир. Давлат бу ҳуқуқни тан олади. Бу, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор – ганлари маблағини кўр – кўрона, бўлар – бўлмасга сарф қилиши мумкинлигини билдирмайди, балки ўз маблағларидан унумли ва самарали фойдаланишини назарда тутаяди.

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил IX боб, 2 – § да ўқинг.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 2003 й. 23 – модда

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қилишда фуқаролар йиғини асосий ўрин тутади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда таъкидланишича, фуқаролар йиғини – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллан – тиради, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади; обо – довлаштириш ишларини ўтказиш умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилалар – нинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Бу функциянинг аҳамияти катта экан – лиги шубҳасиздир.

Маҳаллий аҳолининг ҳар бири фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки ва молиявий воситалари қандай мақсадларда сарфланаётганлиги тўғрисида ахборот олишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ушбу мол – мулк билан боғлиқ бошқа битимларни тузишга ҳақлидир.<sup>1</sup>

Қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мо – лиявий асосини мустаҳкамлаб қўйган. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси унинг ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратилган бюджет маб – лағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр – эҳсонларидан тапқил топади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисоб варақда сақланади. Ушбу органлар бу маблағдан белгиланган тартибда мустақил фойдаланади. Мазкур маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланганлик тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот бера – ди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни. Т.: 2003 й. 23 – 24 – моддалар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни. Т.: 2003 й. 24 – модда



в) *Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларининг комплекс равишда ривожланишини таъминлаш функцияси* — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари — шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллалар ўзида турлича хилма-хилликни акс эттиради, яъни бири — бирига ўхшамайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ўз тасарруфидаги бутун ҳудуднинг иқтисодий — маданий, экологик соҳаларда комплекс тарзда ривожланишини таъминлаши зарур, шу билан бирга, табиий ва бошқа маҳаллий ресурслардан фойдаланиш орқали ҳаёт ва яшаш учун нормал шароит яратиши лозим.

Ҳудудни комплекс равишда ривожлантириш учун, аввалам — бор, режа яшлаб чиқилиши зарур. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 10 — моддасига биноан, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли яшайдиган пунктларни ободовлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режасини тасдиқлайди.

Ҳудудни комплекс равишда ривожлантириш бевосита молиявий асосга боғлиқ.

г) *Аҳолининг ижтимоий — иқтисодий, маиший — коммунал ва кундалик ҳаёт учун муҳим бошқа эҳтиёжларини қондириш.*

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг асосий вазифаларидан бири аҳолининг яшashi учун қулай шароит яратиб беришдир.

Аҳолининг қулай шароитда яшashi учун зарур бўлган шароитни яратиб бериш, маҳаллий инфратузилмани ривожланиши — ришда асосий ўринлардан бирини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгаллайди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган ушбу функция ҳозирги кунда долзарб бўлиб турибди.

Аҳолини маиший — коммунал соҳа бўйича ижтимоий ҳимоя қилишда давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари катта имкониятлар берди, чунончи коммунал хизматлар учун тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тўпланган маблағнинг 20 фоизини, 75 фоиз таъминлаганда эса 10 фоизини уй — жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, шунингдек маҳалла, посёлка, қишлоқ ва овулларни ободовлаштириш учун фойдаланишга сарфлаш ҳуқуқи берилади.

г) *Жамоат тартибини сақлаш функцияси.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 12 – моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли шудудда жамоат тартибини сақлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганлар – нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқви муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши белгилаб қўйилган.

Жамоат тартиби ҳуқуқий – маънавий нормалар билан ҳамда ахлоқ, одоб, урф – одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.<sup>1</sup> Бу умумдавлат функцияси ҳисобланиб, ўзида Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатишни акс эттиради.

Жамоат тартиби фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун бир муҳит ҳисобланади, аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси эса жамоат тартибини дои – мий равишда бир хилда текис ҳолда сақлаб туриш учун зарур бўлган ўзақдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда фуқароларнинг онгли иштирок этишини мақсад қилиб, 1999 йил 15 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 113 – сонли қарори қабул қилиниб, республикамизнинг барча ҳудуд – ларида "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилди.

---

<sup>1</sup> Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ, Дарслик – Т.: Адолат, 2001. 84 – бет.

**IX БОБ.  
ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ТИЗИМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ  
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Ўзини ўзи бошқариш органлари  
тушунчаси ва тизими**

**Фуқаролар йиғини**

**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг ижроия органлари**

## IX БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ТИЗИМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

### 1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (32, 105 – моддаларига) биноан ўзини ўзи бошқариш, ҳам бевосита хо – ҳил – ирода изҳор этишининг турли шакллари йўли билан, ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади. Кун сайин ҳал этиладиган маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларнинг энг катта ҳажми айти ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига биноан *маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш ваколати берилган ва давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган, сайлаб қўйиладиган органлар ўзини ўзи бошқариш органлари* (1,7 – моддалар).

Жамият ва давлатни идора қилиш демократик тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин олади. Бу ўрин аввало шу билан белгиланадики, ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги бошқарув тизимини но – марказлаштиришни таъминлайди, натижада бошқарув тизими тарихий ривожланиш хусусиятлари, миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф – одат ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда жойлардаги аҳолининг манфаатларини таъминлашга хиз – мат қиладиган ҳолга келади.

Халқнинг ўз ҳокимиятини бевосита, шунингдек давлат ҳо – кимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга ошириши шуни билдирадики, давлат органлари ҳам, ўзи – ни ўзи бошқариш органлари ҳам ҳокимият органларидир, халқ ўз ҳокимиятини мазкур органлар орқали рўёбга чиқаради. Шу би – лан бирга бу органлар ҳокимиятни амалга оширишнинг турли шаклларида иборат.

Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар давлат ап – паративнинг таркибий бирликларидир, давлат органларидир. Шу сабабли, улар томонидан амалга ошириладиган ҳалқ ҳокимияти давлат ҳокимияти шаклида бўлади.

Бундан аввалги бобларда баён этилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқарув механизмининг

таркибий қисми эмас. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун (7-моддаси)га кўра бу органлар давлат ҳокимияти органлари тизимига кىрмайди, шу боисдан улар ҳалқнинг ўз ҳокимиятини амалга оширишида алоҳида бир шакл ҳисобланади.

*Ўзини ўзи бошқариш тизими деганда, маҳаллий аҳамиятга молик ва маҳаллий турмушга оид масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш воситаси бўлган турли ташкилий шакллар мажмуаси тушунилади.* Ўзини ўзи бошқариш тизими Ўзбекистонда ўзини ўзи ташкил этишнинг демократик принципларига асосланганлиги, жамият ва давлатда ўзини ўзи бошқаришнинг роли ва функциясини ҳисобга олиш асосига қурилганлиги, маҳаллий манфаатлар, тарихий ва бошқа маҳаллий анъаналарга таянганлиги туфайли уни ягона бир тизим деса бўлади. Давлат доирасида ягона тизимни ҳосил қилувчи давлат органларидан фарқли ўлароқ, ўзини ўзи бошқариш тегишли ўзини ўзи бошқариш тузилмалари доирасидагина ягона тизимни ҳосил қилишини назарда тутмоқ керак.

Ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органи бўлмагани ҳолда қатъий характердаги ҳокимиятни амалга оширади. Шу сабабли, улар ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар ўзини ўзи бошқариш ҳудудидаги барча корхона, ташкилот, муассасалар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида мустақилдирлар ("Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни, 1-модда). Аммо бу гапдан ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда амал қиладиган қонунлардан ва давлат ҳокимияти органларининг бошқа ҳужжатларидан мустақил равишда ҳаракат қиладилар, деган маъно келиб чиқмайди. Нисбатан мустақил бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларга давлатнинг айрим ваколатлари ўтказилиши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан олганда ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари сифатида ҳаракат қиладилар, уларнинг мазкур ваколатларни амалга ошириш соҳасидаги фаолияти давлат томонидан назорат қилинади.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 6-моддасига биноан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ишларига аралаштишларига йўл қўйилмайди. Қонуннинг 16-моддасига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул

қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёки суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга биноан ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этиш ваколатларига эга бўладилар. Республика қонунларининг, Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти фармонларининг ва бошқа қонун ҳужжат-ларининг ижросини ташкил этадилар, юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқариш органлари ўзини ўзи бошқарувчи ҳудудий бирликларнинг органлари бўлиб, улар томонидан тузиладиган ва ўз ваколатларини тегишли тарзда амалга ошириш учун улар олдида жавоб беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси ҳамиша ҳам тўғри тушунилмаганини таъкидлаб ўтмоқ керак. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун ва унинг 1999 йил 14 апрелдаги Янги таҳрири бу тушунчага маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этиш ваколатларини амалга ошириш учун ту-зиладиган барча органларни қўшиб юборган. Чунончи, ўша қонуннинг 7 – моддасига биноан:

– шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, ша-ҳарчалар, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари (вакиллар йиғилиши); фуқаролар йиғини кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда тузиладиган бошқа маъмурий комиссиялар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир, деб белгиланган. Бунда ўзини ўзи бошқаришнинг ижроия органи ва унинг таркибидаги барча бўлимчалар бир хил турдаги ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб қолур эди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқаришнинг олий органи, бе-восита демократиянинг бир шакли бўлган фуқаролар йиғини мазкур тузилма томонидан сайлаб қўйилган ижроия органдан мутлақо фарқ қилмас эди. Бу қонунга 2003 йил 30 августда ки-ритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бундай камчиликларни тuzатди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши соҳасида айрим терминологик муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" атамаси олимлар томонидан турлича изоҳланмоқда. Масалан, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" атамаси ўрнига "ўзини

ўзи бошқариш". "маҳаллий ўзини ўзи бошқариш" иборалари ёки "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" ўрнига "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмалари", "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари", маҳалла кўмиталари", "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари", "маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари" каби иборалар қўлланилиб, талқин этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (105-модда), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" ёки "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" деб аниқ ёзиб қўйилган, мазкур ибора фақат қонуний шаклда ўз ўрнида ишла-тилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жаҳон амалиётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик ва ижроия органларига бўлинган ҳолда тузилади.<sup>1</sup> Мазкур принципга биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва янги таҳрирдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик — шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши), ижроия органлари — фуқаролар йиғинининг кенгаши; фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; туман марказидан олисга жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарча, қишлоқ ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комис-сиялар каби гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳамда белгиланган намунадаги муҳрга эгаллиги ва маҳаллий давлат ҳокимият органларида рўйхатта олиниши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида *иккита орган*, яъни *вакиллик* ва *ижроия* органи мавжуд.

<sup>1</sup> Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. Учебник. — М: Юристъ. 2000. 222 — бет

## 2-§. ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг вакиллик органи — *фуқаролар йиғини* бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи ҳисобланади ва аҳоли манфаатларини ифодалаш ҳамда унинг номида тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда мазкур шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашадилар. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининггина ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олади. Сабаби, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип асосида ташкил қилинган, яъни бир ҳудудда ташкил қилинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қабул қилинган норматив ҳужжат иккинчи бир ҳудудда яшовчи аҳолига тааллуқли эмас, яъни уларга таъсир қилмайди.

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратта қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади, шу билан бирга халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари, туман, шаҳар ҳокимининг ёки 18 ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкинлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу ҳолатда йиғин фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади ҳамда у ёки бу тарзда қабул қилинган ҳужжат юридик аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти — ни унинг кенгаши ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ташкил этади. Фуқаролар йиғини кенгаши йиғин томонидан белгиланган ўз девонига эга бўлади. Бу девон фуқаролар йиғинининг маблағлари ҳисобига ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий буюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиб келмоқда.

Назирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган фуқаролар йиғини тўғрисидаги Наъмунавий Низом асосида фуқаролар йиғини ўзининг низомини тасдиқлайди ва унинг асосида фаолият юритади.

Фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан беришган исталган мажалисани кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғини қуйидаги ваколатларни амалга оширади:



— фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг масъулаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитилади;

— фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тегишли маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги визоҳларни тасдиқлайди;

— белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолининг) масъулаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолининг) тақдимномасига қўшилган фуқаролар йиғинининг масъулаҳотини тайинлайди;

— кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитилади;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва ҳаражатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

— қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

— халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатларига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакилик органларига таклифлар киригади;

— тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

— йилнинг ҳар чорагида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитилади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини

юритадилар, фуқароларнинг таклиф ва муурожаатлари бажарилишини назорат қиладилар;

– атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

– фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

– ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланиш жойларини таъмирлаш, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

– ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария – тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

– ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

– пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

– атроф – муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

– гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;

– маъмурий – ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чеғараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

– ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;

– уй – жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй – жой ва ҳовлиларни наъмунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари кам таъминланган оилаларга

моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб – қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжат – ларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўринаи ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига қўмақлашади, мар – казлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади.

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратта қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар ҳокими – нинг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроги ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Фуқаролар йиғинини бошқариш учун раёсат сайланади. Йиғинда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири раислик қилади. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳар бир йиғинда йиғин ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўр – сатилган ҳолда баённома юритилади.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳа – лардан фуқароларнинг намояндалари вакил қилинади. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгаши бел – гилайди. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир ва бундай йиғилиш фуқаролар йиғинларини ўтказиш тартибига нис – батан қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилади.

### 3-§. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (105 – модда) ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун (8, 12, 13, 14, 15 – моддалар) фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларининг мансабдор шахслари – фуқаролар йиғини раиси, йиғин кенгаши раиси, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раислари, йиғин тафтиш ва маъмурий комиссияларининг раисларини ҳамда хотиб ва бошқа мансабдор шахсларининг таркибини, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ваколатларини белгилаб берган.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари орасида фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) энг асосий ўринни эгаллайди.

**Фуқаролар йиғини раиси – ўзини ўзи бошқариш ҳудуди—га ўзини ўзи бошқариш фаолиятини амалга ошириш учун сайланган мансабдор шахс.**

Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқий ҳолати қуйидаги белгилар билан таърифланади:

– фуқаролар йиғини раиси сайланиш орқали эгалланадиган мансаб;

– фуқаролар йиғини раиси ўзини ўзи бошқариш ҳудудида фаолиятни ташкил қилади;

– маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш учун тегишли ваколатларга эга бўлади;

– низом асосида вакиллик органи таркибига киради ва фуқаролар йиғини мажлисларида раислик қилади;

– бевосита аҳоли ва фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради;

– ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахси бўлишига қарамасдан, у ўзини ўзи бошқариш хизматчилари турига кирмайди, чунки у сайланадиган мансаб ҳисобланади.

Оқсоқолик институти ўз ичига минг йиллик тарихий даврни қамраб олган. У давлат пайдо бўлишдан аввалги даврда ҳам, давлатимиз мустақилликка эришгунга қадар бўлган даврда ҳам мавжуд бўлган бўлиб, жуда катта тажриба тўплаган.

Оқсоқол лавозими собиқ Иттифоқ даврида ҳам сақланиб қолган эди, бунда уларга нисбатан «эликбоши», «маҳалла қўмитасининг раиси (оқсоқоли)» каби иборалар қўлланиб келган.

Маҳалла оқсоқоли аслида жамоани шахсий обрўйи асосида бошқаради, шу боис у юксак қобилиятли, чуқур ва кенг билимли, зеҳни ўткир ҳамда ишбилармон шахс бўлиши, энг асосийси, маҳалла аҳлини ўз орқасидан эргаштира олиши лозим.

Ҳозир республикамиздаги маҳалла оқсоқолларининг кўп – чилиги турли соҳаларда танилган тажрибали мутахассислар, фан докторлари ёки номзодларидан иборат бўлиб, аҳоли билан ҳам – корликда фаолият кўрсатмоқдалар.

**«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**

тўғрисида»ги қонун (13—модда) фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) қуйидаги ваколатларини белгилаб берган:

— фуқаролар йиғинини чақиради;

— раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодла — рини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади;

— қонуналар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши ус — тидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юри — дик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди;

— фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади;

— эгасиз мол — мулкни, шунингдек мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол — мулкни сақлаш чора — тадбирларини кўради;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади;

— кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек табиий офат — лардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй — жой — маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар кирятади;

— ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади;

— вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота — онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлашти — ришга кўмаклашади;

— ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

— яраштирув комиссиясида раислик қилади;

— тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим савалар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

— рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсати — шивининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг

олдини олишга доир ишларни уюштиради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя эти — лиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

— фуқароларни қабул қилади, уларнинг шикоятлари, ариза — лари ва таклифларини кўриб чиқади;

— фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжат — ларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз вако — латлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 14 — моддасида Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)га айрим фуқаролик ҳолати далолатно — маларини рўйхатта олиш ва нотариал ҳаракатларни амалга оши — риш ваколатлари берилган.

Унга кўра шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, оталикви аниқлаш ҳолатларини белгиланган тартибда рўйхатта олишлари мумкин.

Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунга мувофиқ қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар:

— васиятномаларни тасдиқлайдилар;

— ишончномаларни тасдиқлайдилар, автомобилотранспорт во — ситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончнома — лар бундан мустасно;

— мерос, мол — мулкнинг кўриқланишига доир чора — тадбирлар кўрадилар;

— ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кў — чирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайдилар, маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари бундан мустасно;

— ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди — лар;


— қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракат — ларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Маҳалла раиси (оқсоқол) тегишли ҳудудда ўз фаолиятини яқдиллик принципи асосида амалга оширади ва умуммажбурий аҳамиятта эга бўлган қарорлар қабул қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз васлатлари доирасида қабул қилган қарорларни тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) бажаришлари шарт. Тегишли ҳудудда раис (оқсоқол)нинг қарорини бажармаган шахслар қонуний асосда жавобгарликка тортилади.


Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қабул қилган қарорларни уларнинг ўзлари бекор қилишлари ёки суд ўз қарорри билан ҳақиқий эмас деб топилishi мумкин. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда раис (оқсоқол)нинг ваколатлари, у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда, фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда, унга нис – батан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган ҳолларда муддатидан илгари тугатилishi белгилаб қўйилган (21 – модда).

**Шаҳардаги фуқаролар йиғинининг  
тузилиши**






**Шаҳарча, қишлоқ, овул  
фуқаролар йиғинининг тузилиши**



Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла  
фуқаролар йиғинининг тузилиши<sup>1</sup>



<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикасининг фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг (янги таҳрири) 11 – моддаси шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳаллалар фуқаролар йиғинини ташкил қилиш мумкинлигини таъкидлаган.

#### 4-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг *ижроия органлари* фуқаролар йиғини томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш билан шуғулланадилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг *ижроия органлари*: *фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссиялардан иборат* таркибда ташкил этилади. Жамият эҳтиёжи ва давр талаби билан янгидан ташкил этилган ушбу органлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари ўртасидаги даврдаги жорий фаолиятни амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда *фуқаролар йиғинининг кенгаши* тузилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари:

– фуқаролар йиғинини чақиради;

– фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиши;

– фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашади;

– оммавий – сиёсий, маънавий – маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

– хотин – қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий – ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора – тадбирларни кўради;

– рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишнинг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни

мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора – тадбирларини кў – ради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади;

– тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

– икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маб – лағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди;

– бошқаларнинг парвариши ва ёрдамга муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу мақсадда аж – ратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

– мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъмин – лашга, шу жумладан, касаначиликни ташкил этишга кўмаклаша – ди;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхо – палар, саргарошхоналар, пойафзал таъмирлаш ва тикиш устахо – налари, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тутатиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор кейинчалик фуқаролар йиғинида тасдиқланади;

– аҳолининг уйларини, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзор – лаштириш ва ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлкалар, коммунал тар – моқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашувини ташкил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадларда ишлатади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўрик ва тан – ловлар ўтказади;

– ёқилги, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан те – жамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда исроф бўлишини ка – майттириш тадбирларини ўтказади;

– деҳқон ва фермер ҳўжалиklarини ривожлантиришга кў – маклашади;

тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

– савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қойдаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмакла –

шади;

— тегишля ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишиви ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганлар — нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

— аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

— ёнгина қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

— иморат қуриш ҳамда ҳовли ва уй атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

— уй — жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

— аҳолидан солиқ ва мажбурий тўловлар ўз вақтида туши — шига кўмаклашади;

— фуқаролар уй — жойдан фойдаланиш ҳаражатларини ва коммунал хизмат ҳақини банк муассасаси орқали ҳисоб — китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли уй — жой — коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашиви таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй — жой — коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам беришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек, ободонлаштириш ишларини ўтказишга ишлатади;

— фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этади;

— аҳолини фуқаролик ҳимоясига доир тадбирларни ўтказишга жалб этади, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни муҳофаза ишлари бўлимларига чақириладиганликларидан хабардор этишни ва чақиришни ташкил қилишга кўмаклашади, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овуллarda уларнинг шахсий — бирламчи ҳисобини юритади;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштириш комиссияси тузади;

— «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳба —

рини тайинлайди ва тузиламага аъзолар қабул қилади:

– фуқаролар йиғинининг ёшлар ўртасида ташкилий – тарбиявий ва оммавий – спорт ишларини олиб борувчи педагог тарбиячисини тайинлайди;

– жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан бир – галикда амалга оширади;

– илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фах – рийлардан, хотин – қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакиллари – дан комиссиялар тузади.

– фуқаролар йиғинининг кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғини кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижроия органларидан бири бўлиб, унинг асосий иш шакли мажлисдан иборат. Мажлис фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратга қараб, лекин ойига камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини Кенгаши ва бошқа органларини тузишда кўпгина омилар таъсир этади: маҳалла ҳудудининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳоли сони, молиявий имкониётлари ҳамда миллий – маҳаллий анъаналар ва ҳоказолар.

Шаҳарча, қишлоқ, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, одатда, органларининг кўп бўлмаган таркибга эгалар. Йирик шаҳар, туман маҳалла фуқаролар йиғинлари кўп тармоқли тузилишга эга Кенгашини шакллантиради, улар мазкур тузил – маларнинг мураккаб ижтимоий – иқтисодий ва маҳаллий ҳаёт – нинг бошқа масалаларини ҳал қилиш зарурати туфайли юзага келади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ўз маслаҳатчилари номзодини кўриб чиқиш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мав – зелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади. Одатда, Кенгаш молиявий – иқтисодий фаолиятда, коммунал – хўжалик соҳасида, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий сиёсат ҳамда бошқа соҳаларда маслаҳатчиларни сайлаши мумкин. Вазифаларнинг тақсимланиши раҳбар томонидан белгиланади. Бундан ташқари, қойдага кўра, *фуқаролар йиғини Кенгашининг девони* ҳам ту – зилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини Кенгаши ўз девонига эга бўлиши мум –

кян, унинг ходимлари сови йигин томонидан белгиланади. Йигиннинг масъуа котиби ва Кенгаш девони ходимлари йигинни, Кенгаш мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайдилар, йигиннинг, кенгашнинг ва раиснинг (оқсоқолнинг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайдилар, иш юритилишини амалга оширадилар.

Фуқаролар йигинининг Кенгаши ва органларининг функциялари, фаолиятининг ташкил этилиши ва тартиби фуқаролар йигини низомининг мазкур органлар тўғрисидаги махсус қоидалари билан белгиланади. Фуқаролар йигини органлари ходимлари Раис (оқсоқол) кўрсатмалари ва қўлланмалари асосида фаолият кўрсатадилар.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти — ни ташкил этишни унинг Кенгаши ҳамда фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли) амалга оширадилар.

Раиснинг *маслаҳатчилари* ўртасида вазифаларни тақсимлаш фуқаролар йигини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича йигин томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йигини ваколатларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ташкил этилади. Уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари фуқаролар йигини томонидан аниқланади.

Фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссиялар тузилиши мумкин:

- Маънавий — маърифий ишлар бўйича комиссия;
- Аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси бўйича комиссия;
- Тўй — ҳашам, маросим ва маъракалар ўтказиш бўйича комиссия;

- Жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликларни олдини олишга кўмаклашиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича комиссия;

- Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болали оилаларга нафақа белгилаш ва ёлғиз қолган кексаларга ёрдам кўрсатиш бўйича комиссия;

- Иш билан бандлик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича комиссия;

- Ободонлаштириш, ижтимоий инфратузулмань ривожлантириш ва атроф муҳитни муҳофазаси бўйича комиссия;

- Коммунал тўловлар аҳоли томонидан вақтида тўланиши ва кам таъминланганлар оилаларига тўлашга ёрдам бериш бўйича

комиссия;

– Мактаб ва мактабгача бўлган муассасалар билан ишлаш бўйича комиссиялар.

Лозим деб топилган ҳолларда бошқа йўналишлар бўйича ҳам комиссиялар тузилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раиси ва аъзолари фуқаролар йиғини то – монидан раис (оқсоқол) тақдмотига асосан сайланадилар.

**Тафтиш комиссияси** фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молия – хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғини томонидан ваколат муддатига уч кишидан кам бўлмаган аъзолар таркибда сайланадилар.

Тафтиш комиссияси аъзолари сони уч кишидан камайган тақдирда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки кенгаши бир ой муддатда тафтиш комиссиясига керакли бўлган аъзоларининг сонини сайлаш учун фуқаролар йиғинини чақириши лозим бўлади.

Тафтиш комиссиялари аъзолари бир вақтнинг ўзиде фуқаролар йиғинининг бошқа органлари лавозимини эгаллашлари мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини ва унинг органлари молия – хўжалик фаолиятини текшируви йиллик фаолият натижалари ёки фуқаролар йиғинининг қарори билан бошқа муддатда амалга оширилади.

Туман мархазидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда **маъмурий комиссиялар** тузилади.

Маъмурий комиссияни тузиш ҳақидаги қарорни туман ҳокимининг тақдмотига асосан туман халқ депутатлари Кенгаши қабул қилади.

Маъмурий комиссия уни тузиш зарурати тўғрисидаги илтимоснома, тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар органлари ва бошқа манфаатдор бўлган ташкилотларнинг умумлаштирилган таклифига биноан ҳокимият томонидан тузилади.

Маъмурий комиссия фуқаролар йиғини томонидан ваколат муддатига раис, унинг ўринбосари, котиб ва 6 та аъзодан кам бўлмаган таркибда сайланади.

Маъмурий комиссия фаолияти ўз ваколатига тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 246 –



моддасига асосан тартибга солинади.<sup>1</sup>

Тафтиш ва маъмурий комиссиялар тўғрисидаги Низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади. Тафтиш ва маъмурий комиссиялар ўз фаолиятида мустақилдирлар ва фақат фуқаролар йиғини олдида ҳисобдордирлар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида яраштириш комиссиялари тузилади, уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19 апрель 1999 йил 180-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми асосида ташкил этилади.

Яраштириш комиссиялари Ўзбекистон Республикасини ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашлари – ни таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот – таъвиқот қилиш мақсадида тузилади.

Яраштириш комиссияларига фуқаролар йиғини оқсоқоллари ёки уларнинг ўринбосарлари раислик қиладилар.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига биноан онгли равишда ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон – эътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, живоятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ – тартибот орگانларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган, тегишли маҳаллада истиқомат қилувчи, 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Посбонларнинг сони маҳалланинг катта – кичиклиги, ушбу ҳудудда яшайдиган аҳоли сони ҳамда юзага келган вазият ва уни барқарорлаштириш йўлидаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар йиғини Кенгаши қарорига асосан ўзгартирилиши мумкин.<sup>2</sup>

Маҳалла посбонлари маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи муқаддам судланганларни ишга жойлаштириш, қачон келиши, ким билан юришини сўраб суриштирадилар ва доимо эътиборларида тутадилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодекси. 246 – модда.

<sup>2</sup> «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180 – сон қарорига 2 – илова.

**Х БОБ.  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**Ўзини ўзи бошқариш ваколатлари тushунчаси**

**Ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий аҳамиятга молик ма-  
салалари амалга ошириш борасидаги ваколатлари**

**Давлатнинг айрим ваколатларини  
Ўзини ўзи бошқариш органларига  
Ўтказиш масалалари**

## 1-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВАКОЛАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун «Ўзини ўзи бошқаришнинг ваколатлари» тушунчасини белгилаб қўйилган (10, 11, 12, 13 – моддалар).

Умуман, юридик адабиётларда «ваколат» ибораси турлича талқин этилган. Чунинчи, юридик энциклопедияда ёзилишича, «ваколат» – маълум давлат органи ёки мансабдор шахснинг давлат органлари тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг муштарак тизимидир.<sup>1</sup>

Бошқа бир адабиётда эса ваколат «бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва шу кабилар номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакилик ҳуқуқи»<sup>2</sup> ёхуд «қонун, низом ёки бошқа актлар асосида бирор – бир орган ёки мансабдор шахсга берилган ҳуқуқлар»<sup>3</sup> деб таърифланган.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси: «ваколат – вакилнинг ваколат берувчига фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтириши, ўзгартириши ва бекор қилиши учун асос, яъни ҳуқуқдир»<sup>4</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий масалаларидан бири уларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш бўлиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаиб қўйилган ваколатларни тадқиқ этишни тақазо қилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари билан бевосита боғлиқ масалалар турли хил ялмий ва ўқув адабиётларида ҳам турлича талқин қилинган.

М.Сувонқулов фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари деганда норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мазкур органларга берилган ва уларнинг ваколат доирасига кирувчи масалалар мажмуаси ҳамда улар ҳуқуқ ва мажбурият –

<sup>1</sup> Қаранг: Юридик энциклопедия // У. Тожиқоновнинг умумий таҳририда. – Т.: Шарқ, 2001. 69 – бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. Т.1. 171 – бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ожегов С.И. Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: 1993 г. 571-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 – жилд. 367 – бет.

ларининг муштарак тизимини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат доирасига кирувчи вазифалар деганда, тегишли ҳудуддаги маҳаллий аҳамиятта молик масала – ларни ҳал қилиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш, деб тушунади.<sup>1</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини олимлар турли гуруҳларга бўлиб ўрганишни таклиф қилганлар. Л.М.Бойко фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини амалга оширувчи органларнинг ваколатларини уларнинг тапқил этилишига кўра, яъни вакиллик ва ижроия органларига бўлиб таҳлил қилиш ғоясини илгари суради.<sup>2</sup>

В.И.Фадеев ва О.Е.Кутафинлар эса фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини уларни амалга оширувчи субъектларга кўра таҳлил қилишни, яъни маҳаллий аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган ваколатлар гуруҳларига бўлиб ўрганишни тавсия этади.<sup>3</sup>

Умуман, Конституция ва қонунларда ҳамда бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий аҳолининг мавфаватларини қондириш ҳамда маҳаллий аҳамиятта молик бошқа масалаларни ҳал қилиш ваколатлари берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг деярли барча жиҳатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда, шунингдек, давлат органлари томонидан қабул қилинган бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини мазкур ваколатларнинг мазмуни, амалга оширувчи субъектлари ва соҳаларига қараб турли шаклларда таснифлаш ва таҳлил қилиш мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари мазмунига кўра мушлоқ ва нисбий ваколатларга бўлинади. Мушлоқ ваколатлар деганда, у ёки бу масалани тўғридан – тўғри, ўзгаларнинг аралашувисиз ҳал қилиш, нисбий ваколатлар

<sup>1</sup> М.Сувонкулов «Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий – ҳуқуқий масалалари». Юридик фанлар номзоди номий даражасини олиш учун Автореферат. – Т.: 2002 й. 18 – бет.

<sup>2</sup> *Бойко Л.М. Правовой статус органов самоуправления граждан по новому законодательству Республики Узбекистан // Узбекистанда ижтимоий фанлар, №1, 2000. 19 – 25 – бетлар.*

<sup>3</sup> *Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. Учебник. – М.: Юристъ 2000. 337–340-бетлар.*

*деганга* эса у ёки бу тарздаги ташкилотчилик ва ёрдамчилик вазифасини бажариш ёки бирор бир органга у ёки бу вазифани бажаришда кўмаклашиш назарда тутилади.

Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини уларни амалга ошираётган *субъектларга кўра* ҳам таснифлаш мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, маҳаллий аҳолининг бевосита иштироки (фуқаролар йиғини) орқали амалга ошириладиган ваколатлар;

*иккинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғинининг кенгаши ва комиссиялари) орқали амалга ошириладиган ваколатлар;

*учинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари (фуқаролар йиғинининг раиси ва бошқа мансабдор шахслар) амалга оширадиган ваколатлар.

Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқаришнинг ваколатлари — ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари билан мустаҳкамланган, ўз ҳудудига вазифа ва функцияларни бажариш учун берилган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва вазифаларининг муштарак тизимида.

## 2-§. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш соҳаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) ижтимоий соҳадаги ваколатлар;
- 2) сиёсий соҳадаги ваколатлар;
- 3) маънавий — тарбиявий ва маданий соҳадаги ваколатлар;
- 4) қонунийликни таъминлаш ва жамоат тартибининг сақлаш соҳасидаги ваколатлар;
- 5) молиявий — иқтисодий соҳадаги ваколатлар;
- 6) атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудудни ободонлаш — тириш соҳасидаги ваколатлар.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу ваколатларини таҳлил қилиш уларнинг моҳият ва мазмунини ўрганишга имконият беради.

*а) Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий соҳасидаги ваколатлари.* Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг асосий қисmini ижтимоий соҳадаги ваколатлар ташкил этади, зеро ижтимоий ҳимоя фуқаролар ўзи —

ни ўзи бошқариш органларининг бош вазифаси ҳисобланади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ижтимоий соҳада жуда кенг ваколатлар берилаган. Ушбу қонуннинг узвий давоми тариқасида бир қанча фармонлар<sup>1</sup> чиқарилиб, бу соҳадаги ваколатлар кенгайтирилди. *Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақа тайинлаш* масалаларини ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб – қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдала – нишни таъминлаш шулар жумласидандир.

Қонунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий бўғини бўлган маҳаллалар орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Чунки маҳаллий аҳолининг аҳ – волидан, ҳаёт шароитидан хабардор бўлиш вазифасини маҳалла аъло равишда бажаради ва шундагина давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағлар ҳақиқий эгасини топади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг уй – жой ва коммунал хизмат ҳақларини ўз вақтида тўлашни таъминлашга кўмаклашганиги учун унинг ҳисобига ўткази – ладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй – жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёр – дам беришга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек, ободонлаштириш ишларини ўтказишга ишлатади.<sup>2</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий, уй – жой ва маншый шароитла – рини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга тақлифлар кири – тади ҳамда воғга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота – онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади, яъни васийлик вазифасини ҳам бажаради.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ шу соҳада бошқа ваколат –

<sup>1</sup> Батафсил: бу ҳақда б – бобнинг 5 – § га қаранг.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Адалия Вазирлиги томонидан 1999 йил 30 мартда 683 – рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган – ларини уй – жой коммунал хизматлар ҳақининг аҳоли томонидан тўлиқ тўлаши – шини таъминлаганлиги учун рағбатлантириш тартиби».

ларни амалга оширади.

б) *Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сиёсий соҳадаги ваколатлари.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги<sup>1</sup> қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаш учун бир қанча ваколатлар берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илк мартаба халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят кенгашилари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, уларнинг ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларни амалга оширишларида кўмаклашади.

в) *Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маънавий—тарбиявий ва маданий соҳадаги ваколатлари.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий бўғини бўлиш маҳалла қадимдан маънавият, маърифат ҳамда маданият маркази сифатида алоҳида ўрин тутиб келган. Маҳалла маънавий тарбия маскани сифатида инсонни ватанини севиш, ардоқлаш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялайди, чунки ватан остонадан, маҳалладан бошлавади, деган ҳикматни ёшлар онгига сингдиради. Маҳалла шахсни ҳар тарафлама, чунончи, маънавий, ҳуқуқий ва ғоявий жиҳатдан тарбиялашга ҳаракат қилади, натижада унинг кони инсон бўлиб етишишига катта ҳисса қўшади.<sup>2</sup>

Маҳалланинг маънавий—тарбиявий хусусияти мавжудлиги сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бир қанча ваколатларга эга.

Жумладан, маҳалла халқнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида оммавий—сиёсий, маънавий—маърифий, маданий, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиши ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади. Шу билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 110-модда.

<sup>2</sup> Қодиров Қ. Маҳалла тарбия маскани. — Т.: Ҳаёт ва қону, 1999. №8, 19—21 — б.

бир қаторда, хотин – қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий – ахлоқий му – ҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган учрашувлар, кечалар ва бошқа шу каби чора – тадбирларни ўтказади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тарбияга оид масалалар юзасидан *"Оила, мактаб ва маҳалла"* дастури асосида таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар беради.

г) *Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунийликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги ваколатлари.* Мамлакат равнақи ва халқ фаровон – лигини оширишда энг муҳим омиллардан бири бўлган осойиш – таликни таъминлашда, ҳуқуқ – тартиботни мустаҳкамлашда фуқаролар онгли равишда иштирок этиб, ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган маҳаллада ўзи тартиб ўрнатиши, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда, маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш ва сиёсий – ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш чораларини кўриши зарур.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунийликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда та – лайгина ваколатларга эга бўлиб, жумладан, қонунларга риоя этилиши ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари, шу – нингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг қарорлари ижро этилиши устидав жамоатчилик назоратини амалга оширади ҳамда рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этишларини таъминлаш, диний дарашаларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чо – ра – тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташки – лотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқади.

Шу билан бирга, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганлар – нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ор – ганлар билан ҳамкорликда фаолият юритади. Мазкур фаолиятни такомиллаштириш мақсадида 1999 йил 15 мартда Вазирлар Маҳ – камасининг 11 – сонли қарори асосида республикамизнинг барча



ҳудудларида "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жазови ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий фойдала меҳнат билан банд этиш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий кўникма марказлари билан биргаликда амалга оширади, илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларга тар-биявий таъсир ўтказиш учун фахрийлар, хотин – қизлар ва ёш – лар, маданият ва дин вакилларида иборат комиссиялар тузади ҳамда жинойи жазови ижро этиш муассасидан озодликка чиққан ҳар бир шахсни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда уни жамиятда яшашга мослаштиришда маҳалланинг бе – восита таъсиридан фойдаланади.

д) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа ваколатлари билан бир қаторда *молиявий–иқтисодий соҳадаги ваколатлари* ҳам амалга оширади, жумладан, мазкур органининг ўз маблағларини шакллантиради, мулкита эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, пул маблағлари сарфлани – шини назорат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ хунармандчилиги цех – ларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхона – ларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тутатиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор кейинчалик фуқаролар йиғинида тасдиқланади. Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгасиз мол – мулкни, шунингдек, мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол – мулкни сақлаш чора – тадбирларини кўради ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартно – малар, жумладан, меҳнат шартномалари тузади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди. Аҳолидан со – лиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклаша – ди.

Фуқаролар уй – жойдан фойдаланиш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини банк муассасаси орқали ҳисоб – китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тулашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади.

Аҳоли уй – жой коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминланганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй – жой коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам беришга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш орган – ларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек ободон – лаштириш ишларини ўтказишга ишлатади.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб – қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдалани – лишини таъминлайди.

Ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиё – рийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Молиявий – иқтисодий соҳа энг муҳим соҳа ҳисобланади, шунинг учун бошқа барча ваколатлар ушбу соҳадаги ваколат – ларга боғлиқдир.

*е) Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудудни ободон – лаштириш соҳасидаги ваколатларни амалга оширишда те – гишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса, ташкилот раҳбар – ларининг ҳисоботларини тинглайди, ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шу – нингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартиралар – ини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.*

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ободон – лаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария – тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхона ва ташки – лотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади ва ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан таклифлар киритади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг уйлари, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофи – даги ҳудудларни ободонлаштириш, спорт майдончаларини жи – ҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлаклар, коммунал тар – моқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини

ташқил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадда ишлатади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказиши ҳамда қонунда берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари таҳлиладан маълум бўлишича, уларнинг ваколатлари асосан **ташқилотчилик, жамоатчилик назорати ва мустақил ҳолда амалга ошириш** каби шаклларда намоён бўлади. Бунда учта зарурий жиҳатга эътибор беришлари талаб қилинади:

**биринчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун асосида эга бўлган ёки бирор бир орган ихтиёрий равишда берган ваколатларни ҳеч кимнинг аралашувисиз мустақил равишда амалга ошириши лозим, зеро ўзини ўзи бошқаришнинг туб моҳияти ҳам ана шунда;

**иккинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишида давлат молиявий – иқтисодий жиҳатдан қўллаб – қувватлаши лозим. Агарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатларни амалга оширишида молиявий жиҳатдан қўллаб – қувватланмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юзаки ва номигагина тузилган орган бўлиб қолади;

**учинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини фақат қонун доирасида назорат қилиш лозим.

### **3-§. ДАВЛАТНИНГ АЙРИМ ВАКОЛАТЛАРИНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ўзини ўзи бошқариш амалий ва назарий маънода ҳокимият ва бошқарувни ташқил этишнинг номарказлаштириш усули билан боғлиқдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлат бошқарувини нормарказлаштириш – мамлакатда демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасидаги энг муҳим муам – молардан биридир.

**Номарказлаштириш – марказий давлат органларининг ваколатларини қуйи органларга – давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига ва сўнгра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш усулидир.**

Ўзбекистонда Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари гоясини амалга ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш бир қанча давлат ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига, айни вақтда жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма — босқич ўтказишни кўзда тутди. Ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, давлат ваколатларининг бир қисмини аста — секин уларга топшириш долзарб масала ҳисоб — ланади.

Хўш, жиддий вазифанинг ташкилий — ҳуқуқий томонлари, шакл ва услублари, ташкилий йўналишларига ёндашув қандай бўлади? Ушбу ҳақли савола жавоб беришдан аввал, айрим дав — лат ваколатлари деган иборага нималар киришини, улар қандай ваколатлар эканини, қандай меъёрий асосда танланишини аниқлаб олиш зарурати туғилади.

Аниқ равшанки, давлат ваколатлари деганда, албатта, давлат ҳокимияти органларига Республика Конституцияда, қонун ва ҳуқуқий — меъёрий ҳужжатларда белгиланган ваколатлар кўзда тутилади. Бу ваколатлар, табиийки, мамлакатимиз фуқароларининг Ўзбекистон Конституциясида ва бошқа ҳуқуқий — меъёрий ҳужжатларда қайд этилган, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этиш ва амалда қўлланиш дои — раси билан чегараланади.

Агар у ёки бу ваколатни бир — биридан мазмун — маъно жи — ҳатидан фарқлайдиган бўлсак, бизнингча, давлат ҳокимиятининг ваколатлари бу ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий — иқтисодий ва бошқа ваколатлардан иборат бўлиб, уларни қўллаш, айтишлик, фақатгина бир ҳудуд аҳолисининг ҳаётини масалалари билан боғлиқ бўлмай (бундай ҳолат ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига мансубдир), бевосита бутун давлат аҳолисига та — алуқлидир. Бу ҳолат, албатта, ҳисобга олинishi зарур.

Давлат ҳокимият органлари ваколатларининг мазмун — моҳиятини аниқлаш зарурати энг аввало шундан келиб чиқадики, ҳозиргача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бе — рилган ва амалга оширилаётган ваколатларнинг қандай бажари — лаётганини, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни, бор тажрибани ўрганиш, таҳлил этиш билан бирга янги босқичда бериладиган ваколатларни аниқлаш, асослаш, бу масалани ҳар томонлама пухта ўйлаб, мукамал ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 2 — моддасида «Демо — кратик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий принциплари» деб таъкидланган ва унда айрим ваколат — ларни марказий ҳокимиятдан маҳаллий бошқарув органларига ва

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига босқичма – босқич ўтказиш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Лекин мазкур Қонун унинг ташкилий – ҳуқуқий шакли, ва – колатларни ўтказиш тартиби ва принциплари қандай бўлишligи ҳақида узил – кесил жавоб бермаган.

Шунинг учун бизнинг фикримизча, давлатнинг айрим ва – колатларини ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишга бағишланган «Давлатнинг айрим ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг умумий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг алоҳида Қонуни қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу Қонун қуйидаги зарур ҳодаларни қамраб олиши ке – рак, деб ҳисоблаймиз:

1. Қонунда давлат ваколатларини ўтказиш билан бир вақтда уларни амалга ошириш учун зарур моддий ва молиявий маблағлар ҳам ажратилишини кўрсатиш шарт. Шундагина ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган ваколатларнинг бажари – лиши кафолатланади ва унга хос бўлган асосий вазибалар ба – жарилиши учун имконият яратилади.

Давлат ваколатлари ўтказилиши муносабати билан ажра – тиладиган молиявий ва моддий маблағлар ҳажмини белгилашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишил – ган ҳолда иш тутиш зарур бўлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фикрича, давлат ваколатлари молиявий тўла таъминланмаган ҳолда ўтка – зилган тақдирда, ўзини ўзи бошқариш органлари ўтказилган ва – колатларни тўла бажариш учун имконият йўқлиги ҳақида ва ўт – казилган ваколатларни маълум миқдордагина амалга ошириши мумкинлигини кўрсатиб Республика Ҳукуматига мурожаат қилиши лозим бўлади. Агар Республика Ҳукумати тегишли муд – датда Ушбу масала бўйича бирор қарорга келмаса, ўтказилган ваколатни тўла бажариш имконияти йўқлиги ҳақидаги фикрга қўшилган деб ҳисоблаш керак бўлади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўтказилган ваколатни бажариш ҳажмини мустақил равишда аниқлайди.

2. Қонунда ўтказилаётган ваколатларни моддий – молиявий жиҳатдан таъминлаш кафолати белгилаб қўйилиши ва уларни тўла ижро этиш учун зарур маблағни ўз вақтида ажратиб бериш кафолатланишини қайд этиш зарур. Ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган ваколатларни бажариш ва бажармаслик ҳолати уларнинг маблағ билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқдир.

3. Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи

ва уларнинг мугасадди раҳбарлари Ҳукумат томонидан қандай моддий ва молиявий таъминланганлигига қараб, қанча ишни ба – жара олиши алоҳида кўрсатиб ўтилиши керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг раҳбар ходимлари ўтказилган ваколатларни давлат органлари тўла миқдорда моддий ва молиявий таъминлаган тақдирда мазкур ваколатлар тўла ҳажмда бажарилиши учун жавобгар бўлади. Агар давлат органлари ўтказилган ваколатларнинг бир қисмини ба – жаришга етадиган маблағ ажратса, ўзини ўзи бошқариш орган – ларининг раҳбарлари ишнинг маблағ билан таъминланган қисмигина бажарилиши учун жавоб беради.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат зарур маблағ билан етарли миқдорда таъминланмагани учун ўтказилган ваколатларни бажаришдан бош тортиш имкони ҳам берилиши керак.

4. Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган – ларига шартнома асосида вақтинча бажариш учун берилган ва – колатларни уларнинг ўз ихтиёри билан бажаришларини ҳам кўзда тутиш мумкин. Ваколатларни шартнома тартибида ўтка – зишнинг ўзига хос томони шундаки, у томонларнинг ўзаро ке – лишуви асосида ўтказилади. Шундагина шартнома йўли билан ўтказилган ваколатлар қулайроқ, тезроқ ва осонроқ амалга оши – рилади.

5. Ўтказилаётган ваколатларнинг ҳажми ҳаддан ташқари катта бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Респуб – ликаси «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилиш асосий принциплари» деган Конституциявий қонунда ай – рим давлат ваколатларининг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма – босқич ўтказилиши кўзда тутилган.

6. Айрим ваколатларни ўтказишдан аввал илгари ўзини ўзи бошқариш органларига қоида тариқасида ўтказилган вако – латлар қандай бажариладётганлиги чуқур таҳлил этилиши зарур. Очигини айтганда, айрим ўзини ўзи бошқариш (пасёлка, қишлоқ, овул) тузилмалари кўп жиҳатдан собиқ шўролар давридаги маълум ва машҳур «Маҳаллий Советлар» қобиғида қолиб кел – моқда. Афсуски, улар фаолияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши жорий этилиши номарказлаштиришга ва ваколат – ларни кенгайтиришга олиб келмади. Ҳолбуки, ўзини ўзи бошқаришни жорий қилишнинг асосий мақсади – халқ бошқарув органларини эркинлаштириш ва ваколатларни кен – гайтиришдан иборат эди.

Давлат, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари ва – колатларини тақсимлаб қўйиш, ҳозирги вақтда ўзини ўзи

бошқариш органлари томонидан бажарилаётган ваколатлар, рўйхатини ва бунинг учун йўналтирилган моддий – молиявий маблағ ҳажмини белгилаш илгари ўтказилган ваколатларни амалда бажариш самарадорлигини аниқлаш – тақлиф қилинаётган Қонун лойиҳасининг муҳим қисмларидан бирчидир

Айрим давлат ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда қуйидаги талаблар ҳисобга олинishi керак деб ўйлаймиз:

- мақсадга мувофиқлиги ва қонунийлиги;
- моддий – молиявий таъминланганлиги;
- ижтимоий – иқтисодий асосланганлиги;
- берилган ваколатларни аниқ ва ошқора ижро этиш им – конияти;
- берилган ваколатларнинг амалга оширилиши давлат на – зоратига олинishi.

Агар давлат маҳаллий ҳокимият органларининг моддий – молиявий ресурслари танқислигини, аксарият ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий асослари аниқланмаганлиги ва ўта камлигини инобатга олсак, тақлиф қилинаётган «Ўзбеки – стон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш ор – ганларига айрим давлат ваколатларини ўтказишнинг умумий принциплари» қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни мураккаб бўлишини тасаввур қилиш мумкин.

**XI БОБ.**  
**ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАЙСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ**  
**МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ**



## XI БОБ. ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ижтимоий – сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият қурилишини зр – кинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислохотларда фуқароларнинг ижтимоий – ҳуқуқий фаолиятини ошириш учун зарур шарт – шароитлар яратиш йўлида муҳим босқич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессия – сида 2004 йил апрелда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг хоҳиш – иродасига айнан мос тушади. Чунки, бошқарув тизимида халққа яқин туришда бу бўғинга тенг келадигани йўқ.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий турмушдаги роли ва аҳамияти Ўзбекистон Президентини И.А.Каримов томонидан бир неча бор таъкидланганлиги, ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда давлатимиз бош – лиги «фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг сайлаш тўғрисида қонун қабул қилиниши керак»<sup>1</sup> дедилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бутунги кундаги фаолияти, уларнинг иш тажрибаси ижтимоий – сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими – ни ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Эркин ва демократик сайловларсиз ҳуқуқий давлат ва адо – латли фуқаролик жамияти қуришни тасаввур этиб бўлмайди. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонун бошқарувнинг бу тизимига сайлов чинакам демократик эркин бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада аниқроқ белгилаб қўйиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашни тапқил этиш ва ўтказиш муноса – батларини тартибга солиш Қонуннинг асосий мақсадидир.

Ушбу қонун мамлакатимизда демократик жараёнларни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш – нинг ҳуқуқий пойдевори. Халқ сўзи, 2003. 6 – декабр.

янада чуқурлаштиришга ва улкан аҳамиятга молик муҳим ижтимоий – сиёсий тадбирни юқори даражага кўтаришга йўналтирилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлово тўғрисида»ги қонун ҳам халқаро қонунчилик ва ҳам миллий қонунчилигимиз тарихида дастлабки тажрибадир.

Мазлумки, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи – маҳалла тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалса – да, фақат мустақиллик давридагина унинг аҳамияти ва моҳияти юксак кадрлана бошланди. Маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига мустақиллик берилди, уларнинг тараққиёти таъминланди, келажаги кафолатланди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи юридик негиз, тегишли қонунчилик ҳам айни шу истиқлол шарофати туфайли яратилди ва изчил мукаммаллаштириб борилмоқда. Собиқ шўролар даврида маҳалла фаолияти XX асрнинг 60 – йилларида тасдиқланган биргина Низом билан тартибга солинарди, ҳолос.

Маҳаллалар фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва изчил революционизмининг ҳуқуқий асосини таъминлашга қаратилган махсус Қонун – «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг қабул қилиниши юқорида зикр этилган конституциявий қоидаларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қадар амалдаги қонунчиликда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солувчи конкрет қоидалар, аниқ меъёрлар мавжуд эмаслигини қайд этиш лозимдир.

Бу қонунга қадар ушбу жараён ҳар икки ярим йилда – сайловлар арафасида Олий Мажлис Кенгаши қабул қиладиган махсус қарор асосида на 2001 йили тасдиқланган намунавий Низом билан тартибга солиб келинар эди. Худди ана шу шарт – шароит йиллар давомида бу борада тўпланган ибратли тажрибалар фуқаролар йиғинларига ўтадиган сайловларни тартибга солувчи алоҳида қонун яратиш заруратини кун тартибига қўйди.

Қолаверса, демократия дарсхонаси бўлмиш маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари сайловларининг ўта кенг миқёсда ўтиши ҳамда мамлакатимиз ижтимоий – сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳам шунини тақозо этаётганди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов муҳим ижтимоий – сиёсий тадбиргина бўлмай, ҳар биримизга тааллуқли бўлган давлат аҳамиятига молик катта воқеадир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролар ўз хоҳиш иродасини эркин билдиришлари ҳамда Конституцияда белгилаб қўйилган мустақил танлаш ҳуқуқини эмин – эркин амалга оширишлари учун қулай шароит яратиб беришлари зарур.<sup>1</sup>

Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларига сайловларни ташкилий жиҳатдан юксак даражада, қонун талабларига риоя этган ҳолда ўтказиш, шунингдек сайловни ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш ва аҳолининг сайлов тадбирларида иштирокини таъминлаш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича посёлка, қишлоқ ва овул ишчи гуруҳлари, шунингдек шаҳардаги маҳалла ишчи гуруҳлари олдиндан тузилади.<sup>2</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари тегишли ҳокимларнинг қарори билан ташкил этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича шаҳарча, қишлоқ, овул ишчи гуруҳи, шунингдек, шаҳардаги маҳалла ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан тузилади.

Комиссия таркибига фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг, жамоат бирлашмалари (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашлари, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Маънавият ва маърифат» Республика кенгашининг ҳудудий бўлинмалари, Хотин – қизлар қўмитаси ва бошқалар)нинг вакиллари киритилади.

**Комиссиянинг вазолатлари:**

– ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гуруҳларининг фасолиятини йўналтириб боради;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуни. Т. 2004 йил 9 – модала.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. Т.: 2004 йил 11 – модала

ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллари) вазифасига номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларни тинглайди;

– тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқунларини чиқаради;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир муурожаатларини кўриб чиқади;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини теъминлайди.

Ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғинининг вакиллари, мазкур фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аъзолари киритилади. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин.

#### **Ишчи гуруҳ:**

– фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камидан беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни ҳабардор қилади;

– фуқаролар йиғини иштираётчилари рўйхатта олинишини амалга оширади;

– тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг

маслаҳатчилари такрорий сайлови ўтказилишини ташкил этади;

— фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масала — ларига доир муножабатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат — ларни ҳам амалга ошириши мумкин.<sup>1</sup>

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг мас — лаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссия ёки ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия ёки ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойини белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан 5 кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади.

Фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) қонун ҳужжатла — рида белгиланган тартибда чақирилади ҳамда ўтказилади.

Фуқаролар вакиллари йиғилишига ҳовиллар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг уму — мий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинади. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар муво — фиқлаштириш кенгаши белгилайди.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2001 йил 12 апрелда чиқарган «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ор — ганларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида маҳалла оқсоқоллигига номзодларни даъват органлари ваколат — ларининг бир қисми босқичма — босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал эта оладиган, ташки — лотчилик қобилиятига эга бўлган ҳамда маҳалла аҳли ўртасида обрў — эътибор ва ҳурмат қозонган шахслар орасидан тавсия этиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларни танлашда ва яна бир қатор муҳим талаблар қўйди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қонда тариқасида, олий маълумотли ва сайлов кунигача тегишли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. Т.: 2004 йил 12 — мода.

<sup>2</sup> Уша ерда 13 — мода.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги Қарори. — Т., 2001 й.

ҳудудда доимий яшаган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў – эътиборга эга ва авваламбор, улар ислоҳотлар шароитида иш – лашга қодир шахслар бўлишлари лозим.<sup>1</sup>

Маҳалла ҳаётининг мароми, аҳиллик ва осойишталикни таъминлашдаги муваффақияти кўп жиҳатдан аҳоли томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқолга, унинг маҳалладаги обрў – эътибори, билими, тажрибаси, дунёқарашига ва энг аввало, ҳа – лоллиги, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

Шу боис, оқсоқолликка ва маслаҳатчиларига ҳар бир ишви ўрнига қўядиган, маънавий етук, эл – юрт ишига фидойи, та – шаббускор, маҳалланинг пасту баландидан хабардор, кўпни кўр – ган, ҳар бир ишга адолат билан ёндашадиган, оқсоқол деган ша – рафли номга муносиб комил инсонларгина раис (оқсоқол)ликка сайланишлари лозим.

Табиийки, бундай оқсоқоллар бошқараётган маҳаллаларда фуқароларнинг яшашлари учун нормал шароит яратилади, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, ижтимоий адолат принципи бузил – майди ҳамда турли хил тарздаги ҳуқуқни бузиш ҳоллари деярли учрамайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) фуқаролар манфаатини таъминлаш борасида давлат органларининг мансаб – дор шахслари билан муносабатда бўладилар, ўз навбатида, те – гишли давлат органлари ва мансабдор шахслар билан имконият – лари бор даражада муайян масалани тезроқ ҳал қилиш чорала – рини кўришлари зарур. Чунки давлатимизда барча нарсалар ин – сон манфаатлари учун хизмат қилади, фуқаролар йигинининг раис (оқсоқол)лари эса айнан ўз аҳолиси манфаатларини кўзлаб иш олиб борадилар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари инсон ва фуқаро манфаат – ларини давлат ва жамиятда мавжуд қонунларга биноан ҳимоя қиладилар.

Агар тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, ўша даврларда ҳам маҳаллаларга обрўли, маънавиятли, эътиқодли, етарли маълу – мотга эга бўлган, одамларни орқасидан эргаштира оладиган жа – сур кишилар етакчилик қилганлар, уларнинг ота – боболари, насл – насаби, келиб чиқиши ва бошқа шу кабиларни суриштир – ганлар. Бундан ташқари, оқсоқоллар мавсумий ишларга доимий раҳбарлик қилганлар.

Оқсоқол ёшми – қарими, маҳаллада ўзининг доно сиёсатини намойиш қилиши, умуммиллий қадриятларни, ўзбекона тур –

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг масла – хатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. 2004 й. 29 апрель Т. 15 – мода.

муш – тарзини ҳаётга татбиқ қилиши, етим – есирлар, бева – бечоралар ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялардан ҳа – бардор бўлиб туриши керак.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайлов – дан камида ўн кун олдин топширилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукм билан озодликдан маҳрум этиш жой – ларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмаслиги қонунда алоҳида таъкидланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов – ларни утказиш билан бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғинларида (вакиллар йиғилишларида) раислар (оқсоқоллар)нинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилиши ва муҳокама қилиниши керак. Ҳисоботлар танқидий руҳда бўлиши, ишларнинг ҳақиқий аҳволини чуқур таҳлил этиши ва уларда ишни такомиллашти – ришга доир аниқ таклифлар билдирилиши зарур. Ҳисоботни тайёрлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини барча иш йўналишлари бўйича ва биринчи навбатда, қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қандай кў – маклашгани таҳлил этилмоғи, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар киритишга асосий эътибор қаратилмоғи лозим.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови чинакам демократия ва муқобиллик асосида ўтиши жуда муҳимдир. Хоҳиш – иродасини эркин бил – дириш ва ўз йўлини танлаш ҳуқуқи бизнинг мамлакатимизда фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг ажралмас қисmidир. Шунинг учун бу ҳуқуқларга оғишмай риоя этилмоғи лозим. Номзодлар кўрсатиш, овоз бериш ва унинг яқунларини чиқариш қонун ҳужжатларига ва демократик тамойилларга қатъий муво – фиқ тарзда, ошкора ўтказилмоғи зарур.

Шунинг учун ҳам «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови де – мократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказила –

ди, фуқароларнинг сайловда иштироки ихтиёрий ҳамда эркин – дир, фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур этиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш – иродасини эркин билдиришга таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас ва фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки бялвосита чеклаш тақиқланади» деб қўйилган.<sup>1</sup>

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи – лари сайлови тўғрисида»ги қонунда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан сайланиши бел – гилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг 4 – моддасида фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшайётган шахслар қатнашиши белгилаб қўйилган. Ма – ҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хонадонлар сони турлича бў – либ, уларда истиқомат қилувчи сайлов ёшидаги кишиларни ҳи – собга оладиган бўлсак, бу миқдор – маҳаллаларда ўртача олганда 1 мингдан тортиб 2,5 минггача, қишлоқ ва овулларда 7 – 10 минггача кишини ташкил этади. Тушунарли, бунча миқдордаги қатнашчиларни йиғиннинг имконияти йўқ ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Бундай ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 18 – моддасига мувофиқ фуқаролар вакилларининг йиғилишини ўтказиш назарда тутил – ган.

Бу ҳолат «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 6 – моддасида ҳам ўз ифодасини топади.

«Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир. Фуқаролар йиғинида вояга етган ва ша – ҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий истиқомат қилувчи шахслар қатнашадилар.

Тадқиқотчи Г.С.Исмоилованинг фикри бўйича фуқаролар йиғинини ёки вакиллар йиғилишини ўтказиш ҳолатларини аниқлаштирилиши аҳоли сони 500 ва ундан кам бўлган тақдирда, йиғилишда ҳамма фуқароларнинг қатнашиши шартлиги билан, ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. 2004 йил 29 апрел. Т. 3 – 4 – моддалар



аҳоли сони 500 дан кўп бўлган тақдирда вакиллар йиғилиши би — лав ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Шу нуқтаи назарда сайловгача қуйидаги вазифани амалга оширишни шароитнинг ўзи тақозо қилади:

*Биринчиган* — маҳалла фуқаролар йиғинларига вакиллар сайлаш, *иккинчиган* — қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларига вакиллар сайлаш, *учинчиган* — шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларига вакиллар сайлашдан иборатдир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда маҳалла фуқаролар йиғинлари мустақил равишда фаолият кўрсатади. Бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари эса шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари таркибида фаолият кўрсатади.

Шунинг учун Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловга тайёргарлик кўришнинг биринчи босқичида аҳоли вакиллариини сайлаб олишга тўғри келади.

Фуқаролар вакиллари йиғилишини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда яшовчи фуқароларнинг умумий сони асосида фуқаролар йиғинлари тузган ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланади. Таклифлар тайёрлашда маҳаллий шароитлар, аввалги сайловлар тажрибаси ва йиғилишни ўтказиш имкониятлари ҳам инобатга олинади.

Фуқаролар йиғини ҳудуддаги ҳовиллар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалар аҳолиси томонидан сайланган кишилар — вакиллар ҳисобланади. Вакиллар сонини мавжуд ҳовиллар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳаларда яшовчи фуқароларнинг сонига мутаносиб равишда аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Қонунга кўра вакиллик нормалари (яъни бир вакилга тўғри келадиган фуқаролар сони) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими томонидан туман ва шаҳар комиссиялари таклифларига асосан аниқланади. Туман ва шаҳар комиссияларига эса таклифларни ишчи гуруҳлари киритади. Масалан, бир фуқаролар йиғини ҳудуддаги иккита кўп қаватли уйларнинг бирида 100 киши, иккинчисида эса 300 киши истиқомат қилса, ҳар бир уйдан бир вакил эмас, балки биринчи уйдан 5 та ва иккинчисидан 15 та ёки биринчи уйдан 3 та ва иккинчисидан

<sup>1</sup> Исмоилова Гульноза Сайидранияходжаева. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий — ҳуқуқий муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. — Т.: 2005 йил.

9 та вакил сайланиши мақсадга мувофиқдир.

Бувиыг учув илчи гуруҳлар фуқаролар йиғини ҳудуддаги ҳар бир ҳовли, уй, кўча, маҳалла, мавзе ва даҳада яшовчи фуқаролар сонини ҳамда унга мутаносиб равишда вакиллар нормасини аниқлаши лозим. Вакиллик нормасини аниқлаш ҳар бир ҳолатида якка тартибда ёндашиш керак. Одатда, вакиллар йиғилишларида камида 200 нафаргача вакиллар қатнашади. Бу, албатта, қатъий бир норма эмас, балки тахминийдир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳар бир ҳолатда ўз шароитлари ва имкониятларидан келиб чиқиб бошқача нормаларни белгилаш — лари ҳам мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, аҳолиснинг кўпайиши ёки оз — лигидан қатъи назар, биронта қишлоқча, овул ва аҳоли пункти четда қолмаслиги, албатта, ўзининг вакилларини сайлаши лозим.

С.А.Исмоилова вакиллар сонини аҳоли сонига қараб тақсимлаб, мазкур вакиллик нормалари қуйидагича тақсимланишини тавсия қилади:

- аҳоли сони 500 дан 1000 гача бўлганда — 5 та вакил;
- аҳоли сони 1000 дан 2000 гача бўлганда — 10 та вакил;
- аҳоли сони 2000 дан 3000 гача бўлганда — 15 та вакил;
- аҳоли сони 3000 дан 4000 гача бўлганда — 20 та вакил;<sup>1</sup>

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, да — ҳалардан фуқароларнинг намояндалари вакил қилинишлари мумкин. Вакиллик нормалари тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича туман ва шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан белгиланади.

Таркибида бир неча маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлган шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига эса вакиллар маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан сайланиши лозим. Бундай ша — роитда, амалдаги тартибдан келиб чиққан ҳолда, аввало маҳалла йиғини ўтказилади ва шу йиғинда шаҳарча ёки қишлоқ йиғилишига вакиллар сайланади.<sup>2</sup>

Вакиллар ҳовилалар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳаларда яшовчи аҳолининг умумий йиғилишининг қарори би — лан сайланадилар.

<sup>1</sup> Исмоилова Гульноза Сяйдзаниходжаевна. Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий — ҳуқуқий муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация Автореферати. Тошкент. — 2005 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туғрисидаги қонуни (1999 йил 14 апрелдаги янги таҳрири). 30.08.2003 й, ўзгариш — рипи билан. 18 — модда 5 — банди.

Сайловга бағишланган вакиллар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ишчи гуруҳи фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари ва масъул котиби билан бир – галикда белгилаб олади.

Амалиётга кура, вакиллар йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилади:

- Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ҳисоботи;
- Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи;
- Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови;
- Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари сайлови;
- Тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Маъмурий комиссия ҳамда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар таркибини тас – диқлаш;
- Фуқаролар йиғини кенгашини тузиш;
- Фуқаролар йиғинининг келажакка мўлжалланган дастурий режаларини белгилаш.

Кун тартиби йиғилиш очилганидан сўнг йиғилиш қатнашчилари томонидан тасдиқланиши лозим. Вакиллар йиғилишини олиб бориш учун раёсат сайланиши керак. Йиғилишни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), агар бирор сабаб билан раис (оқсоқол) бўлмаган тақдирда унинг маслаҳат – чиларидан бири олиб боради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови умумий, тенг ва тўғридан – тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яшириш ёки очиқ овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овоз беришдан олдин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)лигига номзодлар сўзга чиқиб, келажакка мўлжалланган ўз дастурий режалари билан йиғилиш қатнашчиларини таниш – тирадилар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи – лари муқобиллик асосида сайланишини инobatта олган ҳолда, сайлов очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибида қўл кўтариш йўли билан ўтказилади.<sup>1</sup>

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчила – ри сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч кишидан иборат тар –

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масла – ҳатчилари сайлов тартиби тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил 29 апрель Тошкент 18 – 20 – моддалар.

кибда саноқ комиссияси сайланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари сайловида яширин овоз бериш тартиби қуйидагича:

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳат — чилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йиғини иштирокчиларига саноқ комиссия томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади;

— яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳат — чиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини бериш бевосита своз беришдан олдин бошланади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳат — чиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фами — лясины ўчиради ва тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сай — лов кутисига ташлайди.

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси то — монидан баённома тузилади ва унда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир ном — зодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони кўрсатилади.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томони — дав имзоланади ва ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини то — монидан тасдиқланади.<sup>1</sup>

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган шахсларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳи — собланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи — лари вазифасига сайлов яқунлари фуқаролар йиғинида раис — лик томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов яқунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.<sup>2</sup>

Раис (оқсоқо)нинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) масъул котибни, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, шунингдек, тафтиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масла — ҳатчилари сайлов тартиби тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил 29 апрель. — Т., 23 — модала.

<sup>2</sup> Уша ерда, 24 — модала.

комиссияси раиси ва аъзоларини сайлайди.

Туман марказидан олисда жойлашган ва етиб бориши қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуларда ташкил этилган фуқаролар йиғинларида ҳам маъмурий комиссиялар сайланади.<sup>1</sup>

Фуқаролар йиғинлари комиссияларининг раислари ва аъзоларини сайлаш ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)нинг маслаҳатчилари сайловидаги тартибда ўтказилади.

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камми иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг вакиллари йиғилишида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан камми иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.<sup>2</sup>

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси — лари сайлови чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якуналарига таъсир қилган қондабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгани мумкин. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.<sup>3</sup>

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси — нинг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

— аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

— такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

— фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. 2004 й. 29 апрель. 3 — модал.

<sup>2</sup> Ушб ерда, 3 — модал.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. 2004 й. 29 апрель. 26 — модал.

ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси — нинг такрорий сайлови ушбу Қонуннинг талаблари асосида кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенга — шини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини таф — тиш комиссиясини сайлайди, шунингдек, маъмурий комиссияни тузади. Қонун талабларига кўра фуқаролар йиғини Кенгаши — фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғинининг масъул котибидан иборат таркибда тузилади ва доимий фаолият кўрсатади.

Фуқаролар йиғинининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари хусусидаги қарори судга шикоят қилиниши мумкин.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг мас — лаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни. 2004 й. 29 апрель 30 — мода.

## ИЛОВАЛАР

Ислом Каримовнинг  
маҳалла ҳақидаги гоёлари,  
фикр, мулоҳаза ва таъкидлари

(1991–2006 йиллар)

...

Жамиятда адолат тамойилларини тиклаш борасидаги ишла – римизни, жиноятчиликка, порахўрликка, тамагирликка, зўра – воғликка қарши муросасиз чора кўраётганимизни халқимиз кўнлаб – қувватлаётир. Акмал Икромов туманидаги "Пахтакор" маҳалласи оқсолларининг мактубида шаҳар ҳаёти ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ачиниш билан баён қилинади. Улар бозорлар – даги, кўчалардаги аҳволдан бениҳоя ранжиб, шаҳарда мустаҳкам тартиб – интизом ўрнатишни сўрайдилар. Ана шундай камчи – ликларни бартараф этиш фурсати етди, деб ўйлайман.

Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули – маҳаллалар тизими сунги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини оширишга даъват қиламан. Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билинги, на – фақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу – сиёсий, тар – биявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адо – латли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мум – кин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат таш – килоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой – жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, манамаи деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма – у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсунушга мажбур. Шунинг учун, такрор айтаман, айрим "бели бақувватлар" ҳам, қутуриб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади. Қулоқ солмай ҳам кўрсин – чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суянган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар

ёрдамида қуришимиз лозим.

Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга катта эътибор билан қараяпти. Тошкент маҳаллаларида, айниқса, эски шаҳар қисмида амалга оширилган ишлар бунга гувоҳлик бериб турибди. Биз амалда барча маҳаллаларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаб бўлдик. "Маҳалла" жамғармасининг ташкил этилиши, пойтахтимизда ишлаб чиқилган махсус "Маҳалла" дастури шаҳардаги кўпгина муаммоларни изчил ҳал этишга кўмаклашмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, маҳалла аҳлига, фаолларига ўз миннат — дорчилигимни ва ҳурмат эътиромини билдирмоқчиман.

Ислоҳ Каримов. Биздан озода ва обода ватан қолсин. Т. 2, 280—281—бет. Т., Ўзбекистон 1996 йил

...

Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни, қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб — ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг бошқариш тизимига, бутунги ҳаётимизда катта аҳамиятта эга бўлган маҳаллаларга суяниб ишлашга қарор қилдик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётта татбиқ этишда, маҳаллаларимизнинг адолат оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч — ғайратини кўрсатади ва халқимиз назарида обрўсини янада оширади.

Ислоҳ Каримов. Биздан озода ва обода ватан қолсин. Т. 2, 309—бет. Т., Ўзбекистон, 1996 й.

...

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқдаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устувор — лиги замиёвида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур.



Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам ус – туналик касб этиши даркор.

Буларнинг барчаси жамиятнинг бошқариш тизимини белгилаш пайтида алоҳида ҳисобга олиниши керак. Биз буни ҳисобга олаяпмиз. Буни маҳаллалар иши мисолида яққол кўри – шимиз мумкин.

Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан кўп ҳаё – тий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй – маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота – боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни кўллаб қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши ло – зим.

Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли ҳил вазифаларини бевосита халққа топши – риш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлан – тириш, демақдир.

... барча бўғиндаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб, хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозим. Бу тизим, бир томондан, марказий, иккинчи томонидан эса вилоят, шаҳар ва туманлар даражасидаги давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув идораларининг вазифаларини аниқ белгилаб бериши, уларнинг ишини мувофиқлаштириб туриши керак. Ва ниҳоят, у бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар – туманлардаги давлат ҳоки – мияти ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаши даркор. Шу тариқа бу босқич аста – секин ўзини ўзини бошқариш жа – моатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради.

**Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3, 9–13–бет. Т., Ўзбеки – стон, 1996 й.**

...

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни кучайтириш мақсадида йирик корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллалар билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш лозим. Бу мақсадда даст – лабки босқичларда тажриба тариқасида "Корхона – маҳалла"

тусидаги махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўринлидир.

**Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3, 9–13–б. Т., Ўзбекистон, 1996 й.**

...

Ислоҳотлар стратегиясини руёбга чиқаришда биз учун уму— мий устуворлик, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳа— сида кучли чора — тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Ана шу чора — тадбирлар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

— аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ролини ошириш, кам таъмин — ланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб—қувватлашга хизмат қилувчи махсус жамғармалар фаолиятини кучайтириш учун шариоат яратиш.

**Ислом Каримов: Ватан Саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3, 191–бет. Т., Ўзбекистон, 1996 й.**

...

Ўрта Осиёда ва аввало, Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мав— жуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънови билдиради.

Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти — ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган.

Айни мана шу руҳнинг мавжудлиги, фуқароларнинг маҳалла шаклидаги ўзини ўзи бошқариш воситаси орқали одамлар, ои— лалар ўртасидаги алоқалар пишиқ ва пухта йўлга қўйилганлиги энг муҳтож кишиларга ёрдам беришнинг ижтимоий жиҳатдан адолат тизimini қайта тиклаш сирларини очиш имконини берди.

Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини таш— кил этиш йўлларини излаш натижасида биз Ўзбекистонда ма— ҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмакла—

шишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир, деган фикрга келдик. Маҳаллада турмуш тажрибасидан ақли тулишган, ҳар бир ишни ўрнига қўя оладиган кишилар яшайди. Халқнинг ўзи сайлайдиган, Қонун асосида ўзини ўзи бошқариш органи мақомини олган маҳалла ақсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкий аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад мавбаларини ишидан игнаситгача биладилар.

Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромаддан оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди. Ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва қайд этиш воситасида ёндашув янгилигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу ёндашувга, бир томондан, халқнинг кўшига ёрдам бериш, унинг аҳволига астойдил ҳамдард бўлишдек асрий анъаналари асос қилиб олинган бўлса, иккинчи томондан, дангасалар ва текинхўрларга нисбатан нафрат ва мурасимлик одати ҳам ўз аксини топган. Натижада давлат хизматчиларининг кўп сонли тўраларча апаратини вужудга келтирмаган ҳолда биз ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини аҳолининг ўз қарори асосида ҳақиқатдан ҳам муҳтож кишилар фойдасига қайта тақсимлаб беришимиз.

Энг муҳими, моддий ёрдам кўрсатишнинг бу усули шундай оила аъзоларининг қадр – қимматини камситишга йўл қўймаслик имконини беради.

Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб – қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳалларда республика ва маҳалла бюджет маблағлари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

**Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3, 271–272–бет. Т., Ўзбекистон, 1996 й.**

...

Халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари соҳибидир. Айни оила ва маҳалла руҳиятимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Оила ва маҳалла ҳозирги ўтиш давридаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда аҳолига ёрдам бермоқда.

Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тик – лашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди. Биз халқнинг, айниқса ёшларнинг маънавий руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашининг жўшқин ўчоғи бўлган энг олижаноб маънодаги маҳалла, қўни – қўшничилик, ўзаро ёрдамлашувнинг аҳамияти – ни кўпроқ қадрлай бошладик. Республика "Маҳалла" жамғармасининг яхши ва гўзал халқ байрамларини, анъаналар ва урф – одағларни, маданиятни қайта тиклаш, энг муҳтож оила – ларга амалий ёрдам берish, ёшларни инсонпарварлик ва саҳоват руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолияти Ўзбекистон аҳолиси ва жамоатчилиги томонидан жуда кенг миқёсда қўллаб – қувватланмоқда.

**Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ қа – би муқаддасдир. Т. 3, 278–6. Т., Ўзбеки – стон, 1996 й.**

...

Яна шуни унутмаслигимиз керакки, халқимиз асрлар даво – мида маҳалла йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари орқали жамо – атчилик фикрини аниқлашнинг ҳамда бирдамлик кўрсатишининг ўзига ҳос усулларини шакллантириб келган. Маҳалла ҳамда фахрийлар соғлом жамоатчилик фикрига эга бўлишда энг катта куч ҳисобланади. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқарувиға қовун асосида берилган ҳуқуқ ва эркинлардан фойдаланиш барқарорликни мустаҳкамлашға, давлат ишларини аҳолининг эҳтиёжлари билан мувофиқ ҳолда олиб боришға са – жарали таъсир кўрсатмоқда.

**Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3, 295–бет. Т., Ўзбекистон, 1996 й.**

...

Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устуналиғига асосланиш жамиятимизнинг муҳим хусусиятидир. Шу боис жамиятнинг демократиялаш ти – зимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало ижтимоий адо – латни рўёбға чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ билладиган бошқа тузилма йўқ. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий

қўллаб қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ис — лоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор.

Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан бошқариш, уларни зарур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим. Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бутун чоралар билан кўмак — лашини ва ёрдам кўрсатиш керак.

**Ислоом Каримов. Ўзбекистон  
иқтисодий ислоҳотларни  
чуқурлаштириш йўлида. Т. 3, 355 —  
б. Т., Ўзбекистон, 1996 й.**

...

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини, ма — ҳалла самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда бойлигинг, даро — мадингни ҳеч кимдан яширолмайсан. Ҳамманинг кўз олдида бўласан. Айрим бизга қўшни мамлакатларда бошқарувнинг бу шакли — маҳаллага ишончсизлик билан қарашади. Аммо ота — боболаримиздан қолган бир нақл бор: "Минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал"... Яна такрор айтишимга тўғри келяпти: жамиятимизнинг асоси — оила, шундай экан, давлат ҳар бир оилага мудом ёрдам беради, чунки оиладаги тўқинлик шахснинг, миллатнинг маънавий қадриятларини оширишга ка — фолат беради.

**Ислоом Каримов. Бунёдкорлик йў —  
лидан. Т. 4. 130—б. Т., Ўзбекистон,  
1996**

...

Маҳалла тепасида ҳалол ва пок одамлар туриши керак. Чунки одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди. Маҳалла оқсоқоли ва фаслла — рининг таълим — тарбия масъулияти мактаб ўқитувчиларининг масъулиятдан ортиқ бўлса борки, асло кам эмас.

Мана бир кўнгилсиз мисол: вилоятда вояга етмаган болалар 1995 йилнинг 10 ойида 117 та жиноят содир этган. Бунга маҳалла, оила ва жамоат жойларида тарбияга эътиборсизлик, мактабда таълим тарбия ишларига бир томонлама ёндашиш сабаб бўл — моқда.

Вилоятда айрим қўпоровчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши бе —

восита маҳалла ва оилада тарбиянинг сустигидан далолат бер – майдимми?

Кўп ҳолларда жиноят қилиш, бир жиҳатдан, бу каби нопок, нияти бузуқ кимсаларнинг салбий таъсири бўлса, иккинчи то – мондан, фарзандларимизнинг маънавий ахлоқий жиҳатдан кўрлиги, ғоявий жиҳатдан чивихмаганлиги оқибатидир. Натижада улар ўз юрти у ёқда турсин, ўз ота – оналари бошига ҳам оғир ташвиш солмоқда.

Айрим ғаламислар ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш мақсадида айни шу вилоятда 46 нафар йигитни танлаб кўпурувчилик ишларига жалб этишга уринишди. Йўқса, бунинг оқибатида 21 нафар йигит ота онасини алдаб, қалбаки ҳужжатлар билан баъзи бир “дохийлик” касалига дучор бўлган жиноятчи ва натавфуруш кимсаларга эргашиб хорижга қочиб кетганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Эсингизда бўлса керак, шулардан беш нафари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми билан жиноий жавобгар – ликка тортилди.

Бу ноҳуш ҳодиса оилаларда ҳам, маҳаллаларда ҳам тарбиявий ишларнинг сустигидан, раҳбариятнинг эса жойлардаги муҳит, юзага келётган баъзи бир ноҳуш вазиятлардан хабардор эмас – лиги, лоқайдлиги ва бепарволигидан далолат беради.

Ислом Каримов. Бунёдкорлик йў – лидан. Т. 4, 138–139–бет. Т., Ўзбе – кистон, 1996 й.

...

Оилага ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ижтимоий сиёса – тимизнинг негизидир. Сўнгги вақтда оналарга болаларни боқиб учун нафақа (бундай тўлаш муддати икки йилга қадар узайти – рилди), 16 ёшгача болали оилаларга ота – онанинг ва умуман оиланинг даромадлари миқдоридан қатъи назар, бир йўла тўла – надиган нафақа каби янги нафақалар жорий этилди.

Давлат 1994 йилнинг октябридан бери муҳтож оилаларга фаол ёрдам бермоқда. Бунинг учун фуқароларга ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар орқали ижтимоий – моддий мадад бериш усули йўлга қўйилди. Шунинг ҳам айтиш зурурки, нафақаларнинг сўнгги икки тури энг кам иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу миқдорнинг ўзгариши, нафақалар ана шу турлари миқдорининг ўз – ўзидан кўпайишига олиб келади.

Оилага мадад беришнинг биз амалга оширган янги йўли ўзаро ёрдам ва бир – бирига мадад бериш миллий анъаналарини

тўлароқ ҳисобга олади ва фойдаланади. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш демократизми ва ошкораликни таъминлайди.

Биз ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзга — ришлар йўлидан олга силажиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўз — ўзини бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислоҳотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиқидир.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёни қанчалик муваффақиятли, самарали кечса, биз шувчалик яхши яшай бошлаймиз, ижтимоий ҳаётни шунчалик эркинлаштириш зарурати ва имконияти туғилади. Бу, ўз навбатида, жамиятни бошқариш вазифаларининг аксарияти давлатдан фуқаролик ва ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари қўлига ўтишини аниглайди.

**Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4, 167–183–бет. Т., Ўзбекистон, 1996**

...

Халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур тарзига мувофиқ фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи — маҳалланинг мавқеи қайта тикланди. Маҳалла одамлар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик муносабатларини тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда. Маҳалла қўмиталари аҳолининг эҳтиёжманда табақалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда ҳайрли ишларни амалга оширмоқда.

Умуман олганда салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш даврида қонун устиворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак.

**Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5, 205–бет. Т. Ўзбекистон, 1997 й.**

...

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олди — мизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти — соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста — секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кувимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «измлар»дан озода, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг восита — сида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

**«Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатидан, 1998 й.**

...

Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжилгимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, авваламбор ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда. Бунда депутатлар, Адлия вазирлиги, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарув ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига, хуллас, ҳаммамизга — Президентдан тортиб то қуйи бўғин раҳбарларигача етарли иш топилади. Мазкур соҳада жамоатчилик назоратининг, жамоат ташкилотларининг, жамоат фикрини ифода этадиган матбуот ва телевидениенинг аҳамияти бекиёсдир.

Шу масалани ечиш йўлида учинчи масала бор бўй — баста билан турмоқдаки, бу демократик институтларни, турли жамоатчилик ва нодавлат тузилмаларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласидир.



Шу билан бирга, матбуот органлари ва телевидениега кенг йўл очиб бериб, уларнинг самарали ишлаши учун барча шарт – шароитларни муҳайё қилиш вазифаси.

Фуқаролар жамиятини қурмоқчи эканмиз, ишни авваламбор шундан бошлаш лозим.

Демократик институтлар жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиши, ҳал қилувчи кучга эга бўлиши зарур. Бу гап ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига – иқтисодиётга, сиёсатга ва аёл – батта, маънавиятга ҳам бирдай тааллуқлидир.

Оддий бир ҳақиқатни тушунишимиз керакки, демократик институтларни юқоридан, давлат органлари қарори билан яратиб бўлмайди. Бу эскича фикрлашдан бошқача нарса эмас. Юқоридан шаклланган, ташкил этилган барча тадбирлар, одатда, яшашга ноқобил бўлиб чиқади.

Жамоат ва нодавлат тузималари ҳаёт тақозоси билан, давр талабига кўра тапқил этилиши керак, Ҳокимиятнинг маҳаллий ва марказий бошқарув органлари эса бу жараёнга тўсиқ бўлмаслик – лари, аксинча, бу янги демократик ва жамоат тузималарини ташкил этишни рағбатлантиришлари лозим. Токи одамларимиз ижтимоий – сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик ишларида, фуқаролик жамиятини қуришда, турмушимизнинг мазмун – моҳиятини бел – гилловчи қадриятларни шакллантиришда кўпроқ ва фаолроқ қатнашсинлар. Ана ўпанда четдан туриб томоша қилувчилар, танқидчилар камаяди.

Демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад – кўпчилиكنи мумкин қадар жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақоғли эгаларига айлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг XII сессиясида  
сўзланган нутқдан, 1998 йил 28 август.

...

Жамият аъзоларида она – Ватанга бўлган меҳр муҳаббатни қарор топтириш учун, аввало, ҳар бир инсон ўзи яшаб турган шаҳрига, маҳалласига, хонадонига бўлган меҳр муҳаббат туйғусини шакллантириши зарур.

Ислом Каримов. Ҳавфсизлик ва  
барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6, 9–б.  
Т., Ўзбекистон, 1998.

...

Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бори — ладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў эътибори — ҳамма — ҳаммаси одамларимизда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти — ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарорлик тариққийёт йўлида. Т. 6. 95 — б. Т. Ўзбекистон, 1998.

...

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими ву — жудга келтирилади. Унинг асосини ҳокимлар институти ташкил этади. Унда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият билан ва — киллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларисиз та — саввур этиб бўлмайди. Бу органларнинг асосини фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар ташкил этади. Улар халқнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олиш асосида тузилган. Ўз — ўзини бошқаришнинг муҳим ижтимоий органи бўлмиш маҳал — ланинг аҳамияти ҳаминша жуда юқори бўлган.

Маҳалла одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши қўшничиликни, ҳурмат ва инсонпарварликни тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. У фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади, аҳолининг муҳтож қатламларига аниқ ёрдам кўрсатади.

Айни чоғда, ҳозирги шароитда маҳалланинг вазифалари янги мазмун билан бойитилиши лозим. Гап шундаки, маҳалла икти — содий ва демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришда амалий мадад бўлмоғи зарур.

Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарорлик тариққийёт йўлида. Т. 6, 139 — б. Т., Ўзбекистон, 1998 й.

...

Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг гоят муҳим вазифаси — сиёсий партиялар, но — давлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жамиятининг энди — гина пайдо бўлиб келаётган хилма — хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан — янги шакллари — ни излаб топишдан иборатдир.

Бутун давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлиги — ни сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатларини марказ ихтиё — ридан соқят қилиш, бу ваколатларнинг бир қисмини марказдан миьтақаларга, маҳаллий ҳокимият органларига олиб бериш йў — ларини излаб топиш заруратта айланиб бормоқда.

Ўз навбатида, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари янги шароитларда ўз ҳокимият ваколатлари ҳамда вазифаларининг бир қисмини фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ор — ганларига топшириш йўли билан уларнинг ролини кучайтириш ва обрў — эътиборини мустақкамлаш имкониятларини белгилаб олишлари лозим.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг фаол роли асосий ваколатлар давлатнинг ва энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлишини тақозо этди. Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий ва ижти — мой тараққиётнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бунда давлатнинг роли демо — кратик тарққиётимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жа — мияти барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда тубдан ўзгариши даркор. Биз бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч — ғайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта — молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва тараққиётнинг бошқа стратегик вази — фаларига қаратадиган давлат ижтимоий ҳурилиш тизимини бар — по этишимиз лозим. Бошқа масалаларни ҳал қилиш эса аста — секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жа — моат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор — ганларига топширилмоғи керак.

Бу давлатчилиқни шакллантириш ва ривожлантириш соҳа — сидаги стратегик вазифамиздир. У биз тавлаб олган жамиятни демократик ривожлантириш йўлига асосланади.

Шу билан бирга, ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини мустақкамлаш учун жамиятнинг сиёсий инсти — тутлари тизимида давлатнинг ролини янада аниқроқ белгилаш керак. Бу, энг аввало, миллий хавфсизлиқ асосларини мустақ — камлаш, мамлакатнинг барқарорлигини қатъий сиёсий ва иқтисодий тараққиётини сақлаб қолиш нуқтани назаридан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаётгий муҳим манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатланган тарзда ҳимояланганлигини билди — радиган миллий хавфсизлик — комплекс тадбирлар тизимидир.

Унда кучли давлат билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган фаол ишлар, шунингдек, турли нодавлат тузилмаларининг кенг тармоғи миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур ва муҳим таркибий қисмларига айланиб бормоқда.

**Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. 141–142 бет. Т., Ўзбекистон, 1998 й.**

...

Миллий ружиятнинг ва аҳоли турмуш тарзининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан энг ночор оилаларни маҳалла кўмиталари орқали аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам кўрсатишдан иборат ижтимоий мадад бериш шакли жорий этилди ва кенг қўллаб–қувватланди. Масалга бундай ёндашиш аҳоли орасида кўп асрлик иддизларга эга. Тажриба бу усул аҳолининг ижтимоий ночор, муҳтож қатламларини қўллаб–қувватлашга мўлжалланган маблағлар айнан эгаларига тегадиган қилиб тақсимланишига кафолат беришини кўрсатади. Оилани қўллаб–қувватланишининг биз амалга оширган янги механизми ўзаро ёрдам ва бир–бирини қўллаб–қувватлаш борасидаги миллий анъаналарни тўла–тўқис ҳисобга олади ва улардан фойдаланади, моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида демократизм ва ошкораликни таъминлайди.

**Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6, 188–б. Т., Ўзбекистон, 1998 й.**

...

Зукумат, маҳаллий ҳокимият органлари оила манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий тадбирларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари, оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам бераётган жамоат ташкилотлари, маҳалла кўмиталарини ҳар томонлама қўллаб–қувватлашлари зарур.

**Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 7, 116–б. Т., Ўзбекистон, 1998 й.**

...

Дунёда норасида гўдаклар, етим – есирлар ҳақида хиёнат қилишдан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани "Тузхона" маҳалла қўмитаси раиси З.Мўминова ва шаҳар халқ банк назоратчиси С.Нажмитдинова ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан кам таъминланган oil- ларга берилиши лозим бўлган 660 минг сўм маблағни ўзлаш – тирганлар.

Ҳокимлик, ички ишлар, солиқ, божхона ходимлари қаёққа қарамоқда? Бу жиноятлар учун ким жавоб беради?

Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7, 221–бет. Т. Ўзбекистон, 1999 й.

...

"Адолат" сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гал чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртта етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикр – римни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.

Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7, 239–бет. Т. Ўзбекистон, 1999 й.

...

Давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш йўли билан мавжуд иллатларни тугатишга қаратилган мақсадимиз миллионлаб ватандошларимизнинг қалбига бориб етди, уларга қанот бағишлади, деб айтсак асло муболага бўлмас.

Жамоат назоратининг туб моҳияти шулким, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари ва фаоллар, боринги, ёшу кекса, эркагу аёл ҳамма ватандошлар бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислохотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислохот бошида турган раҳбарларнинг гайратини, лаёқатини ҳолисона ўрганиб, ҳолисона назорат қилиб,

уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй – рост очиб ташлашимиз керак.

Келажақда давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма – босқич, аста – секинлик билан нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериб бориш лозимлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи жамоатчилик ташкилотларининг нафақат назорат қилиш вазифасини кучайтириш, балки уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришни талаб қилмоқда. Мана шу йўл билан биз демократик қарашлар ва тафаккуримизни шакллантиришга зришамиз. Буни барчамиз яхши англаб олмағимиз даркор.

**Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7, 271–272–б. Т., Ўзбекистон, 1999 й.**

...

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар наипр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки бугун юртимизда ана шундай саҳоват булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончимиз комилки, бундай фидойий, саҳий инсонлар диёримизда кўплаб топилади. Фақат уларга бош – қош бўлиш, интиляшларини қўллаб – қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир гўжиб – сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб қурса бўлади – ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу Ватанга эгалик қиладиган ўғил – қизларимиз ўқийди – ку!

Маънавий соҳасида янги мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз, бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва гоёлар халқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни қўллаб – қувватлайдими ёки йўқми – ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина гоё ҳолида қоғозда қолиб кетмаслиги, қуруқ гап, қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонқуяр, бева – бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтож кимса билан баҳам кўришга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса ота – боболаримиз тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади.

Маҳалла, таъбир жониз бўлса, кишилиқ жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос максадир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба — аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалла — дир.

Узоққа борма, кундалиқ ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўп қаватли уйларда турувчиларнинг аксарияти, одатда, темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсизми! Бундай жойларда қўни — қўшничилик, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Оддий йўлакни супуриб — сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшитига тўртталаб қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз — ўзидан жамоатдан ажраб қолмайдими? Ёки кўча эшигини олдини супурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демокриманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнава маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни — қўшнилариинг яхши — ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш — туриши, одоб — ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг саҳардан кўчаларга сув сепилиши, та — ниш — тавимаслигидан қатъи назар, одамларнинг бир — бирига эзгу — тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тий — ишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишига интиломоғи керак. Чунки, ҳамма кул — фат ана шу нафс балосидан келиб чиқади. Уни ентишга инсон — нинг кучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7, 305–306-бет. Т., Ўзбекистон, 1999 й.

...

XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакати — мизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун —

моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи устивор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилиётган барча ўзгаришлар — нинг асосий боғловчи бўғинига айланди.

Шу билан бирга, табиийки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимиз демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда, эркинлаштириш тамойилни кенгайтириш соҳасидаги асосий йўналишларни белгилар экан — миз, диққат — эътиборимизни кўпроқ қайси вазифаларга қаратишимиз зарур?

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳо — лининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама — қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш — иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаат — ларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт — шароит, қонуний — ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Шу маънода ҳокимият тузилмаларига бўладиган навбатдаги сайловлар жамиятни эркинлаштириш ва демократик ислоҳотлар йўлида сиёсий тизимимиз учун катта синов бўлади.

Сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабла — рига қатъий таянган ҳолда, умумэътироф этилган ҳалқаро ама — лиёт меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тар — моқларининг бир — биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамой — илларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ор — ганларига босқичма — босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ — ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади — би — ринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжа — лик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини



кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустақ – камлаш, демакдир.

Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий поклавиш ва юксалишига даъват этади – гап, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон – иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботаник кучни тасаввур қиламан.

Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз халқ – ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва им – кониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни за – монда шахсий манфаатларини мамлакат, халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қурадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсон – ларни тарбиялашимиз керак.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотлари – мизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримиз – нинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривож и билан узвий боғлиқдир.

Учинчи устувор йўналиш – кадрлар масаласи. Биз олди – мизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зару – рати туғилмасин, гап охир – оқибат, бари – бир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёр – лашимизга боғлиқ.

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тай – ёрлаш буйича миллий дастур»ни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур.

Тўртинчи устувор йўналиш – халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ис – лохоталаримизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз буздан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб бо – ришимиз керак.

Бешинчи устувор йўналиш – бу иқтисодиётда таркибий

ўзгаришларни таъминлашдир. Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал ҳом — ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдала — нишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсу — лотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш — дан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлан — тириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлик асосида шерик — чилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман.

Аmmo минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида ва — зиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солиши мумкин бўлган кучларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни бажарган тақдирдагина биз фаровон турмушга, адолатли ҳаётга эришамиз, жаҳон ҳамжа — миятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади.

**Ислом Каримов.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7, 379—383—б. Т., Ўзбекистон, 1999 й.

...

Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйганмиз. Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла — рига босқичма — босқич топириштири кўзда тутати.

Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамла — катнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ — тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, дуа ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолият —

тининг ҳуқуқий шарт – шароитларини яратиш, экология масала – лари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуни­кацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келти­радиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Қолган барча вазифалар ва, айниқса, биринчи навбатда, бо­зор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни ра­батлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тулдириб ижтимоий ин­фратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровон­лигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. Айни шу йўл билан биз фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишимиз мумкин.

Қонун нуқтаи назаридан қараганда маҳаллий органлар, янги қонуналар қабул қилгач, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ваколатларга эга бўлди. Энди энг муҳим вазифа – ана шу ваколатларни амалга оши­ришнинг таъсирчан механизмни яратишдир.

Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбааларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади.

Бугунги кундаёқ солиқ тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган барча маҳаллий солиқлар ва йиғимларгина эмас, умумдавлат со­лиқларининг анчагина қисми ҳам маҳаллий бюджетларга йўнал­тирилмақда. Натижада давлат бюджети барча даромадларининг 62 фоизидан кўпроқ қисми маҳаллий бюджетлар улushiга тўғри келмақда. Энг муҳими эса, барча бюджет ҳаражатларининг 58 фоизидан кўпроғи маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширил­мақда.

Жамоат идораси бўлиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ресурсларини мустаҳкамлашда шу органлар орқали аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлашга сарфланаётган катта миқдордаги бюджет маблағидан ташқари, тадбиркорликни фаол ривожлантириш, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кў­раш соҳаси иншоатларини барпо этиш ҳисобидан тушадиган маблағни кўпайтиришни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кен­гайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини

босқичма – босқич тошпириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳоли – нинг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" деган сиёсий қурилиш дасту – рининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун ымконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

**Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7, 388–389–б. Т., Ўзбекистон, 1999 й.**

...

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги ки – шиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади. Давлат томо – нидан аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган кишилар ва оилаларгина ижтимоий ёрдам олишлари лозим.

Тўплавган ижобий тажрибани ҳисобга олиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш зарур. Шундагина биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқликни ва адолатни таъминлай оламыз. Энг муҳими эса, шу мақсадлар учун ажратилаётган катта маблағдан самарали фой – даланишни таъминлай оламыз.

**Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7, 398–б. Т., Ўзбе – кистон, 1999 й.**

...

Маънавиятнинг сеҳрли кучи шундаки, у инсон қалбида эз – гулик, саховат, меҳр – мурувват каби олижаноб фазилатларни уйғотади. Шу маънода Андижон вилоятида миллий кадриятларимизни тиклаш, аҳолининг маданий – маърифий эҳ – тиёжларини таъминлаш, маҳаллалар ишини ташкил этиш, кек – салар, ногирон ва ёрдамга муҳтож одамларга доимий диққат – эътибор қаратиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга

садоқат руҳида, комил инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишлар ҳам ибратлидир.

**Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8, 178-б. Т., Ўзбекистон, 2000 й.**

...

Табиийки, ҳар қайси воҳа, ҳар бир шаҳар ўзига хос жиҳат — ларга, бетакрор ҳаёт тарзига эга. Шу маънода Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак, хато бўлмайди. Эски шаҳар — қадимийлик, миллийлик тимсолидир.

Тарихдан маълумки, Тошкентда қадимдан Шайхонтоҳур, Себзор, Бешёғоч ва Кўкча деб аталган туртта даҳа бўлган. Шу — нингдек, шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бўлиб, улар Самарқанд дарвоза, Сағбон дарвоза каби номлар билан аталган. Бу жой но — маларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота — боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз.

Бундан чиқадиган табиий бир хулоса шуки, бу мўътабар ме — росни биздан кейинги авлодлар ҳам эслаб юришлари керак.

Ахир, Ц — 1, Ц — 2, Ц — 5 каби ясама, мавҳум, "ном"лар нимани англатади?

Ҳолбуки, тарихий номларда аجدодларимизнинг кимлиги, уларнинг қандай ҳунармандчилик турлари билан шуғуллангани ўз ифодасини топган. Қаранг, Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Уқчи, Заргарлик, Парчабоф деган маҳалла номларининг ўзи бу ерда ҳунармандчилик нақадар ри — вожланганидан, қадимий ва ўтроқ халқимизнинг маданий дара — жаси нечоғли юксак бўлганидан далолат бермайдими?

**Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8, 305 -б. Т., Ўзбекистон, 2000 й.**

...

Биз бутун сиёсий – ижтимоий ҳаётимизни демократия андо – заларига муносиб эркинлаштириш йўлида қадам қўяётган экан – миз, биринчи навбатда, давлатимиз, давлат идоралари ўзига олган ҳуқуқ вазифаларни аста – секин, босқичма – босқич нодавлат, ижтимоий, ўзини ўзи бошқарадиган, халқимизнинг хоҳиш – иродасини ифодалайдиган ташкилотларга топширишимиз, уларга кўпроқ ипноч билдиришимиз даркор.

Бу – сиёсий ҳаётимизни, давлатни бошқариш сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, янгилаш йўлидаги асосий тамойил, муҳим йўналишимиздир. Бундай нодавлат жамоат идоралари орасида халқимизнинг миллий табиати, азалий анъаналарига асосланган маҳалла бошқарувининг ўрни беҳиёс. Буни пойтахтимизда таш – кил этилган 445 маҳалла фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда маҳалланинг нуфузини ошириш, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ҳуқуқини кенгайтириш, масъулиятини ошириш борасида талай ишлар қилинди.

Хусусан, юздан ортиқ замонавий ва обод маҳалла гузарлари барпо этилди. Улар телефон алоқаси ва бошқа коммуникация тармоқлари билан таъминланди. 100 километрдан зиёд ичимлик суви узатиш, 350 километрга яқин канализация, 440 километр узунликда газ узатиш тармоқлари қурилиб фойдаланишга топ – ширилди.

Шайхонтоҳур туманидаги "Қоратош", Мирзо Улуғбек туманидаги, "Нур", Сирғали туманидаги Амир Темур маҳалла гузар – лари ўзининг шинам ва гўзаллиги билан ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради.

Маҳалла кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи кўприқдир, десак, янглишмаймиз. Бугунги кунда эҳтиёжманда, кўп болали оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам айнан фуқароларнинг ўзи ўзини бошқариш идоралари томонидан тақсимланаётгани ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Чунки, маҳалла ким қандай шароитда яшайпти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади. Маҳалла орқали ёрдам кўрсатишда адолат тамойили бузилмабди. Шу йўл билан кам таъминланган оилаларга 1998 йилда 1 миллиард сўмдан зиёд, ўтган йили эса қарийиб 2 миллиард сўм ёрдам пули берил – гани диққатта сазовордир.

Саховат, меҳр – шафқат, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос бўлган энг эзгу фазилатлардир. Юртимизда бун – дай олийжаноб инсонлар тобора кўпайиб бораётгани ибратлидир. Бунга мамлакатимизда ўтказилаётган мурувват кунлари ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, етим болаларга, ногиронларга, ҳурматли қарияларимизга меҳр – мурувват кўрсатиб, хайр – эҳсон қилаётган меҳнат жамоаларига, барча саҳий инсонларга миннатдорлик издор этишни ўз бурчим, деб биламан.

Маҳалла, ҳеч шубҳасиз юртимиздаги тинчлик ва осойишта – ликни сақлашда бизнинг таянчимиз ва суянчимиздир. Бугунги кунда 4 минг 500 нафардан зиёд маҳалла посбонлари ўз уйлари, ўз маҳаллаларининг хавфсизлигини сақлаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Бундай ҳайрли ишларга бош–қош бўлиб турган, одамлар аҳволидан доимо хабардор бўлган маҳалла фаоллари, табиийки, эл – юртнинг ҳурмат – эътиборини қозонмоқдалар. Шу боис 20 нафардан зиёд маҳалла оқсоқоли Ватанимизнинг олий мукофот ва унвонларига сазовор бўлди.

Тошкент аҳли Саиднаби Саидкаримов, Абдусалом Атаматов, Сайфулла Оқмирзаев, Муборак Юнусхўжаева, Эгамназар Қодиров, Тохир Муслимов, Йўлдош Абдурахмонов, Даврон Шо – раҳмедов, Тўхтахўжа Эшхўжаев, Махмуджон Турсунов, Хайрулла Мўминов, Марат Фуломов каби муътабар инсонлар номини миннатдорлик туйғулари билан тилга олиши бежиз эмас.

Биз маҳалла фаолларининг ҳуқуқини янада кенгайтиришга, уларга тегишли имтиёзлар бериш, шу билан бирга уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида махсус Фармон чиқардик, Қонун қабул қилдик. Афсуски, айрим маҳалла фаоллари бу им – кониятлардан тўлиқ фойдалана олмаптилар. Кўп ҳолларда, очиқ айтаман, туман, шаҳар ҳокимликлари маҳалла вакилларига бошқарув ваколатини беришга тўсқинлик қилиб, оёқ тираб ту – рибдилар. Мен бунга асло рози эмасман.

Кўпчилик маҳалла оқсоқоллари ташкилотчилик, хўжалик ишлари билан бир қаторда, аввало, ўзини ўзи бошқариш маса – лалари билан кўпроқ шугулланишлари керак, деб ўйлайман. Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг меҳр – мурувват, ёшлар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, тадбиркорликни ри – вожлантириш борасидаги бугунги фаолиятини ҳам кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади.

Шу маънода, унинг мавқеини кўтариш – нафақат ижти – мой – иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий маса – ладир. Биз маҳалла тизимига шу лўқтаи назардан қарашимиз лозим.

**Ислон Каримов. Озод ва обод ватан, эр – кян ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.**  
Т. 8, 306–309–б. Т., Ўзбекистон, 2000 й.

Мен барчангиздан бир нарсани сўрайман: ваҳимага тушмас — лик керак. Ҳеч ким ваҳимага берилмасин, токи юрагимизда гулгула пайдо бўлмасин. Аксивча, одамларда бу разил кўпоровчилар ва уларнинг ортида турган кучларга нисбатан қаҳр — ғазаб уйғотиш керак. бутунги ҳаётни, тинчликни, барқарорликни, осойишталикни қадрлашга, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир — биримизга бўлган меҳр — оқибатни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак. Жа — моатчилигимизга, бутун халқимизга телевидение орқали айтади — ган гапим шу — қалбингизга ваҳима тушмасин. Ёвуз кучларнинг илдизита етиб бориш, илдизи билан суғуриб ташлаш қўлимиздан келади!

Шунинг учун, энг аввало, маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва ўқув даргоҳларида бўлиб ўтган воқеани атрофлича муҳокама қилишимиз керак. Фақат ҳодисанинг ўзи ҳақида эмас, балки унинг нима мақсадда содир этилгани тўғрисида фикр юритиш, бундай хавфдан одамларни огоҳ қилиш зарур.

Гап шундаки, биз ҳаммамиз бир халқнинг фарзандлари, ва — килларимиз. Шу жумладан, жиноятга қўл урганлар ҳам, адашиб шу йўлга тушганлар ҳам. Уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш — барчамизнинг вазифамиз.

Шу нуқтан назардан қараганда, маҳаллаларда ўтказиладиган мажлисларда нима тўғрисида гапириш керак? Мана шу манфур кучлар нима қилмоқчи, уларнинг мақсади нима, масжидларда нима гаплар бўляпти? Бизнинг имом хатибларимиз одамларнинг кўзини очиб бериш борасида ўз бурчларини бажаряптими, йўқми? Одамларимизни, муқаддас динимизни ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қила оляптими, йўқми?

Бугун ҳар бир маърифатли, виждонли инсон ақидадарстлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзиви очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу та — факкурини ҳимоя қилиши зарур. Хўш, жамоатчилитимиз, зиё — лилар, шоир — ёзувчиларимиз, дин пешволаримиз, муаллим — мураббийларимиз, матбуот ходимлари шу ҳақда жиддий ўйлаяп — тимми? Шу ҳақда ошкора, теран ва ҳолис фикр юритиб, халқни огоҳликка даъват этияптими?

Ҳар қайси маҳалла ўз худудидаги масжид фаолиятига ало — ҳида эътибор бериши керак. Аслида масжид ким учун керак? Масжид имом учун эмас, сўфи учун эмас, халқ учун керак, мў — мин — мусулмонлар учун керак. Маҳалланинг ҳаётини, инсоннинг икки дунёсини обод қилиш, охират деган тушунчани одамлар



онгига сингдириш -- масжид мана шунинг учун керак. Биждонни уйғотиш, инсонни инсонийлик руҳида тарбия этиш -- мана бу масжидларнинг иши.

Шунинг учун яна бир бор айтаман: ҳар қайси маҳалла аҳли ўз масжидининг ишидан, у ердаги маънавий муҳитдан хабардор бўлиб туриши керак. Шунинг унутмаслик керакки, маҳалла ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот. Бинобарин, масжидлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш уларнинг бевосита вазифасига киради. Таби -- ийки, маҳалла аҳли ҳам, маҳалла раҳбари ҳам шу масжидга қатнайди. Масжидга борадиган маҳалла раҳбари мусулмонлик фарзларини адо этиш билан бирга ўзининг хизмат бурчини ҳам эсдан чиқармасин. Масжидларда бўлаётган ташвиқотлар, тарғиботлар қандай мазмунда, улар бизнинг тушунчамизга, ав -- валамбор Куръони карим оятларига, Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга тўғри келадими, йўқми? Бизнинг динимиз аваламбор Куръони каримга, унинг илмий оятларини тушунтириб, маъно мазмунини бизга аён қилиб берадиган Хадиси шарифга асосла -- нади. Диний -- руҳий ҳаётда шу қоидаларга қанчалик амал қилинаётгани тўғрисида ҳам кимдир ўйлаши керак -- ку, ахир!

Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама тушунтириш ишла -- рини йўлга қўйиш, кўпроқ ташвиқот олиб бориш зарур. Одам -- ларнинг онгига ҳақиқатни етказиш керак.

**Ислом Каримов. Озод ва обод ватан,  
эркин ва фаровон ҳаёт пировард  
мақсадимиз. Т. 8, 14--15-б. Т., Ўзбекистон,  
2000 й.**

...

#### 1. Сиёсий соҳада :

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократ -- лаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно -- мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш -- мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ис -- лоҳотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

Бу борада қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эъти -- бор беришимиз зарур.

Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган -- ларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғулигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир муво – занатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак.

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма – босқич ўтказиб бориш зарур.

Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳалла – ларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун – моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил қилади.

Ўз ҳақ – ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофда рўй бераётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўради – ган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт – шароитларни яратиш даркор.

Айни вақтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат ва жамият ташкилотлари тизимини янада такомиллаштириш лозим.

**Ислом Каримов. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8, 332–334–б. Т., Узбекистон, 2000 й.**

• • •

Ҳуқуқ – тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқалариши мустаҳкамлаш.

Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи гада, маҳаллаларнинг ролин янада ошириш зарур.

Маҳалла қўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ғайриқонуний хатти – ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй – ҳаракатларни қўллаб – қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда биз "Чегара

посбонлари” ва “Маҳалла посбонлари” каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўла фойдаланишимиз лозим.

Бу тузилмалар сафига кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чегара қўшинлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлашимиз зарур.

Жамоат тартибини ва фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлигини сақлаш уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, теварак-атрофида рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боғлиқ эканини одамларнинг онгига етказиш ўта муҳимдир.

Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим.

**Ислоҳ Каримов. Озод ва обод ватан,  
эркин ва фаровон ҳаёт пировард  
мақсадимиз. Т. 8, 350-б. Т., Ўзбекистон,  
2000 й.**

...

Шунингдек, тарбияга бевосита дахлдор бўлган маҳалла тизими зиммасидаги масъулиятни ҳам янада оширишимиз керак бўлади. Энди умумий гапларнинг даври ўтди.

Оилада ҳавас қилса арзийдиган муҳитни яратишда би ринчи навбатда маҳалла таъсирчан кучга эга бўлиши керак. Очиқ айтиладиган бўлсак, ҳозирги кунда бу унчалик сезилмаяпти.

Маҳалла, ҳаммамиз биламизки — ўзини ўзи бошқариш идораси. Хўш, у ўз вазифасини тўла бажаряптими?

Масалала шу нуқтаи назардан туриб баҳо бериш керак, деб ўйлайман. Маҳалла фақат оилаларда яхши муҳитни яратиб билан чекланиб қолмай, қайнона, қайноталар билан ҳам мунтазам иш олиб бориши зарур.

Соғлом авлод тарбияси масаласида маънавий меросимиздан, хусусан, муқаддас динимиздан умидимиз катта. Қадим — қадимдан бола тарбиясига ислом динининг таъсири жуда кучли бўлган. Чунки биз ўз динимизни қадрлаймиз, унга суянамиз. Нима учун деганда, соғлом одам соғлом фикрлайди, соғлом фикрлайдиган одамгина Худога иймон келтиради, эътиқоди соғлом бўлади. Шундай экан, соғлом авлод тарбияси дин учун ҳам жуда аҳамиятли.

Демоқчиманки, имом — хатиблар ўз қавмлари, намозхонлари билан мулоқотларида мана шу масалаларга кўпроқ эътибор беришлари керак. Мен уламоларимизнинг даъватлари одамларга

қанчалик кучли таъсир қилишини яхши биламанки, уларга ҳурмат билан қарайман. Масжидда Қуръони Каримда ёзилган муқаддас суралар, ояти каримлар, панду насиҳатларни таржима қилиб бериш билангина чекланмай, уларнинг мазмуни, моҳия – тини тушунтиришлари ҳам керак. Дин пешволари, имомлар одамларга янада яқинроқ бўлишлари, улар билан кўпроқ суҳбат – лашиплари, мана шу ғояларни халққа етказишлари лозим.

**Ислоом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8, 440–441–б. Т., Ўзбекистон, 2000 й.**

...

Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти усти – дан жамоа назоратларини ўрната олмас эканмиз, юқорида тилга олинган илатлар олға юришимизга халақит бераверади.

Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллар, ҳамма – ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини, катта – кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчиликларини рўй – рост очиб ташлаши керак.

**Ислоом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. 459–бет. Т., Ўзбекистон, 2000 й.**

...

Мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши ҳақида сўз юритганда, унинг қуйидаги асосий хусусиятларини айтиб ўтиш лозим. Яъни:

Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жами – ятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топти – риш.

Демократиянинг зарурий шарти булган кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтириш. Илгари ҳам таъкидлаганимдек, амалдаги кўппартиявийлик – бу ҳар ҳил қараш ва ғоялар ўртаси – даги баҳс – мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

Миллий демократик давлатчиликни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш борасидаги конституциявий та- мойил асосида барпо этиш.

Маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатла- рининг бир қисмини босқичма – босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмалари ҳуқуқи ва мавқеини оширишни кўзда тутадиган "Кучли давлатдан кучли жамият сари" концепциясини амалга ошириш.

Фуқароларнинг ўз турмуши ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этиш борасидаги фуқаролик жамияти та- мойилларига тўлиқ, мос келувчи фаол иштироки учун зарур – шарт – шартларни яратиш, фарб халқлари учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга мос бўлган ўз – ўзини бошқарув усули ма- ҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш.

Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги ва қонун устиворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли ҳавфсиз- лигининг муҳофазасини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни барпо этиш.

Жамиятнинг асоси бўлган оилани мустаҳкамлаш негизида моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантириш.

**Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ватан,  
эркин ва фаровон ҳаёт пировард  
мақсадимиз т. 8, 496–497 б. Т., Ўзбекистон  
–2000**

...

Юртимиздаги инсон учун Ватан тушунчаси, авало, оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий ахлоқий аҳа- мияти, қадр – қимматини англаб етмасдан, оилага миллат ман- фаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз.

Ёхуд жамиятимиз ҳаётидаги тотувлик ва инсон тарбияси – нинг яна бир беқиёс таянчи – маҳаллани олайлик. Тарихнинг гувоҳлик беришича, юртимизда дастлаб дарё бўйларида ҳаёт пайдо бўлган. Табиат қийинчиликларини, ташқи ҳавф – хатарларни биргаликда енгиш, ерларни ишлашда кучларни бир – лаштириш, яхши – ёмон кунларда бир – бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси олис аجدодларимизни жамоа тарзида яшашга ўргатган.

Бағрикенглик, ўзаро меҳр — оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳтида камол топади. Шу маънода, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.

Шу ўринда масаланинг яна бир томони умуминсоний қадриятлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар тақомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат ва — килларига ҳурмат, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам.

Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр — оқибат, мурувват, андиша, ор — номус, шарму — ҳаё, ибо — иффат каби бетакрор фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оқ кўнгиллилик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Демак, миллий мафкура концепциясини яратишда бу масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Ёки энг нозик, мураккаб бўлган дин масаласини олайлик. Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу аввало, муқаддас дини — миз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлуver эдим. Шу заминда ўтган неча — неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик.

Биз ҳаммамиз, “Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман”, деб эътиқодимизни эътироф этамиз. Аллоҳ барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда. Яратгани доимо ёд этамиз, ундан ма — дад сўраймиз. Бинобарин, ислом дини ҳаётимизнинг туб зами — рига чуқур сингиб кетган. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, миллий истиқлол мафкурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик гоёлари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур.

**Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.  
т. 8, 502—504 б. Т., Ўзбекистон — 2000**

...

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мус — тақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир.

Бутун халқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, ҳо — сияти ҳақида, унинг юртимизда олиб бораётган серқирра фао — лияти, тинчилик — осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўрта — сида меҳр — оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айни вақтда мен ижтимоий нуқтаи назардан, келажагимиз нуқтаи назаридан қараганда, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, бундай иж — тимой идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман.

Шу сабабли биз маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилиги назо — ратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали — бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.

**Ислом Каримов. Қонунга ҳурмат, қонунга итлоат ҳаётимиз мезони бўл — сив. Ҳалқ сўзи 2001 й., 8 декабр, №248 (2810).**

• • •

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир му — ҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма — босқич ўткази боришни таъминлашдир. Аслини олганда, биз ал — лақачон шу йўлдан бормоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва ҳаражат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва ҳаражатлар билан боғлиқ каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шуб —

ҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усул — услублар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур.

Айнаён мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек поёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадов ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб — интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан — кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий — иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қўйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак бунинг учун барча моддий — молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришилиши йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин — бева — бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон — бир оила бўладими, елғиз қолган қария бўладими — буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр — эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак — мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бутун қилаётган ишла — рининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота — оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бутунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас.



Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи гада, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳам — мамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу бо — рада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечимас экан, маҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринсиз бўлади.

Шуни очиқ айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазифаларни юкляпмиз. Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Обод маҳалла йили бўйича ҳам махсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимизга тегишли топшириқлар берилади, албатта.

Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборин — гизини жалб қилмоқчиман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, рухий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни — қўшничилик дейсизми, қуда — андачилик дейсизми — буларнинг барчаси ҳолат ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йул билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам калтабинлик деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам IIIрақ ола — мида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бў — либ яшашида, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда меҳр — оқибатлилик шафқат ва мурувват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу рухий дунёга қўполлик билан аралашмасдан,

унинг ижобий асосда шаклланишига назиклик билан таъсир ўт- казишда, уйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон – бир восита йўқ.

Азиз юртдошлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга хос бўлган, ҳаётимизда катта ўрин тутадиган ва унга таъсир ўтказадиган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қадрият деганда, биз миёнг йиллар давомида шакланган, одамларнинг ҳаёти, ички дунёсидан мустақкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса – да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон – қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз.

Лўнда қилиб айтганда, одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат – хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди.

Табийки, ота – боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, гуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб – авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажак авлод – ларга етказиш зарур. Бу масала буйича ҳеч кимда, ҳеч қандай иккиланиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги йилларда қадриятларни тиклаш ва улуглаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг хоки ётган қадамжоларни обод қилиш, аждоқларимиз меросини ўрганиш борасида кўп кўп иш – лар қилинаётгани ҳақида ҳам узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Чунки бусиз биз буюк келажакимизни тасаввур этолмаймиз: миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажакги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз.

Аммо ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удумлар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин.

Гап нима тўғрисида кетяпти?

Гап аввало миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётган, урф – одатларимиз ниқоби остида тўй – ҳашам ва маърака – маросимларимизни катта дабдабаларга, базми жам – шидларга айлантириб, ҳаётимизга кучайиб кириб бораётган ўта хунук ҳаракатлар ҳақида кетяпти.

Бунинг негизда баъзи бир одамларимизга мансуб бўлган шухратларастлик, дабдабозлик, ўзини кўз – кўз қилиш, очик айтиш керак, аввало бели оғримасдан, нопоқ йўллар билан топган пули ва бойлигини терисига сиғдира олмаслик каби иллатлар ва эски асоратлар борлигини кўриш мумкин.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун бу тўғрида гапирмасдан бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдабаларни ташкил қилишга бош — қош бўладиган, янги — янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг ҳисобидан ўзининг манфаатини, керак бўлса, қандайдир сохта обрў топадиган, шу ишни ота касби қилиб олган маълум бир кимсалар борлигини ҳам очиқ айтишимиз зарур.

Албатта, бу ҳақда биринчи марта сўз юритаётганимиз йўқ. Бу хусусда жамоатчилигимиз, матбуот, радио ва телевидение, хотин — қизлар қўмитаси фаоллари, жойлардаги кўпни кўрган оқсоқолларимиз куйиниб гапиради.

Одам шундан ҳайратда қоладики, бундай ҳеч ақлга сизмайдиغان ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота — онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади.

Чунки бундан асосан кўп болали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қарздор ҳам бўлиб қолиб, қарзини ўзини учун бошини кўтармасдан меҳнат қилади.

Менинг бир эски танишим бор. Баъзан кўришиб, телефонла — шиб турамиз. Шу бечора тўрт бешта боласининг тўй ташвишлари — ридан қутулмай туриб, ҳали нафасини ростлаб олишга улгурмасидан, яна тўйга навбат келиб қолибди.

Нима эмиш, энди невараларга бешик тўйи қилиб бериши керак эмиш.

Бу ҳақда одамлар билан суҳбатлашсангиз, улар, энди, ўзбек — чилик ор — номус, деган гаплар бор, дейди. Бошқача айтганда, шавла кетса, кетсин, обрў кетмасин, деб иш тутади.

Бизнинг халқимизда «кўпчилик қаторида» деган бир гап бор. «Кўпчилик қаторида» деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла — кўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор — номус деган тушунча билан чамбарчас боғланиб кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Ўйлайманки, бу жуда олижаноб тушунча.

Нега деганда, асрлар давомида шакланган мана шундай қарашлар бошига мусибат, ҳаёт синовлари тушган одамларни ёлғиз қолдирмасликни, уларнинг дардига ҳамдара бўлиш, ғамташвишларини баҳам кўриш, ёвуз кучларга, бало — қазоларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишни англатади.

Шу маънода, бу тушунчани ёшларимизга, униб — ўсиб келаётган болаларимизнинг қалби ва онгига синдириш, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ифода этадиган ҳаракатга айлантириш эл — юртимизга фақатгина куч — қувват бағишлайди.

Лекин, бундай олижаноб тушунчани аксига айлантириб, ҳар

қандай соғлом фикрге зид бўлган сохта урф – одатларга берилиб, ўзининг табиати ва салоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки унга катта зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтқа – задиган одамларни тушуниш қийин.

Очиқ айтишим керак биз дупшимизни олиб қўйиб, чуқур ўй – лаб кўрсак тарихимизни эсласак ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини чақсақ бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир юк аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.

Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсақ бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди.

Диний маросим ва маъракалар ҳақида тўхталадиган булсак мен бу тўғрида узил – кесил бир хулоса билдириш фикридан узоқман.

Бу хусусда аввало имом – хатиблар, уламоларимиз, диний идора ўз фикрини билдириши, кенг тарғибот ишларини олиб бориши керак.

Албатта, улар бу борада анча – мунча ҳаракат қиляпти, аммо бу ишларни янада кучайтириш лозим.

Мен фақат маъракани дабдабали тўйга айлантириш ҳеч қайси муқаддас китобда ёзилмагани ва бизнинг ислом динимиз аркон – ларига мутлақо зид эканини эслатиб ўтмоқчиман, холос.

Азиз дўстлар, ёдингизда бўлса, биз бундан уч – тўрт йил аввал бу борада махсус бир қарор ҳам қабул қилган эдик.

Унда тўй – ҳашамлар, оилавий таянчалар, маърака ва маро – симларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўт – казишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, атрофда яшаётган одам – ларнинг ҳол – аҳволини инобатга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётгани айтилган, бу масала бўйича аниқ чора – тадбирлар ҳам белгиланган эди.

Бу қарор эълон қилинган, жойларда тўй – маъракаларни ўтқа – зиш ишлари бир оз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди.

Менинг таклифим шуки, бу масалани авваламбор маҳалла ва хотин – қизлар қўмиталари турар жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини бериши лозим.

Биз ана шу таклиф ва тавсияларга таянган ҳолда, керак бўлса, янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни кўриш ва бундай тадбирларни

жамоатчилигимиз кучига суяниб, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб борсак айни муддао бўлади, деб уйлайман.

Мен ишонаман — халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота — оналар, опа — сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг куч — чимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

**Ислоҳ Каримов. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган таяннали маросимдаги нутқидан. «Халқ сузи», 2002 йил 6 декабрь.**

...

Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва му — возанатни сақлашнинг янги, янада мукамал демократик тизи — мини шакллантириш бўйича қурилаётган чоралар, Конституция — мизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаолаштириш, фуқароларимизда ижтимоий — сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак, ва бу жараёнларни, ўз моҳияти эътиборига кўра, ҳозирданоқ марказда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда вазиятни тўғри баҳолаш, нодавлат ва жа — моат ташкилотлари, хусусан, маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлиш умумэтироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлан — тириш учун кенг имкониятлар яратиш ўта муҳимдир.

Шуни унутмаслик лозимки, авваламбор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий холис баҳо берилади, ён — атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шакла — нади.

**Ислоҳ Каримов. Биз ташлаган йўл — демо — кратик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳам — корлик йўли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузадан. «Халқ сузи», 2003 йил 25 апрель.**

...

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳалаларда, турар жойларда ўз уинимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, ма — шаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл — юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, ме — винг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилолчиман. Ипонаманки, сизлар бундай ғаразли хуружларга қарши ўз қатиъий фаолиятингиз, жонкуяр — литингиз билан ҳалқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканингизни бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

**Ислом Каримов.** Ёвуз кучлар ҳалқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди. Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервьюси. 2004 йил 29 март.

...

Мақсадларни амалга оширишнинг бош шарти оилага бўлган эътибор билан белгиланади. Бу ўринда гап оилада болалар тар — бияси учун яратилган шароит, уларни маънави — ахлоқий жи — ҳатдан соғлом этиб тарбиялаш ҳақида бормоқда. Қайси оилада муҳит соғлом бўлмаса, ўша ерда ахлоқи бузуқ, ноқобил болалар пайдо бўлиши барчага аён.

Шу масалаларни ечиш учун Хотия — қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотларч билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқада бош чиқариб ишни ташкил қилиш ло — зим. Оилада соғлом маънавий — ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва Хотия — қизлар ташкилотларининг роливи ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини — бу маҳалла ва Хотия — қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак.

**Ислом Каримов.** Хотия — қизлар фаоллиги — ни ошириш — давр талаби. Оқсарой мажлиси — даги нутқи. 2004 йил 21 июнь

...

Авалло мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган тамойилни ўзида ифода этади.

Бунда нималар назарда тутилмоқда?

Авваламбор, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш.

Яна бир муҳим вазифа — ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим.

Яна бир ўта муҳим масала — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маъсулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Такрор—такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчи — ни, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва Сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимиз — нинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.

**Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. 2005 йил 28 январь.**

...

Тошкентнинг меҳнатқаш, бағрикенг, ҳамisha изланиб, ке — лажакка интилиб яшайдиган халқи ҳар қандай ҳурмат — эҳтиромга муносиб. Айниқса, бу азим шаҳарда нуроний оқсоқоллар, давлат, жамоат арбоблари, ўз вақтида эл — юртга муносиб хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураёт — ган қўлаб мўътабар инсонларнинг яшаётгани ҳам пойтахтимизга ўзига хос файз ва тароват бағишлайди. Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр — оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва ғурур уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт таж — рибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, анъаналармиз да — вомийлигини асраб келаётгани ибратлидир.

**Ислом Каримов. Азиз пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Халқ депу — татлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбат — дан ташқари сессиясидаги нутқи. 2005 йил 22 апрель.**

Ҳаммамиз яхши биламизки, бу дунёда ўздан ортириб би – ровга бегараз, беминнат ёрдам кўрсатиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатида устун қўйиб, хайрли ишлар қилиш, очиқ айтиш керак, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Минг шукрки, юртимизда халқимизга хос ана шундай азалий қадриятларни улуглаб, уларни давом эттириб келаётган инсонлар кўплаб топилади.

Бундай инсонларнинг қилаётган эзгу ва саховатли ишлари – ни эшитганда, «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган даъват минг – минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс – садо бераётганини кўрганда одам беихтиёр тўлқинланиб кетади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, «Янги шаҳар» маҳалласи оқсоқоли Рихсивой Орипов кўпчиликка бош – қош бўлиб, маҳаллани обод этиш, бу ерда болалар спорт майдончасини барпо этишга ҳомийлик қилган. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳумоюн» аҳалласи фуқаролар йиғини раиси Зик – рилла Эрматов ўз ҳисобидан 12,6 миллион сўм маблағ сарфлаб, минг туздан ортиқ кўчат экиб, 6 минг квадрат метрдан иборат хиёбон барпо этган, маҳалла чойхонасини ободонлаштиришга ҳисса қўшган.

Бундай бағрикенглик, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўпиласиз.

Жамиятимиздаги сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор тоштиришнинг муҳим воситаси бўлиши, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутуши ҳақида гапириш ортиқча.

Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозонаётгани бежиз эмас, албатта.

**Ислом Каримов. «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги маърузаси. 2006 йил 7 декабрь.**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги тахрири)

(Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан)

### **1-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни билан кафолатланган уларнинг ўз манфаатларидан ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

### **2-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа ҳужжатларидан иборат.*

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

### **3-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи**

Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

#### **4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти – нинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

демократизм;

ошкоралик;

ижтимоий адолат;

инсонпарварлик;

маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ечишда мустақиллик;  
жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

#### **5-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Респуб – ликасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирикларидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тутатиш, шу – нингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тутатиш, шу – нингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

#### **6-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт – шароит яратадилар, уларнинг ишларига ара – лашишга йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашадилар.

#### **7-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар

фуқароларининг йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегishли ҳудудда амалга оширади..

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олинishi керак.

### **8-модда. Фуқаролар йиғини**

Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегishли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар.

Фуқаролар йиғини органлари қуйидагилардан иборат:

Фуқаролар йиғини кенгаши;

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

Фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси;

Туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия (бундан буён матнда маъмурий комиссия деб юритилади).

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссиясини сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган ҳолда яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Комиссия таркибига кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

### **9-модда. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом**

Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаролар йиғини номи;

фуқаролар йиғини ҳудуди;  
фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;  
фуқаролар йиғинини чақириш тартиби;  
фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиси —  
рини, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор  
шахсларини сайлаш тартиби;

фуқаролар йиғини комиссияларини тузиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ва Раис мас —  
лаҳатчиларининг ваколатлари;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг мо —  
лиявий асоси;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органини қайта ташкил  
этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонун ҳужжатла —  
рига зид бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбеки —  
стон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тас —  
диқланади.

#### **10-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари**

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги  
маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ,  
овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда ша —  
ҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларнинг  
ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган ма —  
салани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги  
маҳалла фуқаролар йиғини:

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг масла —  
ҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўна —  
лишлари бўйича комиссияларининг раисларини ва аъзоларини  
сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эши —  
тади;

Фуқаролар йиғинини тафтиш комиссиясини ҳамда қонун  
ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни  
сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчи —  
лари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор тарки —  
бини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) таъдимномасига кўра

фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

қонулар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакилик органларига таклифлар киритади;

тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қиладилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қилади, унда фойдаланади ва уни тасарруф этади;

ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланиш жойлари таъмирлаш, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун

аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария – тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;

маъмурий – ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегара – ларини ўзгартиш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;

уй – жой мулкдорларининг ширкатларга мажбурий тўлов – ларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй – жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўлаб – қувватлаш мақсадаари учун қонун ҳужжат – ларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, мар – қазлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

## **11-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари**

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини: фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг мас – лаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўна – лишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эши – тади;

раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчиларини ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, ра – иснинг (оқсоқолининг) тақдимномасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

қонунларга риоя этилиши ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик на – зоратини амалга оширади;

пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини сайлайди, комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, йилнинг ҳар чора – гида унинг ҳисоботларини эшитади;

ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бо – лали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларни ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдалани – шини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

## **12-модда. Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари**

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари ора – лиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари,

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан ибрат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

фуқаролар йиғининг чақиради;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишینی мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирларни ўтказади;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда улар ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашади;

оммавий – сиёсий, маънавий – маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

хотин – қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий – ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора – тадбирларни кўради;

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора – тадбирларини куради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалларни кўриб чиқади;

Тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

Икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди;

Бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

Мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхона –



лар, саргарошхоналар, пойафзал таъмирлаш ва тикиш устахона – лари, халқ хунэрмандчилиги цехларини ва аҳолига майший хиз – мат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тутатиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор кей – инчалик фуқаролар йиғинида тасдиқланади;

аҳолининг уйларни, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзор – лаштириш ва ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлкалар, коммунал тар – моқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадларда ишла – тади, жамоатчилик ёрдами (ҳашарларни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади;

ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда фойдаланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказади;

деҳқон ва фермер хўжаликларни ривожлантиришга кўмак – лашади;

тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

савдо ва майший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмакла – шади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жум – ладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган – ларга кўмаклашади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмакла – шади;

ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳу – дудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жа – моатчилик назоратини амалга оширади;

уй – жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида туши – шига кўмаклашади;

фуқаролар уй – жойдан фойдаланиш харажатларини ва коммунал хизмат ҳақини банк муассасаси орқали ҳисоб – китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўр – сатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли уй – жой – коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тў – лашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй – жой – коммунал хиз – матлар ҳақини тўлашда ёрдам беришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек ободонлаштириш ишларини ўтказишга ишлатади;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этади;

аҳолини фуқаролик ҳимоясига доир тадбирларни ўтказишга жалб этади, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига чақириладиганликларидан ҳабар – дор этишни ва чақиришни ташкил қилишга кўмаклашади, шу – нингдек шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда уларнинг шахсий – бирламчи ҳисобини юритади;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштириш комиссияси тузади;

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбарини тайинлайди ва тузилмага аъзолар қабул қилади;

Фуқаролар йиғинининг ёшлар ўртасида ташкилий – тарбиявий ва оммавий – спорт ишларини олиб борувчи педагог тарбиячисини тайинлайди;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахс – ларни ижтимоий меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади;

илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фах – рийлардан, хотин – қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакиллари жумласидан комиссиялар тузади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши қонун ҳужжатларига муво – фиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 13-модда. Фуқаролар йиғини раиснинг (оқсоқолининг) ваколатлари

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

Фуқаролар йиғинини чақиради;

раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда таъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва jisмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди;

Фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади;

эгасиз мол – мулкни, шунингдек мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол – мулкни сақлаш чора – тадбирларини кўради;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади;

кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй – жой – маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади;

ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишини ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота – онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектор билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

яраштирув комиссиясида раислик қилади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатиши —нинг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг ол —дини олишга доир ишларни уюштиради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя эти —лиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

фуқароларни қабул қалади, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади;

фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида на —зарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколат —лари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган наму —надаги гувоҳномага эга бўлади.

#### **14—модда. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далолатно—маларининг рўйхатта олиши ва нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши**

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) фуқаролик ҳолати дало —латномаларини рўйхатта олишнинг кўйидаги турларини белги —лаш тартибда бажарилиши мумкин: туғилиш, ўлим, никоҳ ту —зиш ва никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш.

Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунга мувофиқ кўйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар:

васиятномаларни тасдиқлайдилар;

ишончномаларни тасдиқлайдилар, автотранспорт восита —ларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

мерос мол — мулкнинг қўриқланишига доир чора — тадбирлар кўрадилар;

ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кў —чирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайдилар, маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари билан бундан мустасно;

ҳужжатлардаги имзоянинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг райси (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **15-модда. Фуқаролар йиғинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари**

Тафтиш комиссияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молия – ҳўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Маъмурий комиссия маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасидаги ишларини кўриб чиқиш учун тузилади.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятини фуқаролар йиғини тасдиқлайдиган низомлар асосида амалга оширади.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия тўғрисидаги наъмунавий низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **16-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари мажбурийлиги**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёки суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

## **17-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича республика Кенгаши, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилади.

## **18-модда. Фуқаролар йиғинини чақириш тартиби**

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) йиғин кенгаши томонидан заруратта қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар ҳокими — нинг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳаудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроги ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳар бир йиғинда йиғин ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолда баённома юритилади. Фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарорини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқол) ва масъул котиб имзолайди. Раис (оқсоқол) йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомасини раиснинг маслаҳатчиларидан бири ва масъул котиб имзолайди.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакиллари йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқароларнинг намоёндалари вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

Фуқаролар вакиллари йиғилиши унда вакиллarning камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир ва бундай йиғилиш ушбу Қонунда фуқаролар йиғинларини ўтказиш

тартибига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ ўтказилади.

Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳу — дудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ва — киллари ўз фаолиятига доир масалалар бўйича маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

#### **19-модда. Фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби**

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратта қараб, лекин ойида камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

#### **20-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва раис маслаҳатчиларини сайлаш тартиби**

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳат — чилари 2,5 йил муддатта сайланадилар. Фуқаролар йиғинининг раиса (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишил — ган ҳолда, маслаҳатчилар эса — йиғин раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича сайланадилар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) раис маслаҳатчилари, агар улар йиғинда ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар. Агар тақдим этилган шахслар зарур миқдорда овоз ололмасалар, кўриб чиқиш учун бошқа шахслар тақдим этилади.

#### **21-модда. Фуқаролар йиғини раис (оқсоқолининг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш**

Раиснинг Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқолининг) ваколат — лари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган —

да.

## **22–модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) амалга оширади.

Раиснинг маслаҳатчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш фуқаролар йиғини раиснинг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича йиғин томондан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, унинг ҳодимлари сони йиғин томондан белгиланади. Йиғиннинг масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари йиғинни, кенгаш мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайдилар, йиғиннинг, кенгашнинг ва раиснинг (оқсоқолининг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайдилар, иш юритилишини амалга оширадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари фуқаролар йиғинининг маблағлари ҳисобидан ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ма – ҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиши мумкин.

## **23–модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий – маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек транспорт воситалари, ҳўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек қонун ҳужжатларга мувофиқ ушбу мол – мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

## **24–модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратила – диган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг



ихтиёрий ҳайр – эхсонларидан пунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил тошади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисоб варақда сайла – нади ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустақил фойдаланилади ва бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғининг кенгаши молиявий маблағлардан фой – даланганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради.

#### **25-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоби ва ҳисоботи**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжатларида кўрстилган тартибда маҳаллий статистика ва солиқ органларига ҳисобот тақдим этади.

#### **26-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг муурожаатларини кўриб чиқишнинг шартлиги**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг муурожаатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доира – сида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

#### **27-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий – ҳудудий бириклар, пунингдек маҳалла қўшилганда, бўлинганда, тугатилганда фуқаролар йиғинининг қарорига биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг

мансабдор шахслари ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишга доир фуқароларнинг ҳуқуқларини бузган давлат органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳара – катаари (қарорлари) устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

**29–модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган – лари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жа – вобгарлик.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белги – ланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.А.Каримов**

**Тошкент шаҳри  
1999 йил 14 апрель.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»

### 1. Умумий қондалар.

#### 1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ ва овул, ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

#### 3-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), жинси, irqий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг хар бир иштирокчиси бир овозга эга.

**4-модда. Фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи.**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек уларнинг ўз хоши — иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

**5-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишдаги ошкоралик.**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш яқунларидан воқиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганини ёритиб боради.

**6-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томони — дан икки ярим йил муддатга сайланади.

**7-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмакла — шишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт.

**II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**8-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари қонун ҳужжатларига муво — фиқ белгиланади.

**9-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш.**

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда ша — ҳарлар ҳудудда тегишinchа фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Респуб — ликаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи — нинг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўт —

казиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибига, қоида тарихасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат ногижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

## 10-модда. Комиссияларнинг ваколатлари

**Комиссиялар:**

ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича ту — шунтиришлар беради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифа — сига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргар — лик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқунларини чиқаради;

фуқароларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) тузилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади.

**12-модда. Ишчи гуруҳининг ваколатлари**

**Ишчи гуруҳи:**

Фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камидан беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

фуқаролар йиғини иштирокчиларини рўйхатта олинишни амалга оширади;

тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари

рининг тақрорий сайлови ўтказилишини ташкил этади;

фуқароларнинг фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масала – ларига доир муножаатларни кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат – ларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13–модда. Фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) чақириш**

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қонун ҳужжатла – рида белгиланган тартибда чақирилади ҳамда ўтказилади.

Фуқаролар вакиллари йиғилишига ховлар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг уму – мий йиғилиши қарори билан сайланадиган намоёндалар вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар муво – фиқлаштириш кенгаши белгилайди.

### **III. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАЙСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ВАЗИФАСИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ**

**14–модда. Фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш**

Фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайлов – дан қаида ўн кун олдин топширилади.

**15–модда. Фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар**

Фуқаролар йиғини райси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши, шунингдек ташкилот – чилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў – зътиборга эга бўлиши керак.



Суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

**16-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилаш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

**17-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар тақдим этиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

**IV. ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ҲАМДА НАТИЖАЛАРНИ АНИҚЛАШ**

**18-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлашда овоз бериш шакллари**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

**19-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича санақ комиссияси**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч кишидан иборат таркибда санақ комиссияси сайланади.

## 20-модда. Очиқ овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади.

## 21-модда. Яширин овоз беришни ўтказиш тартиби

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида фуқаролар йиғини иштирокчиларига саноқ комиссияси томони — дан овоз бериш бюллетенлари бериледи.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибига киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — ларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — ларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёхуд хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзига қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилияси — ни ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ ко — миссияси томонидан очилади.

## 22-модда. Овозларни санаб чиқиш

Овозлар саноқ комиссияси томонидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича овозлар санаб чиқилади.

## 23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси то — монидан баённома тузилади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсати — лади:

фуқаролар йиғини иштирокчиларининг умумий сони;  
овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини иштирокчила —

рининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетень олган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

#### **24-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш**

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхага сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

#### **25-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган**

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан кам иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан кам

иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчи — лари сайлови чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқуналарига таъсир қилган ҳолидабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**26-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайловида такрорий овоз бериш**

Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг масла — ҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз бериши ўт — казини тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш уш — бу Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ово — зини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

**27-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчисининг такрорий сайлови**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилаган бўл — са;

такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи — сининг такрорий сайлови ушбу қонуннинг талабларига риоя эт — ган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

**28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси ваколатлари муддатидан олдин тутатилган бўлса, тегишли

фуқаролар йиғинларида ушбу қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда янги сайлов ўтказилади.

## **V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**29–модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек маъмурий комиссияни сайлайди.

**30–модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари устидан шикоят қилиш**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**31–модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.Каримов**

**Тошкент шаҳри  
2004 йил 29 апрель.**

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Ўзини-Ўзи бошқариш**  
**фанидан**  
**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

## **Фан мазмуни.**

**Ўзбекистон Республикаси «Ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи» фанининг тушунчаси, предмети.**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» фанининг тушунчаси, предмети, миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг субъектлари. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг манбалари. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий нормалари, институти.

**Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг илмий фан сифатида тушунчаси ва предмети.**

Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг илмий фан сифатидаги тушунчаси, предмети ва вазифаси. Ўзини — ўзи бошқариш ҳуқуқи илмий фан системаси, манбалари, уни юридик фан тармоғидаги ўрни.

**Ўзини ўзи бошқаришнинг тарихий-назарий асослари.**

Ўзини ўзи бошқариш ҳақида асосий назарияси; Хорижий давлатларда ўзини — ўзи бошқариш, муниципал тизимнинг ри — вожланиши. Англо — саксон ёки умумий муниципал тизими; Континентал ёки Роман — герман муниципал тизими, аралаш муниципал тизими. 1985 йил 15 октябр «Маҳаллий ўзини — ўзи бошқариш Европа Хартияси». МДҲ давлатларида ўзини — ўзи бошқариш тизими, ҳуқуқий асослари.

**Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқаришнинг вужудга келиши, ривожланиш bosқичлари, йўналишлари, ўзига хос хусусиятлар.**

Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқаришнинг вужудга келиши, ривожланиш bosқичлари. Ўзини — ўзи бошқариш институтларини жорий қилишда Маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти. Ма — ҳалла — миллий демократик институти жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг бир қисми, қўйи бошқариш тизими. И.А.Каримовнинг Маҳалла ҳақидаги сиёсий ҳуқуқий қарашлари.

**Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси.**

Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқариш тушунчаси, унинг ўзига хос хусусияти. Хорижий давлатларнинг «Ўзини — ўзи бошқариш — муниципал» тушунчасидан фарқи. Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқарув Конституциявий тузумнинг бир асоси; Ўзини — ўзи

бошқаришнинг маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти; Ўзини — ўзи бошқариш — ҳалқ ҳокимиятининг муҳим шакли.

**Ўзбекистонда ўзини—ўзи бошқаришнинг асосий функциялари.**

Ўзини — ўзи бошқариш функциясининг тушунчаси. Маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишда аҳолининг иштирокини таъминлаш; Ўзини—ўзи бошқариш органларининг мулки ва молиявий асосларини бошқариш; ўзини — ўзи бошқариш органлари ҳудудларининг комплекс ривожланишини таъминлаш; аҳолининг ижтимоий — маданий коммунал — маиший ва кундалик ҳаёт учун муҳим бўлган бошқа эҳтиёжларини қондириш; жамоат тартибини сақлаш. Ўзини—ўзи бошқариш органлари вакили сифатида фуқароларни ўзини—ўзи бошқариш ҳуқуқи ва эркинликларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланганлигини ҳимоялаш.

**Ўзини—ўзи бошқариш ҳуқуқининг тамойиллари ва таркибий қисми (элементлари).**

Ўзини—ўзи бошқаришнинг асосий тамойиллари; демократизм, ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик, ўзаро ёрдам. Ўзини—ўзи бошқаришнинг давлат томонидан кафолати. Ўзини—ўзи бошқариш системасининг таркибий қисми; Ўзини—ўзи бошқариш бошқариш органларини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш, фуқаролар йиғини, ўзини — ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари; Ўзини—ўзи бошқариш органлари системасининг давлат органлари системасидан фарқи. Ўзбекистон Республикасида ўзини — ўзи бошқариш шакллари.

**Ўзини—ўзи бошқаришнинг асослари.**

Ўзини—ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, унинг тушунчаси, ўзига хос жиҳатлари, юридик табиати, вужудга келиш ва ривожланиш даврлари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунлар — ўзини—ўзи бошқариш органлари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарор ва фармойишлари ҳамда ҳукумат қарорлари ва фармойишлари ўзини ўзи бошқариш ҳақида; давлат ва хўжалик бошқарув ор—



ганларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари; маҳаллий, вакил — лик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари; фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ҳамда фуқаролар ўзини — ўзи бошқариш органларининг низомлари, шунингдек, ўзини — ўзи бошқариш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар.

**Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқаришнинг ҳудудий асослари.**

Ўзини — ўзи бошқаришнинг ҳудудий принципи асоси тушун — часи. Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органларининг ҳудудий принципи асосида ташкил қилиниши; ҳудудий принцилда ташкил қилинган ўзини — ўзи бошқариш органларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари. Ўзини — ўзи бошқариш ҳудудий бирликларини тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш тартиби. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби.

**Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқаришнинг ташкилий асослари.**

Ўзини — ўзи бошқариш органларининг ташкилий асослари тушунчаси; Ўзини — ўзи бошқариш мустақиллиги яъни давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмаслиги, ўз субъектига эгаллиги; маҳаллий шарт — шароитларнинг анъана ва қадриятларга асосланганлиги, фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органларининг ижроия ва вакиллик идораларига бўлиниши.

**Ўзбекистонда фуқароларни ўзини — ўзи бошқариш органлари.**

Фуқаролар йиғини, унинг ваколатлари; Фуқаролар йиғинининг кенгаши; Фуқароларнинг йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси; Фуқаролар йиғинининг маъмурий комиссияси, хусусияти, ваколатлари. Ўзини — ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш.

**Ўзини — ўзи бошқариш органларининг ваколатлари.**

Ўзини — ўзи бошқариш органларининг ваколатлари тушун — часи, уларнинг мазмуни ва мезонлари. Ўзини — ўзи бошқариш органлари ваколатларининг шакллари; Ўзини — ўзи бошқариш органларининг фаолият соҳасига кўра ваколатлари ва уларнинг

тавсифи. Ўзини — ўзи бошқариш ва ижтимоий назорат.

Ўзини — ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари, уларнинг ваколатлари. Ўзини — ўзи бошқариш органлари — фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) котиби, маслаҳатчилари, педагог тарбиячи, маҳалла посбони сардори ваколатлари. Ўзини — ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларининг қарорлари мажбурийлиги.

Ўзини—ўзи бошқариш органларининг молиявий—иқтисодий асослари. Ўзини—ўзи бошқариш органларининг молиявий — иқтисодий асосларининг тушунчаси ва мазмуни. Ўзини—ўзи бошқариш органларининг мулки, уларнинг таркиби, ҳуқуқий тартибга солиш, фойдаланиш ва бошқариш, мавжуд бўлган муаммолар. Ўзини—ўзи бошқаришнинг молиявий асосларининг тушунчаси, мазмуни, ҳолати молиялаштириш асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш масалалари.

Ўзбекистонда ўзини—ўзи бошқаришнинг кафолатлари. Ўзини—ўзи бошқаришнинг кафолатланишининг тушунчаси ва тизими. Фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш ҳуқуқининг кафолатлари; Ўзини—ўзи бошқаришнинг ташкилий мустақиллиги кафолати;

Ўзини—ўзи бошқариш органларининг молиявий — иқтисодий мустақиллигини таъминлаш кафолати; Ўзини—ўзи бошқариш органлари фаолиятининг Суд ва бошқа турдаги ҳуқуқий ҳимоялаш кафолати.

Ўзбекистонда ўзини—ўзи бошқариш органларини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш тартиби.

«Фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш органлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги қонун ўзини — ўзи бошқариш органларини ва унинг мансабдор шахсларини сайлаш ҳақида. Маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, сайлов олди ҳисоботлар, оқсоқоллар ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодларни танлашда кўп фикрлик, ошқоралик ва танлаб олишликни таъминлаш. Ўзини—ўзи бошқариш органларининг сайлов тизимини такомиллаштириш масалалари.



- АҚШ – Буюк Британия муниципал тизимларининг асосий ҳусусиятлари
- 2. Континентал ёки роман – герман тизими.
  - Франция, Италия, Белгия муниципал тизимлари ҳусусиятлари.
- 3. Аралаш муниципал тизим.
  - ГФР, Австрия, Япония муниципал тизимлари ҳусусиятлари.
- 4. МДҲ Давлатларидаги ўзини – ўзи бошқариш тизими.
  - 1) Қозоғистон Республикаси маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш тизими.
  - 2) Тожикистон ўзини – ўзи бошқариш тизими.
  - 3) Қирғизистон Республикаси ўзини – ўзи бошқариш тизими.
  - 4) Россия Федерацияси маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш муниципал тизими.

Ўзбекистонда ўзини – ўзи бошқаришнинг вужудга келиши, унинг ўзига хос ҳусусиятлари.

1. Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш бошқичлари.
2. Ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллатининг шаклланишидан то Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлангунга қадар маҳалланинг вужудга келиши ва ривожланиши.
3. Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланган даврдан то Ўзбекистон Мустақил давлат бўлган даврда маҳалланинг ҳолати.
4. Маҳалла мустақиллик йиллар даврида.
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни.
6. И.А.Каримовнинг ўзини ўзи бошқариш — маҳалла ҳақидаги сиёсий — ҳуқуқий қарашлари.

Ўзини – ўзи бошқариш ҳуқуқининг тамойиллари ва таркибий қисми (элементлари).

1. Ўзини – ўзи бошқариш асосий тамойилларининг тушунчаси.
2. Ўзини – ўзи бошқариш (принциплари) тамойиллари асоси – даги ривожланишнинг объектив қонуниятлари.
  - Демократизм тамойиллари.
  - Ўзини – ўзи бошқариш органлари фаолиятида ошкоралик принципи.
  - Ижтимоий адолат тамойили.
  - Инсонпарварлик тамойили.
  - Маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни мустақил тарзда

амалга ошириш тамойили.

- Жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам тамойили.
  - Ўзини — ўзи бошқаришни ташкил қилиш ва амалга оширишда қонунийлик тамойили.
  - Инсонларварлик ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш тамойили.
  - Ўзини — ўзи бошқаришни давлат томонидан кафолатлаш тамойили.
3. Ўзини—ўзи бошқариши системасининг таркибий қисми.
  4. Ўзини—ўзи бошқариш органларини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш.
  5. Фуқаролар йиғини, ўзини — ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари.
  6. Ўзбекистон Республикасида ўзини — ўзи бошқариш шакллари.

**Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий ва ҳудудий асослари.**

1. Ўзини—ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, унинг тушунчаси, ўзига хос жиҳатлари, юридик табиати.
2. Вужудга келиш ва ривожланиш даврлари.
3. Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари.
  - а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунлар—ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида.
  - б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари ҳамда ҳукумат қарорлари ва фармойишлари.
  - в) Ўзини—ўзи бошқариш ҳақида давлат ва хўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари.
  - г) Маҳаллий, вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари;
  - д) Фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ҳамда фуқаролар ўзини—ўзи бошқариш органларининг низомлари.
  - ж) Ўзини—ўзи бошқариш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар
4. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш органларининг ҳудудий принцип асосида ташкил қилиниши.
5. Ҳудудий принцида ташкил қилинган ўзини—ўзи бошқариш органларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари.
6. Ўзини—ўзи бошқариш ҳудудий бирликларини тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш тартиби.

Ўзбекистонда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари.

1. Фуқаролар йиғини, унинг ваколатлари.
2. Фуқаролар йиғинининг кенгаши.
3. Фуқароларнинг йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар.
4. Ўзини—ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш.
5. Ўзини—ўзи бошқариш органларининг ваколатлари тушун — часи, уларнинг мазмуни ва мезонлари.
6. Ўзини—ўзи бошқариш органлари ваколатларининг шакллари.
7. Ўзини—ўзи бошқариш органларининг фаолият соҳасига кўра ваколатлари ва уларнинг тавсифи.

Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқаришнинг тушунчаси ва унинг асосий функциялари.

1. Ўзбекистонда ўзини — ўзи бошқариш тушунчаси, ўзига хос хусусияти.
  2. Хорижий давлатларни «Ўзини ўзи бошқариш — муниципал» тушунчасидан фарқи.
  3. Ўзини —ўзи бошқариш функциясининг тушунчаси.
  4. Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий функциялари.
  5. Маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилишда аҳолининг иштирокини таъминлаш.
- Ўзини —ўзи бошқариш органларининг мулки ва молиявий асосларини бошқариш.
  - Ўзини—ўзи бошқариш органлари ҳудудларининг комплекс равишда ривожланишини таъминлаш.
  - Аҳолининг ижтимоий—маданий коммунал—маиший ва кун — далик ҳаёт учун муҳим бўлган бошқа эҳтиёжларни қондириш.
  - Жамоат тартибини сақлаш.
  - Ўзини ўзи бошқариш органлари вакили сифатида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ва эркинликларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунари билан кафолатланганлигини ҳимоялаш.

Ўзбекистонда ўзини—ўзи бошқаришнинг кафолатлари.

1. Ўзини—ўзи бошқаришнинг кафолатланишининг тушунчаси ва тизими.
2. Фуқароларнинг, ўзини—ўзи бошқариш ҳуқуқининг кафо —

- латлари.
3. Ўзини – ўзи бошқаришнинг ташкилий мустақиллиги кафо – лати.
  4. Ўзини – ўзи бошқариш органларининг молиявий – иқтисодий мустақиллигини таъминлаш кафолати.
  5. Ўзини – ўзи бошқариш органлари фаолиятининг Суд ва бошқа турдаги ҳуқуқий ҳимоялаш кафолати

**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи – ларини сайлаш тартиби.**

1. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи – ри сайловини ўтказишнинг асосий принциплари.
2. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи – ри сайловини ташкил этиш.
3. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи – ри вазифасига номзодлар кўрсатиш
4. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи – ри сайловида овоз бериш ҳамда натижаларни изоҳлаш.

**ТЕСТ  
САВОЛАРИ**



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Ўзини ўзи бошқариш—...

Қуйидаги берилган таърифлардан қайси бири нотўғри?

- A) Уни халқ ҳокимиятининг бир шакли;
- B) фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш усули;
- C) давлат бошқарувининг қуйи бўғини;
- D) жамият ва давлатни идора қилиш тизимидаги ташкилий ва функционал жиҳатдан алоҳида институт.

### 2. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари қанча муддатга сайланадилар?

- A) 1 йил;
- B) 2,5 йил;
- C) 5 йил;
- D) 7 йил.

### 3. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловни тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?

- A) 1993 йил 2 сентябр;
- B) 1998 йил 23 февраль;
- C) 1999 йил 14 апрель;
- D) 2004 йил 29 апрель.

### 4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни қачон қабул қилинган?

- A) 1993 йил 2 сентябр;
- B) 1998 йил 23 февраль;
- C) 1999 йил 14 апрель;
- D) 2004 йил 29 апрель.

### 5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш—...

A) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф—одатларлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

B) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек ривожланган хорижий мамлакатларнинг урф—одатларлар ва анъана—

ларидан келиб чиққан ҳолда жаҳоннинг аҳамиятга молик масалаларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятидир.

С) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни билан кафолатланадиган уларнинг давлат манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги давлат бошқарувидир.

Д) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни билан кафолатланадиган уларнинг давлат манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф – одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

## 6. Маҳалла – бу...

А) давлат бошқарувининг қуйи бўғини ҳисобланади;

В) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади;

С) фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир.

Д) фуқаролар йиғини ҳисобланади.

7. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра ким томонидан амалга оширилади.

А) Олий Мажлис палаталари ;

В) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

С) маҳаллий давлат ҳокимияти;

Д) Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш мумкин эмас.

8. ... – фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади

А) Маҳалла;

В) фуқаролар йиғини;

С) фуқаролар йиғини Кенгаши;

Д) фуқаролар йиғини маъмурий ва тафтиш комиссиялари.

9. Қуйидагилардан қайси бири фуқаролар йиғини органлари ҳисобланмайди?

А) Фуқаролар йиғини кенгаши;

В) Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари

бўйича комиссиялар;

С) Фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси;

Д) Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи — лари.

**10. Фуқаролар йиғинида қимлар қатнашадилар?**

А) шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар;

В) шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган қатнашадилар;

С) шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулда доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар;

Д) шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳар шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар;

**11. Фуқаролар йиғини маъмурий комиссияси таркибига кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг қанчаси уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади?**

А) учдан бир қисми

В) ярми

С) ярмидан кўпроғи

Д) учдан икки қисми

**12. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий Низом кем томонидан тасдиқланади?**

А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари;

В) Ўзбекистон Республикаси Президенти;

С) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Д) Маҳаллий давлат ҳокимияти

**13. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларининг раисларини ва аъзоларини ҳисоботларини қанча муддат оралиғида эшитади?**

А) йилнинг ҳар ойида;

В) йилнинг ҳар чорағида;

- C) йилнинг ҳар олти ойида;
- D) йилда бир мартаба;

**14. Фуқаролар йигинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йигинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун кимлардан иборат таркибда фуқаролар йигинининг кенгаши тузилади?**

- A) фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари ва йигиннинг масъул котиби;
- B) фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари;
- C) фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли), фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йигиннинг масъул котиби
- D) фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йигиннинг масъул котиби

**15. Фуқаролар йигинини ким чақиради?**

- A) фуқаролар йигини комиссиялари раислари;
- B) туман (шаҳар) ҳокими;
- C) Фуқаролар йигинининг кенгаши;
- D) Фуқаролар йигини раиси маслаҳатчиси.

**16. Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссиялари кимга ҳисобот берадилар?**

- A) фуқаролар йигинига;
- B) туман (шаҳар) ҳокимларига;
- C) фуқаролар йигини раисига;
- D) Фуқаролар йигини Кенгашига.

**17. Фуқароларнинг йигини фуқаролар йигинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг қанча қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади?**

- A) тўртдан бир
- B) учдан бир
- C) ярми
- D) ярмидан кўпроғи

**18. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принципларини кўрсатинг.**

A) демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

B) демократизм, ошкоралик, ижтимоий ҳимоя, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

C) демократизм, ошкоралик, ижтимоий ҳимоя, чегаралар дахлсизлиги, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

D) демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ечишда ўзидан юқори рағнадаги органларига бўйсуниб, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

**19. Ким томонидан «Маҳалла посбон» жамоатчилиги тузилмасининг раҳбарини тайинланади ва тузилмага аъзолар қабул қилинади?**

A) Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли);

B) Фуқаролар йиғини;

C) Фуқаролар йиғини Кенгаши;

D) ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори.

**20. Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори қандай овоз бериш йўли билан қабул қилинади**

A) ёпиқ

B) очиқ

C) электрон

D) фуқаролар йиғини кенгашининг қарори овозга ҳўйилмайди.

**21. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқолининг) ваколатлари қандай ҳолларда муддатидан илгари тугатилмайди?**

A) у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

B) фуқаролар йиғини кенгаши қарор қабул қилганда;

C) у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

D) унга нисбатан суднинг айблов ҳўкми қонуний кўчга кирганда.

**22. Қўйидагилардан қайси бири фуқаролар йиғинини қақирит ташаббуси ҳўқўқига эга эмас?**

A) ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳўдуудда доимий яшовчи

- фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан
- В) халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши;
  - С) туман, шаҳар ҳокими;
  - Д) туман, шаҳар суди раиси.

**23. Фуқаролар йиғининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида кимнинг олдида ҳисоб беради?**

- А) туман, шаҳар ҳокими
- В) фуқаролар йиғини
- С) фуқаролар йиғини раиси
- Д) фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси.

**24. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ низолар ким томонидан ҳал этилади.**

- А) суд
- В) туман, шаҳар ҳокими
- С) прокуратура органлари
- Д) ярашув комиссиялари

**25. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси нечта овозга эга?**

- А) бир
- В) йиғинга ҳудуддаги қанча фуқаро номидан вакил бўлса, шунга мос равишда;
- С) иккита
- Д) маълумотига мос равишда

**26. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нинг 32-моддасида фуқароларнинг ... ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.**

- А) жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- В) ижтимоий таъминотта бўлган;
- С) мулкдор бўлиш;
- Д) яшаш.

**27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маҳалла» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони қачон эълон қилинган?**

- А) 1992 йил 12 сентябр
- В) 1993 йил 2 сентябр
- С) 1998 йил 23 феврал
- Д) 1999 йил 19 апрел

28. Ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органларининг қайси бири таркибига киради?

- A) Қонун чиқарувчи
- B) Ижро этувчи
- C) Суд ҳокимияти
- D) Давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди.

29. Ўзини ўзи бошқариш органлари кўнгилли жамоат бирлашмаларидан фарқловчи қуйидаги таърифлардан қайси бири нотўғри?

A) агар жамоат бирлашмалари давлатнинг раҳбарий кўрсатмаси билан вужудга келадиган ёки тугатиладиган бўлса, ўзини ўзи бошқариш органлари умуман фуқароларнинг ҳоқиқатини билан мажбурий тарзда тузилади.

B) агар жамоат бирлашмалари субъектив манфаатларнинг умумийлиги асосида тузилса, ўзини ўзи бошқариш тузилмасининг бирлашувини одамларнинг бир жойда биргаликда яшашдан иборат объектив шарт – шароитни тақазо этади.

C) жамоат бирлашмаларининг фаолияти маҳаллий даража билан чекланмайди, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг фаолияти эса, аксинча, доимо маъмурий жиҳатдан ҳудудий birlikлар доираси билан чекланган бўлади.

D) агар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари фуқаролар томонидан, шунингдек тегишли ҳудудда жойлашган юридик (мансабдор) шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлса, жамоат бирлашмалари раҳбар органларининг қарорлари ўзига тобе бўлган шахслар томонидангина ижро этиш учун мажбурийдир.

30. Ўзини ўзи бошқаришнинг давлат ҳокимиятига хос бўлмаган белгиларини кўрсатинг.

A) ўз ҳудудида ҳокимиятни амалга оширадиган алоҳида ашпарати йўқ;

B) уларнинг фаолияти узлуксиз ва универсал тарзда давом этириб, бошқарувни муайян ҳудудда амалга оширади;

C) қонуларга ва норматив ҳужжатларга асосланган бўлади;

D) аҳолидан ихтиёрий йиғим тўплаш ҳақида қарор қабул қилади, ўз бюджетини шакллантиради.

31. Ўзини ўзи бошқариш органларининг нодавлат характери қандай жиҳатлари билан асосланади?

A) уларнинг тизимида қатъий табақалашув ва ўзаро бўйсун

ниш йўқлиги;

B) улар давлат номидан иш кўрмаслиги;

C) улар давлат ҳокимиятининг давомийлигини таъминлаган ҳолда, энг қуйи органлари ҳисобланади;

D) маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ўз ҳудудининг ривожланиш хусусиятларига асослашиб ҳал этиши уларнинг моддий – молиявий негизини ўзини ўзи бошқариш мулки ва бюджети ташкил қилиши;

32. «Авесто»да Оқсоқоллар Кенгашининг раиси – уруғ оқсоқоли нима деб номланган?

A) Въяха

B) Виспати

C) Зратуштроэма

D) Вис

33. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида савдо – ҳунармандчилик мавзеларини ифодаловчи арабий калима – «маҳалла» атамасини биринчи марта кимнинг қайси асарида учрагамиз?

A) Маҳмуд Қашғарийнинг «Девону Луғотит турк»

B) Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»

C) Наршахийнинг «Бухоро тарихи»

D) Фаробийнинг «фозил одамлар шаҳри»

34. маҳалла арабча «маҳаллун» сўздан олинган бўлиб, ... маъносини билдиради.

A) жой, макон

B) шаҳарнинг табиий шаклланган муайян бир қисми

C) шаҳарнинг гавжум қисмида истиқомат қилувчилар ҳудудий жамоаси

D) юқоридаги барча жавоблар тўғри.

35. Маҳаллага хос бўлган белгини аниқланг.

A) муайян маъмурий чегараси мавжуд;

B) ўз валютасига эга;

C) давлат бошқарувининг қуйи поғонаси;

D) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи.

36. Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органи бу –

A) Фуқаролар йиғини.

B) Фуқаролар йиғини кенгаши.

C) Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси.

D) Маъмурий комиссия.



**37. Қуйидагилардан қайси бири ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирлиги ҳисобланмайди?**

- A) Шаҳар
- B) Овул
- C) Маҳалла
- D) Қишлоқ

**38. Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тутатиш, шунингдек, унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш ким томонидан амалга оширилади?**

- A) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- B) Маҳалла фуқаролар йиғини
- C) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- D) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

**39. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида ...**

- A) Уларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт – шароитларни яратадилар.
- B) Фуқароларга ўзини-ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.
- C) Уларнинг ишига аралashiшга йўл қўймайдилар.
- D) Барча жавоблар тўғри.

**40. Фуқаролар йиғинида неча ёшга тўлган шахслар қатнашадилар?**

- A) 14 та
- B) 16 та
- C) 18 та
- D) 25 та

**41. Фуқаролар йиғини қанча муддат оралиғида фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитади?**

- A) Ҳар ойда.
- B) Йилнинг ҳар чорағида
- C) Йилнинг ҳар олти ойида.
- D) Ҳар йил якунида

**42. Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг қанча қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади?**

- A) Тўртдан бир қисми
- B) Учдан бир қисми
- C) Яримдан кўпроғи
- D) Бешдан уч қисми

43. Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунга мувофиқ амалга ошира олмайдиган ҳаракатларни кўрсатинг.

- A) Васиятномалар тасдиқлайдилар
- B) Автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномани тасдиқлайдилар.
- C) Мерос мол – мулкнинг қўриқланишига доир чоратadbирлар кўрадилар
- D) Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар.

44. Қандай ҳолларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш мумкин?

- A) У ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда
- B) Фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда
- C) У белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилаганда
- D) барча жавоблар тўғри.

45. Ўзбекистон Республикаси фуқаролар йиғинининг раиси ва маслаҳатчиларини сайлов қайси йиллари ўтказилган?

- A) 1994, 1998, 2002, 2004, 2006 йиллар
- B) 1995, 1998, 2002, 2004, 2006 йиллар
- C) 1994, 1995, 1999, 2004, 2006 йиллар
- D) 1996, 1998, 2000, 2003, 2005 йиллар

46. Маҳалла институтининг вужудга келиш тарихи ва уларнинг шаклланиши жараёнидаги биринчи босқични кўрсатинг.

- A) Инсовият яралганидан то ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллати шаклланишга қадар
- B) Ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллати шаклланиш давридан то Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлангунга қадар бўлган давр.
- C) Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланган даврдан то мустақилликкача бўлган давр.
- D) Мустақиллик йиллари.

**47. Маҳалла институтининг вужудга келиш тарихи ва уларнинг шаклланиш жараёнидаги иккинчи босқични кўрсатинг.**

- A) Инсоният яралганидан то ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллати шаклланишга қадар
- B) Ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллати шаклланиш давридан то Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланганга қадар бўлган давр.
- C) Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланган даврдан то мустақилликкача бўлган давр.
- D) Мустақиллик йиллари.

**48. Маҳалла институтининг вужудга келиш тарихи ва уларнинг шаклланиш жараёнидаги учинчи босқични кўрсатинг.**

- A) Инсоният яралганидан то ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллати шаклланишга қадар
- B) Ўзбек давлатчилиги, ўзбек миллати шаклланиш давридан то Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланганга қадар бўлган давр.
- C) Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айланган даврдан то мустақилликкача бўлган давр.
- D) Мустақиллик йиллари.

**49. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг Конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида ўз аксини тошган?**

- A) 2 – модда
- B) 56 – модда
- C) 105 – модда
- D) 117 – модда

**50. Ўзбекистон Республикасида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари қачон ташкил этилди?**

- A) 1992 йил 17 октябр
- B) 1998 й 23 апрел
- C) 1998 й 28 октябр
- D) 1999 й 15 март

**51. Ўзини-ўзи бошқаришнинг Европа Хартиясини қачон ва қаерда қабул қилинган?**

- A) 5 сентябр 1945 й. Берлинда
- B) 7 ноябр 1977 й. Варшавада
- C) 13 сентябр 1989 й. Брюсселда
- D) 15 октябр 1985 й. Страсбургда

52. **XXI аср маҳалласи концепцияси нимага қаратилган?**
- A) Давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш.
  - B) Жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кўтаришга.
  - C) Ривожланган ва ам алий аҳамиятга эга бўлган моделини яратиш.
  - D) Барча жавоблар тўғри.
53. **Фуқаролар йиғини органлари ва мансабдор шахсларини сайлаш қандай йўл билан амалга оширилади?**
- A) Умумий, Тенг
  - B) Тўғридан – тўғри
  - C) Яширин ёки очиқ овоз бериш.
  - D) Барча жавоблар тўғри.
54. **«Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қачон қабул қилинган?**
- A) 1992 й 12 сентябр.
  - B) 1992 й 8 октябр
  - C) 1992 й 17 ноябр
  - D) 1993 й 1 декабр
55. **Ўзбекистон Республикаси «Обод маҳалла йили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қачон қабул қилинган?**
- A) 1999 й 13 январ
  - B) 1999 й 14 апрел
  - C) 1998 й 28 октябр
  - D) 2003 й 7 феврал
56. **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кўлаб-қувватлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қачон қабул қилинган?**
- A) 1994 й 23 август
  - B) 1996 й 10 декабр
  - C) 1998 й 23 апрел
  - D) 1998 й 28 октябр
57. **«Наъмунали маҳалла» кўрик танлови қачондан бошлаб ўтказила бошланган?**
- A) 1992 й 12 сентябр
  - B) 1998 й 23 апрель

C) 1999 й 13 январь

D) 1999 й 30 март

58. Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари штатидаги ходимларга қандай манбадан маош тўланмоқда?

A) «Маҳалла» ҳайрия жамғармасидан

B) Ўзини – ўзи бошқариш органлари бюджетидан

C) Маҳаллий давлат ҳокимияти бюджетидан

D) Ҳомий ташкилотлар ҳисобидан

59. 1985 йил 15 октябрда Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг Европа Хартияси қандай мақсадда қабул қилинган?

A) Аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилиш

B) Демократик қадриятларни ҳимоя қилиш

C) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

D) Барча жавоблар тўғри.

60. Ўзбекистон Республикаси учун Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш Европа хартияси қандай аҳамиятга эга?

A) диспозитив

B) Императив

C) Коллизия

D) позитив

61. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларини ўзини-ўзи бошқариш йўли билан амалга оширишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида берилган?

A) 21 – модда

B) 29 – модда

C) 32 – модда

D) 43 – модда

62. Ўзбекистон Республикаси Конституция – фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ичида ўзининг қандай омили билан фарқ қилади?

A) Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқаришини халқ ҳокимиятининг амалга оширишнинг бир шакли сифатида тан олади

B) Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига

асосланган ҳолда фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларининг ривожланишига нормал шароит яратиб беради

С) Фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни амалга оширишда бевосита ва билвосита қатнашишни кафолатлайди

Д) барча жавоблар тўғри.

**63. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш соҳаларига қуйидаги гуруҳлардан қайси бири кирмайди?**

А) Ижтимоий ва сиёсий соҳасидаги ваколатлар

В) Маънавий – тарбиявий ва маданий соҳасидаги ваколатлар

С) Молиявий – иқтисодий соҳасидаги ваколатлар

Д) Мудофаа соҳасидаги ваколатлар

**64. Ўзини-ўзи бошқариш органлари – бизнинг келажагимиз. Бу органларнинг асосини қуришга киришган эканмиз, улар барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг пойдевори ҳар томонлама мукамаллаштириб бориш ҳар биримизнинг маъсулиятли ва муқаддас бурчимиз. Ушбу жумлаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қаерда ва қачон сўзлаган?**

А) 1998 й 1 май I – чақириқ 12 сессияда

В) 2001 й май, II – чақириқ 5 сессиясида

С) 1999 й 14 апрел, I – чақириқ 15 сессиясида

Д) 1998 й 25 декабр, I чақириқ 14 сессиясида

**65. Республика маҳалла оқсоқоллар кенгашининг умумий йиғини ҳар неча йилда бир марта чақирилади?**

А) 1 йилда

В) 2.5 йилда

С) 4 йилда

Д) 5 йилда

**66. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари мазмунига кўра қайси гуруҳга бўлинади?**

А) Мутлоқ ва нисбий

В) Бирламчи ва иккиламчи

С) Мажбурий ва ихтиёрий

Д) Субъектив ва объектив

67. Қайси ваколат тури ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларига кирмайди?
- A) Ижтимоий соҳадаги ваколатлар
  - B) Халқаро муносабатлар соҳасидаги ваколатлар
  - C) Сиёсий соҳадаги ваколатлар
  - D) Қонунийликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги ваколатлар
68. «Ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг қайси моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимига тегишли бўлган умумий принциплар мустахкамланган?
- A) 1 – модда
  - B) 2 – модда
  - C) 3 – модда
  - D) 4 – модда
69. Республикада қачон «Обод маҳалла йили» эълон қилинган?
- A) 2000 й
  - B) 2001 й
  - C) 2002 й
  - D) 2003 й
  - E) 2004 й
70. Фуқаролар йиғини Раиси (оқсоқоли)ни номзодларни кўрсатишда қимнинг тавсияси лозим бўлади?
- A) Туман ҳокимининг
  - B) Фуқаролар йиғини Кенгапининг
  - C) «Маҳалла» хайрия жамғармаси Раисининг
  - D) Вилоят ҳокимининг
71. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принципларини кўрсатинг.
- A) демократизм, ошқоралик ва тенг
  - B) яширин, тенг, тўғридан – тўғри, ошқора
  - C) Демократизм, яширин, тўғридан – тўғри
  - D) ошқоралик, тўғридан – тўғри, тенг
72. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига қимлар эга?
- A) Сайлов куни вояга етган ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар

- B) Чет эл фуқаролари
- C) Фуқаролиги бўлмаган шахслар
- D) фақат эркаклар

**73. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи қандай номланувчи гуруҳ ташкил этилади?**

- A) Маъмурий комиссия
- B) Фуқаролар йиғини кенгаши
- C) Комиссия
- D) тафтиш комиссия

**74. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қандай талаблар қўйилади?**

- A) қонда тариқасида олий маълумот
- B) Сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши,
- C) ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў – этиборга эга бўлиши.
- D) Барча жавоблар тўғри.

**75. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркибини белгилашда қандай асосга кўра амалга оширилади?**

- A) Тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан белгиланади
- B) Ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади
- C) Фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши томонидан белгиланади
- D) Ваколат муддати тугаган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг таклифига сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан белгиланади

**76. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодни ким тақдим этади?**

- A) Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)
- B) Тегишли туман, шаҳар ҳокими
- C) Фуқаролар йиғини кенгаши
- D) Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар



77. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ низолар қандай ҳал этилади?

- A) Суд томонидан
- B) Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан
- C) Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан
- D) Тегишли туман, шаҳар ҳокими томонидан

78. Фуқаролар йиғини кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланганлиги тўғрисида қанча муддат оралиғида ва қимга ҳисоб беради?

- A) Йилнинг ҳар ойида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га
- B) Йилнинг ҳар икки ярим ойида, тегишли туман, шаҳар ҳокимига
- C) Йилнинг ҳар чорагида, фуқаролар йиғинига
- D) Йилнинг ҳар олти ойида, фуқаролар йиғини тафтишком-миссиясига

79. Фуқаролар йиғини -

- A) Фуқаролар ўзини - ўзи бошқаришнинг юқори органи
- B) Аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга
- C) Фуқаролар ўзини - ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирлиги
- D) Барча жавоблар тўғри

80. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низом қим томонидан тасдиқланади?

- A) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- B) Ўзбекистон Республикаси Президенти
- C) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- D) Тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокими

81. Фуқаролар йиғини кенгаши қимда қанча муддат оралиғида ўтказилади?

- A) 1 ой
- B) 2 ой
- C) Йилнинг ҳар чорагида
- D) Ҳар олти ойда

82. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳалла-ларда ўзини-ўзи бошқаришга доир Конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳудудлари кафолатларига мувофиқ

**кимлар орқали амалга оширадилар?**

- A) Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари
- B) Фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши)
- C) Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)
- D) Фуқаролар йиғини кенгаши

**83. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орган юридик шахс сифатида қаерда рўйхатга олинади?**

- A) Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
- B) Вилоятлар, Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинади.
- C) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида
- D) Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» ҳайрия жамғармасида

**84. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини кўрсатинг.**

- A) шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши)
- B) Фуқаролар йиғини кенгаши
- C) Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар
- D) Фуқаролар йиғини тафтиш ва маъмурий комиссиялар

**85. Қуйидагилардан қайси бири фуқаролар йиғини кенгаши ваколатларига кирмайди?**

- A) Фуқаролар йиғинини чақиради
- B) Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг дево — нини шакллантиради
- C) Оммавий — сиёсий, маънавий — маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади
- D) Фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиларининг номзодини сайлаш учун тақдим этади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., Ўзбекистон 1996 йил 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан—озод ва обод ватан колсин. Т. 2. Т., Ўзбекистон 1996 йил 380 б.
3. Каримов И.А. Ваган саждавоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., Ўзбекистон 1996 йил 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т. 4 Т., Ўзбекистон 1996 йил 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби Т. 5. Т.: Ўзбекистон 1997 йил. 384 б.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7 Т, Ўзбекистон 1999 йил 413 б.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т. 8 Т., Ўзбекистон 2000 йил. 525 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. Т. 1999 йил 48 б.
9. Каримов И.А. Адолат қонун устиворлигида. Ўзбекистон овози 2001 йил, 30 август 106—107 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2001 йил. 7 декабр, 247 сон.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясидаги маърузаси Халқ сўзи. 2002 йил.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги маърузаси Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналиши Халқ сўзи 2002 йил 30 август.
13. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси—мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир 2002 йилда мамлакатни ижтимоий—иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи 18 февраль 2003 йил.
14. Каримов И. А. «Қонун ва адолат устиворлиги—эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир». Маърифат 2004 йил. 18—сентябрь.
15. Каримов И. А. «Эл—юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш—асосий мезон». Фарғона вилояти кенгаши сессиясидаги нутқ. 2004 йил. 16 октябрь. Халқ сўзи.

16. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демо – кратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ис – лоҳ этишдир. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сена – тининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2005 йил 29 январ.
17. И.А.Каримов Қўшма мажлисидаги вутқи. «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди». Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал.
18. И.А.Каримов. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йў – налишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тад – бирлари тўғрисида фармони. 2005 йил 14 июн. Халқ сўзи. 2005 йил 15 июн.
19. Ислом Каримов. «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижти – мой ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифа – миздир». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тавтанали маъросимдаги маърузаси. Т.: 2006 йил 7 декабрь.
20. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Халқ мероси, 1993 й. 224 б.
21. Ахмедов М.М. Ўзини ўзи бошқариш идоралари ва инсон манфаатлари. Т., Академия, Конституция ва инсон манфаат – лари (халқаро илмий – амалий анжуман материаллари) 1997 йил. 152–155 б.
22. Бойко Л.М. Правовой статус органов самоуправления граждан по новому законодательству Республики Узбекистан. Т., Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2000г, № 1, 19 — 25 б.
23. Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. Т, Академия, 1999 184 б.
24. Бойдадаев М. Потитико-правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республики Узбекистан. –Т.: Адолат, 1996 г. 174 б.
25. Ваҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари. Т.: 1995. 142 – 143 – б.
26. Градовский А.Д. Система местного самоуправления на западе Европы и в России. Собр. Соч. Т.9. Спб.: Б.И. 1904 г. 561 с.
27. Европейская Хартия о местном самоуправлении. Ведомости Моссовета. 1991 № 3 62ст.
28. ЖумаевР. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Т.

- Шарқ 1998 й. 144 б.
29. Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти; тажриба ва муаммолар. Т., Ўзбекистон 1994 й. 192 б.
  30. Жалилов Ш.И. Маҳалла янгилашни даврида Т., Меҳнат 1995 72 б.
  31. Жалилов Ш.И. Маҳалла: ўзини — ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. Т. 1 — босмаҳона, 1999 й. 320 б.
  32. Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан — кучли жамият сари; тажриба, таҳлил амалиёт Т., Ўзбекистон 2001 й. 192 б.
  33. Жалилов Ш.И. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. Тошкент. «Ўзбекистон». 2003 й. 203 б.
  34. Жалилов Ш.И. Ўзини ўзи бошқариш органларининг тарбиявий ишларини олиб бориш. (Мақтаб, лицей, коллежлар учун ўқув дастури ва маъруза матни). Тошкент 2003 й. 53 б.
  35. Жалилов Ш.И. Фуқаролик жамияти ва маҳалла. Ўқув услубий қўлланма. ЎЗМУ 2004 йил.
  36. Жалилов Ш.И. Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Ўқув услубий қўлланма. ЎЗМУ 2005 йил.
  37. Жалилов Ш.И. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови муҳим ижтимоий — сиёсий воқеалиқдир. Тошкент 2006 йил.
  38. Комилов К.К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар. Т., Академия (халқаро илмий—амалий анжуман материаллари). 1997 й. 149—151 б.
  39. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: Ўзбекистон. 2001 й. 368 б.
  40. Махмудбеков Ш. Маҳалла ёки ўзини—ўзи бошқариш органларини бугунги кундаги фаолиятининг асосий тамойиллари ва йўналишлари. Т., Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001 № 117—22 б.
  41. Миролимов Ш. Маҳалла меҳри. Т. Наврўз 1994 йил 95 — 96 б.
  42. Мухаммад ибн Жаъфар ан Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос. Т.: Камалак. 1991 й. 120 б.
  43. Малицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. Т., Ғ.Ғуломов номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 й 246.
  44. Маликова Г. Комментарий к закону Республики Узбекистан «О выборах председателя (аксакала) схода граждан и его советников». Ташкент 2006.
  45. Навоий. Мажолис — ун — нафоис. Т.13. Т.: Фан, 1997 й. 284 б.

46. Набиев Р. Маҳалла — ҳаёт кўзгуси. Т.: Ҷўитувчи. 2002 й. 96 б.
47. Очилов Ш. Ижтимоий ўзини — ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар. Т. Ўзбекистан 1990.
48. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти Т. Ҳуқуқ — Право — LAW, 2000 № 4 5 — 8 б.
49. Овчинников И.И. Местное самоуправление в системе народовластия. М.: Институт государства и права Российской академии наук. 1999 г. 330 с.
50. Овчинников И.И. Теоретико-правовые основы местного самоуправления в российской федерации: Автореф. Дис. Д-ра. юрид. наук. М.: 2000 г. 48 с.
51. Олламов Я.Й. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият тизими: ҳуқуқий ва назарий муаммолар: Автореф. дис. канд. юрид. Наук. Т.: 2001 й. 27 б.
52. Постовой Н.В. Местное самоуправление: история, теория, практика. М.: Мысль, 1995 г. 289 с.
53. Раҳмонов Р. Истиқлол ва маҳалла Т., Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2001 № 14—11 б.
54. Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини—ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаш гириш. Т. Демократлашти — риш ва инсон ҳуқуқлари, 2001 № 1 11 — 176.
55. Сиддиқов Р.Р. Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления. Т.: Университет, 1993 г.
56. Султанов С.А. Ўзбекистан: сиёсий ислохотлар ва демократик институтлар тараққиётининг асосий йўналишлари. Т. 2000.
57. Сувоиқулов М., Ниёзов А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақоми. Қонун ҳимоясида. 5(77), 2002 й. 13— 16 б.
58. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш. Т., Университет 1996 й. 173 б.
59. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш. Дарслик. Т.: Адолат. 2002 й. 194 б.
60. Таджиханов У.Т., Одилқориев Х.Т., Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи: юридик олий ўқув юрталари учун дарслик. Т.: Шарқ. 2001 й. 752 б.
61. Темур тузуклари. Т: Адабиёт ва санъат. 1993 й.
62. Хожиахмедов А. Маҳалла одоби. Т. Шарқ 2001 йил 48 б.
63. Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият Т. Шарқ 1996 й. 160— б.

64. Халилов Э.Х. Деятельность Олий Мажлиса по повышению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества Т, Общественные науки в Узбекистане. 1999 № 1-2 3-9 ст.
65. Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республики Узбекистан. Автореф. док. дис. Т.: 2004 г. 46 с.
66. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. юрид. фан док. дис. Т.: 1995 й. 50 б.
67. Шарифходжаев М., Г. Ахунова. Махалля как институт местного самоуправления. Т.: 2005 й.
68. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т, Адолат 1994 112 б.
69. Қирғизбоев М. Ўзини—ўзи бошқариш: асосий тушунчалар, хорижий тажрибалар ва амалиёт. Т.. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари 2001 № 1 30 — 376.
70. Қодиров Қ. Маҳалла тарбия маскани. Т. Хаёт ва қонуни 1999 № 8 19—21 б
71. Қурбонов О. XXI аср маҳалласи: муаммо ва ечимлар Т., Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2001 №1 24—28б.
72. Фуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Тошкент 2003 й.

### Норматив ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2003 йил.
2. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1997 йил 9 —сон 227 — модда.
3. «Фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2—сентябр қонуни. 1997 йил 25—апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 1999 йил 14—апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, янги таҳрирда 2003 йил қабул қилинган.
4. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги қонуни. 1997 йил 30 августда, 1998 йил 25 декабрда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил 9—сон 320—модда. Ўзбекистон Республикаси

публикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1997 йил 9 – сон 24 – модда. 1999 йил 1 – сон 20 – модда.

5. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 – декабр қонуни.
6. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси 1994 №5 140 – м.
7. «Референдум тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат—нотяжорат ташкилотлари тўғрисида» ги 1999 йил 14 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил 5 – сон 115 – модда.
9. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 № 5, 106 — модда.
10. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май қонуни.
11. «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябр Фармони.
12. «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 октябр Фармони.
13. «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 октябр № 480 — сонли қарори.
14. «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора — тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабр № 583 сонли қарори.
15. «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кўчайтиришга оид тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги фармони.
16. «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги № 434 — сонли қарори.
17. «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб – қувватлашни янада кўчайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси



- Президентининг 1996 йил 10 декабр фармони.
18. «Болали оилаларни қўллаб — қувватлашни кўчайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабр № 437 сонли қарори.
  19. «Фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органларини қўллаб — қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрел фармони.
  20. «Тўй — хашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, мархумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябр фармони.
  21. «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январ фармони.
  22. «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий — маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам курсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 апрел қонуни.
  23. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. Халқ сўзи. 5 — январь 2001 йил.
  24. Ўзбекистон Республикаси «Обод маҳалла йили тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 — феврал қарори.
  25. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар йиғини ва оқсоқоллар сайлови ҳақида»ги Қонуни 2004 йил 29 октябр.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ</b> _____	3
<b>КИРИШ</b> _____	6
<b>I БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИНИНГ СОҲАСИ СИФАТИДА</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи соҳасининг ривожланиш шарт-шароитлари _____	9
2-§. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тушунчаси ва предмети _____	13
3-§. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий нормалари ва институтлари _____	16
4-§. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқ тизимидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи _____	18
<b>II БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ ФАНИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш фанининг тушунчаси, предмети ва тизими _____	22
2-§. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фанининг манбалари _____	24
<b>III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш - Конституциявий тузумнинг асоси _____	27
2-§. Ўзини ўзи бошқариш - халқ ҳокимиятчилигининг шакли _____	29
3-§. Ўзини ўзи бошқариш ва давлат ҳокимияти _____	33
<b>IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ТАРИХИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1-§. Маҳалланинг жамоавий турмуш тарзи сифатида шаклланиши _____	38
2-§. Маҳалла мустамаккачилик ва мустабид тузум даврида _____	46
3-§. Маҳалла мустақиллик даврида _____	53
4-§. И.А.Каримовнинг маҳалла ҳақидаги фикр-мулоҳазалари _____	62
5-§. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқарув тараққиётининг асосий йўналишлари _____	72
<b>V БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, тизими ва назарий асослари _____	80
2-§. Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимининг хусусиятлари _____	88
3-§. Ўзини ўзи бошқарув қонунчилигида - маҳаллий ўзини ўзи _____	88

бошқариш Европа Хартияси _____	95
4-§. МДҲ давлатларида ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши _____	108
<b>VI БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари _____	114
2-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий асослари _____	127
3-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг таъкилий асослари _____	129
4-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий-иқтисодий асослари _____	134
<b>VII БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш принципи тушунчаси _____	137
2-§. Ўзини ўзи бошқариш асосий принциплари _____	138
<b>VIII БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш функциясининг тушунчаси _____	149
2-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий функциялари _____	150
<b>IX БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ТИЗИМИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси ва тизими _____	156
2-§. Фуқаролар йигини _____	160
3-§. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) _____	163
4-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг ижроия органлари _____	171
<b>X БОБ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ</b>	
1-§. Ўзини ўзи бошқариш ваколатлари тушунчаси _____	179
2-§. Ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни амалга ошириш борасидаги ваколатлари _____	181
3-§. Давлатнинг айрим ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш масалалари _____	187
<b>XI БОБ. ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ</b>	
	193
<b>ИЛОВАЛАР</b>	
1. И.А.Каримовнинг маҳалла ҳақидаги гоя, фикр-мулоҳазалари _____	207
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» _____	249
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» _____	267
4. «Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи» фанидан ўқув дастур _____	278
5. Тест саволлари _____	288
6. Адабиётлар _____	307

**Шухрат Жалилов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ҲУҚУҚИ**

**Ўқув қўлланма**

Босишга рухсат этилди 25.04.2007 Ҳажми 19,75 босма табох  
Бичими 60x84 1/16 Адали 500 нуска. Буюртма 187  
М.Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди